

К.Ҳасанбоева, В.А.Чурсина

@tarixchi\_kutubxononasiga

# ХОСТЮМ ГАРИХИ



Г.К. ҲАСАНБОЕВА, В.А. ЧУРСИНА

Utarixchi\_kutubxononasiga

# КОСТЮМ ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлиги тўқимачилик ва енгил саноат  
маҳсулотлари технологияси мутахассислиги  
учун дарслик сифатида тавсия этган

Китобда Оврупо ва Осиё халқлари костюмининг тасвиғи берилгани. Костюмнинг қадимий, илк ва кеч үрта асрлар ва замонавий турлари хакида маълумотлар келтирилган.

Дарслидан енгил саноат институтлари талабалари, магистрлар, аспирантлар, рассомлар, дизайнерлар ва бошқа санъат ходимлари фойдаланиши мумкин.

**Мухаррир Суръат АБДУКАРИМОВ**

**Ҳасанбоева Г.К., Чурсина В.А.**

X 31 Костюм тарихи: "Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси" мутахассислиги талабалари учун дарслик. — Т.: "Ўзбекистон", 2002. — 320 б.

Сарлавҳада: ЎзР Олий ва үрта маҳсус таълим вазирлиги. И. Охунбобов номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

1. Муаллифдош.

ISBN 5-640-02995-1

**ББК 63.6=73+85.128=73**

**№ 676-2001**

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат кутубхонаси

X **3002000000-09** 2002  
**M351(04)2001**

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 2002 й.

## МУКАДДИМА

**Костюм** — бу инсоннинг индивидуаллигини ёки ижтимоий гурухни ифодаловчи муайян образли бадий система.

Елка ва бел кийим, бош кийим, пойабзal, күшимчалар (аксессуарлар), безаклар, грим, соч турмаги, танани бўяш, унинг шаклини ўзгартириш — буларнинг барчаси биргаликда костюмни ташкил этади.

Либос эса кийим, уст-бош, одам эгнига киядиган буюмлардир.

**Кийим** — бу матодан қилинган, одам танасидаги қобик системаси булиб, энг аввало, танани ташки мухит шароитидан саклайди ва инсоннинг ўзига хос баъзи хусусиятларини намоён қилиб, эстетик функцияни бажаради.

Қадимдан ҳозиргача инсоният ўтмиши костюм тарихида ўз аксини топган.

Ҳар бир мамлакат, ҳар бир ҳалкнинг ривожланиш босқичлари одамларнинг кийимида ўзига хос хусусиятларда ифодаланган.

Костюм шакли пайдо булишига, унинг ўзгаришига, мукаммаллашиб боришига қўйидагилар сабаб булган: табиий омил — Коннот, Ер. ташки мухит, иклим, фасл ва б.; ижтимоий-иқтисодий омил — жамоанинг тузуми, ҳалкнинг тарихий такдири, этник гурӯҳи ва миллати, дин, турмуш тарзи, фан ва техника ривожланиши ва б.; инсоний омил — жинси, ёши, гавда тузилиши, психологияк тури.

Костюм ушбу сабабларга кура ўзомонидан бир неча вазифани бажаради: химоя, биостимуляция, эротик, ижтимоий, белги, эстетик ва б.

Хар қандай давр костюми санъат асари булган, чунки инсон үзининг эстетик дидига ва тасаввурига биноан бадиий образ яратган. Костюм давр ва услугга биноан үзгариб турувчи мураккаб санъат асаридир ва ўзига хос композицияга эга.

Костюм барча санъат турлари билан уйғунлашади, айникса, меъморчилик билан. Чунки меъморчилика ва костюмда ўзига хос тектоник тузилишлар ва конструктив аниқлик бор.

Костюм тарихини тадқиқот қилиш учун турли манбалардан фойдаланиш мумкин: давр ва халқ тарихи, тасвирий санъат асарлари, амалий санъат асарлари, адабиёт маълумотлари ва сакланиб қолган либос намуналари ҳамда мода журналларидан ва б.

Ушбу дарслик ёзилиши жараённада рус тилида нашр этилган кўпгина адабиётлардан фойдаланилди (адабиёт рўйхати келтирилган).

Дарслик қўлёзмасини ўқиб чиқиб, мухим фикр-мулоҳазалар таклиф этганлари учун устозларимиз М.Ш. Жабборовага, Г. Файзиевага, Ўзбекистон Республикаси тикувчилик саноати ассортимент ва модалар маркази жамоа корхонасининг бош мухандиси Х.Б. Ўрмоновага ҳамда санъатшунөслар С.А. Ҳўжаева, З.И. Раҳимова ва Ш.С. Фуломоваларга катта миннатдорчилик билдирамиз.

## ҚАДИМИЙ МИСР КОСТЮМИ

*М*илоддан аввалги тўртинчи минг йилликнинг охириларида Қадимий Миср йирик марказлашган қулдорлик мамлакати булиб, давлатни фиръавн бошқарган. Унинг хукмронлиги чексиз эди. Мисрликларнинг тасаввурнида фиръавн Худонинг ердаги сояси хисобланган. Кохинлар (дин рухонийлари) фиръавннинг чексиз хуқуқини химоя қилиб, ижтимоий тенгсизлик ва зулмга имкон яратишган.

Нил дарёси водийсининг табиий шароити Қадимий Миср хўжалигининг ривожига сабаб бўлган. Мисрликлар, асосан, дехқончилик, чорвачилик ва ҳар хил хунарманчилик (тўкувчилик, заргарлик, кулоллик) билан шурӯлланганлар. Мамлакат аҳолиси ҳар хил табақалардан, яъни қулдорлар, аслзодалар, шаҳарликлар, эркин дехқонлар ва қуллардан иборат эди.

Табиат кучларига сифиниш ва афсоналар Миср маданиятининг манбаси бўлган. Одамлар күёшга, ойга, ерга, сувга, хайвонларга (тимсоҳга, чиябурига, сигирга, калхатга, илонга, кўнғизга ва бошқаларга), ўсимликларга сифинишган. Дин мамлакат хаётининг барча томонларига таъсир этган. Жумладан, санъатда, одамларнинг эстетик тасаввурнида катта роль ўйнаган. Илоҳийлаштирилган нарсалар доимо маъно тимсоли бўлган. Мисол учун, мовий нилуфар — серхосилликни ва абадийликни билдирган, илон — салтанат белгиси бўлган.

Тасвирий санъат (деворий тасвиirlар) рамзий ва чизмали бўлган. Хусусан, одамлар тасвири ҳам чизма шакл-


да шартли ифодаланган. Деворий тасвиirlар ва хайкалларда уларнинг қомати, туриши, ишоралари қонунлаштирилган эди. Кадимий мисрликлар баланд бўйли, кенг елкали, бели ва бўксаси тор, озғин булишган. Аёллари эса хушрой, нафосатли, келишган, юзлари ва бодомсизмон кўзлари чиройли бўлган. Таникли шарқшунос олим Г. Эрбеснинг ёзишича, — “уларнинг томирига бир томчи хам чет элликлар кони кўшилмаган, одамларининг тана териси корачадан келган, соғлом юзлари кизил, кирра бурун, кенг пешонали, калдирғоч кошли, тим кора сочли бўлган. Билагузуклар билан безатилган кўл ва ёёклари гузаллик тимсоллари бўлган” (Г. Эрбес. Уарда. М., Мир, 1965).

Меъморчилик мисли кўрилмаган юксак даражага эришган эди. Миср эхромлари, ибодатхоналари, шахарлари хозирги замонгacha одамзодни хаяжонга солади, уларнинг кўп сирлари халигача очилмаган.

Адабиёт, мусика, ракс, тасвирий санъат ҳам юксак даражага эришган эди.

Эхромлардан топилган намуналар ёрдамида декоратив-амалий санъат буюмлари билан танишишимиз мумкин. Уларнинг барчаси юксак дид билан яратилган ва хозиргача инсонни хайратда колдиради.

Миср — зигирнинг ватани ҳисобланади. Нил дарёси водийсининг табиий шароитлари ушбу ўсимликни ўстиришга кулай бўлган. Миср тўкувчиларининг маҳорати мисли кўрилмаган даражага эришган эди. Ўша замон зигир тола матосининг ташки куриниши ва хусусиятлари тўғрисида хозиргача сақланиб қолган мато намуналари ёрдамида танишиш мумкин.  $1\text{cm}^2$  шундай газмолда 84 танда ва 60 аркок иплари ўтказилган; 240 м жуда ингичка ва ҳаттоқи кўзга куринмайдиган хом ипнинг вазни 1 г эди. Тўкувчи бундай ипни факат бармоклари билан сезарди. Мисрнинг зигир тола матосининг юпқалиги табиий ипак матолардан қолишмасди. 5 кават зигир тола газламадан тайёрланган кийим остидаги тана аник кури-



1-расм. Миср нақши.

нарди. Матонинг фактураси хам ҳар хил бўлган. Янги Подшохлик даврдаги тўрсимон, ялтирок мунчоқлар ва тилла кашталар билан безатилган газмоллар одамда унтилмас таассурот қолдиради.

Матоларнинг ранглари ранг-баранг бўлган. Ранг танлаш тасодифий бўлмаган. Зангори ранг — Нил дарёси (сув) ва осмоннинг; сарик ранг — кум ва ернинг; яшил ранг — ўсимликнинг; кизил — қуёшнинг тимсоли хисоб-

ланарди; кора ранг билан эса тасвирнинг чегараси чизиларди.

Нақшда, асосан, қуёш нурлари, геометрик шакллар (йўл-йўл, илон изи) ва стилизацияланган усмилклар ва хайвонлар тасвирланар эди (1-расм).

Миср нақшининг текислиги, осойишталиги, вазминлиги ўзига хос хусусиятларга эга эди.

## ҚАДИМИЙ ПОДШОҲЛИК КОСТЮМИ

(милоддан олдинги 2000—2400 да.)

Бу даврда, асосан, эркаклар факат бир кийим — пешбанд "схенти"ни кийганлар (2-расм). Улар шакли тўрт бурчак ёки трапециясимон бўлиб, ўлчамлари хар хил эди. Схенти белга ингичка чарм камар ёки тасма билан биритириларди. Схенти гавданинг орқасида бурмаланарди, олдида эса катор ритмик тахламалар килинарди. Схен-



2-расм. Дафн этиш маросими. Рамзес (XVII сулола) макбарасидаги деворий тасвир. Кулларда калта пешбандлар.




3-расм. Тутанхамон макбараси никоби.

тининг устидан ёки тананинг устига тўрт бурчакли пешбанд кийишган. Бойлар кийими зигир толали матодан, кулларники эса дағал теридан қилинарди. Факат фиръавн, вазирлар, коҳинлар ва бой ер эгаларининг кийимлари безатилар эди.



4-расм. Себек худо ва фиръавнинг макбараасидаги тасвир.  
Эркаклар костюми.

Фиръавнинг салтанат белгиси илон "урей" ва калхат билан безатилган тож эди. Унинг иккинчи бош кийими "плат" бўлган. У трапециясимон шаклли булиб, йулйул матодан тикилар эди, пешонасида эса тор тасма ёки металл чамбарак билан маҳкамланарди (3-расм).



5-расм. Мертсегер маъбудаси. Эгнида гавдасига ёпишиб турадиган калазирис.

Бўйинга тақиладиган юмалок маржон ёқа ердаги турмуш манбан — қуёш рамзини ифодаларди. Ёқа бир неча қават елимланган матодан тайёрланиб, тасвирлар билан



б-расм. Изида Рамзес ва унинг ўглини кабул килаяпти. Амен-хер Хопшевнинг (XX сулола) макбарасидан деворий тасвир. Малика-лар водийси, Фива. Янги Подшохлик фирмъянларининг сарой маросимлари учун кийим (эркаклар, аёллар ва болалар костюми).

безатиларди ёки тўрсимон тўкилиб, қимматбаҳо тошлар билан безатиларди (3-расм).

Чупон хассаси ва сунъий олтин соқол ибтидоий қабилалардан қолган рамзий белгидир. Соқолни тасма ёрдамида кўзойнакга ўхшатиб кулоққа маҳкамланарди. Фиръяннинг соколида ҳам “урей” қилинарди.

Мисрликлар соchlарини бутунлай олиб ташлаб, бошлирига ўсимлик толаларидан ёки жундан ясалган парик кийишарди. Бу париклар ҳам бош кийим ҳисобланиб, бошни иссиқдан сакларди. Парикнинг катта-кичиклиги ва унинг шакли шахснинг ижтимоий ҳолини ифодаларди. Йирик ер эгалари бир неча кокилдан иборат бўлган

парик кийишарди, майда ер эгалари ва куллар эса кичик парик кийишган (2-расм).

Коҳинларнинг кийими қимматбаҳо камар билан безатилган. Ибодат қилиш пайтида улар коплон терисини ёки калхат ва бошқа никобларни кийишган (4-расм).

Аёллар кийимининг шакли оддий бўлган. У иккита тўрт бурчак матодан тикилган кўйлак “калазирис” эди (5,6-расмлар). Калазирис кўкракнинг пастидан бошланниб, товонгача етарди ва битта ёки иккита кенг тасма ёрдамида елкада ушланарди. Бу кийимни барча аёллар, ҳаттоқи фиръавн оила аъзолари ва куллар хам кийишган. Ижтимоний фарқи факат матода бўлган: бойлар — юпқа газмолдан, куллар ва дехқонлар эса дағал матодан кийгандар.

Бу даврнинг охирида кийимлар шакли ўзгара бошлайди. Янги, мукаммалроқ схенти пайдо бўлди. Бурмалар ва плиссировка билан безашга интилиш бошланди. Кийимларнинг ранги қизил, зангори, яшил бўлган. Дурдгорлик ривож топиши билан сарик, жигар ранг ва феруза ранглар кирди.

Оёқ кийими қамишдан тўқилган шиппаклар эди.

## ЎРТА ПОДШОҲЛИК КОСТЮМИ (милоддан олдинги 2400—1700 й.)

Бу даврда вилоятларнинг бир-биридан ажралиб кетиши ўз-ўзи билан овора бўлиб қолган хаётга олиб келди ва шунга қарамасдан фиръавннинг хукуки бирмунча ошди.

Бу давр санъат ёдгорликларида схентининг устидан юпқа матодан килинган пешбандлар тасвирланган. Улар тўрт бурчак шаклли бўлиб, сал-пал бурмаланганди.

Аёлларнинг кийими эркакларникига үхшаш бўлиб, бурмалари хали бир хил, дидсиз килинганди.

Оддий аҳолида оддий схенти ва калазирис сақланиб колганди.

## ЯНГИ ПОДШОХЛИК КОСТЮМИ (милоддан аввалги 1580—1690 дд.)

Бу давр мисрликларнинг гиксосслардан озод бўлганлиги билан фарқланади. Кенг ташқи савдо ични бозорда янги номаълум хашаматли нарсаларнинг пайдо булишига ва санъатнинг ривожланишига сабаб бўлди.

Кийимда синфий фарқ олдингидан ҳам кўпроқ сезиларди. Аслзодалар ва қоҳинлар кийими матосининг юпкалиги билан, тилла ва сирланган безаклар, сербурмалар ва плиссировкалар билан фарқланиши билан бирга ҳарир бўлган ип ва зифир матолардан тикилганди. Хилма-хил рангларга бўялган матоларни сидонлик аёл куллар кашталаради.

Шу янгиликларнинг кириб келишига қарамасдан кийимнинг шакли ўзгариши жорий қилинган чегараларда содир бўлганди. Тор, танага ёпишиб турган кийимга интилиш, хаттоки, бурмаган кийимларда ҳам сезиларди. Шу сабабдан одамлар йўргакланганга үхаш бўлган ва уларнинг харакатлари ёдлангандек эди.

Бу вактда эркак ва аёллар кийимларининг бир-бирига үхашни кайд қилинганди. Эркакларнинг кийими плиссировка қилинган юбка ва ёпинчокдан иборат эди. Катта юмалок ёка — маржонни факт фиръавн ва унинг оила аъзолари кийибгина қолмай, балки, бой табакалар ҳам кийишганди. Маросим кийимларида қадимий



7-расм. "Уд чалувчи". Тутмос III  
мақбарасидаги тасвир.



8-расм. Себехотепнинг хизматкорлари. Себехотеп (XVII сулола)  
макбарасидаги деворий тасвир. Фива. Калта париклар, енгил оқ  
матодан туникалар, сон боғичлар.

кийим турлари: схенти, уч бурчакли пешбанд ва бошқа қоҳинлик анжомлари сакланиб қолганди (6,7-расмлар).

Камбағал аҳоли табакаларининг кийимлари оддийлигича қолди.

Аёлларнинг кийими эркакларнига ўхшаш бўлса ҳам, тор кўйлак калазирис сакланиб қолганди (7-расм).

Мисрликлар босиб олган Суриядан эркак ва аёлларнинг кийимига плашч — нарамник кирди. Бу икки букилган тўрри тўрт бурчак шаклли матодан тикилган ва боши учун кесим қилинган, ёни тикилган узун кийим эди (7, 8-расмлар).

Аскарлар чармли пешбанд ва кўкрак печ кийишганди.

Мисрликлар оёқ кийими жуда оддий бўлган. Бу чармёки қамишдан ишланган шиппак эди.

Уларнинг костюмларида ҳар хил безаклар бўлган: қўл ва оёқ билагузуклари, узуклар, марジョンлар, сирғалар, тилла ва сирдан ясалган тиллақошлар ва б. Камбағаллар эса чинни паста ва сирланган лойдан ясалган безакларни тақишиган.

Эркак ва аёлларнинг бош кийимлари жуда хилма-хил ва мураккаб бўлган. Уларнинг шакли ва безаги шахснинг ижтимоий холини ифодаларди.

Аёллар юзига пушти-қизил ёғулани сурған, қош ва киприкларини қорага бўяшган. Эркаклар эса киприкларини яшил рангга бўяр эдилар. Қул ва оёқ тирнокларини эса маҳсус ўсимлик (генна) билан қизғаш сарик рангга бўяр эдилар.

Мисрда пайдо бўлган бадний элементлар кейинчалик бошқа маданиятларга ҳам таъсир этиб, ривожланиб, Оврупо костюмига ҳам кирган ва ҳозирги замонгача сакланниб колган.

## ҚАДИМИЙ ЮНОН КОСТЮМИ

*Қ*адимий цивилизацияларнинг бадний меросида Юнонистон ва Рим усталарининг ижоди мухим ўрин эгаллади.

Юнонистоннинг ажойиб маданияти Болкон яриморлининг жанубида милоддан аввалги VII—I асрларда равнак топган. Унинг табиий шароити, илик дengiz иклими, серхосил водийлари ва тоғ яловлари, бой фойдали қазилмалари қадимий юонларнинг асосий турмуш тарзини ифодалайди.

Юнонистоннинг сиёсий тузилиши қадимий шарқ истибдодлардан кескин фарқланарди. Юнонистон кулдор мамлакат бўлса ҳам, унинг асоси демократия эди. Эркин ахоли тенг ҳукукларга эга эди. Барча мухим масалалар кенгаш ва овоз бериш ёрдамида ечиларди.

Кишлоқ ҳўжалиги, хунармандчилик ва савдо иктисаднинг асоси эди. Милоддан аввалги V асрда мамлакатда санъат равнак топган ва бу аср Юнонистон тарихида “олтин” аср деб аталади. Санъат асарларида кулдорлик демократиясининг ривожланиши, урф-одатлар, озод эл-

линларнинг қарашлари ва дидлари ёркин ифодаланган. Шу даврда Афинада қурилиш, шаҳар марказини тиклаш, янги ибодатхоналарни ва ижтимоий биноларни (мактаб, стадион ва б.) қурилиши жуда юксак даражага эришган. Бу вактда улур Фидий, Мирон, Поликлет ажойиб ҳайкаллар ва муҳташам бинолар бунёд этгандар; Софокл ва Европид трагедия ва шеърлар ёзган ва бошқа таникли ёзувчилар, олимлар, файласуфлар ижод этганди.

Бу даврда инсон баркамоллиги шухратланган. Мард ва ҳар томонлама баркамол, мукаммал одам сиймоси эстетик идеал бўлган. Куч, гўзаллик, спорт билан шуғулланиш натижасида гармонияга оид ривожланган тана чирой учун энг зарур намуна бўлган. Юнонлар инсондаги соғлик ва гўзалликни олдинги ўринга, бойликни эса, кейнги ўринга қўяр эдилар.

Юнонларнинг дини афсоналардан айрилмас эди. Улар тушунмаган нарсаларга одам киёфасини берган эдилар. "Худоларни ўзига қаратиш учун, уларга одам киёфасини бериш керак" деб ўйлашган. Юнонларнинг худоси идеаллашган мукаммал одамнинг сиймоси бўлган. Ҳайвонлар эса, санъатда инсонга бўйсунган ва табиат кучини ифодаловчи бўлиб афсоналарга кирган.

Ватанпарварлик, юкори онг, баркамол инсоннинг чексиз қобилиятига ишониш, бадний тилнинг оддиилиги ва ифодалилиги, шароитни туғри акс эттириш — антик маданиятнинг асосий хусусиятларидан бири эди.

Антик санъат Оврупо маданиятининг келажагида муҳим аҳамият касб этган.

Антик санъатдаги инсон гўзаллиги тўғрисидаги тасавурлар мужассамланиб, тарихда биринчи маротаба одамнинг танаси ва руҳи гўзаллик, эстетик идеалнинг асосига олинган. Поликлетнинг назарий асарида ўлчов бирлиги сифатида одамнинг бўйи олинган.

Юнон жамиятида аёлларнинг ҳуқуклари чекланганига қарамасдан, улар сиймолари санъатда соғлом, яхлит шахс ва ҳар томонлама баркамол ифодаланган эди. Ми-

сол учун, Афродита илоҳининг (Венера Милосская) ҳайкали ҳозиргача аёлларнинг гўзаллик тимсоли ҳисобланади.

Юнонларнинг турмуш тарзи ва эстетик тасаввурлари таъсирида костюмлари шаклланган. Кулай иклим, одам танасига эстетик қараш антик юон костюми шаклларининг уйғунылигини ва енгиллигини аниклаган эди.

Ўз кийимлари учун юонлар юмшоқ, тўкилиб турадиган, яхши бурмаланадиган матоларни қуллаган эдилар. Матоларни кўлда тўкув дастгоҳида ишлаб чиқарар эдилар. Тўкувчилик маҳорати юкори баҳоланаарди. Афсоналар бўйича барча Олимп илоҳлари ва бошка аъзолари машҳур тўқимачилар бўлишган ва ўзаро шу касбда мусобақалар ўтказишган.

Юон матоларининг тола таркиби жун ва зирир бўлган. Паҳтани улар биринчи маротаба Александр Македонский (Искандар Зулкарнайн)нинг ҳарбий юришларида Хиндистонда кўришганди.

Юнонларни костюмнинг, асосан, пластик томони қизиктиргани учун, улар кийимда сидирға матоларни қўллашган. Кўк, қизил, тўк қизил, яшил, сарик, жигарранг ва, асосан, оқ ранглар учрарди. Кул ва жигар ранглар мотам ранглари эди. Сидирға газмоллар кашталанган, аппликация қилинган ёки тасвиirlанган ҳошиялар билан безатилган. Юон нақшининг белги маъноси бўлмаган. Меъморчиликда ва амалий санъатда накш буюмнинг безаги бўлган. Нақшлар ўсимлик шаклларидан уйғунылик асосида ишланган. Иккинчи манба — геометрия бўлган. У гўзал, у санъат, ҳар қандай шаклнинг асоси деб хисобланган. Ўсимлик ва геометрик тасвиirlар, стилизациялашган тасвиirlарда меандр, крит тўлкини ва пальметталар энг кўп учраган.

Санъатнинг барча турлари каби юонликлар учун костюм яратиш ижод эди. Матонинг пластик хусусиятларидан гўзалликни яратиб, юонлар гўзаллик конунлари бўйича мато билан ишлаш маҳоратини ўрганишган.

Ҳар хил йұналишларда жойлашған, тана шаклини күрсатадиган ва харакатларга биноан узгарадиган бурмалар костюмнинг эстетик асоси бұлған зди. Юон костюмини яратиш учун газмолнинг шундай фактурасини танлаш керак зди, қайсики яхши тахланиб нақш ва безаклар билан үйренаудың "Одамнинг акли бөвар қилмайды, қандай килиб қадимий юон ва римліклар шундай гүзал, үзига хос гармоник драпировкаларни үйлаб топишишган" (С. Чуйков. Итальянские дневники. М., 1966, с. 67).



9-расм. Бұрта тасвир. Эркаклар хитон ва хламида, аёллар — хитон ва гиматийда.

Юнон костюмининг тузилиши асосида тұғнаб күйилган, маҳкамланган ёки гавдага үралғай газмол парчаси эди. Матонинг энига, узунлигига, маҳкамланган жойига, тахланиш усулига, букилиш, үраниш ва жойланишига караб костюмнинг ҳар хил турлари яратылған.

Эркаклар ва аёллар кийимининг асосий турлари күйлак

*“хитон” ва ёпинчок “гиматий” бұлған. Улар тұғри тұртбурчак шаклида зигир ёки жун матолардан килинганди.*

**Эркаклар костюми.** Эркаклар хитони (9-расм) күпинча бир парча матодан килинарди. Ін томонидан күли учун жой қолдириб тикиларди. Баъзан, хитоннинг ён томони очик қолдирилар ёки енг килинарди. Бундай хитон яхлит тұқиларди. Одатда, хитоннинг узунлиги тиззагача бұлған, узун хитонни эса кохинлар ва актёрлар турлы маросимларда кийишганди. Хитондан, одатда, уйда ёки ички кийим сифатда фойдаланишган.

Энг кенг тарқалған устки кийим ёпинчок “гиматий” (10-расм) тұғри тұртбурчак (1,7x4 м) жун матодан килинарди. Уннинг энг кенг тарқалған кийиш усули: сал драпировкаланған ёки тахламалар ҳосил килинганди, бир томони чап елкадан күкрак-



10-расм. Галикарнас макбараасындағы Мавсол ҳайкали. Хитон ва гиматий.

ка тушиб турган, иккинчи томонини эса орқадан ўнг кўли-  
нинг тагидан ўтказилиб, чиройли тахламалар билан жой-  
лаштирилар эди.

Кенгрок ва узунрок гиматийни “палиум” ёки “пал-  
ладиум” деб аталган ва уни драматурглар, нотиклар кийиш-  
ган. Бу кийим одамнинг ташки кўринишига улугворлик  
салобатини берар, драпировка гавданинг пластик эгилув-  
чанлигини таъкидларди. Драпировкаларнинг тўғри, айла-  
на ва эгри йўналишда жойланиши ва битта елкадаги  
марказга йигилиши тананинг харакатларига мувофик бў-  
либ, бу образнинг дина-  
миклигини таъкидлар эди.

Юноналарнинг устки ки-  
йими гиматийдан ташқари  
ёпинчоқ “хламида” (9-  
расм) хам бўлган. Уни са-  
ёхатчилар ва жангчилар  
кийишган. У хам тўғри  
тўртбурчак матодан кили-  
ниб, гиматийга нисбатан



11-расм. Бриаксис доираси.  
Деметра Книдская. Аёллар  
костюми.



12-расм. Чашма нимфаси.



13-расм. Поликлет. "Яраланган амазонка". Экзомида.

калтарок эди. Хламида елка-  
га ташланарди ва чап ёки унг  
елкага тұнғыч "фибула"  
билан махкамланарди. Эркін  
томонлари чиройлы фалда-  
лар найсимои бурма билан  
түкилиб турарди, бир қули  
очик қолдириларди. Одатда,  
хламидани босма мовутта  
ұшаган жун матодан тайёр-  
лашган.

Юнонлар, күпинча, бошя-  
ланг юришган, аммо саёхат-  
га кенг соябонли юмалоқ  
фетр шляпа кийишган.

Жангчиларнинг ички ки-  
йими калта хитон бұлган,  
унинг остидан металлдан  
пешбанд кийишган. Хитон-  
нинг устидан совут "кираса",  
бошга дубулға (шлем) кий-  
ишган. Болдирни "кнемидес"  
билан ҳимоя қилишган. Уст-  
ки кийими хламида бұлган.

Косиблар ва куллар, одат-  
да, енгсиз ёки калта енгли да-  
ғал жун матодан хитон кий-  
ишган. Куллар эса, унг томо-  
ни очик "экзомида" ёки  
ишлиған пайтда пешбанд кий-  
ишган.

**Аёллар кийими.** Юнон жамиятида аёлларнинг хукук-  
лари чекланганиң карамасдан, авлодлар тарбиялаган  
гүзәллик түйгүси, умумий маданият ривожи юнон аёли-  
нинг кийим бичимини аниклар эди. Кийим аёл қомати-  
нинг чиройини күрсатиши, түкилиб туриши лозим эди.

Инсоният тарихида юноналар биринчи бўлиб топган драпировкаларнинг жойланиши ва ритмикаси бадий бирлик конунига итоат этган.

Аёлларнинг кийимлари эркакларнига нисбатан хилмажил бўлган. Асосий кийими хисобланган хитон ва гиматийдан ташқари бошқалари хам бор эди (9, 11, 12, 13, 14-расмлар).

Хитоннинг бир неча тури бўлган: қайтармали (ёқасимон) хитон “диплодий”, кенг “ионик” ёки тор “дарик” хитонлар. Диплодий (15-расм) одамнинг бўйидан 60-70 см узунроқ тўғри тўртбурчакли матодан қилиниб, ён томонлари тикилмасди. Тепа томони эса қайтариларди ва елкаси тўғнағич “фибула” билан маҳкамланиб, драпировкаланаарди. Хитоннинг қайтармаси бошка рангли мато билан ёки кашта билан безатилиб, диплодийнинг эркин фалдалари ва драпировкалари билан уйғулашган.

Энг оддий хитон — дарик хитони эди. У бўй баравар бир парча матодан қилиниб, елкаси фибулалар билан маҳкамланараарди, ён томони эса очиқ тикилмасдан қоларди. Баъзан у иккита парча матодан, орка булаги узунроқ қилиниб, бошга ёпинчоқ сифатида ташланараарди (11-расм).

Спартан қизлари ўнг томони тикилмаган ва елкаси бириктирилмаган хитон “пеплос”ни кийишган. Одатда, Афина пеплосда тасвиранаарди.



14-расм. Афина Паллада.  
Хитон.



15-расм. Бұртма тасвир. Хитон ва гиматий.

Энг мураккаб, сер драпировкаланган гүзал аёллар кийими — ионик хитон бұлған. У икки парча кенг, узун, юмшок матодан қилиниб, елкаси күпгина фибулалар билан маҳкамланиб, сер драпировкаларни хосил этарди.

Хитонлар белидан, күкрагининг пастидан ёки бұксасидан белбөр билан борланарди, ортиқча узунлиги белбогнинг устидан тушириб күйилиб, "клопос"ни хосил этарди (9-расм). Баъзан хитонлар икки жойидан борланарди, айникса, ионик хитонлар турли усулда борланар эди (16-расм).

Аёлларнинг устки кийими хилма-хил драпировкаланган гиматий эди (15-расм). Аёллар гиматийи эркаклар-никига нисбатан кичикрок, аммо күриниши гүзалрок эди.

Аёлларга күчага хитон ва гиматийсиз чиқниш тақиқланганди, эркаклар эса гиматийни хитонсиз кийишарди.

Хунарманд ва савдогар табақага мансуб аёллар жун ёки зигир матодан сипо хитон ва гиматий кийишган, күчага чиқканларида гиматий билан бошларини ҳам ёпишган.

Куллар, одатда, уз миллий кийимини кийишарди.

Юнон аёллари ҳуснига гузал соч турмаклари (прическалы) янада ҳусн күшарди. Сочлари узун булиб, Гомернинг "тиллажингалак" сочлари энг чиройли ҳисобланарди. Сочни орқага турмаклаш усули "коримбос" классик усул, деб ҳисобланарди. Аёллар күпинча сочини тасмалар ва тўрлар билан безатишарди.

Аёлларда бош кийим асосан бўлмаган, улар намгарчиликда гиматийни бошга ташлаб юришган ёки думалоқ похолдан қилинганди шляпа "фолия"-ни кийишган.

Аёлларда кийимга кўшимча соябон ва баргсимон елпигич булган.

Оёқ кийимлари турли шаклли шиппаклар эди. Улар ёркин рангли чармдан қилиниб, олтин ва кумуш билан безатиларди.

Заргарликда Юнонистон юксак маҳоратга эришган. Сирғалар, маржонлар, камея ва инталиялар, узуклар, зан-



16-расм. Алкамен. Прокна ва Итис. Хитон.

жирлар, тиллақош "диадема"лар, билакузуклар олтин ва кумушдан ишланган ва қимматба тошлар қадалиб, үйма нақшлар билан безатилганди.

Юнон аёлини косметикасиз тасаввур қилиш мумкин эмасди. Улар бронза ойнага қараб юзларини қизилга, лабларини, кош ва киприкларини бўяшиб, атиrlар сепар эдилар. Атиrlари нозик флакон "лекиф"ларда сакланарди, бу идишлар хақиқий санъат асари бўлган.

Инсоният куп маротаба юонлар кийимига ухшаш кийим яратишга интилди, аммо қадимиј Юнонистонда узига хос шароитларда санъат асосида яратилган костюмларнинг пластик гўзаллиги фақат ўз даври шароитида камолотга эришиши мумкин. Лекин антик костюмнинг асосий бадиий элементлари — умумий пластик шакли, мутаносибликлари, драпировка ритмлари Оврупо маданиятининг бойлиги бўлди ва кейинги даврларда Оврупо костюмининг ривожланишига таъсир кўрсатди.

## ҚАДИМИЙ РИМ КОСТЮМИ

*К*адимиј Римнинг тарихи милоддан аввалги III асрда бошланиб, милоднинг V асида қулларнинг қўзғолони ва вахший қабилалар хужумидан кейин ниҳоясига етган эди. Рим мамлакати ҳарбий империя бўлган.

Римнинг тарихий тақдири унинг табиий шароитлари билан асосланган эди. Серхосил ерларнинг камлиги Рим жамиятининг ҳарбийлаштирилишига сабаб бўлди ва римликларни босқинчилик урушларига олиб келди. Яшаш учун кураш римликларни қийинчиликлар билан курашга чорлади, оғир турмуш шароити эса уларни жуда ишбилиармон одам қилди.

Рим жамиятининг аниқ синфий табақаланиши қадимиј римликларнинг костюмида ўз ифодасини топди. Бир томонда эркин аҳолининг мураккаб, ҳашаматли, ёркин ва

ранг-баранг кийимлари бўлса, иккинчи томонда эса, куллар ва камбағалларнинг оддий дағал ~~кайимлари~~ бўлган.

Лекин Рим жамиятида қулдорлар брасида ҳам тенгсизлик бор эди. Айниқса, синфий табакаланиш Рим империясида (I—V асрлар) кучайиб кетган эди. Ахолининг ҳар хил табақаларининг кийими уларнинг жамиятда эгаллаган ўрни билан боғлиқ эди. Баъзан, костюмда маҳсус белгилар учрар эди. Кийимда замон руҳидаги дабдабалик мисли кўрилмаган даражага етиб, маънавий маданиятни жуда паст даражага туширди.

Қадимий римликларнинг кийими республикачилик даврида яратилган. Жанговар жангчи ва басавлат аёллар уларнинг эстетик идеали бўлган. Мураккаб кийимлар гавдага савлат ва салобат баҳш этган.

Кийим тайёрлаш учун кўлланган матолар: жун, зигир ва шарқдан олиб келинган ҳарир шойилар бўлган. Костюмда ёркин ранглар кўлланар эди: қизил, бинафша, тўқ қизил (кирмизи) ва сарик. Ок ранг тантанали деб хисобланарди.

Четдан қараганда, римликларнинг костюми юононларнига ухшаш бўлиб, аммо бу ухшашлик фақат нисбий эди, чунки юононлар ва римликларнинг костюмлари драпировкаланарди. Аммо Римда одамнинг гўзаллиги тўғрисидаги тасаввур ва костюмнинг эстетик баҳоланиши Юонистонга нисбатан мутлақо бошқа эди. Римда гўзал одам танасига сиринишмас эди. Римда иклим совукрок бўлгани учун кийимлар ёпик бўлиб, иссиқ саклаши керак эди. Бундан ташқари, Римнинг олий табакалари юононларга нисбатан бошқача бўлган. Улар ишламаган ва шунинг учун уларда тананинг машқ қилишига эҳтиёж йўқ эди. Римликларнинг костюми, ҳарбий костюмдан ташқари, тез харакат қилишга имконият бермас эди. Умуман, секин юриш, костюмдаги бенуқсонлик ва сунъий харакатлар назокатнинг чўккиси деб хисобланганди.

**Эркаклар костюми.** Римликлар костюмининг асоси ички кийим “туника” ва устки кийим “тога” бўлган.



17-расм. Дельф аравакаши.

Уларнинг кўриниши юноналар кийимига ўхшаш эди, аммо бичими ва моҳияти билан фаркландарди.

Туника — түри шаклли, енгли, бичилган ички кийим булган (17-расм). Унинг асосий турлари “коломбиум”, “таларис” ва “далматика” булган.

“Коломбиум” — узунлиги болдиргача булган, кенг эмас, калта енгли туника. “Таларис” — бойларнинг узун енгли туникаси. “Далматика” — узунроқ, кенг енгли, ёйилиб турганда хоч (крест)га ўшаган кийим. Шунинг учун далматикани насроний кийишган (римликлар аввал бутпараст эдилар, I асрдан бошлаб насронийликни кабул килишган).

Голиб саркардалар кийишган кирмизи рангли туника энг башанг кийим эди. Уни пальметталар билан кашталанган кирмизи матодан тикишарди. Сенаторнинг туникаси вертикал қизил чизик билан безатиларди ва шу билан у фаркландарди.

Салқин пайтларда римликлар бараварига бир неча туника кийишарди. Мисол учун, император Август бирданига тўртта туника кийганди.

Туникада, у ички кийим булгани учун, кучада юриш мумкин эмас эди.

Римнинг рамзий устки кийими "тога" булган. Уни факат эркин рим фукаролари кийиши мумкин эди. Чет элликлар ва қулларга тогани кийиш манъ этилганди.

Тога катта түғри тұртбурчак ( $6\times1,8$  м) ёки эллипсси-мон жун мато парчасидан қилинарди. Тоганинг мураккаб драпировкаларини ҳосил қилиш жуда кийин эди, шунинг учун бу ишни қуллар бажаарарди.

Кирмизи ранг салтанат рамзи булган. Кирмизи рангли тогани факат император кийиши мумкин эди. Кирмизи чизикли "тога претекста"ни магистрат, цензор, претор, квестор ва қохинлар кийиши мумкин эди. Сакланиб қолган қадимий одатга биноан, тога протекстани 17 ёшгача булган үріл болалар кийишарди. 17 ёшга тұлған кундан бошлаб улар оқ тогани кияр әдилар, бу балоратга етгандык рамзи эди.

Тогадан ташкари "лацерна" тантанали плашч, деб хисобланарди. Лацернанинг узунлиги тиззагача булиб, унга күлланған матолар жуда қимматбаҳо, яъни тилла ва кумуш билан тұқылған эди. Одатда, уни орқага ташлаб, икки елкани ёпишар ва икки учини бўйнининг олдида маҳсус тўқа "фибула" билан биритириб кўйишарди. Кейинчалик лацерна ўзгара бошлади ва оддий матодан қилинган оқ тоганинг устидан киядиган плашч булиб колди.

Рим императори ва юқори лавозимли шахслар, одатда, "полудаментум" — ўртача ҳажмли, узунлиги тиззадан сал пастроқ плашч кийишган. Полудаментумни орқага ва чап елкага ташлаб, ўнг елкада фибула билан қистириб қўйишган. Баъзан, уни шарсимон тахлаб, чап елкага ташлар әдилар ва уни бир неча маротаба чап қўлга ўршарди.

Жангчилар катта бўлмаган жун мато парчасидан қилинган плашч "сагум"ни кийишарди. Камбағаллар ва кишлокликлар дағал жундан плашч "ленула"ни кийишган. Унинг шакли ярим доира ёки доира эди, бош учун

кесим килиб, капюшон тикиб құяр эділар. Бирок, купинча кимматбаҳо матодан қилинган пенулани римлик олифталар хам кийишган.

Римликлар иштон кийишмаган. Бирок шымолда улар бу кийим турини күчманчи қабилалардан олишган. Ш асрдан бошлаб күп римликларнинг гардеробига иштон кирган эди, айникса ҳарбийларда.

Эркин римликларнинг оёқ кийими шиппак ва ним-этик бұлған. Улар тога билан кийилиши шарт эди. Шиппаклар тасма ёрдамида оёққа махкамланарди. Улар ранг-баранг өткізбектерден тайёрланиб, кумуш ва олтин тұқалар билан безатыларди. Камбағаллар ва қуллар оддий ёғочдан тайёрланған бошмоқни кийишган.

Римликларнинг прическалари хар хил эди. Сочлари жингалак ёки силлик бұлған. Одатда, улар соколларини кириб ташлар эдилар, аммо кичкина жингалак қилинган сокол хам күйишган.

Костюмга күшимча безаклар: узуклар, тұқалар, юмалок "булла"лар ва гуллар, япроқдан гулчамбарлар та-кишган, ҳарбий саркардалар олтиндан ясалған гулчамбарлар билан ясанишган.

**Аёллар кийими.** Римда аёлларнинг үрни юонон аёлларига нисбатан бошқача бұлған. Улар катта юридик хуқуқларга эга булиб, иззат-хурмат қилинарди. Аммо Юнонистон ва Римнинг ижтимоий түзумининг үхашашлиги ва юонон маданиятининг таъсири натижасыда қадимий юонон ва рим аёлларининг қиёфасыда үхашашлик бор эди.

Қадимий рим аёллари кийимининг бадий томони шаклни драпировка ёрдамида яратышга асосланған, аммо римликлар кийимининг драпировкасы юононларниң киёфасыда үхашаш пластик бұлмаган.

Аёллар кийими туника, "стола" ва "палла"дан иборат эди (18-расм).

Олдинги безак элементлари кийимда күп жой әгалласmas эди. У вактда кийим тор ва түгри шаклли туникадан



18-расм. Рим хайкалларидан нусхалар.  
Аёллар костюми: стOLA ва палла.

иборат эди. Туникага тикилган юмшок чарм тасма күкракни ушлаб турад эди.

Туниканинг устидан кенгрок, узун, хитонсимон “стола”ни кийишарди. Агар туника енгли бўлса, стола енгсиз эди ва аксинча. Столани белбог билан боғлашарди, ортиқча узунликдан “буф” хосил килишарди. Кўпинча столани иккита белбог билан боғлашарди: одатда, бирининг устига иккинчисини кўндаланг қўйиб маҳкамланарди. Туника ва столага кўлланган матолар хар хил эди: калинрори ички кийимга, юпка ва қимматбаҳоси — устки кийимга. Столанинг этаги кенг қўйма бурма “инстиста” билан безатиларди.

Аёлларнинг устки кийими юононларнинг гиматийига ушаган ёпинчок “палла” бўлган. Уни турли усулда кийишган. Плашч палла гавданинг атрофида айлана драпировка килинарди. Уйдан чикканда рим аёллари бошлирини ва юзларини тўр билан беркитишарди.

Ёш кизлар палланинг ўрнига калта, тиззадан юкорида бўлган "туника интериор"ни кийишган. Балоғатга етганда ва тўй кунидаги улар тор, узун, белборсиз "туника текста"ни кийишган.

Империя даврида бойликка интилиш аёлларнинг кийимида ҳам ўз таъсирини курсатди. Хилма-хил рангларга бўялган юпқа матолар пайдо бўлган. Айниқса, юнон ва оссурини ипаклари бошқа шойи газмоллардан афзалрок ҳисобланган. Шойи матоларга қизикиш шунчалик зур эдикни, хаттохи 1 қадоқ шойининг нархи 1 қадоқ олтинга тенг эди.

III—IV асрларда аста-секин драпировка йўқолади. Кимматбаҳо, оғир, йирик нақшли матолар косс ва оссурини матоларининг ўрнига келади. Кийим оғир, шакли ясси ва тананинг гўзаллигини курсатмайдиган бўлди. Пластик столанинг ўрнини узун, тор, кенг енгли, қалин газмолдан қилинган "далматика" эгаллади.

Рим камбагал аҳоли дағал матодан қилинган туника ва палла кийишарди. Кўчага чиққандаги улар бошларига паллани үраб юришарди.

Бой аёллар кашта ва металл тўқа билан безатилган юмшоқ бошмоқни кийишган. Уларни қизил, оқ, тўқ сарик (зафарон) чармдан қилишарди.

Рим патрицианкаларининг соч турмаклари хилма-хил ва мураккаб бўлган. Улар соchlарини тўғри фарқ очиб, силлиқ тарашар, баъзан узун кокиллар ёки юнонларни кига ухшаш прিচескалар қилишарди. Лекин каркасада маҳкамланган кокиллардан қилинган баланд прিচескалар, дарҳақиқат, рим аёллариники бўлганди. Агар ўзининг сочи етмаса, сунъий соchlарни қўллашарди.

Патрицианкалар ўз кийимини олтин, марварид ва кимматбаҳо тошлардан ясалган заргар буюмлари билан бе затар эдилар.

Кийимга қўшимча қилиб патдан ясалган еллиғич олиб юришарди.

Рим матроналари сухбат пайтида, кўпинча, кўлида қахрабо (янтарь) сокка ушлаб турар эдилар.

Аёллар кўп микдорда ҳар хил косметик воситаларни ишлатар эдилар: хидли ёғлар, сиркалар, упа ва бошқалар.

Рим империяси барбод бўлгандан кейин (476 й.) антик қулдорлик дунёси ҳам йўқолди. Қадимий дунё тарихининг сўнгги босқичи якунланди. Лекин уларнинг яратган маданий мероси жаҳон тарихида муҳим ўрин эгаллайди.

## ЎРТА АСР ОВРУПО КОСТЮМИ

*Қ*адимий Римнинг 476 йилда фожиали ҳалокатга учраши билан унинг техник ва бадний маданияти узок муддатга эсдан чиқди. Қулдорлик тузуми ва антик цивилизация вайрон бўлган эди. Шундан сўнг бир неча асрлар давомида Оврупо минтақасида баркарор курдатли мамлакатлар фаолият кўрсатмаган ёки пайдо бўлиши билан яна барбод бўлган. Нихоят, Оврупода биринчи мустаҳкам мамлакат — франклар давлати — IX асрнинг охирида пайдо бўлган эди.

Ўрта аср Оврупо мамлакатлари янги феодал ижтимоий-иктисодий муносабатлар асосида курилиб, жамият асосий кучлари — феодаллар ва уларнинг қарамоғидаги дехқонлардан иборат бўлган.

IX асрда Оврупо халклари насронийликни қабул килишгач, черков одамлар ҳаётида муҳим роль ўйнай бошлади. Монастирларда кишлоп хўжалиги, хунармандчилик ва ҳар хил санъат турлари: миниатюра санъати, китобларни кўчириб ёзиш, заргарлик каби соҳалар ривожлантирилди.

Х асрга келиб Оврупо мамлакатларида феодализмнинг шакланиш жараёни тугади. Бу ерда жамият маданияти тарихи икки асосий даврдан иборат: ilk ўрта асрлар (IX—XII) ва кеч ўрта асрлар (XIII—XV)га бўлинади.

Жамиятда диннинг роли кучли булгани натижасида дин таъсирида янги эстетик ғоя пайдо булганди. Бунга кура одамлар дунё лаззатларидан возжечиб яшаганлар. Ибодатхоналарнинг фрескаларида номутаносиб, азобукубат чеккан, жинсиз одамлар тасвирланганди.

Илк насронийлик санъатида кенг тарқалган Биби Марям сиймоси аёлларнинг гузаллик идеали булган Аммо урта аср эстетик тасаввурининг пайдо булишида факат дин асос бўлмади. Унда халқ ва рицарлик идеаллари ҳам муҳим роль ўйнади. "Роланд тўғрисида күшик", "Нибелунглар тўғрисида күшик", шунингдек, "Трубадурлар" поэзиясида булар ўз ифодасини топган. Рицарнинг кучи, жасорати, мардлиги, ўз ватанининг ҳимоячиси эканлиги унинг ташки кўринишида акс этган. Улар кучли, эпчил, чидамли, жасур, иродали, кенг елкали жангчилар сифатида тасвирланган.

Оврупо жамияти эстетик карашида биринчи марта жасоратли эркак гўзаллиги аёллар гўзаллигини ифодалайдиган назокатга қарама-карши кўйилган.

XI—XII аср шоирлари маълумотлари бўйича, аёллар жингалак тилла сочли, гулгун чехрали, эндиғина узилган шафтоли каби лабли булиши керак эди. Уларнинг гўзаллиги, раҳмдиллиги, вафодорлиги рицарлар мусобакаларида тараннум килинар эди. Нозикликнинг, нимжонликнинг, нағисликнинг рамзи булган атиргул тимсоли кенг тарқалганди. Атиргуллар билан овқатланадиган столни безатар эдилар, гул барглари вино косаларига солинарди. Айнан, шу шафқатсиз, зулмат босган даврда "гўзал аёлга" сифиниш пайдо бўлганди ва бу келажак авлодларнинг аёлга бўлган муносабатига катта таъсир этди.

Илк ўрта аср давр санъатида Роман бадиий услуби вужудга келган эди. Бу услубда диний-феодал мафкура хукмрон эди. Унинг асосий хусусиятлари дабдабалилик, улуғворлик бўлиб, қурилишлар оғир ва салобатли, иншоотларнинг деворлари қалин, эшик ва ярим доира шаклидаги деразалари тор қилинганди. Қурилиш материали

маҳаллий рангли гранит тоши бүлган. Роман услубидаги биноларнинг ички куриниши зулмат босган меъморчиликка мос эди. Бу түк ранглар, гумбазсимон шифтлар, тери билан қопланган терракота рангли поллар, ёғочдан ясалган панеллар, хонани ёритиш ва иситиш учун каминлар, деворга темир ҳалка ёрдамида маҳкамланиб, ёниб турган машъаллар эди.

Рицарларнинг салб юришидан кейин савдо-сотик, хунармандчилик ривожланди, шахарлар ўса бошлади; шаҳар маданияти ривожланди. Дорилфунунлар очилди. Шаҳарларнинг марказий майдонларида хашаматли бутхоналар, шаҳар идора маркази “ратушалар” курилган. Санъатда Готик услуби юзага келди.

Готик услуби Роман услубининг асосида пайдо бўлса ҳам, ундан анча фарқланарди. Бу услубда меъморчилик ва инжомлар қатори костюмларда ҳам енгил, нафис шакллар устунлик қиласарди. Готик услубнинг интеръери унчалик зулмат босган эмас эди, ёруғлиги кўпроқ эди. Салб юришлари катнашчилари Шарқдан олиб келган қимматбахо буюмлар (юмшок гиламлар, идишлар ва б.) пайдо бўлди.

Франция ўрта аср классик мамлакати, Париж эса ўрта аср тожи деб ҳисобланарди.

### РОМАН УСЛУБИ КОСТЮМИ (IX—XII асрлар)

Бу даврда, одатда, мато ва кийимлар феодаллар қароргоҳида ишлаб чиқариларди. Факат XI асрда шахарларнинг ривожланиши билан кийим тикадиган цехлар пайдо бўлди. Кийим жун ва зифир матолардан қилинарди. Рим савдогарларидан сотиб олинган шойи бойлик рамзи эди ва факт бой феодалларгина шойидан кийим кийиши мумкин эди.

Юкори табақалар кийими, асосан, ёркин рангли (кўк, яшил, кирмизи) матолардан, оддий табақаларники эса

түк ранглардан (кул ва жигар ранг) тикиларди. Одатда, сарик рангли кийимни кийишмасди, бунки бу ранг хиёнат ва нафрат рамзи хисобланган. Умуман, рамзийлик ўрта аср санъатига мансуб эди. Оқ ранг — софлик, ишонч, садоқат; қора — қайғу; зангори — нағислик рамзи бўлган. Ўрта асрлардан бошлаб жаллодлар бутунлай қизил рангли (коннинг ранги) кийим кийишган.

Матолар сидирға бўлган, кийимларнинг чегараси мўйна, нақшли хошия ёки кашта билан безатиларди.

Синфий фарқ кийимларда, асосан, матонинг сифати ва безакнинг қимматбаҳолиги билан белгиланган. Барча костюмларнинг шакли ва бичими жуда оддий ва одми бўлган. Илк ўрта асрларда, асосан, копланма кийимлар бўлган. Гавдани имконият борича ёпишарди — бунда дин таъсири сезиларди. Аёллар кийими ёпик ва узун, эркакларники эса узун ёки калтарок буларди.

Иклим ҳам ўрта аср кийимининг тузилишига таъсир этган.

**Эркаклар костюми.** Эркаклар костюми бирининг устидан бири кийиладиган иккита куйлак “туника” ва ёпинчокдан иборат эди. Олдин туникалар калта, тиззагача бўлган, XI асрдан бошлаб улар болдиргача узайди, калласини факат ёшлар ва дехконлар кийишган. Бу даврда костюмнинг фарки ёшга қараб узгаради. Одатда, кек сайган одамлар жуда калта, жуда тор ва жуда ёркин рангли кийимларни киймас эдилар. Қирол туникасининг узунлиги ерга тегарди. Туника доимо белдан боғланарди, баъзан, белбоғнинг устидан кийим осилиб турарди.

Ички туника “камиза” яхлит бичилган узун енгли эди (19-расм), усткиси эса — “котта” енгсиз ёки кенг калта енгли бўлган. Ёқа ўмизи түрри тұртбурчак ёки овалсимон эди. Котта, камизага нисбатан, қимматрок матолардан тикиларди. Совук пайтда устидан “роб” (нимчага ухшаш) ва унг елкада тўка билан маҳкамланган ёпинчокни кийишган. Оддий ахоли кўпинча плашч пенулани кийишарди.



19-расм. Эркаклар костюми. Роман услуби.

Юнон ва римликлардан фарқли равишда эркаклар иштон кийишган. Матодан бичилиб тикилган иштонлар тор, оёғига ёпишиб турган ва узун бўлган. Қизил иштонлар энг модабоп эди.

Оёқ кийимлари рангли юмшоқ чармдан ёки матодан тикилган, каттиқ тагликсиз, узун тумшукли юмшоқ бошмоклар эди.

Сочларини айланда шаклида қиска қилиб киркиб, пешанага гажак қилишган. XI асрда эса узун соchlарини елкага ташлаб юришган.

Бош кийимлар — капюшон ва конуссимон қалпоклар бўлган.

XI асрда эса қўлқоп ҳам киядиган бўлишган.

XII—XIII асрларда тикиш усули такомиллашиши билан кийим хилма-хил була бошлади. Чёрковнинг талабларига қарши кийим торайиб, гавданинг тепа кисмига ёпишиб турадиган бўлган эди.

Эркаклар костюми аввалгидай иккита туника — камиза ва коттадан иборат эди. Коттани елкаси жуда тор булиб, у ён кийиклар ёрдамида пастига кенгайганди. Асл зодалар узун, паст табақалар — калта коттани кийишарди. Котта енгли ёки енгиз булиши мумкин эди. Унинг олди берк бўлгани учун бошдан кийиларди, шунинг учун олд ёка ўмизи сал киркилиб, боричга боғланар эди.



20-расм. Аёллар костюми. Роман услуби.

Бу даврда эркаклар кийими шакли ва бичими рицарлар совути таъсирида эди. Кийимлари танага ёпишиб турадиган шаклда булиб, пахта билан қавилганди. “*Блио*” (рицар совутига ўхшаш) — белидан пастрок кесилган берк копланма устки кийим. Тепа томони елка, кўкрак ва белга ёпишиб туриб, бўксасидан эса кенгайганди. Пастки бўлими икки ярим доира шаклида бичилиб, олд ва орқасига тикилганди. Узунлиги тиззасигача ёки ундан сал пастрок бўлган. Яхлит бичилган тор енгларининг учи конуссимон кенгайганди. Контраст рангли ички тунicasи этакнинг ён кесимларидан куринарди.

“*Шосс*”лар — юмшок мовутдан бичилиб тикилган, тор, оёкка ёпишиб турадиган иштон-пайпоклар эди. Уларнинг почаси алоҳида кийилиб, тепаси тасма ёрдамида елка кийимининг белбоғига бириттири-

ларди. Иштоннинг почалари узаро бириктирилмасди, кейинроқ улар олд ва орқа улоклар ёрдамида уланиб кўйиларди.

Устки кийим асоси плашч “нарамник-мипарти” эди. Бу иккига букилган түғри тұртбурчак ёки овал шаклидағи мато парчаси булган, бош учун эса тешик килинарди, ён томонлари тикилмасди. Мипарти буйига икки рангли булиши мумкин эди. Ҳар хил узунлиги ва кийиш усули бу кийим турини хилма-хил қиласынан. Бу кийимни, асан, ёшлар ва пажлар кийишарди. Аслзода феодаллар кийимида мипарти кенг тарқалганди. Бу кийимда уларнинг тамға (герб) белгилари құлланғанди. Енглари, олд ярим бұлаклари, иштон почалари, оёк кийимлари хар хил рангларга буялиб, тамға белгилари билан безатиларди.

**Аёллар костюми.** Аёллар костюми, әркакларники сингари, бирининг устидан бири кийиладиган узун туникалар эди. Ички туникани ички күйлак “камиза”нинг устидан кийишарди. Туникалар “котта” ва “сюрко” деб аталарди.

Кийимнинг силуэти елкаси тор ва этаги жуда кенг трапециясимон булган. Одатда, күйлаклар ёқасиз, берк эди. Бел чизиги кутарилганди. XI асрдан бошлаб узун юбканинг этаги ёнидан ёки олдиdan кутарилиб, кориннинг устида бурмаланган, чунки бу даврда урушларда, вабо ва улат эпидемиялари натижасида күп



21-расм. Аёллар костюми.  
Роман услуби.



22-рассм. Аёл костюми.  
Готик услуби.

га киргизиларди. Баъзан, рўмолнинг устидан ёпинчок, боғич, чамбар кийиларди. Тўка “фибула”лар, узуклар, камар ва чамбарлар билан костюм безатиларди.

XII асрда насроний динининг таъсири кучли эди. Ўрта аср маданияти ва санъати антик анъаналар замирида вуҷудга кела бошлаганига қарамай, унда аста-секин антик анъаналар сусайиб, схематизм авж олди. Бу ўрта аср маданиятида аристократларга мансуб элементлар пайдо булишига асос бўлди. Аслзодаларнинг сарой ҳаётида аёл-

одамлар ҳалок бўлган ва шунинг учун ахолини кўпайтириш керак эди ва хомиладор аёллар иззат-нормада бўлган эдилар.

Котта (20, 21-расмлар) енги тор ва узун, сюрко эса енгиз ёки кенг калта енгли бўлган. Сюркони белбоя билан боғлашган. Устки кийим — узун, ёрқин рангли, ярим доира шаклдаги плашчлар бўлган.

Оёк кийимлари рангли чармдан, пошнасиз, юмшоқ тагчармли, ёпик туфлилар эди.

Кизлар сочини ёйиб ёки уриб юришарди, аёллар эса сочини бош кийим билан бер-китар эдилар. Кўпинча бу юз учун тешик килинган думалоқ рўмол эди. Бу рўмол бутунлай бошни ва елкани бер-китарди. Кўпинча рўмолнинг учини коттанинг ёқа ўмизига

лар мухим роль ўйнайдиган булди. "Гўзал аёл"га сиғиниш Биби Марямга сиғиниш билан берланган эди.

Черковнинг таъқибига қарамай, аслзода аёллар костюмидан ҳашаматли, мураккаб силуэтлар ва бой безаклар пайдо булди. Аёллар аввалгидай ички кўйлак — камизани ва устки кўйлак — коттани кийиншарди. Котта ёнидан ёки орқасидан тасма билан боғланиб, белга ёпишиб турарди ва бүксасидан ён кийиклар ёрдамида пастга караф кенгайганди. Енглари тор эди ва кўпинча узунлиги ергача етарди. Белбоғлар фактадекоратив роль ўйнарди, шунинг учун уни белдан пастрокда бүксага тақишишарди. Устки кийимлари эркакларники сингари мўйна билан сирланган ярим доира шаклдаги плашчлар эди. Турли усулда ўралган ок рўмол билан аёллар соchlарини беркитишишарди.

### ГОТИК УСЛУБИ КОСТЮМИ (XIII—XV асрлар)

XIII аср феодализм ривожланиши даври булди. Синфиий кураш ва феодаллар орасидаги табақага бўлиниш кийимда хам ўз аксини топганди. Бу даврда дабдабаларга қарши ва кийим ёрдамида табақаларнинг фаркланиши тўғрисида дастлабки конунлар чиқарилган эди. Мазкур конунлар билан хар бир синфга кийимнинг шакли ва мато танланиши чекланганди.

Айни XIII асрда бичиш асослари пайдо булди. Тикиш усуллари хам такомиллаштирилди. Кийимларда ўтказма енглар пайдо булди. Енглар кундузи вақтинча кўкланиб, кечкурун сўкиларди, чунки кийимнинг торлиги сабабидан ечиш кийин эди. Кейинрок енгларни тасма ёрдамида биринтириладиган булди.

XIV асрда олди очик кийимлар ва ёқалар пайдо бўлганди.

Костюмнинг шакли хилма-хил бўла бошлади. Кийимда иккита йўналиш пайдо булди: "калта ва узун" кийим модалари. Айримлар узун ва кенг кийим кийишган бўлса,



23-расм. Эркак ва аёл костюми. Готик услуби.

бошқалар, күпинча ёшлар, калта ва тор кийимни афзал куришарди.

Бўйига чўзилган готик мутаносиблик бу давр кийимнинг асоси хисобланган. Айниқса, XV аср кийимларида готиканинг таъсири сезиларди.

Шу даврда пайдо бўлган баҳмал энг модали, деб хисобланарди. Матолар энди, асосан, нақшли бўлди. Энг кенг тарқалган нақш тури — ўсимликлар тасвири бўлган. Кийимларда ёркин ранглар кўп учарарди, уларнинг биринчилари хаддан ташқари башангликни кўрсатарди.

**Эркаклар костюми.** Ахоли барча табакаларининг ички кийими аввалгида камиза эди. Унинг устидан узунлиги болдирилган ўртасигача ёки тўпигигача тушадиган коттани кийишарди. Одатда, котта узун енгли ва декоратив белбогли бўлар эди. Лекин XIV асрнинг ўртасидан



@tarixchi\_kutubxonasiqa

24-расм. Ян Ван Эйк. Арнольфини рафнкаси билан. Готик услуби.

бошлаб у модадан чиқди. Энди тор енгли калта куртка — “пурпурен” урф булди (23-расм). Унга иштон-лайпок махкамланарди. Олифталар узун пурпурен кийнишган.

Пурпурендан ташкари олий зотлар икки устки кафтан — “*котарди*” ва “*блио*” кийишарди. Котарди узунлиги буксадан пастрок тушадиган тор, қенг қанотсимон ёки тор енгли, гавдага ёпишиб туралдиган кийим эди. Блио — белидан киркилган ва паст қисми юбкасимон, ёни тикилмаган кафтан эди. Одатда, блиони орқаси борчич билан бириттириларди.

Устки кийимлар ҳам хилма хил булган. Бу даврда устки кийим — нарамник (24-расм) барча табақаларнинг кийими булган. Нарамниклар калта ёки узун булиши мумкин эди. Ундан ташкари, күпинча, кунғироксимон енгли, ёни тикилмаган калта плашч “*табор*” учарди. Уни героллар ва пажлар киярди. Ёнлари тикилган нарамник “*сюрко*”га айланди. Сюрко қалбаки енгли ёки енгиз булган, уни капюшон билан монахлар кийишган.

Оёк кийимлар чарм ёки баҳмалдан тикилган пошнасиз ним этик ва туфлилар эди. Оёк кийимнинг учи олдин сал учли бўлса, XIV асрдан бошлаб у жуда узайиб, 50 см гача чўзилди. XIV асргача улар кашта ва киммат баҳо тошлар билан безатилган.

Причёскалар хилма-хил эди. Феодаллар, айниқса ёшлилар, юзига ва елкасига тушиб туралдиган кокиллар билан безатишган.

Оддий аҳоли сочини қулоғигача қисқа киркиб, пешонасиға гажак қиласарди. Бундай причёскани феодаллар ҳам қиласар эди.

Бош кийимлар хилма-хил булган. Ўрта асрнинг асосий бош кийими плашч ёки курткага тикилган капюшон эди. Баъзан, капюшонни плашчдан алоҳида кийишарди. XIV асрда икки узун матодан килинган ва бошига салласимон ўралган бош кийим “*шаперон*” кийилганди. Улардан ташкари, турли шаклда фетр шляпалар булганди.

XIV—XV асрлар модасини сарой бургунд модаси деб аталади, чунки шу даврда бургунд саройи Оврупода энг бой булган ва унинг модаси гўзаллик намунаси деб хисобланган. Хилма-хил костюмларнинг шакллари тез-

тез ўзгаргани учун бу давр модалар карнавали деб аталади. Мутлако карама-карши кийим турлари модада баравар мавжуд булғанди: тор ва калта, кенг ва узун кийимлар, аммо улар готик услубининг мода йўналишига буйсунар эди. Бежамдорлик, чизикларнинг нозиклиги ва мутаносиблик модали силуэтнинг асосий хусусиятлари эди.

Бу даврда бургунд модаси асосан феодаллар орасида тарқалганди. Эркаклар кийимлари нокулай, кенг ва узун ёки тор ва калта қилинганди. Камизани жуда юпқа матодан, бошқа кийимларни эса шойидан, баҳмалдан ва жун матолардан тикишарди.

Калта пурпурэн ички кийим хисобланиб, унга иштон-пайпоқ бириттириларди, аммо у устки кийим сифатида ҳам кийилиши мумкин эди. Иштон-пайпоқ оёқнинг шакли буйича бичиларди, оёқ кийшиқ бўлса, пайпокни ичидан тикилган каноп лосини ёрдамида тўғри қилиб кўрсатиларди.

Бу даврнинг янги модали кийими "жакет" булғанди. Жакет — калта, олди очик, этаги белидан хурпайган юбкасимон кийим эди. Белни белбоғ билан боғлашган. Жакет тик ёқали булиб, баъзан, у мўйна билан безатиларди. Енглари хилма-хил эди: қўнғироқсимон, осилиб турдиган, аммо кўпинча елкада хурпайган, буфли, уни тор (бундай шакл "жиго" деб аталарди) бўлган. Енглари узун булгани сабабли қўлни ўтказиш учун кесимлар қилинганди. Бу холда енглар осилиб туради. XV-аср ўртала-ригача жакетнинг бели киркилмаганди.

Кексайган одамлар кучага чикканда кафтан кийишган. Бу тор, узунлиги тиззагача ёки болдириларнинг ўртасигача бўлган кийим эди, енгининг шакли ҳар хил бўлган. Одатда, белни боғлаб юришган.

Узун кийимларга "улленд" ва "роб" кирарди. Уллендинг узунлигидан олди ерда судралиб юрарди. Унинг олди очик булиб, бели боғланарди. У белигача тугмаланарди, этаги эса очик коларди. Кўпинча, шолсимон ёқаси мўйнадан қилинарди.

Роб — бу ёқа умизи олдида ёки орқасида кирқилган қопланма кийим. Робнинг олди тор, бели боғланган, орқасида, баъзан, ёқасининг тагига шлейфни тикиб қўйишарди. Енгнинг тепаси буфли, учи эса тор бўлган. Роб тик ёқали эди. Бу кийимни, асосан, олифталар кийишарди.

Плашчларнинг тури хилма-хил бўлган. Аввалгидай, илк ўрта асрдаги ярим доира шаклли плашчларни оддий табакалар кийишган, сенъор ва пажлар — нарамникни; калта ва кунғироксимон енглари тикилмаган енгил плашч “табар”ни герольдлар кийишган. Юмалоқ плашчларни (диаметри 4 метргача бўлган) хам кийишганди. Аслзодалар юмалоқ мўйна ёқали плашч, олифталар эса пенула туридаги капюшонли, кўл учун кесими бор калта плашч кийишган.

Оёқ кийимларининг учи жуда чўзилганди (25-расм). Аввал рицарлар бу урфни киритишганди. Улар харбий касбларни кўз-кўз килиб, ишламасликларини кўрсатиш мақсадида бу урфни киргизган эдилар. Аммо бойиб кетган бюргерлар хам оёқ кийимларининг учини чўздирадар эдилар. Уларнинг орасидаги мусобака таъсирида оёқ кийим учининг узунлиги 70 см гача етганди. Уларнинг номи “пулен”лар эди. Оёқ кийимнинг учига каноп тикишарди ёки учини оғига боғлаб қўйишарди. Чавандозлар юмшоқ чармдан баланд этик кийишарди, ахоли эса калта этик кийган.

Прическаларнинг турлари хам ҳар хил бўлган.

Энг кенг тарқалган бош кийим — дандана ва кунғирокчалар билан безатилган капюшон эди. Ундан ташкари “шаперон” кийишарди. Оддий халк чепеци “бегуин” кийган. Бойлар эса, бегуинни устидан шляпа кийишган. Шляпалар мовутдан ёки юпқа наматдан (фетр) конуссимон шаклли соябонли қилинарди. Олифталар баравар иккита шляпани кийишарди — биттасини бошга кийиб, иккинчисини эса оркага ташлаб юришганди.

Костюмга зарур буюмлар күшимча бўлиб урфга кириб келади. Камарга чарм ёки кимхобдан ҳамённи, хан-



25-расм. Готик услуби оёк кийимлари.

жарни; елгадаги тасмага — овчи бурғусини осиб күйишарди. Бойлар құлқоп кийишарди. Одатда, уни чап құлга кийишган, черковга киргандарында ёки раксга тушганла-рида ечиб, белбоғға қистириб күйишарди. Ов қилғанда құлқопни иккала құлға кийишарди.

*Qazaxstan Kitabxanasiga*

**Аёллар костюми.** Аёллар костюми аввалдагидай котта ва камизадан иборат эди. Оддий табака ахолида камиза устки кийим ҳам бўлган. Коттани тепаси тор бўлиб, ёни ёки оркаси шнуровка, пасти эса ён улоклар ёрдамида кенгрок юбкасимон қилинарди. Котта енги узун, тор ва конуссимон, манжетли бўларди.

XIII асрдан эътиборан кўйлакнинг бели пастрок тушиб юбкаси шлейфли бўла бошлади. Шлейфнинг узунлиги табақасига мос булиши керак эди. XIV асрда модага енгиз мўйна билан безатилган сюрко киради. Уни факат бойлар кийишарди. Кейинрок сюрко бўксагача қискариб, нымчасимон бўлди. Белбоғлар эса, декоратив роль уйнарди.

Устки кўйлакнинг енглари хилма хил: тор, узун, уни тугунга боғланган; кенг, кўнғироқсимон, қисқа, тирсагидан тикилган декоратив мато билан безатилганди. Баъзан, юбканинг олдига корин устида сер бурмаланган мато парчаси тикиларди. Шу сабабли аёллар гавдани орқага сал эгиб кўлларини қорин устига кўйиб юришарди.

XIII—XIV асрларда ёқа ўмизи "декольте" елка томонига кенгайди. Ахолининг барча табақалари узун ёки калта "нарамник"ни кийишарди. Баъзан, уни белбор билан боғлашарди. Устки кийим ярим доира ёки доирасимон, олди очик кўкрагида тўка "фибула" билан бириклилган плашч эди. *Бой* аёллар кўпинча кўл учун тешик килинган пенулани кийишган. Пенула шлейфли бўлиб, унинг ёқа ўмизи мўйна билан безатилганди.

Оёқ кийимлари эса эркакларникига ухшаш, рангли юмшоқ чармдан ёки кимматбаҳо қалин матодан тикиларди.

Прическалар ҳам ўзгарганди. Қизлар сочини ўрмасдан, ёйиб юришарди ёки ўраб кулоғининг устидан "кўйни шохига" ўхшатиб турмаб кўйишарди. Бу холда кулоғи беркиларди, бўйни эса очик турарди. Аёллар бошларига рўмол ташлаб юришарди. Ундан ташқари, хар хил шакли чепец ва чамбарлар кийишарди.

Аёллар тақинчокларга кўп аҳамият беришарди. Улар белбоғ, занжир, тўқалар, маржон ва қунғироқчаларни севиб тақишарди. Белбоқка тасбех, ойнача, тумор ва тилла юритилган калхатнинг тирноғини осиб ҳийишарди.

XIV—XV асрлардаги бургунд модаси аёллар кийимига хам таъсир этганди. Уларнинг кийими эркакларнига уҳшаб силуэти узайтирилган, кисқа лиф, узун, кенг бўлмаган юбка ва баланд бош кийим эди (23, 24, 25-расмлар).

Камиза ва котта аввалгида ички кийимлар бўлган. Коттани тепа томони бўксасигача шнуровкаланганди, енги тор ва узун бўлган. Оддий табакалар коттани устки кийим сифатида кийишарди, олий зотлар эса эркаклар уленидига уҳшаш робни кийишган. Робнинг лифи кискартирилганди, камар кўкракнинг тагидан боғланарди, юбкаси шлейфли эди. Шлейфнинг узунилиги қатъий белгиланган ва унинг бўйи аёлнинг ижтимоий ҳолига мос булиши керак эди. Черков шлейфга доимо қарши бўлган. Шлейфни у “иблиснинг думи” деб атарди.

Робнинг енги тор, воронкасимон манжетли бўлган. Ёка үмизининг асосий шакли учбурчак бўлган. Кўпинча кўйлакнинг олди ва орқа үмизининг чукурлиги белигача бўлиб, олди бошқа матодан килинган улок билан беркитиларди. Үмизига ёқа ёки мўйна тикиларди. Черков декольтега хам қарши бўлган, уни “дузахга дераза” деб атарди.

Робдан ташқари аёллар “дузах деразали” енгизиз, калта сюркони кийишган. Сюркони мўйна билан безатишган.

Плашчлар тобора йўқола бошлайди. Аммо уни кўчага чиққанда кийишарди. Пенула узайиб, шлейфли, кўл учун кесимли ва декольтели бўлганди.

Оёқ кийимларининг шакли эркакларнига уҳшаш эди, лекин учлари унчалик узун бўлмаган.

XV асрда прическалар ўз ролини йўқотади, чунки бош кийимлар бошни беркитарди (26-расм). Бўйиннинг гўзаллигини кўрсатиш учун пешона, чакка ва энса очик колдириларди. Аёллар, баъзан, пешонани баландрок курса-



26-расм. Аёллар бош кийими. Готик услуби.

тиш учун кош, пешона ҳамда энсадаги сочни кириб ташлашарди. Энг кенг таркалган бош кийим — “эннен” эди. Унинг шакли конуссимон бўлиб, баландлиги ижтимоий холга мос булиши керак эди. Ундан ташқари, ҳар хил чепешлар, турли усулда ўралган рўмоллар ва кичкина фетр шляпаларни ҳам кийишарди.

@tarixxanikutubmasiga

XV—XVI асрларда ғарб мамлакатларида буржуазия-нинг феодалларга қарши кураши жараёнида юзага келган ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаракат, урта асрлардаги узок тургунликдан сўнг, фан ва санъат тараккиётida, улуғ кашфиёт ва ихтиrolарда ўз аксини топган ва антик маданиятга қизиқиши кучайтирган.

Бу давр прогрессив тұнтариш ясаб, жахон маданиятида янги мухим боскич бўлган эди.

Кирол ҳокимияти шаҳарликларга суюниб, тарқоқ дворян кучларини күпориб, янги бирлашган миллий монархияларни барпо этди. Янги иктисодий-ижтимоий муносабатлар яратилди. Йирик Оврупо мамлакатлари боскинчилик сиёсати натижасида мустамлакаларга эга бўлиб, бойий бошлади. Кенг жахон савдоси ривожланди.

Замон такозоси улуғ сиймоларнга муҳтоҷ эди ва бу муҳтоҷлик утқир фикрли, эхтиросли, серкирра билимдонларни — Петрапка, Коперник, Жордано Бруно, Леонардо да Винчи, Боккаччо каби мутафаккирларни дунёга келтирди.

Улар ўрта асрдаги зулмат босган католик дини дунёсига қарши янги, рухни кутарадиган дунёқарашни киритдилар.

Бу даврда Римда қазишиш ишлари олиб борилди. Византия барбод бўлганда сакланиб қолган қўлёзмаларда. Рим харобаларидан қазиб олинган ноёб санъат намуналарида янги дунё — юнон-грек обидалари вужудга келди. Унинг ёркин шуълалари олдида ўрта аср шарпалари ғойиб бўлди.

Ўрта асрларда рухий озуқа — дин бўлган бўлса, Уйғониш даврида эса — санъат эди.

Инсон билан қизиқиши, гўзаллик ва табиатга интилиш табиатшунослик фанларининг, санъат ва адабиётнинг равнақ топишига асос бўлди ҳамда санъатда янги бадний усул — реализм юзага келди.

Санъат асарларининг марказида иродаси мураккаб ва ўзига хослиги, ютуқ ва камчиликлари билан буюк инсон турар эди. Бу — янги эркин инсон, ҳар томонлама баркамол, чексиз тараккиётга интилган, эпчил, хушёр, уддабурон, хаётий кучига ишонган одам эди.

Тарихий ривожланиш нотекис булишига қарамасдан, барча Оврупо давлатлари бу маданий-тарихий даврдан утиб, ўзига хос миллий фазилатга эга бўлган маданиятни яратади.

Бу давр ўзининг янги гузаллик идеалини, одамнинг янги куринишини ва, албатта, янги никоб — костюмини яратди. Уни яратишда нафакат тикувчилар, балки куплаб рассомлар хам иштирок этгандар.

Устки, кейин эса ички кийим кенг, кулай була бошлиди. Кийимларда харакатга эркинлик берувчи кесимлар пайдо бўлди. Елкалар кенгайди, гавда салмокли бўлди, оёкларга кенг бошмоклар кийишиди.

Эркакларнинг кийимлари салмоклилиги ва ҳашаматлилиги билан акралиб турар эди. Улар ташки куринишиларига кўпроқ ахамият берардилар.

Бу даврда одамнинг ташки куриниши унинг ижтимоий ҳолини, сиёсий фикр юритишини, моддий таъминотга мансублигини курсатар эди.

## ИТАЛИЯ КОСТЮМИ

Италия маданияти антик анъаналар замирида вужудга кела бошлаганига қарамай, унда аста-секин антик анъаналар сусайиб, схематизм авж олди. XV асрдан — Уйғониш даврида реалистик санъат тарақкий эта бошлади. Рассомлар табиатга, инсонга кўпроқ мурожаат қила бошладилар. Италия либосларида хам ўзгаришлар сезила бошлади. Фаранг, Византия ва Шарқ мамлакатлари урфи заминида машхур Италия костюми бунёдга кела бошлади.

Кийимнинг гузаллиги кеч урта аср модасидаги график нозикликдан ранглар баркамоллигига ўтди.

Кийимлар кимматбаҳо матолардан (бахмал, кимхоб, кашталанган ва нақшли матолардан) тикила бошлади. Ренессанс костюми, айниқса аёлларнинг оғир матолардан ясалган драпировкалардан иборат эди. Яшил, кизил, тўққизил ранглар урф бўлганди.

Энди кийимда горизонтал чизиклар устунлик қила бошлади. Бош кийим энди гавдани узайтирмайди. Олий табақаларнинг модаси устунлик қиласи олдинги давр одатлари узок сакланниб қолганди. Лекин Уйғониш даврининг костюми деярли демократик эди, чунки унда асрларнинг қатъий синфий шартланиши йўқолиб, мода энди одамнинг табакасини эмас, балки унинг моддий таъминотини кўрсатарди. Кийимда меҳнатни менсимасликни курсатадиган деталлар (узун шлейфлар, ингичка бел, жуда узун енглар ва бошқалар) йўқолди. Энди асортирилик таъсиридаги кийимлар “одамий” мутаносибликка эга бўлди.

**Эркаклар костюми.** Бу даврдаги эркаклар костюми хилма-хил эди. Ёшлар бургунд модаларига риоя қилиб, кўйлакни устидан калта тор куртка “пурпурен”ни ва гавдага ёпишиб турган ёрқин рангли иштон-пайпокни кийишарди. Куртканинг тор енгларининг букиладиган жойларида (елка ва тирсак) ички кўйлаги кўринадиган кесимлар пайдо бўлганди. Баъзан, енгни курткага тасма ёрдамида биритиришар эди. Бу янгилик битта курткага хилма-хил енгларни биритиришга имконият берган эди.

Кийим, асосан, бир рангда тикилар эди. Фарангилар таъсиридаги икки рангли кийимлар “мипарти” ҳам модага кирган эди. Күпинча тор курткаларни ёнида кесими бўлар эди ва олди тасма ёрдамида шнуровка қилиб биритирилар эди. Баъзан, енгсиз ва ёни тикилмаган курткалар ёпинчоқга айланган эди. Ёқа ўмизи чукур ўйилар эди ёки оркасида тугмаланадиган тик ёқали қилинар эди. Кийимлар кашта ёки мўйна билан безатиларди.

Устки кийим куртканинг елкасига тугмаланган плашч эди. Узун, кенг кафтандарни факат кексайган одамлар

кийишарди. Кафтанлар — кенг, осилиб турган қунғироқсимон енгли булиб, одатда, унинг бели боғланмасди. Узунлиги тиззагача ёки түпикқача тушар эди. Ёка үмизи — каре.

Оёқ кийими тумшуғи думалок юмшок туғлилар, шиппаклар ва ботинкалар эди.

Модали причёскалар икки турли эди: сочларнин силлик орқага тарашар ёки, күпинча, пешона гажак кийишарди.

Бош кийим турлари кўп эди: юмалок, фескага үхашаш шляпалар, чамбарлар, соябонли шляпалар, беретлар, тюрбанга үхашаш боғичлар. Олифталар бараварига иккита шляпани кийишар эди — биттасини бошга кийиб, иккинчисини орқага ташлаб юришар эди.

Костюмнинг қўшимчалари: белбоғга боғланган чұнтаклар, хамёнлар, кўлкоплар хамда тақинчоклар бўлганди.

XV аср ўрталарида ички зиддиятлар Италияни тарқоқ ҳолга келтириди. Италия кучли Оврупо мамлакатларига қаршилик кўрсата олмади ва уларнинг орасида кураш майдонига айланди. Унинг ерларини Франция ва Испания аскарлари топтади. Сиёсий ва ижтимоий кучкудратини йўкотган Италия модада хам устунликни бой берди.

XVI асрнинг бошида Испания Овруподаги энг кучли мамлакат булиб, модада хам хукмронлик қилди. Испан аскарларининг кийимиға таклид қилиб кийим кийиш урфга айланди. Италия модасида факат эркакларнинг костюмидаги таклид сезиларди. Кийимларнинг шакли ва ранги одмирек бўлди, эркаклар костюмининг асоси — испан колети олди очик тик ёқали ёки олди берк каре үмизли кафтанга айланди. Ёка үмизидан оқ ички кўйлак кўринар эди. Ёка үмизи тасма ёрдамида бурмаланаарди. Кафтанни енги буфли бўлган ёки елкасида “канотчалар” килинар эди.

Күпинча колетлар зарбоғ кашта билан безатилган булиб, тўқ ранглари матонинг фонида ажралиб турар эди.

Бел кийимлари: иштон-пайпок ва устидан кийилган узунлиги тиззагача бўлган шарсимон иштонлар эди.

Плашчнинг ўрнига кенг, олди очик, калта кенг енгли ва катта шолсимон ёқали кафтан кийишарди. Ёқаси мўйнали ҳам бўлиши мумкин эди.

Оёк кийимлари юмшок пошнасиз, учи кенг бошмоклар бўлганди.

Ўрта асрдаги оғир қиличнинг ўрнига шпага тақишиган. Ўнг томонга ханжар, чап томонга шпага қистириб юриш факат дворянларга хос эди.

Прическалари аввалгида узун ёки испанларникига ухашаш калта кирқилган соchlар эди. Соқол кўйишар эди.

Бош кийимлар: берет ва испан шляпалари. Уйда фескага ухшаган шляпани кийишарди.

**Аёллар костюми.** Аёллар костюми эркакларникига нисбатан хилма-хил эди. XV асрда Флоренция модалари кенг тарқалганди. Бу даврда аёллар либоси камтарона бўлиб, шакл ва ундаги чизиклар ҳамда силуэтнинг оддийлиги билан фаркланаарди.

Аёлларнинг кўкраги маҳсус мато билан сиқилган ва унинг чизиклари текисланган эди. Улар нақшли кимхоб ва баҳмалдан тикилган баравар иккита устки кўйлак кийишарди. Ички кийимни ҳали кийишмаганди. Одатда кўйлакларнинг бели қирқилганди, бел чизиги кўкракдан сал пастрок бўлиб, юбкаси узун шлейфли эди. Лифнинг ёқа умизи ўзига хос эди: олди — тўртбурчак, оркаси — учбурчак (бўйинни узунрок курсатиш максадида). Купинча, устки кўйлак лифининг олдини қиркиб шнуровка килишарди. Одатда, енглари лифга тасма ёрдамида бириттирилар ёки кукланарди. Баъзан, битта кўйлакка ҳар хил енгларни бириттириш мумкин эди. Тор енглар кўпинча узунасига қиркилиб, ўзаро шнур ёки тасма ёрдамида бириттириларди. Енглари узун эди, лекин панжа очик қоларди. Бу ўрта асрликка нисбатан янгилик эди, чунки у даврда урф-одат бўйича кафтни ёпиб юриш керак эди.



27-расм. Леонардо да Винчи.  
Гўзал Ферроньер. Италиян  
аёл костюми.

Ёш кизлар юпқарок енгил матолардан кўйлак кийиши мумкин эди. Тантанали кўйлакни устига қимматбаҳо енгил ёпинчоқларни ташлаб юришар ёки елкасига ерда судралиб юрадиган майда бурмалangan мато парчасини бириттириб кўйишарди. Астарли узун плашчлар аввалгидаёт устки кийим ҳисобланарди. Плашчларни ранглари кизил ва зангори бўларди.

Бош кийимлари: ёстиқсимон юмшоқ хамда тюрбанга ўхшаган узун учли шляпалар урф бўлган. Буларни, асосан, кексайган аёллар

кийишганди, ёшлар эса тур ва вуалларни афзалрок кўрган (40-расм).

Сочлар аёллар гўзаллигининг асосий рамзи, деб ҳисобланган. Кизлар соchlарини ташлаб юришган, аёллар эса турмаклаб марварид, тўр ва енгил шарфлар билан безатишган.

Кийимга кўшимча қўлқоплар, ҳамёнлар ва даструмларни олиб юришган.

XVI асрдан бошлаб аёлларнинг кўйлаги эркакларни кига нисбатан хашаматлироқ бўлган. Бел чизиги табиий холига келган (27, 28, 29-расмлар). Юбкани оғир матолардан тахлам қилиб тахилганлиги сабабли унинг узунлиги қискарғанди. Ички кўйлакнинг енги тор ва узун,



28-расм. Аньоло Брозино. Элеонора Толедская  
үғли Жан билан. Италиян костюми.

устки кўйлакнинг эса буфсимон кенг ва калта эди. Ёка умизи чукур бўлиб, кимматбаҳо кашталангандар рўмол билан ёпилган эди. Устки кийими плашч бўлган. Оёқ кийимлари юмшок бўлган, баъзан айрим модага берилган аёллар бўйини баландрок курсатиш максадида баланд

@jorixchi\_kutubxononasiga



29-расм. Бернгард Стригель. Бьянка Мария Сфорца.

@tarixchi\_kutubxononasiga



а



б



в



г

30-расм. а — Себастьяно Майнарди. Ёш аёлнинг портрети.  
Италия. б — Доменико Венециано. Хонум портрети. Италия.  
в — Жос ван Клеве. Францууз маликаси Эллеоноранинг портрети.  
г — Франсуа Клуэ. Елизавета Валуа. Испания.

тавонли туфли кийишарди. Бу даврда ички кийим ва пайпок одатга кирди. Флоренцияда оқ матодан тикилган пайпоклар энг модали деб ҳисобланарди.

Причёскаларнинг шакли ҳам хилма-хил бўлган (30-а, б расм). Асосан соchlарини факат тўр билан ёпишганди. Бош кийимлар испан беретлари, похол шляпалар булиб, улар камдан-кам кийилган.

Модага никоблар кириб келди, уларни кўчага чик-қанда кийишарди. Никобни факат дворянлар кийиши мумкин эди. Матодан тикилган, кашта ва қимматбаҳо тошлилар билан безалган қўлқоплар ва даструмоллар костюмнинг кўшимчаси бўлган. XVI асрда ихтиро қилинган тўригна билан тўкиларди ва жуда қиммат турарди. Кийимга кўшимча яна кичкина қимматбаҳо матодан қилинган халтачаларни белига қистириб кўйиш, елпигичлар ва муфталарни олиб юриш ҳам модага кирганди.

## ИСПАНИЯ КОСТЮМИ

XV асрнинг охирида, Испания чет эл босқинчиларидан озод булиб, мисли кўрилмаган ривожга эришди. Американинг очилиши билан ва Италиядан Оврупонинг фарбига денгиз йулларининг кўчиши билан Испания мухим иктисодий аҳамиятга эга бўлганди. Мустамлакалардан босқинчиллик йўли билан олиб келинган тилла ва кумуш ва бошқа бойликлар Испания киролининг тахтини мустаҳкамлаганди.

Бир томондан, дин ақидалари билан боғланган, иккинчи томондан эса — Ренессанс инсонпарварлик ғоялари билан сугорилган Испания маданияти қарама-қарши хусусиятларга эга бўлганди.

Испания Уйғониш даврининг мураккаблиги ҳамда мавритан маданиятининг таъсири натижасида Испания маданиятида ўзгариш рўй берди. Булар Испания меъморчилигига, тилига, урф-одатига ва костюмига таъсир этди.

XVI асрда Испания буюк мамлакат булиб, бутун Оврупога нафакат иқтисодий ва сиёсий тазыйик кўрсатган, Оврупо модасининг шаклланишига ҳам таъсир этганди.

Испания модаси ўзининг ижтимоий-сиёсий тавсифида энг реакцион дворян синфига тааллуклиги билан ажойиб барқарорликка эришди. Бу мода монархик қеккайиш, аристократик димоғдорлик тимсоли қиёфасида дунёга танилди.

Испан қироли саройининг обруси ошиб, шу сабабли унга шухрат келтирди. Сарой костюми аристократик муросасизлик билан манмансираган этикетни яратди.

Испания модасига католик дини ҳам жуда кучли таъсир этди. Католик динининг зоҳидлиги кийимда танани беркитиши, рангларнинг тўк бўлишини талаб қиласади. Аммо тўк ранглар, айникса кора ранг, кенг тарқалганлигига бошқа сабаб ҳам бор эди, яъни кора танли марвлардан оқ танли испанларнинг фаркини кўрсатиш учун танланганди.

Шундай қилиб, сарой аслзодаларининг букилмайдиган беллари, манмансираган ва мағуруланиб кўтарилган бошлари, каркас ёрдамида кўзғолмайдиган кўйлаклари ҳақида фикр турилганди.

Улар ҳар хил матолар ёрдамида костюмда башангликга эришар эдилар. Испан кийимларида нақшли (тўқима, каштали, босма) матолар кенг қўлланганди. Асосий тасвирлар — катта медальон-тамғалар, насроний динининг рамзлари, геральдик мавзуулар. Нақшларда ёрқин рангли фонларда кўп тилла ва кумуш иплар ишлатиларди. Нақшли газмоллар ётиқ ва тик йўналишда устидан тикилган ҳар хил кимхоб тасмалар, зарбоф боғичлар, тўрлар билан безатиларди.

XVI аср охирида қизил, бинафша, яшил, жигарранг ва кул ранглар модада бўлганди. Кийимлар асосан бир ранг тусида бўларди. Коря ранг кенг тарқалганди.

**Эркаклар костюми.** XVI асрнинг биринчи ярмида эркаклар костюми деярли юмшоқ ва қулай бўлганди. У

кўйлакдан, тор калта, тор узун енгли колетдан, тор иштон-пайлокдан ва калта иштондан иборат эди.

Харакат килишга кулай бўлиши учун тирсак ва бошқа жойларда кесимлар килинарди. Юзаси кесилган матолар "тарашланган" мато деб аталарди. Кейинроқ бундай матолар дворянлик белгиси бўлди. Утилитар вазифасини бажармасдан улар декоратив усул бўлиб қолганди ва аслзодаларнинг қимматбаҳо матоларни писанд киласлигини кўрсатарди.

Устки кийимнинг олди очик, кенг, узунлиги бўксагача, калта кенг буфсимон енгли, катта шол ёқали (купинча мўйнадан) эди.



31-расм. Хуан Пантоха де ла Круз. Дон Фернандо д'Арагон.  
Испан эркаклар костюми.

Оёк кийими рангли чармдан ёки калин матодан (купинча духобадан) тикилган пошнасиз, юмшоқ, кенг тумшукли туфли эди.

Сочлари қиска кирқилганди, сокол ва мўйлов кўйишганди. Бош кийим берет бўлганди. Кийимнинг кўшимчалари кўлқоплар ва шпага бўлган.

XVI аср ўртасидаги костюм нокулай ва одмироқ бўлганди. Унинг шакли рицарлик яроғ-аслаҳаларига ухшаш эди. Колет — тор пахтали, узунлиги белгача ёки бўксагача, олди тугмаланганди, баскали, тик ёқали кийим эди. Унинг енги тор эди, баъзан енглари икки қават бўлиб, устки енги декоратив ролни бажарап эди. Елкасига кўкрагини кенгрок кўрса-

тиш учун қанотчалар ёки валиклар тикиларди. Улар кумуш ва зарлар билан безатилганди.

XVI аср ўртасидан бошлаб аввалгидай тикилган эмас, түқилган иштон-пайпоклар пайдо бўлди. Унинг устидан калта, от толаси ва каноп толаси билан тўлдирилган шарсимон иштон "бричес"ни кийишганди (31-расм). Кўпинча уни бошқа рангли мато тасмалар билан безатишарди.

Кийимнинг ажралмас қисми "фреза" ёқаси эди. Уни охорлашган, кўкимтироқ тус беришган ва махсус қис-



32-расм. Джордж Говер. Мери Корнуэллис.

кич билан унда тахламлар қилишган. Оппок фреза орас-  
таликтиннинг биринчи белгиси бўлганди. Уларни шакли ва  
катталиги ҳар хил эди. Фрезанинг катталиги туфайли  
овқатни ейиш учун вилка вужудга келганди.

XVI аср охирида модага тўрлар кириб келди. Улар  
жуда қиммат турарди ва шунинг учун XVII аср бошида  
тўрни Испанияда қўллаш манъ этилганди.

Устки кийим — калта ва узун, баъзан ёқали плашч-  
лар эди. Улар асосан ярим доира шаклида эди.

Бошларига беретнинг ўрнига баланд, энсиз соябонли  
безатилган шляпаларни кийишган.

**Аёллар костюми.** XVI асрда испанияликларнинг эст-  
етик тасаввуринга биноан аёл оғзини ва хушбичим бўли-  
ши керак эди. Костюмнинг учбурчакли силуэти гавдани  
турғун ва монументал қилиб курсатарди. Кийим жуда  
ноқулай ва дагал бўлиб, одамнинг ҳаракатига халақит  
берарди (32-расм).

Аёллар баравар иккита кўйлак кийишарди. Ички  
кўйлакнинг олди берк, устки кўйлакники эса очик эди.  
Шлейфсиз юбка металл ва қамишдан қилинган маҳсус  
конуссимон каркас устидан кийиларди. Юбкада биронта  
тахлам ёки бурма булмаслиги керак эди. Шу даврнинг  
урф-одати бўйича кўйлакнинг остидан оёқ кўринмаслиги  
шарт эди. Шундай шаклли юбка “вертюгад” (фазилат-  
ни сақловчи) деб аталарди. Лифни олди жуда тор, пасти  
учбурчак эди. Гавдани маҳсус қалин матодан қилинган  
шнуровкали лиф билан сиқишаради. Унга кўкрак шакли-  
ни яшириш учун пахта солишар эди.

XVI аср ўрталаридан бошлаб лифга металлдан планка  
ёки кит мўйидан (kit оғзидағи мугиз пластинкаси) қилин-  
ган пластинкаларни кўйишадиган бўлди. Ушбу ички лиф  
кўкракни сиқадиган “корсет”га айланганди. Аммо ясси  
лифнинг устидан кўкракнинг чегараларини кўрсатиш мақ-  
садида иккита ярим доира шаклида бир шода инжу тики-  
ларди. Кўйлак кўкрак ва бўйинни беркитарди, декольте-

си (одатда квадратсимон) бўлса, уни кашталанган рўмол “шемизетка” билан беркиларди.

Ички кўйлакнинг енги тор, усткиниги эса — кенг ва узун эди.

Ёкаси гофреланган “фреза” бўларди.

XVI аср ўрталаридан бошлаб енгларнинг шакли ўзгарди: ички кўйлак енгини бир неча жойидан боғлаб буф килишарди, устки кўйлакники эса калта дағал буфга йланди. Баъзан, устки кўйлак енгиз бўлиши мумкин эди. Ички кўйлакнинг енги кўпинча тахламли манжетли эди.

Белни қимматбаҳо тошлар билан безалган духоба ёки металлдан ясалган камар билан боғлашарди. Унинг учи этагигача осилиб турарди.

Оёқ кийимлари юмшок туфли эди. Пошнали туфли биринчи марта XVI аср охирида пайдо бўлганди.

Причёскалари оддий ва одми эди. Кўпинча “бандо” причёскаси учради, бошнинг ўртасидан фарқ очиб, сочларни юзга тушириб ва оркага турмаклаб кўйишарди. Сочларини чамбар, гуллар ва қимматбаҳо тошлар билан безатишарди.

Бош кийимни кам кийишарди (30-е расм). Уларнинг шакли эркакларникига ўхшарди. Аммо Испанияда ўзига хос маҳсус бош кийим — *вуаль* (тур) бўлганди. У бош ёки елкага ташланиб, гавдани үраб ергача тушарди. Ушбу вуаллар испан аёлларининг костюмини маҳсус буюми бўлиб қолди. Улар “мантилья” деб аталарди.

Устки кийим плашч эди.

Кийимга қўшимча кўлқоп ва елпигични олиб юришарди. XVI асрдан бошлаб елпигич испан аёллари костюмининг айрилмас қисми бўлиб қолди. Асрнинг иккинчи ярмида буклама елпигичлар пайдо бўлганди. Тур билан безалган дастрўмлларни кўлда ушлаб юришарди.

Халқ костюмидаги каркас ва корсетлар бўлмаган. Уларнинг костюми ички кўйлак, шнуровкаланган корсаж ва сал кискартирилган юбка, пешбанд, тур ёки мантильядан иборат эди.

## ФРАНЦИЯ КОСТЮМИ

XVI аср давомида Франция Фарбий Овруподаги кудратли давлатлардан биринга айланди. Франция мутлаклигининг — абсолютизмининг халкаро муносабатлардаги асосий максади Оврупода ўз мавқенин кучайтириш ва сунгра ўз ерларини кўпайтириш эди. Лекин муваффакиятсиз олиб борилган урушлар Франциянинг ахволини оғирлаштириб, уларга карам килганди.

Кучли Испания Франциянинг маданияти ва костюми ни бутунлай ўзига қаратиб ололмади. XV аср охиридан бошлаб Францияга аста-секин Италия Ренессансининг гуманистик дунёкараши ва бадний идеаллари тарқалганди. Адабиётда ва санъатда ўзининг реалистик йўналиши пайдо бўлганди. У таникли ёзуви Рабле ва рассом Клуэнинг ижодларида ўз ифодасини топганди. Меъморчиликда антик таъсир сезилар эди. Франция қироли Франциск I ўз саройига ишлашта Италиядан машхур рассомларни (Леонардо да Винчи, Б. Челинини ва бошқалар) таклиф килганди.

**Эркаклар костюми.** Франция костюми Испания костюмига таклид қилса ҳам, улар костюмидаги ўз динини ва феълинин ифодалаган ўзига хос хусусиятлар сезиларди. Франция костюмлари хеч қачон бўриқ ва котиб турган бўлмаган, костюмга доимо қандайдир миллий дидга оид юмшоқлик, енгиллик киритиларди. Уларнинг костюми ёркин, оч ва кувноқ бўлиб, эркин ва элегант харакат килишга имконият берарди.

Модада оғир матолар — баҳмал, мовут, шойи, кимхоб бўлганди. Шу қимматбаҳо матолар тилла ва кумуш кашта ва майда марварид билан безатиларди.

Этикет бўйича аслзодаларга мансуб костюмларнинг сони Зодан кам бўлмаслиги керак эди ва ҳар куни кийими алмаштириш зарур эди. Бу даврда "аристократлар ўз бойлигини елкасида олиб юради" деган мақолнинг пайдо бўлиши бежиз эмас эди.

Эркаклар оқ, кашта қилинган күйлак, олди очик камзол, иштон-пайпок ва калта шарсимон иштон "брючес" ни кийишарди. Устки кийими олди очик, бели маҳкам боғланган кафтан бўлган. Аср ўртасида модага купинча қайтарма ёкали плашчлар кирганди.

Оёқ кийимнинг тұмток тумшуғи — "айикнинг оёғи" — кесимлар ва кашталар билан безатиларди.

Калта қирқилган соchlар, сокол ва мўйловлар модада эди.

Француз беретлари Испания беретларига нисбатан кенг, қаттиқ соябонли булиб, пат билан безатиларди.

XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб Франция костюми Испания костюмнiga кўпроқ ўхшайдиган бўлди (33-расм). Франция қироли Генрих II факат кора испан костюми-ни кийиб, кўпчиликка намуна бўлганди.

Камзол калта қайтарма ёкали колетга айланди. Фреза ва манжетлар кенгрок бўлди. Ташлаб юрадиган кийимларнинг ўрнига калта, мўйна билан сирланган, тик ёкали плашчни кийиладиган бўлди. Колетнинг олди "учбурчак"-ли бўлди, кенг енглари кавилиб, манжетли қилинди. Иштон-пайпокни устидан тор, узунлиги тиззадан пастрок иштон "кюлот"ни кийишадиган булиши. Кюлот устидан "буфон" кийиларди.

Костюмларнинг ранги факт оч бўлган: пушти, зангори ва бошқа ранглар.

Эркаклар соchlарини бўяб, жингалак қилишарди; юзла-



33-расм. Яков Зайсенеггер.  
Герцог Максимилиан.

рини қизартиришарди, зирек тақишарди, бошларига патдан "тож" кийишарди.

Фреза шунчалик катта қилинганилиги учун уни "тегирмон ғилдираги" деб аталарди.

Бу даврда Францияда биринчи марта ярим никоблар пайдо бұлган. Уни күчага чиққанда кийишарді.

XVI асрнинг охирида әркаклар костюмiga яна битта үзгариш киритилганди. Костюм оддийрок ва одмирек булғанди. Үнга қирол Генрих IV нинг қарорлари сабаб булғанди. Уларга биноан, дворянларнинг кийими тұқ, одми, аммо қимматбаҳо ва нозик булиши шарт әди. Колет кенгрок бұлды, үнга фактада фрезаны әмас, балки шу пайтда пайдо булған қайтарма ёқа қилишганди. Плашчлар узайди ва күпинча бир елкага ташлаб юрадиган булишди. Панталонларнинг узунлиги тиззагача узайди ва улар юмшок бурмали бұлды. Причёскалари хам үзгарили. Модага оркасига силлик тарапланған узун соchlар кирди. Қиролнинг сочи эрта оқарғани учун чаккасидаги сочини упалаш модага кирди. Бөш кийими оқ туяқушнинг пати билан безалған соябонли шляпа әди.

**Аёллар костюми.** Аёллар костюми әркакларниң исағаттан испан модасы таъсирига камрок түшганди. Испан күйлакларини француз аёллари фактада одоб юзасидан тантана муносабати билан кийишарди. Бу оғир ва нокулай кийимларни улар үзларини дидларига мос үзгартырган әдилар: бүйнини ва устки күйлакнинг олдини очық килиб, кийимини бойроқ безатишарди.

XVIаср биринчи ярмida испан модалы силуэти конусимон шаклни эслатарди. Ички ва устки күйлаклар каркасга тортилганди, тор лифи декольтеси "каре" әди. Баъзан, декольтеси улоқ "шемизетка" билан беркитиларди. Енгларининг боши тор бұлиб, учи жуда кенгайғанди ва күпинча мүйна манжетли әди. Устки күйлакнинг енги орасидан ички күйлакнинг енглари күринарди.

Аср үрталарида аёллар костюми әркакларниң исағат модаларында үхшарди. Шу даврда аёллар костюмидә биринчи марта корсет ихтиро қилинганди. Күйлакнинг

силиэти аввалгидай бўлган, факат енглари ўзгарганди. Устки кўйлак енгининг шакли кичкина буфли эди. Унинг кесимларидан ички кўйлакнинг енги кўринарди. Баъзан, устки кўйлакнинг енги ўрта асрларнинг валикли "жиго" ёки "канотча"ларини эслатарди.

Оёқ кийимлари паст пошнали туфлилар ва баланд тагликли италиан туфлилар эди.

Причёскалар — маржон билан безатилган, соchlар икки ярим доири шаклида пешонада жойланган. Бош кийимлар прическа шаклига мос тур билан безалган чепецлар ва беретлар эди.

Тур билан безатилган даструмлар ва ярим никоблар урф бўлган.

Марварид маржонлар ва узун декоратив камарлар антика безак эди.

XVI аср охирида аёллар костюмининг шакллари кескин ўзгарганди. Асосан, юбканинг шакллари ўзгарганди. Олдин юбка кенг тахлами бўлган бўлса, энди эса унинг шакли абажурга ухшаш шаклга айланганди. Юбканинг тагидан қаттиқ каркас ва унинг устидан белга айлана "филдирәк"симон валикни кийишганди. Лиф яна торайди. Белни ингичкароқ кўрсатиш учун лифнинг олд "учбурчак"и юбкага узайтирилганди. Енгларнинг шакли аввалгидай қолганди ва тўка билан биритирилган ётиқ кесимлар қилинарди. Декольте овалсимон ва жуда чукур бўлганлиги туфайли "шемизетка" билан беркитиларди. Ёка шакли хам жуда ўзгарди. Фрезанинг ўрнига босдан баландрок кутарилган каркасли тик ёка кирганди. Ёка бир ёки икки қаватли бўлиши мумкин эди.

Причёскалар икки хил бўлганди — ё соchlарни жингалак қилиб орқага ташлаб юришарди ёки симли каркас ёрдамида тепага кутариб кўйишарди.

Никоблар дид-фаросатга караб танланарди.

Костюмнинг кўшимчалари: тахлама елпичлар, хамёнлар, ойначалар, пиёз шаклли занжирга осилган соатлар, тасма ёрдамида белга осилган тери парчалари (бургани тутиш учун) эди.

## АНГЛИЯ КОСТЮМИ

XVI асрда Италия Ренессансининг Англияга таъсири сезиларди. Инсонпарвар дунёкараш Э. Роттердамский ва Т. Морнинг асарларида аксини топди. Таъсирий санъатда Италияга ухшаб юкори даражага эриша олмаган бўлса хам, адабиётда нихоят ажойиб ривожга эришганди (В.Шекспир).

Гарчи уларнинг сарой одоблари французлардан анча фарқли бўлса хам, инглиз костюми асосан француз ва кисман испан-француз модалари таъсирида ривожланганди. Монархга сифиниш билан боғлик сарой этикети катъий ва такаллуфли бўлган.

Инглиз костюми шаклларининг эркинлиги ва айрим деталларининг ўзига хос хусусиятлари билан фаркланиб турарди.

**Эркаклар костюми.** XVI аср биринчи ярмида эркаклар костюми ок кўйлакдан, гавдага ёпишиб турган, узун енгли ёки енгиз дублетдан, джеркиндан, ёпишиб турган иштон-пайпокдан ва кенг, сер бурмаланган устки иштондан (шоссы) иборат эди. Дублет пахтали булиб, қавиларди. Джеркиннинг енги тирсагигача эди, юбкаси эса силлик ёки бурмаланган булиб, лифга тикилар ёки илгак ёрдамида кистириларди.

XVI аср ўртасида Англияда тўкув машинаси ихтиро этилганлиги сабабли тўқилган иштон-пайпоклар аста-секин тарқала бошлади.

Асрнинг иккинчи ярмида қирол саройи дабдабалилиги эркаклар костюмига таъсир этганди. Модага кирган испан-француз колети ва буфсимон устки иштон ёркин рангли матолардан тикилиб, кашта ва қимматбаҳо тошлар ва тўр билан безатиларди (34-расм). Колетни енги тор, елкасида канотчаси булиб, ёкаси тик эди. Пахта тикилган устки иштонлар шунчалик даражада кенгайиб кетганлиги сабабидан, парламент утирас жойларни кенгайтиришга мажбур бўлганди.



34-расм. Номаълум рассом. Яков I. Англия.

Асрнинг биринчи ярмида фреза ёқаси, иккинчи ярмида эса қайтарма ёка модага кирганди.

Устки кийим плашч бўлган.

Тук ва одми кийимларни факат буржуалар ва пуританлар (XVI—XVII асрларда инглиз ва шотланд буржуа-

зияси уюштирган диний-сиёсий ҳаракат қатнашчилари) кийишганди.

Сочларини калта қирқиб, қимматбаҳо қилиб безатилган беретни кийишганди.

**Аёллар костюми.** XVI асрнинг 20-йилларида аёлларнинг костюми француз костюмига ухшаш эди. Уларнинг костюми қўйидагилардан иборат эди: оқ ип ёки жун матодан тикилган кўйлак, гавдага ёпишиб турган дағал лифли котт ва сюрко ёки ясси лифли ва пастга қараб кентайган юбкали кўйлак эди. Кўйлакнинг енги тор ва манжетли эди.

Асрнинг 30-йилларида олди очик кўйлаклар пайдо бўлди. Шунинг учун коттани ва кўйлакнинг енгини қимматбаҳо матодан қилишадиган бўлди. Баъзан, қайтарма манжетга қўлланган мато билан юбканинг этагини безатишарди. Кўйлакнинг газмоллари (бахмал, атлас, юпка мовут) сидирға бўлганди. Коттани эса бошқа рангли парча ёки штоффдан тикишарди. Кизил ранг Оврупода кенг тарқалган эди ва энг башанг ва тантанали деб хисобланарди. Унинг қаторида қизғиши жигар ранг, оч қизил, тўқ қизил, оч ва тўқ яшил, зангори ва кул ранглар кенг тарқалганди.

40—50 йилларда Мария Тюдорнинг дидига мосланиб, костюм кўринишини йўқотади. Унинг ўрнига кўйлакнинг лифи ёпик, Испаниядан келган каркасли юбка, кичкина ёка ўмизи, тик-қайтарма ёқа, манжетли тор енглар урф бўлганди. Устки кийим кенг узун, олди очик булиб, Франция марлотига ухшаган кийим эди.

60—80 йилларда инглиз костюмидаги чет эл таъсиrlари кўпроқ сезилганди. Аёллар кийимида қўнғироқсимон енглар ўрнига пахта тўлдирилган буфсимон енглар кирганди. Венециан модасининг таъсирида кийимларнинг шакли каттая бошлади.

Бош кийим сифатида духобадан тикилган каркасли кичкина юраксимон шапкачадан фойдаланилган. Прическалар бош кийимга яраша маҳсус каркасли қилинарди.



@tarixchi\_kutubxononasiga

35-расм. Киролича Елизавета (Англия) тантанали либосда.  
Кристиан Пассенинг расмидан гравюра.

Баъзан, уни тиллақош ёки тилла чамбар билан безатишарди.

Шу даврларда кийим безаги сифатида кашта ва түр күп кўлланарди.

Асрнинг 80-йилларида модага Франциядан вертюгад кириб келди, лекин унинг шакли ўзгартирилганди.

Асрнинг иккинчи ярмида аристократ модаларида бойликни курсатиш авжига чиққанди. Киролича Елизавета савлатли кийимни хуш кўарди (35-расм). Шунга нисбатан, кўйлакнинг лифи жуда торайиб, корингача тушган учли эди. Юбкаси кискариб, ён томонларига чўзилди ва маҳсус каркасга тортилди. Инглиз аёллари костюмининг бошқа костюмлардан асосий фарки — битта кўйлакда иккита ёканинг бўлиши: кўпинча олди кесилган фреза ва тик каркасли ёка ёки икки қават яrim дойира шаклдаги ёқалар эди. Аслзодаларнинг костюми қимматбаҳо тошлар, марварид, кашта, түр ва турли кесимлар билан безатилганди.

Причёсалар ва бош кийимлар мураккаб бўлган. Баъзан, парикни кийишарди.

Оёк кийимлар паст пошнали ёки пошнасиз, кашта билан безатилган шойи туфлилар ва дастаксиз туфлилар эди.

Кийимга кўшимча кўлкоплар бўлиши шарт эди, айниқса испан кўлкоплари қадрланарди.

Шундай килиб, XVI аср инглиз костюми, асосан, чет эл модалари таъсирида ривожланган эди, аммо улар доимо кийимларни ўз дидларига мос ўзгартирар эдилар. Аристократларнинг ташки кўринишида бойлик энг муҳим роль ўйнаган.

## ОЛМОНИЯ КОСТЮМИ

XV асрнинг охирларида Олмонияда ўрта аср урф-одатлари бутунлай сақланиб қолганди. Аввалгилари сакланниб қолгани холда янги кийимлар ҳам пайдо бўлганди.



36-расм. Савдогар.  
Немис гравюраси.  
XV аср.

37-расм. Нюренбергдан савдогар.  
Немис гравюраси. 1576 й.

Костюмнинг ривожланишида ёлланган аскарлар (ландскнехтлар), асосий синфий куч — бургерлар, кенг тарқалган жаҳон савдоси ва Оврупо маданияти таъсир этганди.

**Эркаклар костюми.** Олмония эркаклар костюми Оврупо мамлакатларининг кийимларига уҳшаганди. Костюм шаклининг майдаланганилиги ва хар хил безакларининг куплиги олмония костюмининг миллий хусусияти эди (36,37,38-расмлар).

Устки кийим кенг, енги катта буфли “шаубе” эди. Унинг ранги шахснинг табака белгисини ифодаларди. Князлар, аслзодалар ва рицарлар кизил ёки бинафша



38-расм. Нюренбергдан сотувчи.  
Немис гравюраси.

мини фарқловчи белгиси эди.

Устки кийим буфсимон енгли трапперт ва елкага ташланган кенг плашч эди.

Иштонни вамсга биритириб кўйишарди, тикилган пайпокларни эса борич ёрдамида оёқка маҳкамлашарди. Иккаласида ҳам ҳар хил шаклда кесимлар килиниб, тагига рангли матолар парчаси ёпишириларди.

Олмонияда ўрта асрдан қолган ассиметрик кийимлар кенг тарқалганди.

Қўлкопларда ҳам бўғимлар устидан майда кесимлар килинганди.

Асрнинг иккинчи чорагида Олмония костюми башангроқ бўлганди. Шаубе узунлиги кисқарди. Узун шаубе

рангли, бой шаҳарликлар эса кора ёки жигар франг шаубени кийиши мумкин эди. Хунармайдларга шаубени кийишманъ этилганди.

Шаубенинг ичидан "вамс" қийишарди. У француз пурпуренига италиян джуббонесига ёки инглиз джеркинига ухшаш эди. Унинг олди жуда очик бўлиб, ички кўйлаги куринарди. Ички кўйлагининг ёқа ўмизи сер бурмаланганди. Кўйлакнинг ёқа ўмизини ва енгнинг учини кашталаш немис ва инглиз костю-

факат расмий кийимлардагина қолганди (олимларда, мэрда, муниципал совети ходимларида ва б.). Шаубенинг узгариши вамсга купрок ахамият беришга изн берди.

Натижада, янги бичимлар, кашта ва кесимлар киритилди. Вамснинг узунлиги аввалгидай белдан сал пастрок қилинарди, ёка умизи кичрайди ва олди туттамалана-диган булди. Вамс кашта ва кесимлар билан безатилди. Унинг янги шакли тик ёқали кашталангандан куйлакларга мос эди. Куйлакнинг ёқа ва манжети бурмалангандан кичкина хошия билан безатилганди. Янги устки кийим "фальтрок" пайдо булганди. Унинг бичими вамс билан мослашарди: агар вамс кенг енгли булса, фальтрок енгсиз буларди. Фальтрок гавдага ёпишиб турган лиф ва юбкадан иборат эди. Уни бошдан кийишарди ёки ёнидан туттамалана-диган қилишарди.

Бош кийимлари юмшок соябонли беретлар (36-38-расмлар), гулчамбарлар ва чепецлар булганди. Эркаклар сочларини калта киркиб юришарди ва мўйлов кўйишарди.

Асрнинг иккинчи ярмида костюм одмиланди. Испан модаси бу ерга кечрок келганди. Ола-чипор ранглар тўк ранглар билан алмашди. Кийимда горизонтал чизикларнинг урнига трапециясимон силуэтлар пайдо булди. Кенг шаубенинг урнини нимча ёки испан плашчи ёпинчоқ эгаллади. Тик ёқа вамсда хам урф булганди. Вамснинг олди очик булиб, кесимлар билан безатилар эди ва дағал астарли қилинар эди. Кенг иштонларининг учи тиззазда бурмаланиб, кашталангандан тасма билан боғланарди. Аср охирида тўкилган пай-



39-расм. Уйғониш даврининг оёқ кийимлари.



40-расм. Олмония бош кийимлари.

поклар модага кирганди. Бош кийим кичкина, тор соябонли испан берети эди. Оёқ кийимлари тумшуғи кенг ("сигир тумшуғи") туфли ўрнига кесимли, тор, кейинрок учи учли туфлилар эди (39-расм).

XVI асрда немисларнинг дидини ифодалайдиган ландскнехтлар костюми эди. Уларнинг костюми кўйлак, вамс, фальтрок, тиззасигача иштон ёки шароварга ўхшаган узун тасмасимон иштон "плюдерхаузен", испан плашчи ва баланд чўкчили шляпадан иборат эди (38-расм). Уларнинг кўп хар хил шаклдаги кесимлари ранг-баранг астар лахталар ҳамда түяқуш патлари, кашта ва кимматбаҳо тошлар билан безатиларди (40-расм).

**Аёллар костюми.** Немис аёлларини "Зк", яъни кирха-черков, киндер-бола ва кухня-ошхона учун яшиши керак деб хисоблашарди. Кўйлакнинг тор лифи гавдага ёпишиб туриб, унинг барча шаклларини такрорларди, чукур декольте оркасини очиб, олдида ички кўйлагини курсатарди. Бир неча тахламли кенг юбканинг шлейфи

лифга тикилганди. Бош кийимлари каркасли ва баланд қилиниб, кашталанарди (41, 42-расмлар). Юпқа вуаль пешонасини кошигача беркитарди. Оёрида юмшоқ тумшуғи учли туфли. Устки кийимлари эркакларники сингари шаубе эди. Аёлларнинг шаубеси узунроқ, анча оддийроқ ва одмироқ бўлиб, ёка ва енглари кенг эмас эди. Кўпинча яхлит бичилган тик ёқа боғичга айланганди; тор енгларидаги оддий кесимлар килинар эди. Лифнинг олди очик бўлганлиги сабабли, шнуровканинг тагидан махсус улок қўйиларди ёки юпқа матодан тикилган ички кўйлак кийишарди. Ички кўйлакнинг ёқа ўмизи кашта ёки парчадан қилинган тасма билан безатиларди. Енглари буфли ва кесимли бўлганди. Кенг юбка чукур тахламли қилиниб, парча ёки баҳмал билан безатилганди. Бундай кийимда аёллар озрин, қоматли бўлиб кўринарди.

Асрнинг 40-йилларида енгиз жакетча "коллер" пайдо бўлди.

Аср иккинчи ярмида испан модалари Олмония аёлларининг костюмидаги ўзига хос ифодасини топганди. Кийим қотма бўлиб, дидсиз чегараларга эга бўлди, деколь-



41-расм. Ганс Гольбейн (кичиғи).  
Ёш киз. Гравюра.



42-расм. Урс Граф. Швейцария.  
Киз боланинг хайкали. Гравюра.

тени ўрнига тик ёқа килинди. Устки кийим шаубе аввалгидай қолди. Лекин у, күпинча, енгиз ва тик ёқали килиб тикилади. Шаубе каторида кенг узун плашч ҳам кийиларди. Бу даврда Испания модалари Олмония маҳаллий хусусиятига биноан ўзгариб, кийимда ўз ифодасини топганди. Мисол учун, Испанияда йўқ плиссе қилинган юбка ва пешбандлар кенг тарқалганди.

Шундай килиб, маҳаллий олифталарап дид-фаросат ва урф-одатларига биноан испан услубини ўзгартириб, ўзларига мослаб костюмларни яратишган. Аммо Олмония костюмлари, уларнинг шакл ва декоратив принциплари Оврупо костюмига таъсир этмади. Улар Олмонияда сакланиб қолиб, фақат ҳалк костюмига ўтганди.

## XVII АСР ОВРУПО КОСТЮМИ

XVII аср — чексиз монархия ва мутлаклик камол топган, сиёсий тўқнашувлар ва катта иктисадий ўзгаришлар даври эди.

Бу даврда феодал жамият орасида вужудга келган янги синф — буржуазия сиёсий майдонга чикканди. Буржуазия мутлаклик билан курашга киришиб, айрим давлат-

ларда (Англия, Голландия) инқилобий түкнашувларда ғолиб булиб чиқканди. Аммо феодализм негизи кучли ва буржуазия кучсиз булган мамлакатларда аср давомида мутлаклик ривожланмаган эди. Франция ва Испания класик мутлаклик мамлакатлари бўлган. Агар XVII асрда Испания чукур сиёсий ва иктисодий инкиrozга кирган бўлса, Франция асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб муваффақиятли урушлар ва қатор ички реформалар натижасида дунё миқёсида катта аҳамиятга эга бўлганди.

XVII аср санъатида Барокко услуби ривожланганди. Етук мутлакликнинг дворян—черков сифиниши билан борланган Барокко услуби катта услугга интилганди. Санъатда қарама-қаршилик, кескинлик, манманлик ва гердайишга интилиш, хақиқат ва хом хаёлни мужассамалантириш ушбу услугга мансуб эди. Барча санъат турларида Барокконинг қонун-қондалари ўз аксини топганди. Санъатнинг миллий варианtlари хилма-хил бўлган эди.

XVII аср — Декарт ва Спинозанинг рационалистик фалсафасининг камолоти; Мольер, Корнель, Лопе де Веганинг драматургиясида аристократия маданиятининг акс этиши; аристократик мусиқанинг тараққиёти; Рембранд, Рубенс, Веласкес, Ван Дейк каби буюк рассомлар номларининг дунёга машхур булиши ва тасвирий санъат тараккий этиши даври эди.

Оврупода Франция энг буюк давлат булиб, мода соҳасида ҳам олдинги ўринда борарди. Аср мобайнида Франция тарихига биноан костюм модаси ўзгарганди. XVII аср биринчи ярмида Франциянинг ташқи ва ички сиёсати чекланмаган монархиянинг куч-кудратини оширишга қаратилганди. Мамлакатнинг иктисодини ривожлантириш масалалари энг муҳим деб хисобланганди. Саноат молларининг асосий истеъмолчиси дворянлар бўлгани саббли, зеб-зийнат буюмларини ишлаб чиқариш жадал равишда ўсади. Ипак газламалар (бахмал, атлас, кимхоб, тафта ва б.), тўрлар, тасмалар, ипак пайпоклар, батист, кўлқоплар, заргарлик буюмлари бошқа мамлакатларга

сотилиб, француз модасининг барча Оврупо мамлакатларига тарқалишига сабаб бўлганди.

Француз мутлаклиги ўз пойтахтини энг гузал шахарга айлантиришга интилди ва, натижада, Париж Оврупода энг йирик маданият марказига айланди. Модалар факат Парижда яратилиб, барча Оврупо мамлакатларига тарқаладиган бўлди.

XVII аср мобайнида француз костюми олти мартаба узгартирилди. Мутлаклик кучайган сари дворянлар костюмидаги кўп узгаришлар рўй берди, унда феодал-рицар белгилари камдан-кам қолганди.

## ЭРКАКЛАР КОСТЮМИ

### Биринчи давр (1600—1629 йй.)

Эркаклар костюмининг шакли XVI аср охиридаги костюмидан деярли узгармаганди. Бу давр шакли олдинги асрга нисбатан юмшоқроклиги, янги ёқа турлари ва иштон "о-де-шосс" билан фарқланарди. Костюм калта пурпурендан, кенг калта о-де-шоссдан, ипак пайпок ва этик ёки туфлидан иборат эди. Бош кийим юпқа наматдан ишланган бир томони тепага кутарилган кенг ёки тор-соябонли баланд шляпа бўлган (43 арасм).

Костюмнинг барча бўлимлари ўзаро тикилмасдан борич ёки илгаклар ёрдамида бириттириларди. Бу усул ўрта асрлардан қолганди (рицар совутидан).

Пурпуренning лифи тўрт бўлакдан иборат эди. Унинг узунлиги белигача бўлиб, олд бўлагининг этаги учбурчак (мыс) шаклида ва узунрок эди. Лифнинг пастига тасма билан баскани бириттиришарди. У бир неча бўлимдан (8-12) иборат эди. Басканинг шакли турли ўлчамли трапециясимон эди. У астарли қилиниб, тасма "галун" билан безатиларди. Бир неча бўлакдан иборат эполетлар пурпуренning енг ўмизини безатарди. Баъзан, пурпурен кесимлар билан безатиларди, уларнинг орасидан астар кўринарди. Пурпу-



43-расм. Жак Каллонинг "Ла Нолесс" циклидан гравюралар.  
а — зодагон эркаклар костюми; б — зодагон аёллар костюми.

рен күп тугма (сони 576гача етарди), ёкалар ва манжетлар билан безатилганди. Бу даврда фреза ёқасидан ташкари ок кайтарма ёка ва манжет урф бўлганди.

Пурпуренни остидан авраси юмшок тафтадан, астари сатиндан қилинган калта "шемизетт"ни ва юпқа матодан тикилган кенг ички кўйлакни кийишарди.

XVI асрдан қолган иштонлар кенгрок бўлиб тугмаланадиган бўлди, икки қават астарли ва тик кесимлар килиниб, чегараси тасма галун билан безатилганди.

Эркаклар кийими, асосан, мовут ва шойидан қилинади. Кенг тарқалган ранглар: кора, қизил, кул ва яшилжигар ранглар.

Устки кийим энди юмшокрок бўлганди. Устки кийимнинг асосий турлари: "казак", "манто", "кабан", "онгерлин" бўлган.

"Казак" — плашч тури. Кўп такилмалар ёрдамида уни узун кенг енгли ёки калта плашчга айлантириш мумкин эди ёки орқа булакларига енгнинг ён томонини бириттириб, енгнинг олд қисмини олд булакка бириттирмай, қўл учун жой колдириларди. Калта "казак" мушкетёрларнинг кийими бўлган. Кумуш хочлар ва галунлар билан безатилган ҳаво рангли казакни кирол мушкетёрлари кийишган, оқ безакли кизил казак эса — кардинал Ришилье-нинг мушкетёрларига хос эди.

"Манто" — доири шаклли, ёқали ва боғичли плашч эди.

"Кабан" — енгли, тўғри бичимли, узунлиги тиззагача бўлган кийим. У ҳарбийларнинг асосий кийими ҳисобланган.

"Онгерлин" — Венгриядан тақлид этилган қишки кийим. У мўйна билан сирланиб, чегараси ҳам мўйна билан безатиларди. Унинг лифи деярли тор бўлиб, тўртта баскали эди.

Оёкка шойи ёки жунли трикотаж пайпок кийишган. Оёқ кийими баланд пошнали туфли, баланд қўнжли этиклар — "ботфэртлар" ва уларнинг устидан ёғингарчиликда чармдан тайёрланган ёғоч тагликли пошнасиз "галош" кийишарди.

Кийимнинг кўшимчаси олтин тўр ва попук билан бе-залтан даструмоллар эди.

Сочларини аввалгидай қиска қирқиб, соқол қўйишарди.

### Иккинчи давр (1620—1635 йй.)

Бу давр пурпуреннинг қотирмалардан ва о-де-шосснинг валиклардан воз кечиши билан тавсифланади. Пурпуреннинг бичимини ўзгариши ва иштоннинг янги шаклининг пайдо бўлиши эркакларнинг ташки кўриниши мутаносиблигини ўзгартирганди. Энди унинг бели баланд, лифи тор, тўртта узун баскали ва енглари кенгрок бўлган-

ди. Баска күп тик кесимли ёки тасмалардан килинади. Ёқалари фреза ёки қайтарма эди.

Эркин иштон о-де-шоссларнинг узунлиги энди тиззадан пастрок булиб, металл учли тасма — "эгийеттлар" билан безатиларди.

Бош кийимлари кенг соябонли, туюкушнинг пати билан безатилган шляпалар эди. Узун соchlари жингалак килиниб елкага тушиб турарди. Соколларини олиб ташлаб, мўйлов қўйишганди.

Тор узун этик ўрнига кенг кўнжли, тиззадан қайта-рилган этик бўлган. Ипак пайпоклар тиззагача эди, этик билан кийиладиган бўз пайпокларнинг тела томони тур билан безатилиб, этик тепасидан куриниб турарди.

Янги костюм эркакларга янги ташки куриниш касб этганди. Энди улар бу костюмда баланд бўйли куриниб, харакатлари жўшқинлик касб этарди.

Такрор-такрор таъкикларга қарамасдан, бу дабдабали, юмшоқ ва пластик костюм — тилла кашта билан безатилди, кўп тугмаларнинг ўрнини эгийеттлар ва бантлар эгаллади.

### Учинчи давр (1635—1643 й.)

Иккинчи ва учинчи даврларда Франция костюмининг ривожланиши энг юкори даражага эришганди. Олдинги даврдаги оғир кийимларнинг ўрнига нозик ва оддий кийимлар келганди. Костюмнинг эркин шакллари, унинг юмшоқ чегаралари, ёркин ранглар ва уларнинг гармоник бирикмалари костюмга гузаллик берарди. Костюмнинг аник конструкцияси эса, унинг тўп-тўп рангли булакларга ўхшамаслигини таъминларди. Костюм бу даврда ёша-риш тассавурини туғдиради.

Пурпурен ва шосснинг бичими ўзгарганди. Пурпурен-нинг баскаси юмшоқ булиб, факат орқасида буларди, олди эса узунрок эди. Енглар бичими ўзгармаганди. Шосслар

энди "панталон" (Италия комедиясининг персонажи Панталонедан) деб аталаради. Панталонлар кенг бўлган, узунлиги тиззадан пастроқ булиб, учитасмадан килинган илгаклар ёрдамида тугмаланаарди, олд тақилмаси — "брагетт" учбурчак шаклида жойлашган бир неча катор тасмадан килинган измалар билан биркитиларди.

Фреза ёқа энди кийилмасди, фақат тўр билан безатилган катта қайтарма ёқалар ва манжетлар қолганди. Енг умизлари ҳам эполетлар билан энди безатилмайдиган булди.

Юмшоқ этикларнинг узунлиги энди болдир ўртасигача булиб, қайтармалари қолганди. Этиклар баланд пошнали эди. Баланд пошнали туфлилар тасмалардан килинган розетка билан безатиларди.

Пайпоклар аввалгидай рангли ва, айниқса, зангори ва кизил рангларда бўлган.

### *Туртинчи давр (1643—1660 йй.)*

Кирол Людовик XIII оламдан утиши билан француз костюмига деярли ўзгаришлар киритилмади. Аммо одамнинг ташки куринишига қизиқиш ва маълум одатларга интилишнинг зўрлиги 1644 йилда "Француз хушмуомалик қонунлари" деган китобнинг чикишига сабаб бўлди. Унда аристократларга оид харакатлар, қачон ва қандай кийим кийиш мумкинлиги баён этилганди.

Бу даврда таҳтда ўтирган кирол Людовик XIV ўзини "куёш қироли" деб атарди. У ўзини мадх килиш мақсадида санъат ва фаннинг ривожланишига кўп эътибор берганди. Эркаклар костюмидаги янги услубий ечимлар пайдо бўлганди ва Барокко услубининг таъсири жуда сезиларди.

Кийимнинг барча турларининг бичими ўзгарганди; кўп газмол, тасма, юпқа ички кийим ва тўрлар орасида гавда сезилмасди.

Пурпурен ўрнига қисқа енгли ёки тасмали, эркин курткача — "брасьєр" кириб келди. Унинг баскаси жуда калта

булиб, шосс камарини сал-пал беркитарди. Брасъернинг олди **ғижимланмаслиги** учун олд **булакларига картон тикишарди.**

Шосслар ҳам янги шаклга эга булди. Энди улар кенг, эркин булиб, тиззасидан бурмаланганди. Устидан кенг юбкасимон, қисқарок "рэнграв" кийиларди. Рэнгравлар тахламли қилиниб, этаги попук, кашталанган ҳошия ва ёни тасмадан тутамлар билан безатилганди.

Эркаклар иккита ички кўйлак (тор ички кўйлак ва устидан жун матодан битта ёки иккита камзол) ва устидан юпқа оқ матодан тикилган кенг устки кўйлак кийишган. Олд тақилмаси тур ёки бурма ҳошия "жабо" билан безатилганди. Ҳурпайган манжетлар ҳам тур билан безатиларди.

50 йилларда о-де-шосснинг учига ёки устки пайпокларга кенг бурма "канон" ни тикишарди. Улар оқ батистдан қилиниб, кашта ва тур билан безатиларди.

Устки кийимнинг энг муҳим тури кичкина ёкали, чегараси кашта ёки тур билан безатилган плашч булган.

1660 йилда баланд, қаттиқ соябонли, туякуш пати билан безатилган шляпалар кенг таркалганди. Париклар катталашган сари шляпалар пастроқ булган ва уларни кўлда олиб юришган.

Эркаклар кўндаланг бурмаланган пайпокларни киядиган булишган. Оёқ кийимлари: баланд пошнали рангли туфлилар ва этиклар булган.

Бу даврда конструктив аникликнинг йўқолганлиги, костюмнинг сер безаклилиги кўзга ташланар эди.

Костюм қўшимчалари кўлкоп ва шлага бўлган.

### *Бешинчи давр (1660—1685 йй.)*

Бу давр мутлақликнинг энг юксак даражага эришган даври эди. Франциянинг халқаро обруйи жуда кучайганди. Бунга Франция саройининг дабдабали ва савлатли руҳий кучи, маданиятининг юкори даражага эришганли-

ги сабаб булганди. Кирол Людовик XIV подшолик даврида сарой ҳаёти мухим роль ўйнаган. Унинг буйруғига биноан сарой маросим тартиблари жорий килинганди.

Эркаклар кийимида янги сарой либослари пайдо булганди. Уларнинг ранглари, безаклари ва кулланган матолари шахснинг табақасига қараб белгиланганди. Мисол учун, кимхобдан тикилган ва зарбоф билан безатилган кийимни факат кирол ва унинг оила аъзолари кийиши мумкин эди.

Бу давр янгилиги: мавсумга биноан кийиниш ва, албатта, кийимни алмаштириш шартлиги тўғрисида қонун чиқарилганди. Баҳорда ва кузда — енгил мовутдан, қишида — ратин, духоба ва атласдан, ёзда — факат тафтадан тикилган кийим кийиш тавсия этилганди.

Эркаклар устки кийими энди ҳарбий кийимдан олинганд "жюстокор" эди. Пурпуренни энди кийишмасди.

Ҳарбий ғалабалари Франциянинг халқаро обрүйини кўтарганди. Шу даврда Людовик XIV биринчи мартаба ҳарбий формани армиянинг барча турларига кийгизганди. Кийимнинг бичими, ранги ва безагидаги арзимас фарклар кўшинларнинг турини белгиларди.

Аммо маҳаллий костюмда башангликдан воз кечиш тўғрисида гап ҳам бўлмаганди. Костюмнинг асосий хусусиятлари дабдабалик ва ҳашаматлик эди. Ҳурпайган, баланд, узун парик; кўйлак, калта веста, узун жюстокор, калта о-де-шосс ва баланд пошнали туфли — эркакларнинг асосий кийимлари эди. Турли ёқанинг урнига ок матодан уни турли билан безатилган галстук "кроат" кийишадиган бўлганди. Ранглар гаммаси: кўк ва кизил, зангори ва кизил, кизил, ок ва кўк бўлган.

### Олтинчи давр (1680—1700 й.и.)

Людовик XIV сиёсати кутилган натижага олиб келмади. Бу киролни асабийлаштиради ва сарой амалдорлари унга бегона булиб қолгандай туюларди. Кариган кирол-

нинг дилига энди башанглик, байрамлар билан қизиқиш сифмасди. Унинг костюми энди оддийлиги билан, тўк ранглар, оддий безаклар билан сарой амалдорларнидан фарқланарди. Киролнинг кийими тўк рангли баҳмалдан тикилган, кашта ва оддий тилла иплардан килинган тугмалар билан безатилганди. У ҳеч қачон узук тақмаганди ва қимматбаҳо тошларга ўз муносабатини курсатиш учун факат оёқ кийимларини улар билан безаттиради. Шу сабабли бу даврда костюмнинг факат айрим бўлимлари ўзгарганди. Йўл-йўл матолар модага кирганди. Ундан жюстокор тикишарди. Улар тилла тўр, зар ука ва кўп тугмалар билан безатиларди. Жюстокор белга ёпишиб турарди ва еллигичсimon тахламалар ёрдамида ёнлари кенгаярди. Копқокли чұнтакларнинг шакли ва йұналиши ҳам ўзгариб турарди. Жюстокорни олди, одатда, тугмаланмасди ва шунинг учун ичидан бошқа рангли ёки нақшли матодан килинган камзол "веста" куринарди.

Кенг о-де-шосс ўрнига тор "кюлот" кийишганди. Улар ҳам чұнтакли қилинарди.

Кишки жюстокорлар мўйна билан сирланаарди, кўлларини эса катта "муфта"га беркитишарди.

Галстукларни боғлаш усуллари ҳам тез-тез ўзгарганди. 70-йилларда уни бир неча ингичка бантларга боғлаб, тўрли учини жюстокорга чиказиб кўйиншганди; 80-йилларда галстук тугунининг икки томонидан тасма билан кўп илгаклар қилинарди; 90-йилларда "кроат Штенкер" галстуғи пайдо бўлди — бу боғланмаган шарфсimon галстук бўлиб, унинг битта учи жюстокорни олтинчи ва еттинчи измасидан ўтказилганди (жанг пайтда офицерлар галстугини борлай олмагани учун).

Устки кийимларнинг номи сакланиб колса ҳам, уларнинг шакли ва ташки куриниши ўзгарганди. Плашч кенг ва узун бўлди, уни гавдада драпировка қилиб, бир учини орқага ташлаб кўйиншарди. Казак узун енгли ва манжетли бўлиб, кенг эркин пальтоға айланганди (44-расм). Унинг олди қайтармали бўлиб, шнурдан қилинган изма-



44-расм. XVII аср генерал формаси.

Париклар костюмнинг жуда муҳим бўлими деб хисобланарди.

Оёқ кийими пошнали, тумшуғи тўғри тўртбурчак шаклли, ён томонидан тақиладиган ботинкалар эди.

XVII асрда аристократия ва буржуазиянинг кийимлари кескин фарқланарди.

### АЁЛЛАР КОСТЮМИ

XVII аср мобайнида эркаклар костюмига нисбатан аёллар костюми шаклининг ўзгаришлари камроқ бўлган.

### Биринчи давр (1600—1620 йй.)

Бу даврда XVI асрнинг асосий шакллари сакланиб қолганди. Аёллар костюмининг асоси “корсет” ва “вер-



45-расм. Киборли костюм. XVII аср охири.

"тюгаль" эди. Ички күйлак устидан корсет ва "калесон"ни кийишарди. Калесонлар қимматбаҳо матолардан қилинарди; қишида астарини баҳмалдан, ёзда эса түянинг терисидан қилинарди. Калесонлар тасма "галун", кашта ва тугмалар билан безатиларди.

Күйлак аввалгидай "кор-де котт"дан, "котт"дан ва "роб"дан иборат эди. Кор-де котт лифининг юкори қисми кенг, енги эса узун эди, унинг шакли тол чивиклар ёрдамида ушланиб туриларди. Котт тахламли юбкага айланди. Лиф ва юбкаси бир хил матодан қилинганди (43, б-расм). Атлас, пан, духоба, тафта, камелот, бюраль кенг тарқалган матолар эди.

Устки кийим — роб — олди очик, калта енгли кенг манто эди.

Аслзода аёллар кўпинча бош кийим кийишмасди, факат бева аёлларгина қора “шалерон” кийишарди.

Гўзаллик ва бойлик рамзи сифатида аввалгидай тилла ва кумуш, кимматбаҳо тошлар билан кашта қилинган матолар хисобланарди.

### Иккинчи давр (1620—1635 йй.)

Бу даврда шакл ва ҳажмнинг янги нисбатлари яратилган. Вертюгаль урнига қия боғланган валик кийишган. Бичим, шакл, мутаносибликларнинг таҳлили қуидагиларни кўрсатарди: бўксани кенгайтириш, орқани

торайтириш ва енгларни кенгайтириш билан аёллар тулаликни беркитмокчи булишганди. Костюм шаклларининг нисбатлари гавданинг барча қисмларни бир хил қилиб кўрсатарди.

Костюм аввалгидай бир неча бўлимдан иборат эди. Ички кўйлак, калесон, корсет, валик ва ички юбканинг устидан бир хил матодан қилинган “корсаж” (лиф) ва котни кийишарди. Корсажнинг орқаси бир ёки икки булакдан иборат эди, олдига эса пасти учбурчак шаклда бўлган кашталангандек улок тикишарди. Корсажнинг енгларида тик йўналишда-



46-расм. Абрахам Боссе гравюра-си. 1640 й. Аёллар костюми.



47-расм. Рембранд ван Рейн. Ёш аёл портрети.  
Букингем саройи. Лондон.

ги кесимлар бўлган (46-расм). Уларнинг устидан яна рединготга ўхшаш олди очик, корсажи шнуровка килинган кийим кийишган.

Чукур декольтени юпқа оқ матодан қилинган, чегараси түр билан безатилган қайтарма ёқа безатарди. Елпиги-  
чесимон шаклли ва фреза ёқалари модадан чикканди.  
Ушбу янги кўйлак “қулай кўйлак” деб аталарди, чунки  
аёллар унда бемалол харакат қилиши мумкин эди (47-  
расм).

Парик ўрнига ўзларининг соchlаридан ясалган прি�чес-  
калар қилинарди. Олдиларидан киска пешонагажак кир-  
кишарди, ён соchlарини жингалак қилишарди.

Корсажнинг белида шнур, тасма ва занжирларга қис-  
тирилган ойнача, елпигич, соат ва бошқа керакли буюм-  
ларни олиб юришарди. Аёллар костюмидан ҳам қиммат-  
баҳо тўрлар ва матоларни қўллаш ман этилганди. Қим-  
матбаҳо зийнат буюмларни ҳам кам кийишганди. Одатда,  
марварид маржон ёки корсажда марварид розеткани та-  
кишган.

Устки кийимлари манто ва онгерлин бўлган. Манто  
“пелерина” сингари калта ёки гавдани бутунлай берки-  
тадиган узун бўлиши мумкин эди. Онгерлин астарли ёки  
мўйна билан сирланган, енгли ва баскали бўлган.

### Учинчи давр (1635—1645 йй.)

Бу даврда саройда аристократлар орасида севги сар-  
гузаштларига кўп эътибор бериларди. Иккинчи томон-  
дан, уларда адабиёт, фалсафа, фанларга, санъатга қизи-  
киш туғилгани учун янги эстетик идеал пайдо бўлганди.  
Улар француз аёли ташки кўринишининг ўзгаришига  
сабаб бўлган. Аёллар, энг аввало, бўксада валикни кий-  
майдиган бўлдилар. Енгларнинг ҳажми кичрайди. Бел  
чизиғи юқорида сақланиб қолди, тўғри юбкалар туфли-  
ларни беркитиб турарди. Шундай килиб, паст бўйли тула  
аёл баланд хушбичим фигурали аёлга айланди. Устки  
кўйлакнинг юбкаси аввалгидай олди очик бўлган; олди

берк юбкалар хам учрарди. Баъзан юбканинг олд этагини белга кистириб қўйишарди (43, б.-расм). Чукур декольтега икки қаватли қайтарма ёкани тикишарди. Ёка ва қайтарма манжетлар тўр билан безатиларди. Ёка билан бараварига бўйинда рўмол буларди.

Онгерлинни ўрнига баскали жакет кенг таркалтан эди.

Бу даврда пешбанд кийиш одатга кирди. Уни кийим турларининг сонини кўпайтириш учун кийишарди.

Кизил, кора, сарик ва кул ранглар кийимда кенг кўлланарди.

Кийим ўзгариши причёскаларнинг ўзгаришига сабаб бўлди. Сочлари жингалак қилиниб, елкаларига эркин тушиб турарди, орқаларнда эса соchlар турмаклаб куйиларди.

Марварид маржонлар ва зираклар костюмнинг асосий безаги эди.

Кўлқоплар зеб-зийнат белгиси бўлганди.

Бу даврда аёлларнинг сернозлиги костюмларига хам таъсир этганди. Нозлар кийимларнинг айrim бўлакларига янги номларни беришганди: устки кўйлак юбасини — "модест" (одми), ички кўйлак юбасини — "фрепон" (ўйноқи), ички юбаки — "секрет" (яширин) деб аташарди.

Юзларини ва севги саргузаштларини яшириш учун баҳмалдан никоб ва кора тафтадан бош кийим "капор" кийишарди.

Оёқ кийимлари: қимматбаҳо тошлар билан безатилган туфлилар эди.

Танноз безакларнинг маҳсус бир тури ясама холлар эди. Улар эркак ва аёллар томонидан кенг қўлланарди. Холлар елимланган кора тафтадан хар хил шаклда (юлдуз, ой, гул ва бошқалар) қилинарди.

Аристократларнинг янги ташки куриниши асрнинг 50—60-йилларида вужудга келди ва арзимас ўзгаришлар билан аср охиригача сакланиб қолди.

## Түртминчи давр (1650—1660 йй.)

Бу даврдан бошлаб силуэтга аниклик киритилди. Костюм шакли янада кичрайди. Лифнинг каркас асоси сақланиб қолди. Кит мўйидан ясалган корсет белни ингичка (40 см гача) киларди. Олд бўлаги пастининг учбурчак шакли бу тасаввурни янада кучайтирганди. Кўйлак силуэти иккита чўзилган учбурчаксимон эди, унга хурпайган, овалсимон, кесимлар ва бантлар билан безатилган енглар қарама-каршилик кўрсатарди. Кесимларнинг орасидан тўрли воланлар билан безалган ички кўйлак кўринарди. Олиб қўйиладиган шлейфли юбка бўлганди. Шлейфли "манто" ёнларидан ва оркасидан бурмаланаарди ва маҳсус тўғионич "аграф" билан юбкага биринтириларди.

Декольте кенг булиб, чуқур эмас эди ва тўр билан безалган оқ мато тасма билан безатиларди. Ундан ташкари, кўйлак эркакларники сингари ленталар тутами билан безалганди. Манто ва лиф бир хил газмолдан қилинаарди. Мантоли кўйлакни факат аристократлар кийишарди.

60-йилларда эркаклар кийимида жюстокор пайдо бўлганда, аёллар кийимида ҳам ҳарбий кийимга интилиш пайдо бўлди. Аёлларнинг ов учун костюми эркаклар костюмiga ўхшаганди.

Причёскалар енгил ва эркин бўлди. Бошга тўр румолни ташлаб қўйишарди.

## Бешинчи давр (1670—1680 йй.)

Асрнинг 70-йилларида аёллар костюмидаги неча узгиришлар киритилганди. Кўйлакнинг лифи узайди ва бели табиий ҳолига келди, лиф ундан ҳам торайганди. Бу тасаввурга корсет ёрдамида эришиларди (корсет аввалгидай кўкракни сиқиб ясси қилмасдан, кўкрак шаклини кўрсатарди). Ташки кўринишнинг нозиклигига ва гузаллигига маҳсус эътибор берардилар. Сунъий шаклларга

асосланган костюм оддийликка ва табиийликка эришишга интилганди. Шу даврда эришилган сифат — орасталик — француз аёлларининг миллий гўзаллик тушунчаси бўлди ва келгуси ривожга асос булиб, Франциянинг келажак модаларининг конундори булишига сабаб бўлди.

70-йилларда костюмнинг фаслга мослигига кўп аҳамият бериладиган бўлди. Бу, асосан, матолар ва рангларда уз аксини топди.

Безак сифатида турлар кенг тарқалганди. У билан бошни, устки ва ички кийимни безатишарди.

Шу даврда қалбаки юбка — пешбанд модага кирганди. Бу сер безатилган, устки юбкага тўғонгич билан қадаб кўйиладиган, олиб кўйиладиган олд бўлак эди.

Катта кенг плашч ўрнига аёллар "кап"ни (пелеринанинг бир тури) кийишган; унда шарфга үхшаган капюшон булиб, унинг учи олдида боғланарди. Баъзан, капюшонни капсиз кийишарди.

70-йилларнинг ўртасида мўйна ёки матодан қилинган ёпинчок "палантин"ни кийишган.

50—60 йилларда хар хил рангли ва 70-йилларда тана рангидаги пайпокларни кийишган.

Оёқ кийими баланд пошнали туфлилар эди. Улар лента ва кашта билан безатилганди.

Сочларини жингалак қилиб, турли причёскалар килишарди.

### Олтинчи давр (1680—1690 йй.)

Аср охирида аёллар кийими аста-секин одмилигини йўқотади. Аввал силуэтда ўзгаришлар кам эди. Аммо 90-йилларда юбканинг шакли маҳсус килдан ясалган ёстикча ёрдамида кескин ўзгарганди. Юбка орқасида бурмалангани учун бу даврда ён силуэти асосий бўлганди (45-а, 48-расмлар). Олдига тикилган улоги торайиб, лифнинг ён томонлари қайтарилганди. Декольте тахлама тўр ва



48-расм. XVII аср аёл либоси.  
"А ля фонтаж" соч турмаги.

ўрин олди. Улар калта бўлиб, тўр, оборка ва чўнтаклар билан безатиларди.

Асрнинг охирги чорагида йўл-йўл матолар бошқа матоларга қараганда кенг тарқалганди. Даврнинг янгилиги катак-катак матолар эди. Матонинг ранглари ёркин бўлиб, қарама-қарши ранг бирикмалари кўп кўлланганди. Аммо аср охирида нозик рангларга эътибор кучая бошлади.

Причёскалар мураккаблашиб, ўзгариб турарди. Причёскалар баланд бўлиб, тасма ва тўр билан безатиларди.

Бош кийими тўр, тасма билан безатилган қаттиқ, кичкина шапка эди.

Аср охирида кенг тарқалган аксессуарлар: елпифичлар, кул ойначалари, ясама холлар учун кутичалар, соябонлар, қўлқоплар эди.

Кимматбаҳо тошлар тикилган тасма билан безатиларди. Устки юбкаси энди кўндаланг тахлама қилиниб, аппликация, кашта, қалбаки тошлар ва попуклар билан безатиларди. Кашта кўндаланг жойлашгани сабабидан, костюмнинг мутаносибликларини узгартирганди. Янги костюм хушбичимлигини ва нозиклигини йўкотди, сер безаклари эса рационал — конструктив асоснинг йўколишига сабаб бўлганди. Шу асосда янги бадиий услугга ўтиш йўналишлари пайдо бўлди.

Палантин ва галстук каби модали буюмлар қаторидан пешбандлар хам

## ИСПАНИЯ КОСТЮМИ

XVII асрда Франция қаторида Испания ҳам мутлаклик таянчи бўлганди. Аммо бу даврда Испания чукур сиёсий ва иқтисодий инқирозда эди. Кулолчилик билан шуғулланган маврларнинг ҳайдалиши хунармандчиликнинг ривожига путур етказиб, иқтисоднинг оғир ахволга тушишига сабаб бўлганди.

Испан киролларининг истеъдодсиз сиёсати, муваффакиятсиз урушлари, католик черковининг кучли таъсири испан мутлаклигини ута реакцион килганди.

Аммо XVII аср адабиёт ва санъат соҳасида Испания учун ҳакиқатдан "олтин" аср бўлганди. Жаҳон маданияти тарихига таникли ижодкорлар: Лопе де Вега, Кальдерон, Тирсо де Молина, Сервантес, Мурильо, Сурбаран, Веласкеслар кўшилди. Санъатда инсонпарварлик ғоялари ўз аксини топди. Бу буюк миллий маданий анъаналар эстетик ривожга асос булиб, XVII аср испан костюмига ўзига хос хусусиятлар киритди. Умумоврупо модалари испан костюмига унча таъсир этмаганди, аммо француз модасини улар ўз эстетик дидларига мослаштиришганди. Испанларнинг сиполиги костюмда ўз аксини топганди. Католик черковининг таъсири ҳам испан костюмida сезиларди.

Модалар зулмат босган саройда яратиларди. XVII аср бошида испан модалари XVI аср костюмига үхша॑ нокулай, хашаматли булиб, гавданинг табиий мутаносибликларини бутунлай яширади. Факат XVII асрнинг иккичи ярмидагина Испанияга француз модаларининг таъсири сезила бошлиди: аёллар декольте ва узун сочли причёскаларга ўтишди. Аммо, факат 1706 йилдан кейин, Испания Бурбонларнинг хокимиятига ўтгандагина, Испания модаси умумий Оврупо модаси билан тамомила уйғунлашди.

XVII асрнинг биринчи ярмида эркаклар хурпайган, узунилиги тиззагача бўлган иштон; колетга үхшаш "хуб-



49-расм. XVII аср оёқ кийимлари.

французлар сингари бүксасида валиклар килишмасди. Кальсес тиззасини беркитиб, ёнида боғич билан боғланарди, ён чоки кўп тутмалар билан безатиларди.

Пайпоклари оддий эди. Оёқ кийимлари чармли туфли ва баланд кўнжли тор этик эди. Духобадан тикилган туфлилар кўпинча олтин ёки кумуш тўка билан безатилганди (49-расм).

Бош кийимлар: “барет”, соябонли шляпа “сомбреро” ва тепаси баланд “ток”симон шляпалар.

Кулкопни факат аристократлар кийишганди.

Асрнинг биринчи ярмида аёллар костюми XVI аср костюми билан кўпроқ боғланганди. Модада уша-уша каркасли қаттиқ юбкалар, берк кўйлаклар урфда эди. Юбка узунлиги ергача тегар эди, чунки аввалгидай юбканинг остидан оёқ кийимнинг учи ҳам кўринмаслиги керак эди. Лиф тор булиб, гавданинг табиий шаклларини кисиб беркитарди ва берк ёқали эди. Аёллар кийимида ранглар ёркинрок булган.

Асрнинг ўрталарида эркаклар костюмининг шакли бироз оддийлаштирилди ва айрим олифталар француз “муш-

лонг” (кўпинча узун оси-  
линган енгли ва елка-  
сида валикли) ва охор-  
ланган ёқа фрезани  
кийишганди. Устки  
кийим плашчади. Соч-  
ларини қиска кирки-  
шарди. Франциядан  
келган парикларни эса  
факат олифталар кий-  
ишарди. Бел кийими  
иштон “кальсес” эди.  
Унинг бичими эркак-  
нинг ижтимоий ҳолини  
курсатарди. Кальсесни  
шакли кенг булиб,

кетёр" костюмини кийишадиган бўлди. Фрезанинг ўрнига кичкина кайтарма ёқа урф бўлганди. Колет узайиб эркинрок бўлди, енглари эса, кўпинча кайтарма бўлганди. Елкасини кенгрок килиб кўрсатиш учун енгининг устидан елкасига валиклар тикиларди. Енглари деярли кенг бўлиб, кесимлар билан безатилган, узун ва манжетли эди. Устки кийими — плашч анча узайганди. Иштонлар кальсес ва юмшок, деярли тор, тиззасини пастидан бант билан боғланган панталонлар бўлганди.

Сочлари узунрок бўлса ҳам юзидан пастга тушмаганди.

Костюмда, албатта, кўлқоп булиши шарт эди, уларни одатда кўлда ушлашарди ёки факат чап кўлга кийишарди.

Шляпалар, кўпинча, думалоқ шаклли бўлиб, пат билан безатиларди.

Кийимлар, асосан, кора рангда бўлганлигидан катъи назар, дворянларнинг костюми жуда қиммат ва ҳашаматли эди, чунки битта костюмда ҳар хил фактуралар кулланарди: духоба, ипак, жун.

Олий зот аёлларининг костюми аввалгидаи нокулай, бесунакай эди. Башанг кўйлакнинг юбкаси ён томонга жуда чўзилган каркасга тортиларди. Лиф жуда тор бўлиб, орасига пахта солингани учун гавданинг табиий шакллари беркитиларди. Баъзан, корсетни устидан бели сиқилган баскали жакет кийишган. Унинг енглари ҳар хил бўлса ҳам, елка томони доимо тор бўларди. Одатда, устки кўйлакнинг енгини елкасидан пастрок кесим килиб кайтариб кўйишарди, кесимнинг орасида ички кўйлакнинг енги куринарди. Декольтени доимо беркитишарди, чунки этикет (одоб) буйича олий зот аёлларга очик кўйлак кийиш ва узун соchlарини ёйиб юриш манъ этилганди. Баска ва кўйлакнинг этакларига кашталанган қиммат баҳо матодан хошия килишарди. Кўйлакларнинг ранги кизил, яшил, кора ва кул ранг бўлган.

Тантанали причёскалар паст ва кенг юбканинг силузтига ухшаш бўлганди. Сочларини патлар, гуллар, тасмалар билан безашган.

Кучага чиқканда аёллар бошига ва елкасига енгил, баъзан тўрли "мантилья"ни ташлаб юришарди.

Костюмнинг қўшимчалари: даструмл, елпифич ва тасбех бўлган.

Оддий табакали аёллар ёркин рангли юбка, кофта ва шнурланган рангли корсаж кийишган. Прическалари хам оддий бўлган, тўғри фаркка тараган соchlар уриларди ва орқасида саватсимон турмакланарди. Уларда хам мантилья ва елпифич костюм қўшимчаси бўлган.

## XVIII АСР ОВРУПО КОСТЮМИ

---

XVIII аср — феодализм тузумининг сўнгги босқичи ва буржуа инқилоблари даври эди.

Бу даврга келиб, буржуа маданиятининг асослари пайдо бўла бошлиди. Бу асослар (Дидро, Вольтер, Руссо каби) маърифатчилар мафкурасида ўз ифодасини топади. Сўзсиз, ҳар бир давлат ўзининг тарихий шарорити ва миллий хусусиятларига кўра тараққиёт йўлига эгадир.

XVIII асрда инсонпарвар маданият бирлиги тўғрисида фикр туғилганди. Бу миллий интеллекенциянинг пайдо бўлиши ва улар орасидаги алокаларнинг кенгайгайиши билан узвий боғлиқ эди. Бунинг натижасида мамлакатлараро маданий алокалар кенгайди. Иктисадий ривожланишнинг ўзига хослиги, техник тараққиёт ва маърифатпарварлик Францияни буржуа инқилобига олиб келди. Француз инқилоби феодал тузумини батамом йўқотиб, капиталистик жамиятни барпо этди. Франция санъати барча Оврупо давлатларига намуна бўлди, француз тили халкаро тил бўлиб колди, француз модаси барча Оврупо мамлакатларига таркалиб, умумий Оврупо модасига айланди.

Англияning таъсири фалсафада, иқтисодий ва ижти-  
моий назарияларда ҳамда санъатда сезиларди. Франция  
орқали инглиз костюми бир оз ўзгариб, "Французлашиб"  
барча Оврупо мамлакатларига таркалганди.

## XVIII АСР БИРИНЧИ ЯРМИ КОСТЮМИ

XVIII аср костюмларининг ривожланиши бир неча бос-  
кичлардан иборатdir.

Асрнинг биринчи ярмида бадний йуналиш рококо ус-  
лубида ўз аксини топди. Агар барокко мутлақлик тарак-  
кий топган пайтда аристократларнинг дидини акс этти-  
ган бўлса, рококо — мутлақлик инкиrozга учраган давр-  
ни акс эттиради. Рококо барокко бадний услубини  
ниҳоясига етказганди.

Реал хаётдан ўзини панага олиб, аристократлар ошик-  
маъшуқлик дунёсига ўзини чеклаганди.

Рококо — кичкина бино ва шахар атрофидаги сарой-  
лар, қишлоқ идиллияси ва кичкина декоратив шакллар-  
нинг услуби. Бу услуб бароккога ухшаса ҳам, унинг  
ундан бир кучига эга эди. Нозик декор, эгри чизиклар,  
ишкийлик — ушбу хусусиятлар рококо услубининг тав-  
сифларидир. Нозик интеръерни енгил ва нафис ишлан-  
ган мебель, чинни буюмлар (люстралар, вазалар, хай-  
калчалар) безатарди. Мебель эса одамларнинг дидига  
мосланганди.

XVIII аср рассомлари А. Ватто, Буше, Шарден, Левиц-  
кий, Рокотов, Гейнсборо ва бошқалар одам сиймосини  
ва либосини ҳайрон қоларли даражадаги гузал нозикли-  
гини уtkир дид билан тасвиrlашган. А. Ваттонинг тас-  
вирий санъати туфайли биз янги услубнинг гузал ва етуқ,  
тўлиқ манзаралари билан танишишга муюссар бўлдик.

**Эркаклар костюми.** Эркаклар костюми XVIII асрда  
бир катор ўзгариш ва эволюциядан ўтиб, асрнинг охири-

да унинг шакли ва ранги бутунлай ўзгариб, биринчилликни аёллар модасига беришганди.

Эркаклар костюми ички ва устки кийимлардан иборат бўлган. Кўкрак киркими тўрли жабо билан безатилган, тўрли манжетли оппоқ ич кўйлак кийимнинг мажбурий кисми эди. Кўйлакнинг устидан камзол "веста"-ни ва унинг устидан кафтан "аби" ни кийишган. Камзол ёркин шойи матодан тикилиб, кашта билан безатиларди. Кафтан баҳмал ёки қалин шойи матодан тикилиб, гавдага белигача ёпишиб турарди. Этагига эса елимланган қалин мато ёки китнинг мўйини тикишарди. Кафтан ва камзол ёқасиз бўлган. Кафтаннинг енги кенг, узунлиги тирсагигача, бошка рангли матодан килинган манжетли эди. Ён чунтаклари қопқокли бўлган ва белидан пастрокка жойланганди. Борт ва манжетлари зар ёки кумуш билан кашталанган ва металл тугмалар билан безатилган. Одатда, кафтан тугмаланмасди. Галстук кизил ёки тор тасмадан килиниб, бантга боғланарди.

Тор панталон "кюлот"лар тиззадан пастрок булиб, почаси тугмаланарди.

Дворянлар, одатда, оқ пайпок, буржуазия — ранги пайпокни хуш кўришган. Совук пайтда Англиядан келган "гетр"ларни кийишган.

Оёқ кийимлари паст пошнали металл тўқа билан безатилган башмоклар бўлган.

Аср бошида (1715 йилгача) модада XVII асрнинг париклари учрайди. Кейин париклар кичкина бўлди. Сочларини жингалак қилишган ёки орқага силлик қилиб тараб, қора лента билан боғлаб, учини қора халтачага солиб кўйишган (упа кафтанни булғамаслиги учун). Бош кийими пат билан безалган уч киррали шляпа эди.

Костюмнинг кўшимчалари: шпага, кўлқоп, тамаки кути ва муфталар бўлган.

**Аёллар костюми.** XVIII асрнинг биринчи ярмида аёллар костюми жуда гузал, нафис, оч рангли бўлган. Улар нозик чинни ҳайкалчаларга ўхшаган (50-расм).

Тор елка, жуда ингичка бел, юмалок бўкса чизифи, кичкина париклар гавдага нозиклик баҳш этган. Корсет ва ички юбка-нинг устидан ички кўйлак "фрепон" ва устки кўйлак "модест" кийилган. Ички юбкалари охорланарди, баъзан кавиларди. Тантанали маросим либосларида каркаси кит мўйидан килинган ички юбкалар кийишган. Сарой кўйлаклари кўпинча шлейфли бўлган. Аммо юбка каркасга тортилгани учун шлейфи мато парчасидан қилиниб, елкасига ёки белига қистириларди. Ички кўйлак — фрепоннинг лифи корсет ёрдамида тор бўлган, устки кўйлак — модестнинг лифи олди очик булиб, лента ёки шнуровка билан бириктириларди. Устки кўйлакнинг юбкасини олди очик ва чегараси сер бурмаланган оборка билан безатиларди. Ички юбканинг этаги эса кўндаланг йўналишда безатиларди (тур, кашта, рюш, оборка ва воланлар билан). Кенг тарқалган ёка ўмизи каре эди. Уни кўпинча тур ёки енгил матодан килинган волан билан безашарди. Енглари тор булиб, узунлиги тирсагигача эди. Учи тур ёки енгил матодан килинган волан билан безатиларди.

Бўйинларига енгил шойи рўмол, мато ёки тўрдан рюш ёки духоба тасмани боғлашган.

Устки кийим "контуш" бўлган (51-расм). Контуш елкасидан кенгайган трапециясимон силуэтли, бели киркилмаган ва белгиланмаган, оркаси чуқур тахламли (Ват-



50-расм. Франсуа Буше.  
Мадам Помпадур. 1759 й.



51-расм. Антуан Ватто. Аёл портрети Ватто номидаги тахламли кўйлак.

то тахламлари) ички юбка ёки каркаснинг устидан кийилган кўйлак эди. Унинг олди очик булиб, тасмалар ёрдамида биритирилган. Баъзан, контушни олдини кесмасдан бошдан кийишганди. Бу кўйлаклар шойи, атлас енгил духобадан тикилган. Ранглари оч ва ёркин булган. Аср урталарида контуш калта жакетчага айланган. Кулай бўлгани учун уни уйда кийишган, кўчага эса энди уни фақат оддий аҳоли кийган.

Бу даврнинг барча кўйлаклари бантлар, тўрлар, гулдасталар ва бой кашталаар билан безатилган.

Причёскалари кичкина, жингалаклари тепага кутарилган булиб, ленталар, патлар ва марваридлар билан безатилганди. Одатда, сочларига упа сепишарди. Бу даврда бош кийим камдан-кам кийишган. Уйда тўрлар, ленталар ва гуллар билан безалган чепецларни кийишган, кўчага чиққанда бошга енгил ёпинчок, саёҳатга борганда эркакларнинг уч киррали шляпасини кийишган.

Пайпоклари оқ ва рангли бўлган. Оёқ кийимлари баланд пошнали, очик, атлас ёки юпқа чармдан тикилган ихчам туфлилар эди.

Бу даврда маржонлар, билакузуклар, узуклар, нозик занжирли соатлар, гулдасталар (кулинча чиннидан), тасвирлар чизилган еллиғичлар тутишган.

## XVIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ КОСТЮМИ

Бу даврда санъатга Классицизм бадий услуби кириб келди. Буржуазия инқилобга тайёргарлик курган даврда классицизм услуби яхлит миллий давлатчилик, ижтимоий бурч, ватанпарварликни акс эттириди.

Бу услуб дунёни идрокли қонунийлигига, қаҳрамонлик ва ахлоқий идеалларга, мантикий ва уйғун намуналарнинг сипо тартиблигига интилганди. Ўз ғояларини маърифатчилар антик тарихдан ўзлаштирганди. Қадимийларнинг сиполиги ва оддийлиги сарой бебошлигига ва бошқарманинг хўжасизлигига қарама-карши қўйилганди. Юнон ва Римга қизикиш декоратив ва ғайритабиий рококо услубига нисбатан салбий муносабатга олиб келди. Айниқса, 1748 йилда Помпея ва Геркуланумни қазиш ишларининг натижасида антик санъат билан қизикиш кучайганди.

Адабиётда Вольтер, Ж. Расин, Лафонтен, Гёте, Шиллер, Лабрюйер, Ломоносов, Державин; тасвирий санъатда Ж. Л. Давид, К. Лорен, Д. Энгр; ҳайкалтарошликада Э. Фальконе, Б. Торвальдсен; санъатшуносликда Винкельман ва б. ижод этишган.

Тасвирий санъатда ва меъморчиликда классицизм услуби дархол мухим роль ўйнаган бўлса, амалий санъатда, гарчи бадий усуллари қарама-карши бўлса ҳам, классицизм рококо услубининг элементлари билан бирга күшилганди. Костюмда эса аввалги рағбатлар хукмдорлик киларди. Мода саройда яратиларди ва аристократик жозибалар яккол куринарди. XVIII асрнинг модалари рококо костюми тизимларини ривожлантирганди ва “кеч рококо” деб аталарди.

Асрнинг 70-йилларида шакли ва ранги сипо инглиз модалари кенг таркалди.

**Эркаклар костюми.** Диid ва хушбичимлик тушунчанинг ўзгарганлиги тўғрисида молия назоратчисининг

вазири де Силуэттенинг карорларига биноан пайдо булган модалардан куриш мумкин. Кафтаннинг шакли кичрайди, кюлотлар чүнтаксиз, тамаки кутичалари безаксиз була бошлади. Костюмнинг нозик ечимлари давр услубини түлиқ акс эттирди. Кийимларнинг бичими хам ўзгарди. Кафтан "аби" нинг олди торайғанлиги учун у түгмаланмасди. Абининг узунлиги тиззагача эди.

Тор кюлотлар тиззани беркитиб, тұқага түгмаланаради. Уларнинг бичими хам ўзарғанди.

Абининг ўзгариши билан камзол "веста" хам ўзарғанди. Униенгсиз за калтароқ қиласынан булишди ва "вестон" ёки "жилет" деб номланди.

Эркаклар костюмидеги ўзгаришлар айникесе "фрак" да жуда сезиларлы болды. Энди уннинг чүнтаги йүк эди, бичими ўзарғанди ва фракни доимо шлагасиз кийишиарди. У кичкина қайтарма ёқали ва торенгли болды. Фракнинг пайдо булиши эркаклар костюмининг янги тури пайдо булишининг белгиси болды (52-расм).

Асрнинг 70-йилларидеги фрак эркаклар кийимиде мухим үрин эгалларди. У сипе рангли, тұқ инглиз мовутидан тикиларди. Фракнинг



52-расм. XVIII аср иккінчи ярми костюми.



53-расм. Саёҳат учун либослар. 1776 й.

тик қайтарма ёкаси ва белидан қайтаришган олд булаги бор эди. Францияда тантанали маросимларда кийиладиган фрак шойидан қилиниб, кашталанарди. Француз кафтани хам фракка ўхшатиб бичиларди. Устки кийим сифатида редингот кенг тарқалганди. Унинг олди туғри булиб, шол ёқали эди.

Устки кийими “редингот” плашчнинг ўрнини эгаллади.

Кюлотларнинг шакли деярли ўзгармаганди. Пайпоклар ок ёки йўл-йўл бўлган. Оёқ кийими катта металл тўка билан безалган туфли бўлган.

Причёскалари хам деярли ўзгармаганди. Париклар ва ўзининг сочларидан қилинган причёскалар модада эди. Париклар модадан чиққач, бош кийимини энди қўлда ушлаб юрмасдан бошга кийиб юришарди. Уч киррали шляпалар каторида (52-расм) тор соябонли конуссимон



54-расм. Кирол Людовик XV даврининг либоси. Киролича Мария Антуанетта-нинг сарой хонумини портрети.

шаклли инглиз шля-  
палар модага кирган-  
ди; редингот билан  
модага кирган "ци-  
линдр" шляпаси урф  
булган эди.

**Аёллар костю-  
ми.** Бу даврда аёл-  
лар костюми рококо  
услубига хос сарой  
костюмининг асосий  
усулларини сакла-  
ган холда шакли ва  
безаги такомиллаш-  
ган эди (53, 54, 55-  
расмлар).

Бу даврда кенг,  
ёнларнига чўзилган,  
олди ва оркаси япа-  
лок элипссимон шакл-

ли юбка бўлган. Юбканинг ён томони шунчалик чўзил-  
ган эдики, эркаклар аёлларнинг ёнида юролмасдан сал  
олдирорида юриб кўлидан ушлашарди. Одатда, иккита  
юбкани бараварига кийишарди: ички юбканинг этагига  
волан тикилган, устки юбканинг олди очик бўлган ва  
лифга тикилган эди. Баъзан, каркас билан кийиладиган  
узун ички юбка ўрнига тиззагача кискартирилган юбка  
ёки ёнига чўзилган маҳсус каркас — "фижма" кийилган.

Кўйлакнинг лифи жуда тор, бели сиқилган ва оборка  
билан безатилган "каре" декольтели эди. Енглари аввал-  
гидай тирсагигача тор бўлиб, уч катор тўрли оборкалар  
билан безалган. Баъзи аёллар устки кўйлак "полонез"-  
ни кийишганди. Унинг олди очик бўлиб, этаги бир неча  
жойидан ярим доира шаклида кутарилиб бурмаланган  
(53-расм). "Левит" — контушанинг бир тури — кенг,  
олди очик, бўйнидан боғланган кўйлак сарой либоси



55-расм. Француз модалар журналидан. Ички ва устки кўйлак.  
Устки кўйлак — “роба а ля фрасез” — енгил матодан ясалган,  
парикни ёладиган капюшонли плашч.

хисобланарди. Янги кўйлаклар нокулай бўлганлиги сабаби уни факат тантаналарда кийишарди, бошқа жойларга эса улар каркас киймасдан ички юбкани ёки “фижма”ни кийишган. Баъзан, ички кўйлакнинг юбкаси тўпиригача кискартирилиб, устки юбкаси белининг атрофида

ярим доира шаклида кўтарилади. Бу кўйлакка қўшимча катта учбурчак рўмолни елкаларига ташлаб, орқадан борлашарди. Кўйлаклар тўр, гулдасталар, мунчоклар, гулчамбарлар билан безатиларди.

Бош кийимлар товус ва түяқуш пати билан безатиларди.

Оёкларига оч рангли пайпок ва атлас, баҳмал ва парчадан тикилган баланд пошнали туфли кийишган.

70-йилларда соч турмаклари хам жуда мураккаблашган. Турмакларнинг баландлиги 60 см гача бўлиб, шакли хам хилма хил эди: кема, саватлар ва бошқа турли бўлиб, улар тасма, тўр, пат билан безатиларди (53, 54, 55-расмлар).

Кийимга қўшимча қўлкоп, соябон, ҳасса ва лорнетни олиб юришарди.

80-йилларда инглиз модаларининг таъсири сезиларли эди. Инглиз модаси оддий бўлиб, табнатга яқинликни акс эттиради. Энди дағал каркасларни киймайдиган бўлиб, юбканинг орқасини драпировкалааб “турнюр” хосил қилишарди. Кўйлакнинг орқасида, одатда, оч, енгил матолардан тикилган, белидан сал баландрок боргандиган шлейф қилишарди. Кўйлакнинг лифи драпировкаланган, ёка үмизи овалсимон, енги тор эди.

## БУЮК ФРАНЦУЗ БУРЖУА ИНҚИЛОБИ ДАВРИ КОСТЮМИ

1789—1794 йилларда француз буржуа инқилоби феодал тузумини барбод этиб, барча феодал тартиботларни, табака имтиёзларини, урф-одатларни бекор қилди. Эркинлик, тенглик, дўстлик ғоялари француз халқини рухлантирди.

Бу тарихий даврнинг мураккаблиги костюм шаклининг хилма-хиллилига олиб келди. Инқилоб ахолининг барча табакаларини қузғатганди. Уларнинг сиёсий карашлари костюмда хам уз аксини топди. Мисол учун, кирол



56-расм. Ж.Л. Давид. "Француз буржуа инкилобининг катнашчиси".

@tarixchi\_kutubxononasiga



57-расм. Ж.Л. Давид "Республиканинг конун чиқарувчиси".  
1794 й.

тарафдорлари жозибали костюм кийинб, сочларини упаб, жингалак килишарди. Бу хашаматлар билан улар камбағал табакани инкор этганикларини ифодалашарди.

Сиёсий кураш рамзий ранглар (кизил — эркинлик, оқ — тенглик, күк — кардошлиқ) билан ифода этилган.

Энг инкилобий ахоли табақаларн — якобинчилар — узун панталон “санкюлот”, калта курткача “карманьола” ни ва қизил “фригия қалпоғи” ни (эркинликка курашиш тимсоли) кийишганди.

Республика партиясининг тарафдорлари учли фалдали күк фрак кийишган. Аристократизмга нафратларини костюм оркали бирмунча бепарволик билан күрсатишарди: бу тұгмаланмаган фрак ва палапартиш үралған плашч булиб (56, 57-расмлар), бошларида иккі ёки уч қирралы шляпалар ёки тепаси баланд, тор соябонли, лента ва тұка билан безалған шляпалар эди.

Француз буржуа инкилоби эски урф-одатларни барбод этиб, янги эстетик қоидаларни модага киритмоқчи бұлғанди. Инкилобнинг тенглик, кардошлиқ ва эркинлик мағкуралари билан илхомланиб, антик сиймоларнинг демократик ғояларини, эстетик идеалларини ва одатларининг сиполиги тарғиб этилғанди. Инкилоб Конвенциянинг аъзоси Жан Луи Давид давлат буюртмаси бүйіча француз республикаси фукаролари учун бир неча костюм лойихасини яратди. Конвент костюмлар ёрдамида одамлар орасидаги тенгсизликни йүқотмоқчи эди. Аммо бу лойихадаги костюм одамларнинг турмуш тарзига мөсәмаслиги туфайли ахоли уни кабул килмади. Файритарихий ва табақавий чекланиш рухи билан суғорылған классицизм эстетикаси бадий ижод билан шуғулланувчиларни белгилаб қўйилған қолипдан чиқмасликка, олдиндан танлаб қўйилған ва мавхумлаштирилған мавзу чегарасидан ўтмасликка махкум этди ва бу билан эстетик тафаккур тарихида мәълум даражада салбий из қолдирди.

Костюмда классицизм услуби Директория даврида (1795—1799 й.) үз ифодасини топди. Бу даврда Париж



58-расм. Ж.Л. Давид “Мадам Рекамье”.

күчаларида антик костюмларни учратиш мумкин эди. Эр-каклар узунлиги тиззагача бўлган туника ҳамда плашч ва шиппакни кийишганди. Аёллар бўлса барча каркасларни, ҳаттоки, ич кийимларни ҳам киймай қўйишиди. Покиза антик кийимлар ўрнига тана рангидаги трико — балет трикосига ўхшаш, устидан узун, кенг, тахламлари чиройли жойлашган, ёnlари кесилган ва кўкрагининг тагидан белбоғ билан боғланган туникани афзал куришиди. Бўйин ва кўкраклари очик қайтарма ёқали оппоқ кўйлаклар урф бўлиб, юмшоқ муслинлар, вуаллар ва читлар кимматбаҳо духоба ва атласлар ўрнига келганди (58-расм).

Оёқ кийимлари узун лентали шиппаклар эди. Причёскаларини антик причёскаларга ўхшатишарди. Диадемалар (тиллақошлар), ленталар ва тўрлар билан бошларини безатишарди.

Аёллар антик ҳайкалларга үхшашга интилиб, фактат оқ рангли либослар кийиб, танасининг очик жойларини (юзини, буйнини, күкрагини, гарданини) упалашарди.

Аммо эркаклар совук тушганда бу нокудай кийимлардан воз кечиб, иситадиган кийимларни кийишадиган булиши. Аёллар либосида эса антик услуг сакланиб колди.

Директория даврида Конвент қатл қилинган одамларнинг ворисларига мусодара қилинган мол-мулкларини қайтариб берганди. Бу ворислар, айникса, ёшлар аристократик клубга бирлашиб, "курбонлик балини" үтказишарди. Бу клубда ғайриодатий модалар яратилганди. Мисол учун, аёлларда "курбон" номли причёска модага кирганди, соч катта қирқилган булиб (бундан олдин шундай причёскалар беадаблик деб хисобланарди), энсасига хам тушириб, қошгача киркиларди. Аммо соchlари ўсган сари янги причёска, яъни "а ля Титус" ни қилишарди (уни "Мадам Рекамье" портретида курсак булади) (58-расм).

Олий табақага мансуб ёш олифталар узини "инкруаяблъ" (аклга тўғри келмайдиган) деб аташарди. Уларнинг костюми жуда ғайриодатий эди: катта нимча, жуда катта адип қайтармали фрак ёки сюртук, кенг панталон, оддий тўрдан қилинган галстук ва қайтарма қўнжли этик кийишган. Кўйлагининг ёқаси охорланиб, юзини ярмини беркитарди. Причёскаси узун, қийшиқ кирқилган соchlардан иборат эди. Соchlар юзларининг кўп кисмини беркитиб, елкасига тушарди ва буни "ит қулоғи" деб аталарди. Бошларига жуда катта уч киррали шляпа кийишарди. Бўйинларига катта ойнали лорнетни тасмага осиб кўйишарди ва кўлларида таёқ олиб юришарди.

Инкруаяблларга мос аёллар "мервейёзлар" (хайратли, ажойиб) қискартирилган, кенг, кўкрагининг тагидан боғланган кўйлак, жуда катта шляпалар ва тор пошнасиз туфлилар кийишган.

Бу жушқин йилларда модалар тез-тез ўзгарган. Модага патлар билан безатилган саллалар, турк шоллари ва Наполеон Миср сафаридан олиб келган кашемир шол-

лар кирганди. Аёллар гардеробида шоллар ва шарфлар керакли буюм эди, устки кийим булмаганлыги сабабли уларга ўралып юришарди.

Аммо аста-секин инглиз модалари ғайриодатий костюм ўрнига кириб кела бошлади. Консуллик ва Империя даврларида костюмлар анча сипо бўлган.

Консуллик даврида эркаклар юпка батистдан тикиланган тик ёқали кўйлак, кенг бўйинрумол, нимча, бахмал ёқали металл тугмали сюртук ва оч рангли тор шим (узунлиги тиззагача), оёкларига туфли ёки қайтармали этик кийишган. Сочларини калта киркиб, соябонли шляпаларда юришган.

Эркакларнинг кийимида аста-секин ёркин рангли дубхоба ва шойи ўрнига одми рангли жун матолар кирганди. Бахмал ва шойи факат тантанали сарой костюмидан безак сифатида кўлланганди. Факат панталонлар ва жилетлар сюртук ва фракга нисбатан очрок ва ёркинроқ эди.

Шундай қилиб, аср охирида эркаклар костюми рококо костюмига нисбатан сипо ва оддий бўлганди.

Аёллар костюми эса, аксинча, нозик ва енгил (огирлиги 200 г) бўлган ва соҳта антик костюмга ўхшаганди. Оч рангли енгил костюмлар тўк эркаклар костюмига қарама-карши эди. Кўйлаклар энди бал, саёҳат, уй учун ажralарди. Аввалгидай аёллар енгил, оч рангли, кўкраганинг тагида белбоғ боғланган, туникасимон кўйлакларни кийишган. Одатда, тантанали кўйлаклар шлейфли ва чукур декольтели бўлган. Кундалик кийимда декольте тўрли рўмол билан беркитиларди. Ёнглари кичкина буф шаклли бўлиб, қиска эди. Пайпоклари оқ ёки тана рангига бўлган, туфлилари пошнасиз эди.

Аёлларнинг устки кийими шоллар бўлган, уларга ўралып юришарди. Асрнинг охирида калта курткача "спенсер" пайдо бўлганди.

Причёскалари ва бош кийимлари аввалгидай колиб, факат ҳажми кичрайганди.

Шундай қилиб, антик мода Франция оркали Оврупога таркалди ва XIX аср костюми тарихини очди.

## XIX АСР КОСТЮМИ

XIX аср Оврупо костюми тарихи 1789 йилдан, яъни француз буржуа инқилобидан бошланади, деб ҳисобланса хато бўлмайди. Аср охирида костюмни шакллантириш асослари яратилганди.

Француз буржуа инқилоби феодализмни ағдариб ташлаб, капитализмнинг ривожланишига асос солганди. Янги давр жамиятнинг қизғин ривожланиши, иқтисодининг юксалиши, илмий кашфиётлар ва кескин ижтимоий зиддиятлари билан тавсифланади.

Ижтимоий муносабатларнинг мураккаблиги, ички зиддиятлар ва синфий тўқнашувлар маданиятнинг қарама-каршилигини таърифлайди. Жамиятнинг тез ва нотекис ривожланиши турли услубий йўналишларни (купинча эклектика) вужудга келтирди ва аҳоли барча табакаларининг фикр ва дидини акс эттирадиган янги бадний воситаларни излашга йўналтирди.

Француз буржуа инқилоби расмий жиҳатдан синфий тенгсизликка костюмда ҳам барҳам берганди. Сарой мосасидан буржуазия модаси устунлик киларди. Агар олдинги асрлардаги костюм бекорчилик ва бехудаликни курсатса, энди костюм янги давр одамининг ишчанлигини, ҳаётий кучини ифодаларди. Эркаклар костюми энди амалий костюмга айланди.

XIX асрда умумий Оврупо костюмини яратиш жараёни ниҳоясига етганди. Аммо турли мамлакатларда ёки ижтимоий табакаларда миллий ва маҳаллий белгилари бўлган.

Жамиятда моданинг ўрни ҳам ўзгарганди. Унинг ижтимоий вазифалари мураккаброк булиб, мода кенг тарқаладиган бўлди. Мода энди шаҳар аҳолиси учун дид раҳбари ва дид тарбиячиси булиб қолганди.

Мода энди олдинги даврларга нисбатан тез-тез ўзгарилигига бўлди. Оммабоп истеъмол моллари (айникса, ко-

стюм буюмлари) пайдо булиши ва улар сонининг кўпайиши модани демократиклигини номигагина ифодаларди. Модали либосларнинг борлиги, гардеробнинг микдори энди ижтимоий табақани белгиларди.

XIX аср модасида асосий ўринни энди аёллар костюми эгалларди. Эркаклар костюми эса факат мато сифати билан, ички кийимнинг оплоклиги билан фаркланарди. Энди кийимнинг ёрқинлиги ва безакларнинг кўплиги билан ажралиб туриши эркаклар учун келишмаган килик деб хисобланарди. Аёлларнинг кийими эса эркаклар учун "визит карточкаси" булиб колди.

Агар XIX аср давомида эркаклар костюмининг факат деталлари ўзгарса, аёлларники эса санъатнинг барча услубий йўналишларига бўйсуниб, кескин ўзгарганди.

XIX аср аёллар модасини яратишда биринчилик Францияда колганди, эркакларникида эса — Англия эди.

XIX аср ўз замондошининг диди, ташки кўриниши тўғрисида сон-саноқсиз маълумот колдирган. Бадий адабиёт, тасвирий санъат, сон-саноқсиз мода журналлари, фотосуратлар, саноат кўргазмаларининг хисоботлари ва шарҳлари, олимларнинг модага бағишлиланган асарлари — булар барчаси XIX аср одамининг хаётини ва костюмини акс эттирган.

### Биринчи давр (1800—1815 йй.)

1804 йилда ёш консул Наполеон ўзини император ва Францияни империя, деб эълон килди. Бу давр санъатида ампир (imperia, фр. — империя) бадий услуби барпо этилганди. Энди санъат янги тартибга қарам килиб қўйилди. Наполеон ўзини санъатнинг кадрига етувчи шахс деб хисобларди, у санъатни ўз ҳарбий ютуклари ва ҳокимлигини мақташ учун ишлатганди. Наполеон империя инклибнинг ютукларини давом эттиради деб эълон килди, ҳарбий диктатураси классик мерос асосида яратилганди.

Наполеон сарой меъморлари Персье ва Фонтенга Қадимий Миср ва Қадимий Рим бадиий услубларнга асосланган янги ампир услубини яратиш вазифасини топширганди. Меъморчилик ва интерьернинг ташки куриниши классицизмни эслатарди, чунки ампир шакллари антик санъатга асосланганди. Аммо рассомлар ва меъморларни энди грек ибодатхоналарининг сиполиги, оддийлиги ва нозиклиги илҳомлантирумасди. Рим меъморчилигининг оғир ва ҳашаматли шакллари эътиборда эди.

Қадимий Миср санъати анъаналаридан текисликларнинг оғирлиги, яхлитликнинг бўлинмаслиги; Римдан эса нақш, ҳарбий белгилар олинганди, чунки бу рамзлар давлат буюклигини ва ҳарбий кучларни, ғалабаларни акс эттиради.

Наполеон француз тўқимачилик саноатини ривожлантириш мақсадида атлас ва бахмални модага киргизади. У армияда мөш ранг, судьялар учун — кора, суд маслаҳатчиларига — қизил ва барча ахоли табакаларига ок ранг либос кийишни урф этади.

**Эркаклар костюми.** Эркаклар ички кўйлаги баланд тик ёқали оқ кўйлак бўлган. Устидан ола-була нимча, баъзан, баравар бир нечтасини кийишган.

Галстук (*halstuch*, нем. — буйин рўмоли) шарфсимон бўлиб, бўйинга ўралиб, олдида ҳар хил усулда боғланганди: катта бант ёки тугун килиб, учлари эса нимчага биркитиларди.

Аср бошларида эркаклар узунлиги этигигача бўлган панталон кийишган. 1818 йилга келиб, панталон тўпик-қача узайиб, модага бутунлай кирди. Панталонлар “подтяжка” (шимни тутиб туриш учун икки елка оша тортиб кўйиладиган тасма) ёрдамида махкамланар эди, шим почасига эса “штрапка” лар (початасма) килинарди.

Энг кенг таркалган устки кийим фрак бўлган. Унинг бели сал баландроқ кутарилиб, енг киямаси кенг ва учида воронкасимон манжет бўлган. Купинча, ёқаси бошка рангли духобадан қилинганди. Фраклар, асосан, сидирға



59-расм. Саёхат учун либослар. Июнь 1808 й.

матодан тикиларди, аммо нақшли (йўл-йўл, чакма гулли ва б.) хам учрарди. Тугмалари кумуш, чинни ва баъзан, кимматбаҳо тошлардан бўлган (59-расм).

Устки кийимлар ва панталонлар хар хил ранги эди; шу давр коидаларига биноан, панталон ранги очрок булиши керак эди.

От минганда аввалгидаи редингот кийишган. Кейинроқ у ўзариб кундалик кийим “сюртук” га айлаңди. Олдин сюртукни (*surtout*, фр. — устидан кийиладиган) фрак ва мундир устидан кийишган. Сюртук хозирги замон пальтоси вазифасини бажаарди. Аста-секин уни

фрак устидан киймасдан, фрак ўрнига кийиладиган бўлди. Сюртук белга ёпишиб турган, узунлиги тиззагача бўлган. Енгининг шакли фракникига ухшаш эди. Асрнинг 20-йилларида сюртук кучада кийиладиган кийимга айланди.

Француз инқилоби даврида пайдо бўлган калта сочли причёска XIX аср ютуғи булиб қолганди. Эркаклар причёскаси ўзгариб турган бўлса ҳам, энди узун парикларга кайтиш йўқ эди. Факат зиёлиларнинг алоҳида гурӯхлари — рассомлар, ёзувчилар — баъзан узун сочли причёскалар қилишган ёки париклар кийишганди.

Купинча соchlарини оркасидан калта кирқишаради, олди эса узунроқ колдирилиб озгина жингалак қилинарди. Ҳарбийларнинг орасида “бакенбард” кўйиш одатга кирганди (бакенбардлар француз инқилобидан кейин пайдо бўлганди).

Оёқ кийимлари баланд қайтарма кўнжли, қора, сарик рангли этик ва балга оид очик туфлилар бўлган.

Дворянларнинг яшаш тарзи аслзодаликни белгилайдиган аристократик удумлар пайдо булишига сабаб бўлганди. Буржуазия ҳам ўз костюмини ва яшаш тарзини “аристократлаштиришга” интиларди: булар интерьерда, тантанали ва кундалик кийимларда якқол сезиларди. Костюмда тантанали абининг бичими кундалик фракдан оркасидаги чукур тахламлар ва тик ёқа билан фаркларди. Улар узун панталонлар билан эмас, фактат кюлотлар, ок пайпоклар ва енгил пошнасиз туфлилар билан фаркланарди.

Ҳарбий кўмондонлик ва офицерлар таркиби аристократлар орасида ва саройда асосий ўринни эгалларди. Шунинг учун уларнинг формаси уч турга булинарди: дала, тантана ва балларга оид эди. Биринчиси одми ва соддароқ бўлган; иккинчиси эса тилла зарли кашта билан тикилган оч рангли матодан эди; учинчиси эса худди тантаналик кийимга ухшаш бўлган, унда куроллар ва шпагалар бўлмас эди, уларни вестибюльда колдириб киришарди.



60-расм. "Паризъен" костюми. Кечки туалет. 1810 й.

Ишчилар ва майда буржуазия кийими кўйлак, инқи-  
лоб карманъоласига ўхшаган куртка, @узун ёки калта шим-  
лар, кўпол оёқ кийим ва "фетр" (намат) шляпа бул-  
ганди.

**Аёллар костюми.** Ампир услубининг таъсири аёллар  
кийимида тез сезилди. Бу Францияда император саройи  
ва янги аслзодаларнинг пайдо булиши билан боғлиқ эди.  
Улар учун Наполеон турли Оврупо майлакатларининг  
кирол саройлари одатларига биноан сарой этикетини ярат-  
ган эди. Ундан ташқари, қимматбаҳо матолар ишлаб чи-  
каришнинг тикланиши аёллар костюми пластик ечими-  
нинг ўзгаришида кўринарди. Костюм оғирлашиб, турли  
декоратив элементлари кўпайди, аммо олдинги мутано-  
сибликлар биринчи давр давомида сақланиб колган эди.  
Кўйлакларнинг бел чизиги аввалгида кўкракдан пастда  
эди, тўғри юбкаси эса 1810 йилгача шлейфли бўлган.  
Балга оид кўйлакларнинг декольтеси чукур бўлиб, шлейфи  
олиб қўйиладиган эди. 1810 йилдан кейин юбка кенг эмас,  
кўнғироксимон шаклда бўлиб, этаги сер безатиларди (59,  
60-расмлар).

Аср бошида, асосан, оқ кўйлак кийишган, кейинча-  
лик сидирға рангли кўйлаклар ҳам кийиладиган бўлди.  
Тантанали кўйлакларда антик накшли кашта килинган-  
ди. Кўйлак матоси мўлжалга мос буларди: ёзги кўйлак-  
лар оч рангли енгил матолардан (дока, чит ва бошқалар)  
килинарди; тантанали кўйлаклар атлас, тафта ва духоба-  
дан; кундалик кўйлаклар эса енгил жун матодан эди.  
Айни шу даврда Францияда куйидаги мақол туғилганди:  
"Чиройли бўлиш учун азоб чекиш керак".

Устки кийимлари кўп эмас эди — "спенсер" куртка-  
часи ва "редингот" эди. Аммо аёллар гардеробида кўп  
турли ёпинчоклар бўлган. Кўпинча, енгил матодан килин-  
ган узун учли "канза"ни елкага ташлаб, оркасида учла-  
рини боғлашарди. Аёллар Наполеоннинг Хиндистонга хар-  
бий юришларидан олиб келинган кашемир шолларга ура-  
либ юришарди. Шоллар жуда қиммат турарди ва аёллар



61-расм. Кучалик либослар. 1810-1811 йй.

гардеробининг асоси булиб колганди. Шолни драпировка қилиш маҳорати айнинса қадрланарди. Шу давр аёллари түғрисида “яхши кийинган” дейишмасдан, “яхши драпировкалган” дейишарди.

Бу даврда модага рус пустини (шуба) кирганди.

Уй кийими сифатида түрли “пеньюар” (peignep, фр. — сочини тараш) кирганди.

Бир кун мобайнида кийимни бир неча мартаба алмаштириш шарт эди. Мисол учун, олифта аёлнинг 365 тадан шляпаси ва оёқ кийими, 12 та кўйлаги бўлиши лозим эди.

Аёллар фасонларнинг хилма-хиллигига интилишарди, аммо силуэти бир хил — антик устунига ўхшаган эди. Коматни шу силуэтга мослаштириш учун корсетга мухтожлик туғилганди. Корсетлар 1809 йилда амалга кирди.

Фасонларнинг хилма-хиллигига ёкаларнинг турли-туманилиги билан, буйин ва кўкракни беркитадиган кичкина “пелерина”нинг пайдо бўлиши билан, пирпираклар билан безатилган декольтелар билан эришиларди. Лекин иккинчи давр бошланишига қадар кўкрак ва буйин очиқлиги урфда эди. Енглари, купинча, “фонарча” шаклида ёки кенг, киямаси бурмалангандан ва ялтироқ ёки гавхар тўка билан кистирилганди. “A' l'anglaise” деган, узунлиги тирсакгача булган, ён киркимлари учта тугма билан кистирилган енглар ва, ниҳоят, “a la momeluck” деган узун, кенг, 5-6 жойида тасма билан боғланганди енглар кенг таркалганди (60, 61-расмлар).

Причёскалар кийимнинг деталларига ўхшаш тез-тез ўзгаради. Ҳар хил жингалаклар ёрдамида юон “тугуни” симон причёскалар қилинганди. Бош кийимлар ҳам тез-тез ўзгарган. Асосий бош кийим “кибитка” булган. 1812-1814 йилларда ҳарбий “кивер” га ўхшаган бош кийимни кийишган. Балларга эса докадан салла кийишган.

Оёқ кийими енгил, пошнасиз, уни тор булган. Уни тасма ёрдамида чалиштириб оёкка боғлашарди.

Кийимга қушимча қилиб узун кўлқоп, елпигич, халтacha ва кичкина соябон тутишган.

Аср бошида аёллар костюмининг жуда кўп қиммат-баҳо безаклари булган: барча бармоқларига узук, олтин занжир, билакузук, марварид маржон, тиллақош, турли безаклари булган тўкалар тақишган. 1810 йилда қим-

@tarixchi\_kutubxononasiga



62-расм. "Паризъен" костюми.

матбахо безаклар модадан вактинча чиқиб, ўрнига гуллар, пат ва гулчамбарлар, тасмалар ва бошка безаклар кенг таркалганди.

Оддий ахолининг кийими оддийрок булсада, силуэти сакланганди.

Биринчи босқич охирларида аёллар костюмига хос бўлган композицион оддийлик ва яхлитлик аста-секин йўқолиб борди. Аср бошидаги конструктив чизиклар сакланган холда пластик майин матолар ўрнига зич тўкилган оғир матолар келди. Кўйлакнинг узунлиги калтароқ булиб, уни кўпинча калин астарли килиб, безаклар билан оғирлаштириб юборишган эди (62-расм).

Француз аёлларига тантанали кўйлаклар янги ташқи куриниш бахш этарди. Улар энди кўйлакларни оғир шойи, атлас ва духобадан тикишар эди. Энди орқа декольтени олдингига нисбатан чукурроқ қилишарди ва декольтени охорланган турдан қилинган бурма хошия билан безатишарди, четларига эса марварид мунчоклар тикишарди.

Аввал шлейф юбка билан яхлит бичилган бўлса, энди у кийимнинг маҳсус қисми булиб қолди. Уни факат маликалар кийиши мумкин эди.

Сарой ва тантаналарда кийиладиган аёллар костюми аср бошидаги ўз пластик бадний сиймосини йўқотди. Мато ва шакл бирлигининг бузилиши натижасида шоллар ва костюм органик бирлигини йўқотганди. Аммо уларнинг қимматбаҳолиги тақинчоклар қаторида қолганди, чунки улар эгасининг бойлигини акс эттиради.

Классицизм услуби аста-секин йўқолганди.

### Иккинчи давр (1815—1830 йй.)

Наполеон империяси барбод булиши билан Францияда монархия тикланди. Бу давр Франция тарихида Реставрация деб аталарди. Оврупонинг энг реакцион монархиялари — Пруссия, Австрия, Россия — ўз халклари-

нинг инқилобий курашига карши турин учун "мукаддас бирлашма" тузишганди.

Оврупо маданияти XIX асрнинг иккинчи чорагида жуда мураккаб ва қарама-карши бўлган. Энди аввалгидай ягона буюртмачи — сарой эмас; дидни энди буржуазия ўзига бўйсундирганди. Жамиятнинг тез ривожланиши, дунёкаш ва диднинг тез ўзгариши санъат ва костюмда ўз аксини топди. Энди меъморчиликда, тасвирий ва амалий санъатда умумий услугуб йўк эди. 20—30 йилларда адабиёт ва тасвирий санъатда романтизм услубий йўналиши вужудга келганди. Классицизм ва маърифатчилик реализмининг бадиий ижод йўналишлари ўринни босишга жазм килган романтизм услубий йўналиши ўта мураккаб ва ранго-ранг бадиий ҳодиса булиб, унда инқилобий ва реакцион оқимлар коришмаси асосий ўрин эгаллади. Бу оқимнинг сиёсий қарашларида фарқлар бўлишига қарамай, улар жузъий ва умумий ижод ақидалари бўйича бир-бирлари билан бирлашдилар.

Романтизм ижодий-услубий йўналиши Франция инқилобидан кейин ижтимоий-сиёсий ва маънавий хаётда содир бўлган туб ўзгаришлардан сўнг вужудга келди. Романтизм моҳиятини буржуа воқелиги юзага келтирган ярамас, ғайриинсоний ақидаларни рад қилиб, унинг ўрнига инсон қадр-қимматини ўрнатиш ташкил этарди. Шу боис романтизм йўналишида яратилган санъат асарларида ноёб шахслар қиёфалари акс эттирилди. Романтизм жамият билан муросасиз зиддиятга юз тутган шахснинг ички дунёсини биринчи марта асосий мавзу килиб олди. Романтизм ички кечинмалари ноёб бўлган шахснинг факт ўз кучига ишониши, калб амрига кулок солиши билан тасвиrlанади. Романтизм классицизм қонун-қондларига кучли зарба бериб, реализм йўналишига йўл очиб берди.

Романтик санъати буюк сиймолар: Байрон ва Шелли асарларида; Делакруаning расмларида; Бетховен, Шуберт ва Шопеннинг мусиқасида; В. Скотнинг романларида ўз аксини топганди.

*Борбори кишинчопаска*

**Эркаклар костюми.** Агар 20-йилларнинг эркаклар костюми силуэтига астойдил эътибор берилса, унда ўрта асрларнинг таъсири сезилади. Енги томонини хурпайганлиги, редингот белининг торлиги ва этагини кенгайганлиги ўрта аср жакетига ухшаб кетади. Аммо ўрта аср силуэтининг тикланиши шу вактнинг образли ечи мини яратмасдан, кўпроқ гўзаллик ва нафисликни шахарликларга берарди.

Одатдагидай, мода шу пайтда юз бераётган ходисаларга ўз муносабатини билдиради. Мисол учун, 1817 йилда рус қўшинлари Парижга киргандан кейин “*a la russe*” казаклар иштони ва мўйна урфга кирганди.

Эркаклар кийимларининг асосий турлари кора, кўк, сарғиш-яшил ва жигар ранг фрак ва редингот бўлганди. Фракнинг олди узун ва духобадан қилинган шол ёкали бўларди. Редингот эса баланд тақилмали, кичкина лацкан (адип қайтарма)ли, тик ёкали ва пелеринали эди. Олий модада альпакдан (юпқа, ялтирок, маҳсус навли жундан қилинган мато) қилинган юмалок лацканли рединготлар бўлганди.

Устки кийимда кенг, кулай шакллар сақланиб колди. Одатдаги плашчдан ташқари битта ёки иккита пелеринали мантони кийишарди.

Галстуклар кам ўзгарганди, аммо кечқурун балга фрак билан кийиш учун янги, борланмайдиган, яъни 12 тўғноғич билан бириктириладиган галстук “*plastron*” ихтиро қилинганди.

Тор соябони сал қайтарилиган баланд шляпалар кенг тарқалганди. 20-йилларда Колумбиянинг ҳалоскори Боливар шарафига соябони ва тепаси кенг шляпа “*боливар*” кийишганди.

**Аёллар костюми.** Аёллар костюми олдинги даврнинг конструктив чизикларини саклаган ҳолда, безаги (айникиса, кўйлагининг этагида) купая бошлади.

Францияда Бурбонларнинг тикланиши аристократлар қалбини ғоят завқ-шавқка тўлдирганди ва 1815 йилда

энг модали ранг — ок ранг (кирол лилияси нинг ранги) бўлди. Костюмга узига хос рамзий ишоралар киргизилганди. Кирол Людовик XVIII шарафига кўйлакда 18 тахлам қилиниб, киролий гербнинг ранглари (ок ва зангори) кўлланганди.

1819-1820 йилларда аёллар костюмининг силуэти ўзгарди. Бел чизиги аста-секин пастга туша бошлади, енгнинг тепа томони кенгая бошлади, юбка торайди ва корсетнинг шакли ўзгарди. Силуэт энди аёлни устунга ухшатмасдан, табиий қоматини курсатарди. Чукур декольте ва калта енглар факат балга оид кўйлакларда сакланиб қолинганди; бир неча катор пелериналар, рўмол, фрезалар бўйин ва кўкракни беркитарди. 20-йилларнинг охирида енг икки қаватли эди: ички енги қиска "фонарик" шаклида, усткиси эса — узун, пастига торайтирилган бўлиб, ҳарир матодан қилинган эди. Олдингидай спенсер кийишарди.

Янги силуэт, кўйлак этагида безакларнинг кўпайиши мутаносибликни ўзgartирган эди. Аёлларнинг бўйи энди пастрок кўринарди. Пластикли аёлнинг ўрнига 20-йилларда куруқ, дағал шаклли; шляпа, лиф, енг ва юбкасида кўп безакли кийимдаги аёл бўлганди.

### Учинчи давр (1830—1848 й.и.)

Санъат соҳасида 30-йиллар романтизмнинг энг авжига чиккан даври хисобланади. Классицизмнинг рационал нормалари барбод этилиб, романтизм ғалаба козонганди. Амалий санъатда ва костюмда услублар ва номлар Франциядан келар эди, чунки Франция моданинг конундори эди, Париж эса — Оврупонинг маданий маркази хисобланарди. Аммо XIX асрнинг биринчи ярмида Франция ва Англия қаторига Австрия, Олмония ҳам кирган эди. Шунинг учун санъатда ва костюмда 30—40-йилларда устунлик килаётган бадиий йўналишга биринчи марта

немис номи “бидермайер” берилганди. Францияда бу услубий йұналиш Луи Филипп услуби деб аталғанди.

1840—1850 йиллар фешенебллар даври деб аталған.

**Эркаклар костюми.** Эркаклар костюмидә принципиал үзгаришлар бүлмаганди. Лекин унинг характеристи яңги идеалларга мосланғанди. Жамоа барча табақаларининг костюми бир хил булғани холда, одамлар бир-бирларидан “яхши одатлар” ёрдамида ажралиб туришга харакат килишарди. Англияда элегантлик түғри-

сіда яңги тушунча тарқалған булып, бу тушунча костюм бичимида, матонинг сифатида, ички кийимнинг оплоклигіда ва қимматбақо буюмларни менсімасликда үз аксини топғанди. Умуман, 30-йилларда романтизм модасыны “романтик беларволик” тавсифларди: атайлаб тұгма-ланмаган ёқалар, ёйилған сочлар ва бошқалар. Бундай беларволик билан кийиниш шахс интеллектуаллігінинг мұхимлигини күрсатарди. Башанглик нұктай назаридан қараганда, фракни хар уч хафтада, шляпани — хар ойда, оёқ кийимни — хар хафтада алмаштириш лозим зди. Ҳаммага маълумки, бундай данғилламаликни факат бойлар күтариши мүмкін зди (63, 64-расмлар).

Эркаклар фрак ёки сюртук кийишарди. Улар белга ёпишиб, бұксада кенгайиб турар, енглари эса сонсимон шаклли, хурпайған зди.



63-расм. Күчалық либослар.  
1810—1811 ж.



64-расм. Джентельменларнинг эрталабки либослари. 1834 й.

Шарқ экзотикаси билан қизиқиш “феска” (турк эркаклари бош кийими), халатлар ва б. кийишда ифодасини топганди.

Модали причёска жингалак сочлардан иборат булиб, улар пешонадан тепага кутариб қўйилиб ҳуроз тожига ухшар эди.

40-йилларда фрак ва сюртукнинг бел чизиги сал пасайиб, енги торайганди. Нимчаларнинг бичими ҳар хил эди. Оқ кўйлакларининг ёқалари охорланганди. Сидирға ёки ола чипор матолардан бўлган кенг галстук бант килиниб ёки турли усулда борланиши мумкин эди.

Эркаклар устки кийимида янги турлар пайдо бўлганди: “каррик” — бир неча қават ёқали пальто, пальто — “бурнус” эди.

@tarixchi\_tutubxononasiga



65-расм. Тушликдан кейин кийиладиган кўйлак.  
1830 йиллар.

1830—1832 йилларда панталонлар кенгайганди (*pied d'elephant* — фил оғы), 40-йилларда эса кайтадан торайди. Кечки костюм тор, узунлиги туликдан баландрок панталон ва түрли пайпокдан иборат эди.

Сочлар узунрок, баъзан, жингалак килинарди. Асосий бош кийим цилиндр эди. Ундан ташкари кенг соябонли шляпа "боливар" ва юмшоқ фетрдан шляпа "гашибальди" кенг таркалганди.

Оёк кийимлари ним этик ва туфли — лодочка (олди очик илгаксиз туфли) эди.

Костюмнинг құшимчалари құлқоп, ҳасса соябон, даструмол, лорнет ва қамчи булган.

Эркаклар костюми яшил, күк, тамаки, кул ва жигар рангли жун матолардан тикилганди, панталонлар эса очроқ рангли қилинарди. Тук рангларга интилиш ҳам сезиларди. Сарой костюмлари ва нимчалари шойи ва духобадан бұларди. 40-йилларда катақ-катақ матолардан кийим тикиш модага кирганди.

**Аёллар костюми.** Асрнинг 30-йилларида аёллар кийими силуэтіда талай үзгаришлар юз берди. Бел чизиги табиий жойнга тушди, лифнинг узунлиги ҳам табиий бўлиб, юбкаси ва енглари жуда кенгайди. Белни имконият борича торайтириш мақсадида корсет кийиншган ва кўйлак белини кенг белбоғ билан боғлашган. Кенг юбканнинг тагидан бир неча ички юбкалар кийишарди. Пасайтирилган елка чизиги ва ўтқазма катта кенг енглар белни тор ва ингичка килиб кўрсатарди. Кўйлакнинг узунлиги тўпикқача эди. Улар турли оч рангли шойи матолардан (муар, репс, тафта, кашемир, читлар) тикиларди. Кўйлакнинг устки қисми юракка ўхشاши керак эди, шунинг учун балга кийиладиган кўйлакларда лифни декольтеси иккита ярим доира шаклида килинарди. Енглари эса "сонсимон" ҳурпайган булган. Кундалик кўйлакнинг узун енглари урта асрнинг "жиго" енгларини эслатарди (65, 66-расмлар).

Аёллар орасида отга миниб юриш кенг тарқалгани учун махсус кийим "амазонка" вужудга келганди. У узун

@tarixchi\_kutubxononasiga



66-расм. Балга оид либослар. 1830 йиллар.

мовут юбкадан, тор кофта, вуалли шляпа, күлкоп ва қамчидан иборат эди.

Шу даврда аёллар гардеробида @*azizgikutubxonasi.az* делериналар, шарфлар, кашемир шоллар мухим роль үйнаган бўлса ҳам, аввалгидай спенсер ва мантони кийиларди.

Оёқ кийимлари ҳам аввалгидай пошнасиж тор, лентали эди. Аммо очик туфлилар қаторида тугмали ботинкалар ҳам мода бўлганди.

Костюмга кўшимча булиб, қулкоп, куйма бурмали соябон ва муфталар ҳисобланарди.

Причёскалари жуда мураккаблашди. Жингалак қилиб урилган соchlарга сунъий гуллар, ленталар, тўрлар ва кимматбахо тошлар қадаларди.

Причёскаларнинг баландлиги туфайли шляпалар баланд ва кенг соябонли бўлганди. Асосий бош кийим “калом” бўлган. Ёзги шляпалар похол ва енгил матолардан булиб, лента, тўр ва гуллар билан безатиларди; кишкилари эса — духоба, баҳмал ва қалин шойидан қилинар эди.

40-йилларда аёллар костюми замоннинг янги идеалларига биноан ўзгарганди. Аёлларнинг тенглик учун кураши (эмансипация) костюмда ҳам ўз аксини топганди (67, 68-расмлар).

Кўйлак юбкаси узайиб, елкаси торайгани туфайли силуэти чўзилганди. Кўйлакнинг лифи тор булиб, бел чизиги сал пасайганди. Одатда, лиф берк, баъзан кичкина қайтарма ёқали эди, аммо балга кийиладиган кўйлакларнинг ёқа ўмизи чукур ётиқ бўлган. Енглари қиска ёки узун бўлиши мумкин эди, аммо, албатта, тор булиши шарт эди. Юбкасида юмшоқ тахламлар қилинарди, ёnlари эса бурмаланарди. Юбка остидан саккизтагача охорланган ички юбкалар ёки кринолин кийишарди. Юбканинг тагидан туфлининг факат учигина куринарди. Кўйлаклар, одатда, оқ ёки рангли эди. Шотландиянинг тарихи билан кизиқиш туфайли модага катак-катак матолар кирганди.



@tarixchi\_kutubxononasiga

67-расм. Сайр учун костюм. 1840 йиллар.



68-расм. Аёллар устки кийими. 1840 йиллар.

Ч. Диккенс романлари билан кизикиш аёллар кийимиға оддийликни олиб кирди. "Саховатликка ишқибозлик" костюмда ҳам сезила бошлади. Аёл сипо уй бекасига үхшаш учун түр билан безатилган шойи пешбанд кијарди ва белига қистирилган бир даста қалитларни олиб юрарди. Кучага ва меҳмонга борадиган кийими иккита кўйлақдан иборат эди: ички кўйлаги берк ва усткиси — олди очик булиб, кўйма бурма ва зар ука билан безатиларди. Бахмалдан тикилган ва мўйна билан безатилган калта кофта — "кацавейка" қишки кийим сифатида модага кириб келди.

Оёқ кийими энди пошнали булганди.

Причёскалари пастрок ва одмирок бўлди, инглиз модаси таъсирида соchlарини силлиқ тараб, тўғри фарқ очиб икки ёндан жингалак елкага тушириб қўйиларди. Бош кийимлари ҳар хил эди, аммо, кўпинча юзнинг ён томонини беркитадиган чукур, тўғри соябонли кичкина "кибитка" шляпани кийишарди.

Костюм кўшимчалари аввалгидай соябонлар, еллигичлар, кўлкоплар, муфталар ва б. булганди.

### Тўртинчи давр (1850—1870 й.й.)

1848 йилги француз буржуа инқилобидан кейин Оврупо мамлакатларида капитализм тез ривожланди. Маданиятнинг ривожланишида буржуазия асосий ролни уйнаганди. Модаларда аввалгидай буржуазия диди ҳукмронлик қиласи, аммо уларнинг доираси анча торайганди. Майда буржуазия модасига бидермайернинг ўрнига, йирик буржуазия вакиллари бойлигини кўз-кўз қилиб курсатадиган чексиз дабдабалилик кириб келди.

Матони бўяшни арzonлаштирадиган анилин бўёкларнинг пайдо булиши, тикув машинасининг ихтиро қилиниши, тикув саноатининг ривожланиши моданинг тарқа-

лишида мухим роль уйнаганди. Фотографиянинг пайдо булиши XIX аср модалари тұғрисида күп маълумот колдирди.

Аввалгидай меъморчиликда ва интеръерда эклектика (турлича бадий услубларни бир-бирига қоришириб юбориш), бунинг устига 50—60 йилларда XVIII аср бадий услуби — рококо — алохидә зътиборга эта эди. Унинг таъсирида интеръер ва мебелда ҳашаматли эклектик услуг яратылғанди ("иккинчи рококо" ёки "кургазма" услуби).

**Эркаклар костюми.** XIX асрнинг иккинчи ярмida эркаклар кийимида оддийлаштириш ва демократизациялаш юз берганди. Феодал үтмиш эстетик анъаналари билан боғлик декоратив элементлар: түр, пар-паралар билан безалган күйлаклар, парчадан қилинган нимчалар ва б. аста-секин йўқолғанди. Аммо "арzon даббабалик" — тутмаланадиган охорланган ёқалар, манишка ва манжетлар — пайдо булиб, қимматбаҳо ички кийим куринишини берарди ва уларни ўртамиёна одамлар кийишарди. Галстуклар хам оддийлаштирилғанди.

Костюмнинг шакли энди, асосан, ишchan одамнинг турмуш тарзига мосланиб, кулай бўлғанди. Шунинг учун эркаклар гардероби ва костюм силуэти ўзгарғанди. Энди костюмда бел чизиги аникланмасди ва одамнинг қоматига зътибор берилмасди. Фрак тантанали кийимга айланди ва бой одамларнинг белгиси булиб колди. Редингот ва сюртук охирги "хаётини" кечирғанди. 50-йилларда унинг тури "*jaquette*" ёки "визитка" пайдо бўлғанди. У, сюртук бичимини саклаган ҳолда, олди очик, лацканли ва олди думалокланғанди. Кийимниг янги тури — "визитка" — элегант кучалик костюм булиб колди. Кундалик туалет визитка ва йўл-йўл шимдан иборат эди. Одатда, қора визиткани йўл-йўлли кул рангли қора шим билан ёки йўл-йўлли қора кул рангли шим билан кийишганди. 60-йиллардаги визитка буржуазиянинг мажбурий буюмларидан бири эди.

Үйда ва дала ховлида ҳар хил жакетлар ва модага киргаи духоба блузкани кийишарди (кейинчалик шундай кийим бадний ижодкорлар кийими булиб қолди).

Асрнинг биринчи ярмидаги овчилар костюмининг булими — “veston” — пиджак ёки куртка эркаклар кундаклик костюмидан энди асосий ўринни эгалларди. Энди пиджак, нимча ва шим бир матодан тикилган классик кийимга айланди. Эркаклар кийими ранг-баранглигини йўкотиб, кўк, тўқ яшил, қора ва жигар ранг бўлди. Фақат ёзда он рангларни, яъни ок, сарғинш ва кул рангларни кийиш мумкин эди. Катак-катақ костюмлар, айниқса Англияда, кенг тарқалганди. 60-йилларда модага қора ёки кул рангли йул-йўл шимлар кирганди.

Айнан бу даврда ҳозирги замонгача сақланиб қолган бичимлар яратилди. Шундай килиб, эркаклар костюмидан асрга онд стандартлик ва баркарорлик мавжуд бўлганди. Мода киргизган ўзгаришлар арзимас деталлардан иборат эди.

Арzon нархда сотиладиган тайёр костюмлар эркаклар кийимининг турғунлигига сабаб бўлди.

Нимчани аср давомида доимо кийишганди. Ўзгаришлар фақат деталларида эди: ёқа ўмизининг чукурлиги, ёқанинг шакли ва б. Фрак билан фақат ок нимча кийиларди.

Шимлар ҳар ўн йилда ўзгаради. 50-йилларда шимлар початасмали (штрипкали), 60-йилларда эса штрипкасиз бўлган.

Устки кийим плашч “reglan” ёки “macfarlane” — бир бортли, енгиз, катта пелерина ва қайтарма ёқали пальто эди. Кундалик пальто мўйна ёқали эди.

Галстук аввал кенг ва кейин тор бантга боғланарди.

Цилиндр аввалгида асосий бош кийим бўлган эди. Спорт костюмидан фетр шляпа — “мелона” — бўлган. Ёзда кенг соябонли панама, юмшок фетр шляпа ва каттиқ соябонли паст шляпа — “канотье” кийишарди.

50-йилларда оёқ кийимининг тумшуғи учли, 60-йилларда — тұмтотқ булып, баланд пошинали зди. 50-йилларга келиб резина оёқ кийимлар пайдо булди.

50-йилларда узун соchlар қийшик фарқка очилиб, жингалак қилинганди, соқол ва мүйлов қуйиларди. 60-йилларда эса қиска киркилган соchlар, мүйлов ва бакендбардлар модага кирганди.

**Аёллар костюми.** XIX асрнинг 50—60-йилларида аёллар костюми маълум даражада баркарорлашди. Белни жуда сиқадиган корсет, унга мос лиф ва кенг юбка сакланып қолганди. Силуэттинг үзгариши юбка кенгайишида, деталларнинг янги варианtlарида сезиларди. Силуэттинг асосий тузилиши — иккита қарама-қарши учбурчак — үзгармасдан қолганди. Костюмнинг хилма-хиллигига беzekлар ёрдамида эришиларди, улар йиллар сайн күпайганди (69-расм).

Мода конундори яна француз саройи зди. Модалар иккинчи империя модаси деб аталарди. Император рафикаси Евгения ва унинг атрофидаги олифталарнинг дидлари мода йұналишига таъсир этарди. Санъаттинг электrik оқимлари орасида мода рококо услугига мосланғанди, маркиза Помпадур даврининг костюмлари XIX аср кийимларининг намунаси булып қолганди. Күйлак силуэти бел чизигининг табии жойда жойлашғанлиги билан, пасайтирилган елка ва катта кринолинли юбка билан тавсифланарди. Белни торайтириш учун доимо зич шнуровкаланған корсет кийишарди. Юбкалар жуда кенгайганди, чунки тағидан от килидан ёки бир неча металл гардишдан қилинған "кринолин" кийишарди. 60-йилларда кринолин орқага тортилиб овал шаклли булди. Кундалик күйлак лифи берк зди, балга оид күйлакларнинг де-кольтеси эса чукур буларди. Кундалик күйлакларнинг енги пастига кенгайған ва оқ манжетли зди, балга кийиладиган күйлаклар, одатда, енгсиз булған. Саёхатга ва меҳмонга белга ёпишиб турған жакет "казакин" кийи-



69-расм. Иккинчи рококо услубий йұналиши.  
1850—1860 йиллар. Аёллар либоси.

ларди. Устки кийимлар кофта — жилетлар, “фигаро”-лар, шоллар, ёпинчоклар, мантильялар, пелериналар ва мүйна билан сирланған “ротонда” лар эди.

Күйлаклар хилма-хил матолар: шойи, атлас, штоф, репс, түр, духоба ва жундан тикиларди. Ранглари жуда ёрқин, қизил, нафармон ва пушти бұлғанди.

Безаклар: сунъий гуллар, тасма, туқалар, шокилалар, кашталар ва түрлар күп міндердегі бұлғанди.

XIX асрнинг костюми XVIII аср костюмiga үхшашга интилса ҳам уларнинг эстетик маҳорати ва ташки күри-ниши бутунлай бошқа эди. XIX аср костюмининг юзаси күп міндердегі хилма-хил безаклар билан бўлингани ва хар хил матоларнинг бир кийимда кўллангани туфайли костюмнинг яхлитлиги бузилганди.

Причёскалари хурпайган шинъондан ёки түғри фаркка таралган ва орқасида маҳсус тўрга солинган соchlардан иборат эди.

Бош кийимлари шойи ёки похолдан қилингани ва гул ёки ленталар билан безатилган кичкина шляпалар ёки

түрли чепецлар эди. Шляпалар энгакка ленталар билан боғланарди. Ёзда флоренция похолидан қилинган шляпа кийишиарди. Асрнинг 60-йилларида @arixchi\_kuldbonasiqa билан безалган уч киррали шляпалар модага кирди.

Оёқ кийимлари туфлилар ва боғиччи ботинкалар бўлган:

Ҳашаматли либослар кўп микдорда тақинчоқлар билан безатиларди. Модага тўғноғичлар, зираклар, кулонлар (бўйнига такиладиган занжирли асл тош, зийнат буюми) кирганди.

Сумкачалар, лорнет, соябонлар кийим кўшимчаси эди.

Аёллар костюмининг силуэти 1866-1867 йилларда ўзгарганди. Бел чизиги баланд жойланиб, юбканинг тепаси бурма ва тахламсиз бўлганлиги туфайли, лиф юбкага силлик ўтарди. Шу ҳолда кўйлакнинг силлик юзаси аҳамиятга эга бўлган. Юмалок шаклларнинг ўрнига тўғри чизик ҳамда бурчаклар ва янги мутаносиблик пайдо бўлганди. Улар аёлларнинг буйини баландрок қилиб кўрсатарди.

Бу даврдаги бичим — яхлит бичилган кўйлак “princessse” эди.

Оғир, қалин ва кам чўзиладиган матолар чизикларнинг аниклигига сабаб бўларди.

Кўйлакнинг силуэтига биноан причёска ҳам ўзгарганди. Сочлар тепага кўтарилиб, бўйинни очганди. Сочлар жингалак қилинганди.

Силуэтнинг ўзаришига карамасдан, 1869 йилда кўйлаклардаги чизиклар аниклиги йўқолиб, костюмда яна ўзаришлар рўй берди.

### Бешинчи давр (1870—1880 йй.)

XIX асрнинг 70—80-йилларида санъат “позитивизм” услубий йўналиши билан тавсифланарди. Бу бадиий оқим уйнинг саранжом-саришталигини ва қулайлигини, бур-

жуазиянинг дидини ифода этарди. Интерьерда тўқ ранглар; юмшок, пружинали, қавилган, чарм ва духобадан килинган мебеллар; оғир драпировкалар ва б. эди.

Асрнинг иккинчи ярмида мода қаҳрамони ихтирочи-муҳандис, конструктор бўлган. Айни шу йилларда муҳандис Эйфель халқаро кўргазма учун минора курган. Кейин бу минора Эйфель минораси деб аталганди ва Париж рамзи бўлиб қолганди.

**Эркаклар костюми.** Эркаклар костюмининг ривожланиши олдин белгиланган йўналиш бўйича борганди. Тайёр кийимлар шахар ва қишлокларга кенг тарқалди. Тикувчига кийим тиктириш жуда кимматга тушарди.

Эркаклар костюми силуэтининг ўзгариши факат пиджак ва пальтонинг эни ва узунлигига, ёқа ва адип қайтармасининг фасонига, шимнинг эни ва узунлигига, нимчанинг ёқа ўмизи шакли ва чукурлигига ва б. тегишли эди (70-расм). Кўйлаклар унча ўзгармаган; асосан, ёқа ва галстукнинг фасони ўзгарганди. Учлари қайтарилган баланд ёқалар факат тантанали маросимларда кийиларди.

Шимнинг пасти кенгайиб, воронкасимон ҳолга келди, ёнида хошия — “лампас” лар пайдо бўлди.

Цилиндр асосий бош кийим бўлиб қолганди. 80-йилларнинг ўртасидан бошлаб думалок, кичкина каттиқ соябонли “котелок” шляпа мода бўлди.

**Аёллар костюми.** Бу даврда энди буржуазия салонлари мода марказига айланганди. Позитивизм услубий оқими буюмларнинг нархини ва кийимнинг бойлигини намойиш этарди. “Шик” сўзи энг кенг таркалган сўз эди. Шинам интерьерларда юмшок мебель атайлаб тартибсиз жойланарди. Мебель духоба ва баҳмал билан копланиб, шокила ва попуклар билан безатилганди. Сердрапировкаланган пардалар, гиламлар, гуллар буржуа хонадонини тўлдиради.

Костюм ҳам кўп деталлар ва безаклар билан бойиди. Купинча улар турли ранг, фактура ва нақшли матолардан килинадиган бўлди.



70-расм. Эркак ва аёл костюми. 1870 й.

1869 йилда вужудга келган силуэт 1873 йилгача сақланиб қолди, аммо конструктив усуллар ўзгарди. Костюмга драпировка киргизилганди ва композицион маркази орқага кўчирилди (70, 71-расмлар).

1873 йилда кўйлак силуэти жуда ўзгаради. Энди баланд хушбичим фигуralар модага кирди. Шу туфайли кўйлакнинг бели киркилмасдан яхлит бичиларди. Кўйлак бўксагача танага ёпишиб, бўксадан кўйлак орқасига тортилиб драпировка қилинарди ("турнюр"). Турнюр драпировкасининг ҳажми катта ва мустаҳкам бўлиши учун юбканинг остига белидан сал пастроқда юмшок ёстиқча ёки металл каркас (синч) қўйиларди. Корсетлар фигурани бўксанинг ўртасигача сиқиб туради. Драпировкалар плиссе, кашта, кунгурали безак ва шокилалар билан беза-

тиларди. Газмолнинг "харакати" тюник драпировкасининг битта нуктасидан бошланиб, бант ёки курси билан белгиланиб шлейфга ўтарди ва баланд кутарилган прическанинг йирик жингалаклари билан мос эди. Бу бирлик костюмга динамик йуналиш берди ва бу давр янгилиги эди. "Полонез" ва "принцесс" кўйлак бичимлари кенг тарқалганди. Силуэтга мосланниб ички юбларнинг шакли ўзгарида. "Полонез" юбласи XVIII асрдан ўзлаштирилиб, XIX аср силуэтига мосланганди. "Принцесс" бичимиининг бир неча тури учарди: кўйлаклар гавдага жуда ёпишиб ёки сал ёпишиб турарди.

70-йилларнинг костюми ранг-баранг бўлган. Лиф билан юблак бир хил рангда қилинарди, драпировкаланган тюник эса иккинчи рангда бўларди, шлейфда бу икки ранг мохирона қўшиларди. Уларга ҳар хил безакларнинг ранги қўшиларди: плиссировкаланган кўйма бурмалар, "бульоне" (газ ёки бошқа юпқа матодан қилинган буфли тасма), ленталар, кашталар ва тугмалар. Ранги пайпоклар ҳам модага кирганди.

Бу ранг-баранглик категорида кийимда тўқ рангларга интилиш пайдо бўлди. Кийимни ҳар хил ранглигига кара масдан, ансамбль тузишга интилиш сезиларди: безакнинг



71-расм. Кечки либослар. 1873 й.

©tarixchi\_kutubxononasiga



72-расм. Кечки кўйлаклар. 1877 й.

ранги шляпа ва манто ранги билан, кўйлакнинг ранги пайпок ва оёқ кийим ранги билан мослантириларди.

70-йилларда берк ёқалар ва духобадан "ривера" (лацкан)лар ва катта тўрли ёқалар кўп учрарди. Декольтени янги шакли — узайтирилган каре — пайдо бўлганди. У "рюш" (кўйма бурманинг бир тури) ва тўр билан безатиларди.

XIX аср иккинчи ярмида шаҳарлар ва саноатнинг кескин ривожланиши шаҳарликлар ижтимоий табакалари нинг ўзаро нисбатининг ўзгаришига олиб келди. Майдава ўрта мансабдорлар, техникавий хизматкорлар ва хизматчилар сони купайганди. Уларнинг кийими модали ва тежамли булиши керак эди. Аёл талабалар ва хизматчиларнинг пайдо булиши аёллар ташки куринишининг ўзгаришига сабаб бўлганди. Уларнинг кийимида эркакларнинг кийимига интилиш пайдо бўлди. Котирма ёқалар, манжетлар, галстуклар кийимда учрайдиган бўлди. Инглиз костюми (блузка, юбка ва жакет) кенг тарқалганди.

1876 йилга келиб кўйлакнинг ҳажми кичрая бошлиди. Оркаси шнуровкаланган лиф "кираса"нинг узунлиги бўкса ўртасигача эди, этагига кенгайган тор юбка одатдаги йўналишида сал драпировкаланганди, лекин турнюр деярли йўколган бўлса хам, шлейфда хурпайган драпировка сакланганди, янги силуэт фигурани узунроқ қилиб курсатарди, айниқса яхлит килиб бичилган кўйлак ва пальтода яққол куринарди (72-расм).

XIX аср 70-йилларида ўтган давр усулларидан нусха олиш ва уни ўзлаштириш ўз кизигини йўкотганди. Костюм ва интеръерларда халк ва, айниқса, Шарқ санъатига интилиш сезилар эди. Аёллар костюмига "япон" халати кирганди. Беш йил мобайнида, яъни 1881 йилгача, тор ва тўғри силуэт билан қизиқиш давом этди. Аёллар костюмидан оддийлик ва конструктивликка интилиш пайдо бўлганди. Калта, "трен" (шлейф)сиз кийим вужудга келди. Безаклар энди кам кўлланиларди. 1872 йилда Англияда "Аёллар рационал кийимининг ассоциацияси" ташкил этилганди. Уларнинг асосий талаби: ички кийимни ўзгартириш ва корсет ўрнига эластик гигиеник белбоғни куллаш эди. Аёллар кийимининг рационализацияланиши эркаклар кийимига ўхшашликда ва устки кийимда курина бошлиди. Ноқулай мантилья, "долман" ва бошқалар устки кийимларнинг ўрнига сал ёпишиб туради-



73-расм. Кечки ва йўқлаш учун либослар. 1884 й.

ган силуэтли икки бортли пальто “дипломат” пайдо бўлди.

Аммо асосий мода йуналиши узгармаганди. Мода ва янги турмуш тарзининг чукур ихтилофлари, бадий санъат буюмларидаги диднинг пасайганлиги санъаткорлар орасида маънавий жиҳатдан замонни яхшилаш учун интилишни туғдирди. Англияда “Эстетик ҳаракатлар” пайдо бўлди. Улар бадий санъатни қайта тикламокчи бўлганди. Бу ҳаракат реформаторлик бўлиб, хозирги замон костюми талабларига ухшаш эди. Танага эркинлик берадиган, чизиклари оддий, функционал кийим аёлни шахсий хусусиятларини кўрсатиши керак эди.

80-йилларнинг кўйлак силуэтида бел чизиги пасайтирилган, хунук турнюр ва баланд ёпик ёка бўлганди (73-

расм). Кизлар турнюр кийиши маганди. Костюмда контраст рангли ва фактурали матолар күлланган. Жун, ним жун ва ип матолар кенг тарқалганди. Шойи газмоллардан кечки, тантанали, театрга, балга ва концертга кийиладиган кийимлар тикиларди.

Шляпаларнинг соябони тор, тепаси баланд эди. Кулкоплар, сумкалар ва муфталар костюмга күшимчалар эди.

Оёқ кийимларнинг пошнаси баландрок булиб, уларнинг шакли кийим шаклига мосланарди. Асосий пойабзal — шнурли ботинкалар ва туфлилар бўлган.

### Олтинчи давр (XIX асрнинг 90-йиллари)

1890—1900 йиллар костюмининг хусусиятлари сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларга биноан ўзгарганди. Санъатда ва адабиётда символизм, мистицизм ва декадентлик оқимлари хукмронлик қилар эди. Улар каторида реалистик оқимлар хам бўлганди.

Бу давр меъморчилигига техникавий прогресс уз ифодасини топди. XIX аср охирида янги услуг яратишга харатат қилинди. Вужудга келган янги бадний услуг “модерн”, яъни замонавий услуг, деб аталди. Сўлғин ва окувчан чегараларда, суйри шакллар ва ассиметрияда янги услугнинг қатъиятлиги ифодаланарди. Накшда нилуфаргули, сув ўтлари ва сув париларини тасвирлаш урфга айланди. Накш чизиклари хам суйри, окувчан эди.

Интерьерда, асосан, кичкина шинам хоналар, күпинча, нотўғри шаклли; деворларни оч рангли матолар билан қопланарди, кўпинча рангли шишани кўллашар эди.

90-йилдан бошлиб темир йўл транспортидан ташқари автомобиллар пайдо бўлди; хавода учиш тажрибалари уtkазила бошланди. Фотография — суратга олиш омма-

лаша бошлагани туфайли мода жаҳонга кенг тарқалиб, халқаро мавқега эга бўлганди.

Буларнинг барчаси модерн костюмидаги ўз аксини топганди.

**Эркаклар костюми.** Эркаклар костюми аввалгидай кулагай бўлиб колганди, аммо спортнинг таъсири кўпроқ сезиларди. Костюм кенгрок бўлди, велосипедда юриш учун калта шим ва куртка пайдо бўлди. Сюртук урнини пиджак олди. Оқ котирма ёқали, рангли кўйлаклар ва фетр шляпалар пайдо бўлганди. Цилиндр энди факат аристократик кийимларда учаради. Ёзда панама ва шляпа "канотье"ни кийишарди. Сочлар калта кирқилиб, тўғри ёки ён фарқига тарааларди. Эркаклар сокол ва мўйлов кийишарди.

Костюмга қушимча қилиб дастрўмол, хасса ва "моно-кль"ни (бир кўзга тутиладиган кўзойнак) олиб юришарди.

**Аёллар костюми.** Аср охирида костюмда янги йўналишлар бўйича изланишлар давом этарди, мода тез-тез ўзгарарди.

Аёлларнинг бели корсет билан унчалик сиқилмаганди; юбка силлик, бурмасиз эди, бўксасигача ёпишиб турган ва пасти кенгайган эди; тепа томони кенг, енглари бурма, плиссе, воланлар билан безатилганди.

Бу даврга келиб "замонавий санъат" бадиий йўналишининг эстетик идеалларининг таъсири бўлганди. Янги услубда япон санъати элементлари, скандинав халқ мавзулари, ўсимлик шакли ўз аксини топганди.

1893—1897 йилларда аёллар костюмининг силуэти ўзгарди. Тор лифнинг ўрнига олди осилиб турадиган лиф бўлди; бели ингичка, юбкаси клёш, маҳсус корсет ёрдамида фигура "S" шаклли чизикка ухшатиб эгилганди. Енгларнинг тепаси кенг, пасти тор эди. Конуссимон пріческалар ўрнига тепага кўтарилиган, хурпайган, баланд хар хил шаклли пріческалар килишар эди. Модерн услубининг таъсири костюм чизикларида, рангидаги ва уларнинг безакларида сезиларди. Илонсимон чизиклар мўйна-

дан, түякуш патидан, түрдан қилинган “боа”лар бўғма илон билан аниқланарди.

Сипо, баланд тик ёқали, янги силуэтли узун кўйлаклар аёлларга қандайдир яширин нозиклик берарди. Улар юпқа газмоллар (батист, линобатист)дан тикилиб, турлар, ленталар ва нозик кашталар билан безатиларди.

Аммо бу даврда пайдо бўлган реформаторлик ~~харакати~~ аёллар кийимининг қулай булишига интилганди. Тибиёт ходимлари корсет ва корсажнинг зиёнлигини исботлашганди. Туғри силуэтли узун “Reforma” кўйлагида бели сал белгиланганди. Лекин бу йуналиш асосий бўлмади. Аёллар, хаттоки, хизматчилар ҳам корсетларини барабир кийишарди.

Аёлларнинг велосипед спорти билан қизиқиши костюмга ўз таъсирини ўтказди. Узун кўйлакнинг үрнига блузка ва юбка-иштоң кийилди. Уларда конструктивлик ва қулайлик ўз ифодасини топганди ва улар келаҗакдаги аёллар костюмининг даракчиси бўлганди.

Шундай қилиб, XIX аср костюмида модалар тез-тез ўзгарганди. Лекин бу мураккаб жараёнда асосий рағбатларни аниқлаш мумкин эди. Эркаклар костюми аёлларникига нисбатан анча секинроқ ўзгаради. Кийимнинг айрим турларида стандартлаштириш, бичимни баркарорлаштириш ва тўқ рангларнинг устунлиги рўй берганди.

## XX АСР КОСТЮМИ

XX аср Оврупо костюмининг ривожланиши шу даврнинг хаётий мураккаблиги ва зиддиятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Фан-техниканинг кескин тараққиёти, янги турмуш тарзи моданинг тез-тез алмашишига ва унинг ижтимоий вазифаларининг ўзгаришига олиб келди. Мода ва кийим-



74-а расм. Эркаклар фланел  
костюми. 1902 й.



74-б расм. Эркаклар костюми.  
1904 й.

нинг демократизацияланишига саноат молларининг мода йўналиши бўйича ишлаб чиқарилиши сабаб бўлганди.

Оврупо костюми тарихида янги йирик давр бошланди.

### *Биринчи давр (1900—1908 й.и.)*

**Эркаклар костюми.** Аср бошида эркаклар турмуш тарзи спорт таъсирида сезиларли даражада узгарганди. Спорт костюми ва унинг элементлари кундалик кийила-диган костюмга мослашганди. Куннинг иккинчи ярмида

шахарликлар одми костюмда юрмасдан, спорт костюмини кийишарди. Айниқса, велосипед ва мотоциклнинг кенг тарқалиши модага ҳам сезиларли таъсир қилди.


Аммо аввалги одат ва қонункоидалар осойишталик билан үзурнини янги урф-одатларга бермасди. Нокулай, азоб берадиган баланд охорланган ёқа "ладаркуш" яна модага кирганди.

Лекин костюм бичимида эркинлик булди, сюртук үрнига тамомила пиджак кирди, цилиндрнинг үрнига эса фетр (намат) шляпа кирди. Тантанали кечаларда фрак үрнига "смо-кинг" (шол ёқаси атлас матодан килинган) киядиган булишди.

Костюм рангининг одмилиги унинг деталларида ҳам сезиларди: галстук ва оёқ кийимлари ҳам оддийлашді.

Эркаклар костюмининг унификацияланиши кийимда барча ижтимоий фаркларни йўқотганди. Лекин бой буржуазия вакиллари ва Лондон олифталари — "денди" ажралиб туриш учун костюмнинг айрим бўлимларини ўзгартиришга интилгандилар. Бойликни курсатиш учун уларда олтин турноғич, соат, занжир, узук, илматугма (запонка)ни такиши одати сакланиб қолганди. Эркакларнинг орасталигининг сирлари ва нозик тафсилотлари классификацияланганди ва бой одамлар уларни кунт билан урганар эдилар.

Аммо XIX аср охиригача кийим ёрдамида эркаклар гавдасининг гўзаллигини курсатишга интилган булишса, энди мода барчани бир хил силуэтга кийинтириб, гавдага аҳамият бермас эди (74-расм).



74-расм. Эркаклар ёзги костюми. 1907 й.



75-расм. Модерн услуби.  
Шифондан кўйлак. 1901 й.

76-расм. Модерн услуби.  
Кундузги кўйлак. 1907 й.

**Аёллар костюми.** XIX асрнинг 90-йиллари охирида яратилган костюм XX аср бошида сакланиб қолганди (75, 76, 77-расмлар). Амалий санъатда модерн услубининг тараккий топиши билан ва таназзулга юз тутган адабиёт билан қизикиш шу бежамдор идеалнинг асосий хусусиятларини кескинлаштирганди. Париж Мода уйлари бу йўналишни астойдил таркатганди. Бу даврда аёллар костюмининг силуэти ўзгармаганди. Кийимнинг хилма-хиллиги айрим деталлар ёрдамида бурма (оборка) ёки буф ёрдамида кенгайганди; бел чизиги олдида сал пасайтирилиб, белбоғ билан аникланарди. Енгил ёз кўйлаклар ва блузкалар воланлар, плиссировкалар ва тўрлар билан безатиларди.

Соябони бежамдор эгилган ва сал кайтарилиган, катта шляпалари гуллар, патлар, тўрлар ва бантлар билан безатилганди.



77-расм. 1900—1914 йй. оёк кийимлари.

1906—1907 йилларда силуэт маълум даражада ўзгарди: бўксага унчалик ахамият берилмасдан, гавда янада эгилганди.

Оддийликни факат кундалик костюмларда учратиш мумкин эди. Спорт ва саёҳат учун кийимлар кисқарок килинарди, аммо баланд берк ёқали ва қалин жун матодан бўларди.

### *Иккинчи давр (1909—1914 йй.)*

**Эркаклар костюми.** Бу даврда эркакларнинг кўпчилиги стандарт костюм кийишарди. Олдинги даврга нисбатан кийимлар пальтонинг янги узунлиги билан; тугма ва чўнтакларининг сони билан; шим — “гольф” қалин жун пайпоқ билан биргаликда тарқалгани билан; шляпалар, ёқалар, кўйлаклар, ҳассалар ва бошка буюмлар билан фаркланарди.

**Аёллар костюми.** Парижда Дягилев рус балет гурӯхининг гастроллари аёллар костюмидаги янги силуэт пайдо бўлиши билан нишонланганди. Париж модельерлари рус рассоми Л. Бакстнинг эскизлари бўйича костюмлар

яратиши. Янги силуэт модерн услуби чегарасида яратилганди, чизикларнинг эгилувчанлиги сакланганди.

Бел чизиги кутарилганди, аммо сакланниб қолган узун корсет аввалгидай фигурани эгиб турарди, туғри юбкани фактат этаги кия бичилган “трен” ёрдамида кенгайтиришарди, кундузги ва кундалик күйлакларда тор енглар тугмаланаарди.

Чизик ва безакларда асимметрия кенг күлланганди; лиф ва юбкада драпировка пайдо булганди.

Аёл гавдаси энди хурпайган, гулнинг сал эгилган поясига үхшаганди. Бу үхашликни гул ва патлар билан безатилган катта шляпалар кучайтиради.

Рус балети билан кизиқиш кийимда хашаматли ранг бирикмалари билан (кўк ва яшил, сарик ва тилла яшил, пушти ва кул ранглар); күлланган фактура бирикмалари билан (бахмал ва атлас, шифон ва атлас ва б.); каштанцнг кенг тарқалгани билан ифодаланаарди.

Янги шакл изланишлари утқазма енг урнига яхлит бичилган енгларга олиб келганди.

Модали силуэт чизиклари сакланган ҳолда кундалик костюм анча оддийлашди. “Реформа” күйлаклари сакланниб қолганди ва унинг туғри чизикларига қарамасдан корсет кийишганди.

1910—1914 йилларда бел чизинининг пасайиши силуетнинг узгаришига сабаб бўлди.

Япон санъатига кизиқиш эркин лифнинг елкасига юмшоқлик ва майнинлик берадиган “японка” бичимининг (яхлит бичилган енг) вужудга келиши билан нишонланди.

1911—1914 йилларнинг майин, “оқиб” турган чизиклари олдинги силуэтлардан фарқланарди. Фигуранинг эгилганлиги йўколиб, гавда туғрирок ва кенгрок бўлганди; 1914 йилга келиб костюм силуэти чўзилган ромб шаклига айланди. Янги мутаносиблик “тюник”нинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Пасти сал кенгайган лиф—тюник ва тор юбка нисбатлари узига хос гўзаллик яратганди (78-

@tarixchi\_kutubxonasi



78-расм. Аёллар костюми ва оёк кийинми. 1910—1915 йй.

расм). Майин чизикларни маҳсус усулда биритирилган газмол булакларининг эркин драпировкалари яратганди. Йирик рассом-модельерлар Дусе, Покен, Ворт яратган драпировкаланган кўйлаклар бир булак матодан бир харатда килинганга ўхшаганди.

Ранглар гаммаси хар хил эди: кизил, тўқ кизил, кўк, оч бинафша, сарик, кумуш ранглар. Кундалик кўйлакларда эса кўпроқ кора, жигар ранг ва кул ранглар учарди.

Қайтиб келган драпировкалар эластик матолардан қилинарди: харир шифондан "фай феодал" (юмшок, оғир, ғижимланмайдиган мато) гача эди. Газмолларнинг

пластик ва колористик хусусиятларини тўлнкроқ курсатиш учун юпқа рангли матоларни бирининг устига бирини кўйиб драпировка қилинарди ва, натижада, рангларнинг фазовий аралашмаси яратилиб, янги ранг гармониясига эришиларди.

Бу даврда мўйна модага кирганди, айниқса, мўйнали манто кенг таркалганди. Купинча қора-кўлни сувсар билан, денгиз мушугини қопчикли каламуш мўйнаси билан кўшиб ишлатиларди. Улар жуда қиммат турарди.

Агар кийимда оддийликка, кулийликка, соғлом танани курсатишга интилиш пайдо бўлган бўлса, аёлнинг ташки куринишида эса модернизм таъсири ҳалигача сезиларди. Грим ёрдамида хосил қилингача чукур жойлашган катта кузлар, бузарған тана, хумор кўзлар шунинг ифодаси эди.



79-a расм. Сайр учун аёллар костюми. 1910 й.



79-б расм. Сайр учун аёллар костюми.



79-ө расм. Сайр учун аёллар костюми.

Причёсаси баланд, конуссимон, пешонасига тушган иирик жингалаклар ёки силлик, туғри фарқ очилган, юзиға тушган соchlар ва паст жойланған урилган соч тугулари эди.

Кундалик кийимда хам үзгаришлар булғанди. Шаҳарда янги турмуш тарзи ва янги шароитлар — трамвай, метро, автомобилларнинг кенг тарқалиши вайишлайдиган аёлларнинг купайғанлиги қулай кийимни талаб этарди. Энг аввал корсетлар үзгарғанди. Харакатта халақит бермаслиги учун аввал эластик резинани құшадыған булишди, кейин бутунлай резинали эластик матодан килинадиган бұлды ва олд металл планшеткасини кискартиришганди.

Юбка ва блузкалар қулай кийим бұлғани учун кенг тарқалғанди. Костюмлар хам оддийлашғанди. Бу даврда биринчи маротаба устки кийимни жунли трикотаждан килишга уринишганди.

Кулай кийимлар каторида нокулай тор узун юбка "трубка" ва жуда катта кенг соябонли шляпалар модага кирғанди (79-расм).

### Учинчи давр (1915—1918 йй.)

Биринчи жахон уруши модага кучли таъсир күрсатған эди.

**Эркаклар костюми.** Эркаклар костюми деярли үзгармаган, факат қулай ва оддий харбий кийимларнинг таъсири сезиларди. Харбий френчга үшшаган олди берк пиджаклар, "галифе" шимлар ва этик құнжи үрнига "крага"лар одат булғанди.

**Аёллар костюми.** Эркаклар костюмининг барқарорлигига қарама-карши аёллар кийимининг янги турлари пайдо бұлды. Оврупо аёлларининг ижтимоий холининг үзгариши бунга сабаб булған эди.

1915 йилда аёллар кийимида асосий ислохотлар амалга оширилған эди: аёллар узун корсет ва узун юбка киймайдиган булишди.



80-расм. Аёллар костюми.  
1914—1916 йй.

Кундалик костюм аёлларнинг ҳаётида муҳим уринни эгаллаганди. Юбка ва блузка энди факат кундалик кийимда эмас, башанг кийимда ҳам кенг тарқалди. Устки кийимда эркаклар, айникса уғувчилар костюмiga тақлид этилганди. Кенг пальтолар "aviatique" деб аталарди. Бу оғир йилларда аёллар иш костюми пайдо булганди ва у эркаклар иш костюмининг тўлиқ нусхаси эди.

Бу давр мобайнида хозирги замон костюмининг асосий хусусиятлари яратилганди: конструктивлик, бичимнинг

оддийлиги ва аниқлиги, безакларнинг конструктив чизикларда жойлашганлиги — буларнинг барчаси янги услубий йўналишнинг пайдо булишини англатарди (80-расм).

1918 йил, урушнинг охиригина ичида, аёллар костюмiga оддийликни олиб келганди. Аёллар кийими қисқара ва торая бошлади, соchlари қиска қирқилганди.

### Тўртинчи давр (1919—1928 йй.)

Фан ва техниканинг ривожланиши аёллар кийимда конструктивизм коидаларининг кенг таркалишига ҳамда уларнинг келажакка асос бўлиб қолишига сабаб бўлганди.]



81-расм. Аёллар кундузги кўйлаклари. 1919 й.

Аёллар ва эркаклар орасидаги муносабатлар ўзгарганди. Энди улар хизматдош булди. Иш куни давомида уларнинг бир-бирлари билан музокаралари аёлларнинг ташки куринишига таъсир этганди. Ўтган урушни ва дустона муносабатни эслатадиган аёлнинг фалати сиймоси вужудга келганди. Аёл ўспиринга (*la garçonne*) айланганди. Ингичка, серҳаракат, узун озғин кўлли, тор бўксали, яssi кўкракли, киска кирқилган сочли (*babysorfe*), кўзлари ва лаблари бўялган ва оғзида доимо папироси бор аёл ўспиринни ва кўпни кўрган аёлни ўзида мужассамлаштирганди (83, 84-расмлар).

Асрнинг 20-йилларида аёллар костюмини яратишга техниканинг ривожланиши ва тикув саноатининг меҳа-

низацияланиши таъ-

сир этганди. Бичим ва тикув технологияси кулай ва оддийлиги, гавдага кийимнинг мосланганлиги тайёр кийим махсузотининг арzonлаштирилишига ва бозорда кенг тарқалишига олиб келди. Энди кийимнинг (пальто, күйлак ва жакет) таянч нуктаси фақат елка бўлди. Кўйлак энди тор туғри шаклли бўлиб, тор бўксада белбое ёрдамида боғланиб, солиниб турарди. Декоратив элементлар конст-



82-расм. Эркаклар костюми. 1920 й.

руктив чизикларини бойитганди (85, 86-расмлар).

Конструктивизмнинг асосий конунларидан бири — матонинг пластик хусусиятларини акс эттириш костюмга ҳам утганди. Балга оид кўйлакларнинг текис юзаси асимметрик драпировкалар билан ифодали қарама-каршилик асосида яратиларди (85-расм). Кўйлак енгиз бўлиб, олд ва орқасида чукур декольте килинганди. Бу қарама-каршилик, айникса, кўйлакнинг калталигида ва киска киркилган сочда сезиларди. Чукур, юмшок, кичкина, тор соябонли олди кўтарилган, ёnlари тушиб турган шляпа аёлларга ажойиб бир кўриниш берарди. Пальтонинг баланд ёқалари энгакни беркитарди.

Моделлашнинг янги муаммолари кундалик, касбга ва спортга оид кийимларнинг янги турларининг лайдо бўли-



83-расм. Аёллар кундузги кўйлаклари. 1920 й.

шига олиб келди (83-расм). Кўйлак-пальтонинг яратилиши шу даврниг катта ютуғи бўлди.

Кийим калта бўлгани учун пайпок костюмда муҳим ролни ўйнайдиган бўлди. Оч рангли ялтироқ ипак (вис-козали) пайпоқни саноатда ишлаб чиқариладиган бўлди. Унинг арzon ва ҳаммаболлиги аёллар костюмининг де-



84-расм. Аёл сиймоси. 1928 й.

мократизациялашганлиги рамзи булиб қолғанди. Улар турли туфлиларга мос келарди (87-расм).

Куплаб чикарилаётган оммабоп матолар брасида хилма-хил рангли ва деярли арzon сунъий ипак матолар муҳим ўрин олғанди. Улардан кундалик күйлакларни тикишадиган бўлди. Ички кийим, блузка ва кўйлакни тикиш учун жун ва шойи трикотаж матолар кенг реклама қилинарди. Шойи трикотажнинг пластик хусусиятлари 20-йилларнинг ички кийимига жуда мос бўлгани учун ип газламаларга энди эҳтиёж йўқ эди.

Ип газламалар, асосан, ёзлик кийимларда кўлланарди.

Катта ва қулай сумкани аёллар доимо олиб юришарди.

Кимматбаҳо тақинчокларни энди деярли тақиши масди. Сунъий марваридлар ва бошка сунъий тошлар табиий тошлар ўрнига келганди. Аёлларнинг ташки куринишига башанглик ва тантаналилик бериш учун, асосан, ялтирок сунъий тошлар кўлланарди.

“Дансинг”ларнинг (ракс тушиш учун хоналар) кенг тарқалиши ишлайдиган ёшлар учун кечки кўйлак турларини яратишга асос бўлди.

### Бешинчи давр (1929—1939 йй.)

Фарбий Оврупо ва Американинг иктисадий юксалиши 1929 йилда чукур иктисадий кризис билан якунланганди. Ишсизлик, тургунлик (депрессия), моддий ва маъна-



85-расм. Кечки куйлак.



86-расм. Сайр учун либос.

вий турғунсизлик янги шафқатсиз урушга тайёрланишга олиб келди.

Булар барчаси маданий соҳаларга ва, шу жумладан, аёлларнинг ташки куринишига ва костюмига таъсир этганди. Тeng хукуқлик "ла гарсон" аёллар орасида мешчанлик фазилатларини олиб келди. Энди улар Олмонияда қадрланган уйнинг саранжом-саришталигини орзу килишарди.

Назокатликни қайтаришга интилишарди. Аммо турмуш тарзи ўзгаргани сабабли эски урфдаги костюмларга қайтиб бўлмасди. Балоғат ёшига етган аёлларга мўлжалланган силуэт ва ундаги мутаносиблик, причёскалар ва б. вужудга келганди. Узунлиги болдиридан пастрок тор

@tarixchi\_kutubxononasiga



87-расм. Оёқ кийимлари.  
1925—1929 йй.

турли күринишлар берарди (88-расм).

Устки кийимда катта мўйнали ёка ва манжетлар урф булганди.

1934 йилдан бошлаб аёллар костюмida вужудга келган янги силуэт кўп йилларга асос бўлди. Елка кенгая бошлади, енгнинг тепаси ҳам кенгайди. Кокетка билан яхлит бичилган реглан енг кириб келди. Гавдага ёпишиб турган силуэт қаторида янги эркин тўғри ёки пастга кенгайган силуэт вужудга келди. Бир неча силуэтларнинг баравар мавжуд бўлиши давр янгилиги эди.

Кийимга ҳарбий костюмнинг элементлари ва ранглари кирганди.

кўйлаклар озгин, ясси кукракли, тор бўсали аёлларга мўлжалланганди. Бел чизиги табиий жойига кутарилганди. 20-йилларнинг катъий конструктивлигига қарамай ассимметрик драпировка ланган тюниклар, оғир ёқалар, воланлар, плиссировкалар пайдо бўлганди. Кундалик кўйлакларда кўп майда чизиклар — кесимлар, ҳар хил шаклли кокеткалар килина бошлади. Йўл-йўл матолар ҳар хил йўналишда бичилиб,



88-расм. Ланвин. Нью лук. Кундузги ва кечки аёллар кийимлари. 1931 й.

### Олтинчи давр (1940—1949 йй.)

Янги давр Оврупода замбарак ва бомбаларнинг гумбуралиши билан бошланди. Оврупо харбий лагерга айланди. Олмонияга бўйсунган Оврупо саноати урушга ишлаганди. Франция Мода уйлари Америкага кучиб келганилиги сабабли Америка мода қонундори бўлиб қолганди.

Агар биринчи жаҳон урушида аёллар мамлакат иктисадий хаётида эркаклар ўрнини эгаллаган бўлишса, иккинчи жаҳон урушида эса аёлларнинг кўпчилиги харбий хизматчи бўлишган эди. Шунинг учун ҳарбийлашган кенг



89-расм. 1940 йиллар костюми.

ва тұғри елкали силуэт тәглиқ ёрдами күп вакт давомида сақланды.

Бу даврда бараварига учта силуэт вужудга келганди: Н — тұғри тұртбурчак, А — учбурчак билан тұртбурчак, Х — иккита учбурчак. Кийимларнинг узунлиги тиз-засидан сал пастроқ әди. Фасонларда харбий элемент-лар күп учрарди: тахламлар, чұнтакли кокеткалар, кенг белбоғлар, манжетлар, әрқаклар күйлагига үхшаган ёка-лар ва б. бұлған. Үндән ташқари, харбий давр шароити-га мос шим аёллар кийимида зарур буюмга айланиб кол-ганди. Буларнинг каторида түр ёкалар ва жаболар, бант-лар, күш этаклар ҳам учрарди (89-расм).

Оёқ кийимлар паст ёки үртача баландликда, кенг пош-нали әди.

Сочлар жингалак ки-  
лишганди.

1945 йилда кенг  
ўмиэлий, кичкина елка  
тагликли янги бичим —  
“японка” пайдо бул-  
ганди. Яхлит бичилган  
енг янги силуэтга асос  
булди. Шу йилдан бош-  
лаб кийим узая бош-  
лади.

1947 йилда “Крис-  
тиан Диор” француз  
фирмасининг янги мо-  
далар коллекцияси жа-  
миятнинг янги эстетик  
талабини вужудга кел-  
тирганди. Ёпишиб тур-  
ган лифли, узун кенг  
юбкали, суйри елкали  
кўйлак, баланд ингич-  
ка пошнали енгил туф-

ли назокатлиликни акс эттиради. Бу услуб “њью лук”  
(янги нигоҳ) деб аталарди (90-расм). Бу даврда “от Ку-  
тюр” мода фирмалари модельерлари яна иккита силуэт-  
ни: тўғри тўртбурчак ва овал шаклларни тақдим этиш-  
ганди. Тўғри юбкалар асосан костюмларда сакланиб кол-  
ди, юбка-клёш, “ќуёш” ёки этаги кенгайган бир неча  
булимли юбкалар хам кенг таркалган эди (91-расм).

Бу даврга келиб химия саноати янги — синтетик то-  
лани яратганди. Унинг янги хусусиятлари табиий мато-  
лар (зифир, жун, ипак ва пахта) ўрнини сал орқага сур-  
ган эди.

Бу даврда аёллар ва эркаклар костюмлари бир-бирига  
яқинлашиб, аёллар хам шим ва спорт курткаларини кий-  
ниша бошлишди. Эркаклар бўлса, аёлларнига ўхшаш



90-расм. Ланвин. Нью лук.  
Кечки кўйлак. 1947 й.



91-расм. Нью лук. Кечки күйлак.  
1948 й.

катақ матолардан күйлак, спорт курткаларини өлдин спортийим сифатида кийишган булса, энди у кундалик кийимга айланган эди.

Эркаклар кийимида буларнинг қаторида классик костюм хам сакланиб колганди. Эркаклар кийими нинг силуэтига янгилик булиб кириб келган урф елканинг кенглиги ва баландлиги, пиджак ва шимнинг узунлиги, күйлак ёкасининг катта-кичиклиги, галстукларнинг ранги ва эни хамда матоларнинг рангига бўлди.

Устки кийимнинг шакли ва силуэти худди шундай ўзгарганди.

40-йилларнинг иккинчи ярмида эркаклар кийими нинг ранг гаммаси кенгайганди. Агар 30-йилларда жигар ранг дадил янгилик деб хисобланган булса, энди яшил, кўк-яшил, оч кўк ранглар, айникса ёшлар орасида кенг тарқалган эди.

### *Еттинчи давр (1950—1960 йй.)*

50-йиллар аёлларнинг ташки кўринишига, модасига мустамлакачиликка қарши мустакиллик учун курашлар таъсир этганди. Мода уйлари шарқ манбаларини ва шарқ "макияж"ини костюмга киритган эди.

**Эркаклар костюми.** Аввалги модалардан фрак ва смокинг қолганди. Цилиндр ва котелок ўрнини юмшоқ шляпалар, беретлар эгаллаган. Бош яланг юриш модаси ҳам пайдо бўлди. Кийимлар енгиллашди. Олдин факат аёллар кийимида бўлган яхлит бичилган енглар пальто ва курткага ҳам ўтди.

Эркаклар гавдаси табиий ҳолга яқинроқ бўлиши учун модельерлар шимнинг пастини торайтиришганди.

Жунли матолар ўрнига америкаликлар дидига биноан ғижим бўлмайдиган синтетик матолар кирганди.

Ёқасиз пиджаклар ва калта енгли ип кўйлаклари пайдо бўлди.

Оёқ кийимлари енгил ва қулай эди.

**Аёллар костюми.** Аёллар костюмидаги баравар бир неча силуэт пайдо бўлди: ёпишиб турган лифга кенг ромбсимон, овал ва трапециясимон юбкалар эди. Бунга кара масдан, шаклларнинг барчасини оддийлик ва мантикийлик тавсифларди. Шахснинг индивидуаллигини намоён этиш учун безаклар энди муҳим роль ўйнаганди. Улар мутаносибликларни ва композицион марказни аниклар эди. Аммо безаклар оддий материаллардан (лой ва ёғочдан) қилинганди.

50-йилларнинг костюмидаги даврнинг элементларидан шакл ва бичиш усулларигина қолганди (92, 93-расмлар).



92-расм. Нью лук.  
Кундузги кўйлак. 1953 й.



93-а расм. XX аср 50 йиллар аёллар модаси.

1954 йилдан бошлаб Шанель моделлари яна оммабол була бошлади. Улар асосан тўғри силуэтли жакет билан кўйлак ва юбка, блузка ва жакет эди. Ёқаси, борти, чунтаги, енг шлицаси чилвир, тасма, попук билан безатилганди. Блузканинг ёқаси бант ёки галстук билан безатилар эди.

### Саккизинчи давр (1963—1980 йй.)

1963—1965 йилларда Фарбий Оврупо мамлакатларида эски буржуа идеалларига қарши ёшлар қатъий норозилик билдирилар. “Тинейджерлар” — 13-19 ёшли үспи-

ринлар — ўз дидини ва кийим кийиш одатини үрнатмокчи бўлдилар. Ушбу йўналиш "антимода" деб аталганди. Жуда озғин; узун оёқли; калта малла сочли; ёпиштирилган узун қалин киприклари билан ўспирин киз *Твигги* (ингл. — чивикча) гузаллик рамзига айланганди. Антимода одатдаги буюмлардан кечганди. Сунъий чармдан ямокли мотоцикл курткаси, атайлаб йиртилган свитер, эскирган джинси, сандал (шиппак) уларнинг асосий кийимлари бўлганди.

Париж Мода уйларига қарама-қарши модалар коллекциясини яратишиганди. А.Курреж конструктив элементларни, П.Карден — космик мавзуларни, Ив Сен-Лоран — циган романтикасини ва "сафари" услубини кўллашганди.]

1964-65 йилларда француз кутюреи А.Курреж ва инглиз модельери Мэри Куант кийимда "мини" узунлигини тақдим этишганди (94-расм).

1968 йилдан бошлаб кийимда бу узунлик ва геометрик услуг жуда кенг таркалганди. Голливуднинг ковбой фильмлари таъсирида шу йилларда джинсилар даври бошланган эди.

70-йилларнинг бошида антимода аста-секин эфектли дизайнер услугига айланди. Модада бир неча услублар баравар ривожланганди: *ретро* — урта ёшларга



93-б расм. XX аср 50 йиллар аёллар модаси.



94-а расм. XX аср 60 йиллар аёллар модаси.

мўлжалланган XX асрнинг 30—40-йиллар модасини стилизациялаш; *диско* — гайриодатий ёшлар услуби; фирмага оид юқори сифатни тасдиклайдиган модалар яратилди.

1967 йилда ёшларга оид “*оп арт*” (оптик санъат), “*пол арт*” (хаммабоп санъат), янги реализм, “*хэлпинг*” бадиий услугбий йўналишлари модада ўз ифодасини топганди.

Айни шу даврда доимо консерватив мамлакат Англия “*поппинг*” ва “*шопинг*” бўлган нарсаларни кўп миқдорда ишлаб чиқариб сотганди. Кўпинча сиёсий маъноли жуда муҳим хилма-хил ёзувлари ва расмли майкалар ёшлар костюмининг зарурый бўлими бўлиб қолганди ва хар хил варианtlарда ҳозиргача сакланиб колган.



94-б расм. XX аср 70 йиллар аёллар модаси.

Космосга парвоз ҳам модага таъсир этганди. А.Курреж ялтирок материаллардан келажак костюмини яратганди, унинг конструкцияси “оп арт” элементлари билан уйғунлашган эди. П.Карден биринчи булиб пластикдан кийим яратди. Пако Рабане эса пластик ва металл булакларидан амалга ошмайдиган костюмларни намойиш этганди.]

Бу йұналишларга қарама-қарши 70-йилларда янги романтик услугуб вужудга келди. Ҳалқ санъати унга ижодий манба бұлды. Ола-була жун газмоллар ва үзға мамлакаттарнинг оддий бичимлари модага кирганди. “Гаучо” иштонлар, ёпинчок — “лончо”, кашталанған ағфон курткалары, хинд шоллары, тұқылған перуан шапкалари ва

күлқоплари, араб кийимлари ва бошкалар жахон модасида кенг тарқалғанди.

70-йилларда Шарқ дунёсининг Оврупо кийим услубига "бостириб" кириши билан япон модельерлари жахон мода доирасида таникли булишди. Айникса, Кензо Такада ва Митсухиро Матсуда моделларининг донги чикканди. Улар, бир томондан, оригинал Оврупо модасини яратишган булса, иккинчи томондан эса, — одатдаги шарқ костюми элементларини янги услугга сингдиришганди. Кензо, хаттоқи, Оврупо модасига Жануби-Шарқий Осиё кишлоқ костюми элементларини киритганди.

Айнан шу даврда Ив Сен-Лоран ҳам бу йұналишни маъкуллаб, халқ усулларини модага киргизганди (рус ва лулилар костюми усуллари).

Бу үзгаришлар фактат "от Кутюр" (юкори мода)ни қизиқтирасдан, ахоли кенг қатламларининг модасини ҳам қизиқтириди. Бу бирликда модада икки йұналиш күшилганди.

Париж мода конундори булиб қолған бұлса ҳам, энди мода яратувчиларининг шахсий услублари якколрок сезиларди. Бир мавсумда Оврупо тарихий костюмларининг ва бошқа кітъалар халқлари қийимларининг таъсири бұлғанди. Мисол учун, 80-йилларда Япон самурай услуги, Тибет халқ кийими, ибтидои қабилалар кийими, ўрта ва Жанубий Америка фольклор тенденциялари модада кенг тарқалғанди. Шулар каторида "қашшоқлик" модасининг хилма-хил усуллари (эскирганга үхашаш маҳсус бұялған ва йиртиклар хосил қилинган матоларни құллаш) ва замонавий (1910—1920 йй.) рассомчилик ва мейморчилик (кубизм, Мондриан) таъсирида костюмлар яратылғанди.

70—80-йилларда ёшларнинг тажовузкорлыги "қупол услуг" — "панк" ни юзага келтирғанди. Тутуруксиз кийимлар, сочларини ранг-баранг бүекларга бұяб қилинган причёскалар атрофдагиларни хижолатда қолдиради.

Эркин вакт ўтказишга, дам олишга, спортга асосланган 80-йиллар модаси кийимга эркинлик ва шахсий ижодга имконият яратарди.

## БОБИЛ—ОССУРИЯ КОСТЮМИ

*Бобил—Оссурия маданияти ёдгорликлари — ғазув ва санъат асарлари — халкнинг урф-одатлари ва турмуш тарзи түғрисида маълумот беради.*

У кучли, катта бюрократ аппаратли мамлакат бўлган. Унинг яхши ўргатилган, замонавий ҳарбий техника билан қуролланган лашкарлари бор эди. Улар савдо-сотик, чорвадорлик ва қишлоқ хўжалиги билан шуғуллангандар. Тарихи, асосан, босқинчилик юришлари билан нишонланган ҳарбий мамлакат одамларининг қаҳри қаттиқ ва муомаласи купол бўлган.

Санъат асарлари оссурия-бобилликларнинг ташки кўринишини саклаб қолди. Улар шартли усулда тасвирланган. Гавдани, кийимни ва сочини тасвирлаганда улар наққошлиқ усулига риоя қилган эдилар. Санъат асарлари, асосан, подшоҳларнинг овга, урушга юришларига, шахарлар ва қалъаларни қамал қилишига, таслим бўлган халклар ҳадяларини олишларига бағишлиланганди. Оссурийларнинг ташки кўриниши мисрликлардан кескин фарқланарди. Улар бақалоқ, бакувват, бошлари катта, юзлари япалоқ, серсокол ва соchlарини жуда хафсала билан тарайдиган халқ эди.

Уларнинг кийимлари шарқ учун типик бўлиб, кийим бичимлари шаркий кийимларнинг барча турларига асос бўлганди.

Эркаклар костюми. Оссурия—бобилликларнинг барча синф ва гурухларининг кийими яхлит бичилган калта енгли кўйлак “канди” эди (95, 96, 97-расмлар). Ҳарбий аристократик аслзодалар ва, айникса, подшоҳлар кийи-



95-расм. Оссур-бобил подшохи костюми.

ми ҳашамдор эди. Одамларининг ижтимоий ҳоли кийимда якқол ифодаланаарди. Узун кандини факат подшох, кохин, подшохга яқинлар ва йирик амалдорлар кийиши



96-расм. Шоҳ Ашурбанипал.

мумкин эди. Бошқа ахоли бүксасида белбоғ боғланган калта кўйлак кийишарди. Кийимнинг баҳоси ва баравар кийилган кийим сони катъий белгиланганди. Бир йўла



97-а расм. Оссур-бобил эркаклар костюми.

бир кийимдан ортик факат подшоҳ кийиши мумкин эди. Бой безатилган кандидан ташқари подшоҳ плашч “конас” (подшоҳ рамзи) (95-расм) киярди. Канди ва конас геометрик нақшли кашта билан безатиларди. Унга ўйма нақшли олтин пластинани киритишарди. Конас ва кандини чегарасига тикилган попук маҳсус ингичка толали жундан килинарди ва тўқ-қизил (кирмизи) рангга буяларди. Шохнинг кандиси юкори сифатли ок жун матодан қилинарди, плашч конас эса қирмизи рангга буяларди. Олтин пластинкалар ва кашталар ёрдамида шоҳ костюми ёрқин таассурот колдиради. Тарихнинг барча даврларида шохнинг салтанат рамзи — бош кийими тиара “кидарис” бўлган. У наматдан килинган тепаси тор, металл пластинка билан безатилган калпок, сир ва қим-



97 б.-расм.

матбаҳо тош билан безатилган олтин тож — боғич “фанонс” эди. Фанонснинг учи попукли бўлиб энсадан борланиб, оркага тушарди. Шохнинг қўлида тирсагидан юкори спирал билагузуклар, билагида эса оссур худоси тасвирланган билагузук такиларди. Камон тортиб турган қанотли худо Оссур тасвири — куёш рамзи — доирада тасвирланганди.

Шохларнинг оёқ кийими — шиппаклар — кийимига нисбатан оддийрок эди.

Подшоҳга яқинларнинг хизматкорлардан фарқ қила-диган белгиси — қандини безатадиган попук узунлиги ва эни эди. Попукнинг эни қанчалик кенгрок бўлса ва кийимда унинг миқдори кўпроқ бўлса, табака олий



97 в-расм.

хисобланарди. Попукнинг бир булагини кийимга тикмасдан танани айлантириб, турли усулда ўрашарди. Олтин пешона боғич ҳам аслзодаларнинг фарқ белгиси бўлган. У попукли узун тасма билан якунланарди.

*Аёллар костюми.* Ёзув ёдгорликларнинг мълумоти бўйича, Оссурия-Бобилда аёлларнинг ахволи жуда оғир бўлган. Улар умуман хуқуксиз бўлиб, умрбод отасига, эрига, ўғлига ёки эркак қариндошларига қарам бўлган. Шунинг учун, санъатда аёлларнинг тасвири деярли бўлмаган. Тасвирий ёдгорликларнинг бирида шох Ашурбанипалнинг хотини билан шийпончада, зиёфатда ўтиргани тасвирланган. Тасвирда шохнинг хотини ва унинг хиз-



98-а расм. Оссур аёллар костюми. М.а. VI—IV аа.

маткорлари узун кўйлак ва устидан ёпинчоқ кийишган, уларнинг бичими ва шакли эркаклар кийимидан фаркланмасди. Улар хам сер ва бой нақшланганди (98-а расм).

Кийимларда кўлланган асосий мато — жун газмол бўлган. Оссурия—Бобилда матолар жуда киммат турган. Машхур каштачилар — сидон чўрилари — матони каш-



98-б рasm. Оссур аёллар костюми. М.а. VI—IV аз.

таларди. Матони бүяш касби жуда ривожланганди. Уларнинг қизил, зангори, сарик, кўк ва жигар ранглари айни масди; кирмизи ранг бўёқни тайёрлаш ва газмолни унга бўяш усуллари сир сакланарди.

Аслзодаларнинг кийими кимматбаҳо металлардан ясалган тақинчоклар билан безатиларди. Турли маъноли рамз-

ни ифодалайдиган зираклар, билагузуклар, узуклар оир ва оддий шаклли бўлса ҳам, чиройли, накшли қилинарди. Уларда қадимийликлар учун муқаддас тимсол тасвирига айланган коннот элементлари — куёш, ой, юлдузлар — тасвиirlанганди.


Сақланиб қолган санъат ёдгорликларига биноан, Ос-суря—Бобилда кийилган кийимлар асрлар давомида кам ўзгарган ва шарқ ҳалқлари кийимининг асоси бўлган.

## ФОРС КОСТЮМИ

*Қ*адимий Эрондаги қабилалар алоҳида яшашар ва бошқа мамлакатларга нисбатан жаҳон тарихи донрасига кечрок кирганди. Факат милоддан аввалги VI аср уртасида Қадимий Форс кучли, ҳарбий техника билан куролланган армияга эга йирик кулдор мамлакатга айланди. Аммо узокка чўзилган юонон-форс урушларидан кейин милоддан аввалги V асрда у барча ютукларидан айрилиб, Осиё вилоятига айланганди.

Қадимий Форс маданияти ва, айникса, тасвирий санъати босиб олган ҳалқлар маданиятлари таъсирида яратилганди. Пересполь ва Сузадаги саройлар энг йирик санъат ёдгорликлари эди. Уларнинг рангли деворий тасвирлари форсликларнинг ташки кўриниши ва кийими тўғрисида маълумот беради.

**Эркаклар костюми.** Асосий аҳолининг кийими эрон авлодлари — торли чўпон қабилалари — турмуш тарзини акс эттиради. Уларнинг кийими калта, гавдага ёпишиб турган "кафтан" (форс. елка кийими) (99, 100-расмлар), чарм иштон "анаксаридес" (101-расм) ва учли чўккили чарм қалпокдан иборат эди. Юонон тарихчиси Геродот даврида (милоддан аввалги V аср) бу кийимлар дағал жун матодан қилинарди, бош кийими эса фригия



99-расм. Қадимий Форс эркаклар костюми. М.а. VI—IV аз.

калпоғига үхшаш эди. Шундай кийимлар иклим ва чорвадорларнинг турмуш шароитига жуда мос эди.

Форс лашкарлари ва аслзодалари кийими бошқача булган. Тасвиirlарга биноан, улар кучли, жисмоний яхши



@tarixchi\_kutubxononasiga

100-расм. Қадимий Форс эркаклар костюми.  
Кўйлак, кафтан, иштон. М.а. VI—IV аа.

тузилган, корачадан келган, қора сочли, келишган юзли одамлар эди. Улар эркин, узун, кенг енгли кафтанни кишишардӣ. Кафтан кенг белбог билан борланарди.

Бош кийимлари хар хил булиб, шахснинг ижтимоий ҳолини курсатарди.



101-расм. Қадимий Форс эркаклар кийими.  
Кафтан, анаксаридес, калпок.

Оёк кийимлари чармли бошмоклар булган.  
Синфий фарқлар қадимий форсликлар кийимида ос-  
сурия-бобилликларникига ухшаганди. Олтин билан каш-  
таланган бош кийимлар, олтин занжирлар, кашталанган  
бошмоклар ва бошқалар ижтимоий рамзлар бўлганди.



102-расм. Кадимий Форс эркаклар кийими.  
Шохнинг кандис ва митраси.

Шохнинг кийими энг кимматбаҳо бўлган. У кенг қирмизи кафтан, кизил анаксаридес ва қалин тагликли бой безатилган бошмоқдан иборат эди. Устки кийими плашч “кандис” эди. Унда шоҳ рамзи — калхат ва бургут —



103-расм. Кадимий Форс эркаклар бош кийимлари.

кашталанганди. Бош кийими “митра” (102, 103-расмлар) ҳам шоҳ рамзи бўлган. У тепага кенгайган трапеция шаклли бўлиб, кимматбаҳо тошлар ва олтин билан безатилганди.

Форслар кийимда зигир, жун ва шойи матоларни кўллашган.

Форсларнинг безаклари олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошли билагузуклар, зираклар ва маржонлар эди.

Аёллар костюми эркакларнига нисбатан узунрок бўлиб, юпкарок матолардан килинарди. Кийим деярли гавдага ёпишиб турарди. Олд қисмининг кўкрагида кесим қилиниб, тасмалар ёрдамида боғланадиган такилма хосил қилинганди. Олий зот аёллари, эркаклар сингари, устма-уст бир неча кийим кийишган.

Форсларни араблар босиб олганидан сунг форс кийимда бир неча ўзгаришлар рўй берганди.

Эркаклар орасида қадимий араб кўйлаклари, салла, кафтанлар ва плашчлар кенг тарқалганди. Араб ва турк костюмларининг форс костюми билан кўшилганлиги на-тижасида янги костюм вужудга келганди. Узун, кенг, бели боғланган халат ва кесик конуссимон шаклли бош кийим энди форсларнинг кийими бўлиб қолди. Кийимларнинг енглари ергача осилган узун ёки кесимли эди. Калта енгларнинг орқа қисми жуда узун (ергача) қилиниб, кенг бўларди.

XV аср охирида тасвирий санъат ёдгорликларида форс костюми тасвирланган эди. Бу даврда форслар бир неча кенг иштон ва олди тутмаланадиган кенг белбоғ билан боғланган узун кафтан кийишарди. Бошга рангли бош кийимларни (купинча духобадан) ёки салла кийишарди. Аёллар костюми оқ ип матоли кўйлакдан, кенг, рангли шалвар, узун енгли ички кафтандан, уни қайрилган учли туфлидан, белбоғ-шарфдан, вуаль ва қалпоқчадан иборат эди. Кучага чиқканда форс аёли кийимининг устидан ёпинчок ва плашч киярди.

Форс оёқ кийими шнуровкали туфлисимон эди. Улар чарм ёки мато булагидан қилиниб, оёғига ёпишиб турарди ва дунгсамда тасма ёрдамида боғланарди. Очик оёқ кийими дарал чармдан қилинган шиппаклар эди. Этик-лар анъанавий поїафзал бўлган. Кейинроқ рангли оёқ кийимлар кенг тарқалган эди. Саройда энг қадрланган оёқ кийимлар қизил ва сарик рангли бўлган, аслзодаларда қирмизи ранг энг қадрли эди.

Кейинги даврларда товонсиз туфли — “кавш” — аёллар орасида кенг тарқалди. Кавшлар одатда кора, қизил

ва, күпинча, яшил рангларга буялган саҳтиён терисидан килинарди. Патагининг четлари яшил рангли чарм билан тикиларди, таглигига пошнанинг жойига нақшли темир нағал қоқиларди.

Форсликларнинг миллий кийими иштон — анаксаридес ва тор кафтан оссурликларнинг кандисидан кейин биринчи бичилган кийим эди ва кейинги даврларнинг шарқ костюмларига асос бўлганди.

## ХИНД КОСТЮМИ

*Ш*арқ давлатлари каторида Хиндистон инсон цивилизациясининг бешиги бўлган. Ҳозирги замонда дунёга машхур хинд маданияти 5000 йиллик даврни ўз ичига олади. Бу маданият муқаддас Ганг дарёсининг водийсида туғилган эди.

Милоддан 1000 йил аввал Хиндистонда йирик қулдорлик давлатлари юзага келганди. Дехқон жамоалари хокимиятининг барқарорлиги жамоа муносабатларининг булинмаганлигига ва ибтидоий тузум сарқитларининг сакланиб қолишига сабаб бўлди. Шунга қарамасдан, давлат иқтисоди ва маданияти ривожланган эди. Мехнат таксимоти жараёнида табакалар пайдо бўлганди. Уларни шимоли-ғарбдан келган арийлар жорий этганди. Энг улуғ коҳин табақасига брахманлар киради, кшатрийлар табақасига — жангчилар, вайшви табақасига — ер эгалири ва хунармандлар, шудра табақасига — ҳарбий асирлар ва куллар киради.

Хиндарнинг энг қадимий дини *ведаизм* (*веда* — билим)ни арийлар олиб келган. Бу динда табиий ҳодисаларға сиғиниларди.

Кейин брахманлар ведалик худоларни чекинтириб, янги дин — брахманизмни киргизиши. Бу динда Дунёни яратган Браhma, уни саклаб турадиган Вишну, барбод

қиладиган Шива ва бошқа билим, яхшилик ва ёмонлик худолари мавжуд эди. Брахманизм табакаларга бўлинишни саклаб колганди.

Милоддан аввалги III асрда брахманизмга карши янги диний оқим буддизм кенг тарқалганди. Бу динда касталар (табакалар) тенг дейилгани учун буддизм давлат динига айланганди.

Феодал муносабатлар V—VI асрда барпо этилган эди.

Дехкон жамоаларининг каста системаси ва, айника, коҳин табакаларининг мустаҳкамлиги брахманизмнинг қайта туғилишига сабаб бўлди. Лекин улар буддизмнинг баъзи фикрларини ўзига киритганди. Янги дин индуизм деб аталарди. Индуизм — фалсафа, дин, этик ва хукукий системаларнинг мураккаб комплекси. Бу динлар Ҳиндистон ахолиси турмушининг барча томонларига, маданият ва санъатнинг ривожланишига асрлараро кучли таъсир курсатганди.

Илк феодализм даврида Ҳиндистон бошқа халклар ва қабилаларнинг (юнонлар, шаклар, гунлар, кушонлар ва б.) босқинчилигига учраганди.

VIII—IX асрларда Ҳиндистонга араблар бостириб кирди. Улар ислом динини ва ислом этик асосларини олиб келган эди.

XVI—IX асрларда (1526—1858 йилларда) Дехли сultonлигини Буюк Мўғуллар (Бобурийлар) сулоласи бошкарганди.

XVIII асрнинг ўрталарида овруполик мустамлакачилар томонидан Ҳиндистонга босқинчилик урушлари бошлаган эди (португаллар, голландлар, француузлар ва инглизлар). Натижада, XIX аср ўрталарида инглизлар Ҳиндистонни бутунлай босиб олди ва ўз мустамлакасини урнатди. Энди улар Ҳиндистонда насроний динини тарғиб кила бошладилар.

XX асрнинг иккинчи ярмида (1947 йил) Англия Ҳиндистонга мустақиллик беришга мажбур бўлди.

Хозирги пайтда Хиндистон ахолисининг 84 фоизи ин-  
дуизмга, 12 фоизи исломга, қолгандар буддизм, сикхиизм,  
насроний ва бошқа динларга эътиқод қилади.

Хиндистоннинг табиати жуда бой ва хилма-хил бўлган-  
лиги сабабли, у ҳар хил ажойиб шаклларни яратган. Одам  
ва табиат орасидаги қарама-каршилик хиндаларнинг фикр  
ва дунёкарашидаги хусусиятларининг жуда мураккабли-  
гига асос булди. Тиззада турган одамнинг табиатга буйсу-  
ниши, тушунмаслик ва қуркинч, эзилганлик ва қаттиқлик  
диний фикрлаш асосида содир бўлганди. Сони кўп худо-  
лар хинд фикрлашини сон хусусиятига, микдор хукмдор-  
лиги хинд санъатининг тушунчасига олиб келди.

Хинд меъморчилиги — бу факат меъморчилик, тузу-  
лиш, фикр ва хисни ифодалаш эмас, балки у ҳайкал ва  
тасвирлар учун асос эди. Диний ва фукаролик меъмор-  
чилигига сони кўп тасвирлар такрорланиб, устуворлик  
киларди. Тасвирий ва нақш шаклларини ажратиш мум-  
кин эмас эди.

Қадимий замонларда Хиндистонда ҳайкалтарошлиқ ва  
монументал рассомчилик ривожланганди. Улар Аджан-  
тадаги ғор ибодатхоналарда хозирги вақтгача сакланиб  
қолган. У ерда, асосан, афсонавий ва индуистик компо-  
зициялар тасвирланганди.

Миниатюра тасвирий санъати Хиндистонда қадимий  
замонларда мавжуд бўлган. XI асрда яратилган мини-  
атюралар палма япроқларига ишланганди. Хинд мини-  
атюрасининг бир неча йўналиши бўлган:

- Мўгул мактаби;
- Пахри — диний афсонавий мавзулар;
- Мальва — Фарбий Хиндистон гуджар миниатюра-  
си, Рамаяна ва Махабхарата достонлари шу усулда тас-  
вирланган;
- Кангра — вишнуизмнинг қайта такрорланиши.  
Кришна — хукмдорлик мавзулари;
- Бенгал — афсона ва кишлок мавзулари.

Кўп асрлардан бери Хиндистон маънавий маданияти-  
даги фалсафий ва илмий адабиёт ёдгорликлари, Бахса,



104-расм. Рақсга тушаётган Шива.

Калидаса ва бошка шоирлар ва драматурглар яратган асарлар жаҳон маданиятида таникли ўрин эгаллади. Адабиёт хазинасида Рамаяна ва Махабхарата эпик поэмалари, афсоналар, ривоятлар, халқ эртаклари ва б. тўпланган.

Хиндистон мусика ва рақс санъатига ғоят бой мамлакат. Кадимий рақс, ашула, мусика, пантомима ҳозиргacha машхур ва оммабоп.

Минг йиллардан буён Хиндистон ҳунармандчилигида энг муҳим ўринни мато тўкиш эгаллаб келади. Хиндис-



105-расм. Кришна ўз гопилари билан найда ўйнаяпти.

тон пахта ватани бўлса ҳам, у ерда ипак, жун толадан юпқа ҳарир ёки қалин дағал матолар тўкиларди. Матоларнинг сифати жуда юқори даражада бўлган. Ип газла- ма шунчалик ҳарир бўлганки, етти кават мато остидан танадаги хол кўринарди. Газмолларнинг накши тўкима, босма, кўлда тасвирланган, трафарет ёрдамида батик ва тугунча усулида, кашталанган ёки ўйма модда ёрдамида

хосил килинган эди.  
Мато нақшининг кўри-  
нишларида ўсимлик,  
хайвонот, одамий тема-  
тик тасвиirlари, адабий  
мавзулар ва хирот (му-  
сулмон) мавзулари бўл-  
ганди.

Хинд костюмидаги  
шакл — бу дин билан  
юқори даражага кута-  
рилган гўзал ва пок та-  
на; у хаёт беради ва ҳа-  
ёт давомчисидир. Уни  
беркитиш керак эмас,  
чунки тана шакли хар  
томонлама камолат чўк-  
киси деб хисобланарди.  
Тана баркамол эди ва  
унга факат биронта нар-  
са қўшилиши мумкин  
эди.

Ижтимоий табақа-  
лар ажралиб туриш  
учун заргарлик тақин-  
чокларидан фойдалани-  
шарди. Уларнинг мик-  
дори ва баҳоси шахс-  
нинг табақа белгиси  
саналарди.

Брахманларнинг ки-  
йимлари оппоқ ҳарир матодан булиб, кўшимча кўп бе-  
заклар тақиларди.

Индуизм дини фалсафаси бўйича ҳамма нарса жуда  
яхши ва кийимни ўзgartиришга ҳожат йўқ. Ўзинг камол-  
га етгин, ортиқчалик — бу ўткинчилик, деб хисобланар-



106-расм. Эркаклар костюми.  
Дхоти ва орхни.

ди. Бу кийимнинг янги шаклларининг пайдо булишига йўл кўймасди.

Энг қадимий тасвирланган кийим шакллари (милоддан аввалги III мингинчи йил) белга ва елкага уралган тикилмаган мато булаклари эди. Елка кийими мато парчасидан иборат булиб, чап елкага ташланарди ва ўнг қўлтик остидан утқазилиб, танага ураларди. Бел кийими эса ҳозирги дхотига (105, 106-расмлар) ухшаш арийлар олиб келган кийим эди.

Костюмнинг асосий элементи “ниви” эди. Бу белга уралган ва қоринда тахлам қилинган тикилмаган мато булаги эди. “Ниви” сўзи санскрит (қадимий ҳинд тили)-дан келиб чиқиб, ҳозиргача аёллар кийиминида сакланиб қолган.

Тананинг юкори томони ёпинчик “улаваса” ва “паридахана”га уралган (105-расм). Ушбу кийим элементлари эркак ва аёллар кийимининг асоси бўлган эди.

Милоддан аввалги 320-йилдан милоднинг 320-йилига ча бўлган давр костюм эволюциясида мухим роль ўйнади. Бу даврда бичилган ва тикилган кийимларнинг асослари мавжуд бўлганди. Марказий Осиёдан келган босқинчилар (хуннлар, шаклар, кушонлар) ёпишиб турадиган, бичилиб тикилган кийимни олиб келишди. У кимхобдан, шойи астарли, тор, танага ёпишиб турадиган, туникасимон бичилган “жома”симон елка кийим ва этикка киргизилган, тор, тиззасидан тепага сал кенгайган “пайжома”симон иштон эди. Лекин бу хил кийим ҳиндуларга тўғри келмаганди. Улар кийимга янги шакл ва хусусият беришди — елка кийими юпқа зарли иплар билан түкилган муслиндан килиниб, белида белбоғ билан бурма ҳосил қилиб боғланарди. Бел кийими эса “нимдхоти” — юмшок, тиник, йўл-йўл матодан килинарди. Бу даврда ҳам жуда кўп тақинчоклар такиларди. Эркаклар устки кийими “адхиваса” — бичилиб тикилган ва зар билан каштланган кўйлак бўлган.

320—1100 йиллар ҳинд костюмининг баркарорлашган даври деб хисобланарди. Бу даврда эркак ва аёллар-



107-расм. Раксга тушаётган икки киши.

нинг ҳамда махаллий кийимларнинг ажралиши юз берганди. Айнан шу даврда мусулмонларнинг Хиндистонга кириб келиши санъатнинг ривожланишида янги боскични нишонлайди. Янги дин — ислом — махаллий урф одатларнинг ўзгаришига олиб келганди.

Агар олдинги даврда этник омил кийимнинг асоси булса (тикилмаган — махаллий ахолиники, тикилган — чет элликларники), мусулмонлар келгандан сунг диний омил бирламчи булиб колди. Бу даврдаги кийимлар билан миниатюрадан танишиб чиқса бўлади. Хиндларда одатдаги тикилмаган кийимлар (бел кийими — дхоти ва ёпинчик — дупатта) сакланиб колганди, ислом ди-



108-расм. Чўмилишдан кейин.

нига кирганлар мусулмонлар кийимини кия бошлади. Лекин мусулмонлар кийими чапдан ўнгга уралса, хиндлар эса ўнгдан чапга үрашарди (ўхшамаслик учун). Шарф ёки ёпинчикни елкага ташлашарди ёки бошга үрашарди. Аёллар эса ёт кўздан сакланиш учун шарф билан юзларини беркитишарди, кейинчалик, XIX асрда, у "сари"га айланди. Ислом дини таъсирида аёллар кичкина, тор, ёпишиб турадиган, бичилган, оркасида тугмаланган кофтасимон кийим "чоли"ни кийишадиган бўлди (107, 108-расмлар).

Шундай килиб, бичилган ва тикилган кийим этник тўсиклардан ўтиб, костюм асоси булиб қолди. Аммо одат-

даги бўксага ўралган боғич камбағалларнинг кийимига айланди.

Бу даврда лиbosлар кенгрок, аниқ шаклсиз ва узунрок бўлганди. Кейинроқ кийим яна кисқара бошлади.

Бел кийими шалвар эди (туркия шалварининг хили). Юпка ва кимматбахо матодан килинган аёллар иштони "сұтхни" (109-расм) деб, эркакларники эса — "сұтхна" деб аталарди.

Елка кийим — "камис" (аввал уни "курта" деб аташарди, хотирги вактда курта деб эркаклар кўйлагини аташади). Камиснинг олд ва орқа бўлакларини алоҳида бичиларди, елка кесими кия бўлганди, белида витачкалар қилинарди. Камиснинг узунлиги бўкса ўртасидан болдирининг ўртасигача бўлиши мумкин эди. Белдан пастроқ ён чокларда кесимлар қилинганди. Камисни олд ёка умизи учбурчак шаклида бўлиб, оркасида кичкина тик ёка бўлган. Кўйлак турли рангли накшли ипак матодан қилинарди.

Эркакларнинг бел кийими, яъни иштони, "пайжома" икки пой ва ромбсимон оғдан иборат бўлганди. Иштоннинг тиззасидан тепа томони кенг бўлган, пасти эса ёлишиб турарди. Иштоннинг тепа томони узунрок бўлгани учун уни билагузук каби кўндаланг тахламлари хосил бўларди, шу сабабдан унинг номи "чуридара" ("чури"- билагузук) деб аталарди. Иштон кўпинча оқ ип газмолдан тикиларди (110, 111-расмлар).



109-расм. Радха ва Кришна.



110-расм. Мўғул сулоласи давридаги аёл ва эркак костюмлари.

Энг кўп тарқалган эркакларнинг елка кийими — “курта” — ил газламадан тикиларди. Кўйлак яхлит бичилган стан, ён кўшимчалардан, алохида бичилган енг ва хиштакдан иборат эди. Тик ёқа умизига планка тикиларди, ёкаси эса йўқ эди.

XIX асрда инглизлар хукмдорлиги даврида маҳаллий кийимга яна бир неча ўзгариш киритилди. Инглиз харбий кийими хинд кийими билан аралашганди. “Сюртук” ва “пилотка” XX аср эркаклари миллий кийимига айланди. Аммо бел кийими дхоти бўйича қолди. Аёлларнинг кийими ўзгармасдан, бурунги холида қолди.

Безаклар хиндлар кийимида хозиргача, айниқса аёлларда, муҳим роль ўйнайди. Улар факат безак белгиси эмас, балки кўпроқ ижтимоий роль ўйнайди. Хиндистонда безак тақмаган биронта ҳам аёл йўқ (бевалардан таш-



III-расм. Ракста тушаётган икки киши. Мұғул даври.

кари). Ўрта ва паст табақали аёллар барча тақинчоқларини дөнмо тәқиб юришарди. Заргарлик буюмлары хилмахил бүлгап: зираклар, узуклар, маржонлар, билагузуклар, тұқалар, камарлар, сочига ва пешонасига тақадиган тақинчоқлар ва бошқалар. Улар чиғаноқдан, фил сүягидан, маржондан, марвариддан, донлардан, нозик, фаянс, рангли шиша ва ойначалардан килинарди. Олтін ва кимматбахо тошлар ҳам жуда күп күлланарди.

Хиндлар костюміда косметика (бұяниш) кенг қулланарди. Улар юзларини, күлларини, оёкларини турлы рангларга бүяшарди. Пешонадаги нұкта VII асрдан бошлаб Будданинг етти гүзалигидан бири деб хисобланарди. Кейин бу холсимон нұкта одатта айланди.

Оёқ кийимлари: чарм ёки ёғочдан ишланган шиппаклар, кишида сомондан тўкилган туғли ва намат ёки чармдан килинган этик. Ҳиндлар уйга кирганда оёқ кийими ни ечиб киришарди (мусулмонлардан утган одат).

## ХИТОЙ КОСТЮМИ

*Qizich Kutubxonasi*

Хитой маданияти 4000 йил илгари вужудга келган. Унинг маданияти Миср маданияти билан рақиблик қилиши мумкин. Агар Миср маданиятидан факат ёдгорликлар колган бўлса (эхромлар, ибодатхоналар ва санъат асарлари), Хитой маданиятининг васиятлари эса ҳозирги замонгacha ўзгармасдан қолди (тил, ёзув, мусиқа ва бошқалар).

Хитойда феодал тузуми милоддан аввалги V—III (айрим маълумотлар бўйича XI—VIII) асрларда ташкил этилгандан то XIX асрнинг ярмигача ўзгармасдан колган эди. Хитой маданияти ривожланишида кўшни мамлакатлар цивилизациясининг таъсири деярли бўлмаган эди. Хитойнинг майда вилоятлари Богдиханнинг ҳукмдорлигига сиринишарди. У ўзини Осмон ўғли, мамлакатни эса — Дунёвий (Джунго)деб хисобларди.

Хитойда давлат хизмати, сарой қоидалари, хаёт, кийиниш одати давлат томонидан қатъий конунлаштирилганди.

Хитойликларнинг дунёқарашига ва тафаккурига бир неча фалсафий оқимлар ва динлар таъсир этган. Милоддан аввалги биринчи минг йилликда мавжуд бўлган фалсафий оқимлардан бири “даосизм” (дао цзя) эди. Унинг асосчиси Лао-Цзи бўлганди. Унинг асосий фикри — дао (йул) таълимоти бўлиб, бу таълимотга кўра Коинотнинг ўз-ўзидан вужудга келиши, ривожланиши ва барбод бўлишининг азалий, табиний ва умумий конуни бор (112-расм).



112-расм. Саккиз абадий яшайдыган даосликлар  
ва уларнинг аломатлари.

Конфуцианлик (жу цзя) — этик-сиёсий таълимот. Унинг асосида аждодларни хурмат килиш турарди. Бу фалсафий оқим кейин динга айланди.

Кейин Ўрта Осиё орқали Хитойга асосий дин бўлиб буддизм кириб келди.

Қадимий Хитой фалсафалари табиатнинг қарама-қаршилигини (Ян — ёруғлик, Инь — коронғулик) курашда эмас, балки мувозанатда, осойишталикада, қүшилишда тан олган эди. Уларнинг тасаввурида дунё тузилишининг асосида эркак — Ян ва аёл — Инь омилларнинг ижодий үзаро алоқаси булган.

“И цзин” (ўзгаришлар китоби) қадимий хитойликларнинг дунё тушунишида маъно сўз билан эмас, рамзий ишоралар билан ифодаланарди.

### 1. Дунё тузилиши диалектикасининг график рамзлари:

- узлуксиз чизик эркак кучи — Янни акс эттиради;
- узлукли чизик аёл кучи — Иньни акс эттиради.

Ян ўз моҳиятини бирликда, Инь — кўпликда курсатади.

Барча дунё воқеалари эркак ва аёллар кучларининг үзаро алоқаси натижасида бўлгани учун, уларнинг ҳаммаси оддий белгили чизикларнинг бирикмалари билан ифодаланиши мумкин:

- эркак кучининг мутлақо хукмронлигини барбод булиш чегарасида, улуғ Ян, Ёз;
- аёллар кучининг мутлақо хукмронлигини барбод булиш чегарасида, улуғ Инь, Киш;
- эркаклар кучининг ўсиш рамзи, ёш Ян, Бахор;
- аёллар кучининг ўсиш рамзи, ёш Инь, Куз.

Коронғулик ва ёруғлик — бу бир-бирига интилаётган кучлар, улар бир-бирининг ўрнига келади. Ер билан Осмон ижодий харакатда қўшилганда, шу цикл авжига етган деб хисобланади. Айни шу воқеа қадимий Хитойнинг белги рамзлари ва нақшларнинг асоси бўлган. Шу сабабдан булат тасмалар, тўлқинли жингалаклар, мома-

қалдиrok спираллар, булут ва чакмокни туғдирадиган аждахолар хитой костюмининг безагининг доимий элементлари бўлган. Улар қадим-қадим утмишдан ўрта асрларга келган ва хозирги замонгача сакланиб колган.

## 2. Геометрик шакллар рамзи.

Қадимий хитойликлар тасаввурида Осмон — доира шаклда, чунки у бир чизик чегарасида берк, боши ва охири йўқ ва Осмоннинг чексизлигини ифодалайди.

Ер — квадрат (4 томон ва 4 бурчак), ернинг чегараси бор, шунинг учун квадратнинг ҳар томони бурчак билан якунланади.

Ушбу шакллар Ер ва Осмоннинг физик ҳолатининг тасвири эмас, аксинча, уларнинг фақат геометрик ишоралари ва космик омилларининг моҳияти. Шу иккита шакллар кўшимчаси санъатда ва костюмда кўп учрайди.

## 3. Сон рамзлари.

"И цзин"да Осмон ва Ер сон рамзлари куйидагича бўлган: Осмон — 1,3,5,7,9; Ер — 2,4,6,8,10. Демак, ўннинг мобайнида тоқ сонлар — Янни, жуфт сонлар — Иньни рамзи бўлган. Осмон сонлари бешта, Ер сонлари хам бешта эди. Бу сонлар кўшилишиб Металл-“Цзинь”, Дарахт-“Му”, Сув-“Шуй”, Олов-“Хо” ва Ер-“Ту”ни яратади. Демак, 5 табиий кучнинг айланишига иккита асосий сабаб бўлганди.

9 — Ян чизикнинг номи, 3 — Ян соннинг рамзи, 6 — Инь чизикнинг номи, 1 — Осмон рамзи, чунки у битта чизик билан ифодаланади, 4 — Ер рамзи, чунки у 4 чизик билан (квадрат) ифодаланади.

Костюмда шакл, сон ва рамз ишоралари кенг кўлланганди. Кўшилган доира ва квадрат шаклли (ер ва осмон кўшилганлигини ифодалайди) император бош кийимида 5 нефрит ҳар хил рангли осилчоклар килинганди, улар 5

табиий кучларнинг рамзи эди. Эркакларнинг кийимида тугмалар сони ток, аёлларницида — жуфт қилинарди; 8 аждахонинг тасвири эркаклар халатининг олдида бўлса, 9-си эса оркасида қилинарди.

#### 4. Ранг рамзлари.

Геометрик шакл ва сонлар “тилига” нисбатан ранг ишоралари одамнинг туйғусига зур таъсир этар эди. Аммо улар қарама-қарши ва мураккаб бўлган. Мисол учун, агар Осмон-Ян — Коннотнинг ёркин омили, Ер-Инь унга қарама-қарши деб ҳисобланса, у холда нима сабабдан Осмон кора — бинафша ёки кора. Ер — сарик ранг рамзи билан ифодаланганлигини тушуниш кийин.

Иккита омилнинг ўзаро алоқаси билан туғилган 5 табиий куч рамзлари:

*яшил ранг* — Баҳор ранги, ёш ўсимлик ва япроқлар ранги; табиий куч Даражт-Муни моҳиятини акс этувчи ранг; Баҳор — йилнинг боши; Шарқ — кун чиқадиган жой, шунинг учун яшил, туғилиш ва ёшликтининг рамзи; Юпитер сайёранинг кўкимтири-яшил ранги;

*қизил ранг* — Ёз, Олов-Хо, Жануб ва Марс сайёрасининг рамзлари;

*оқ ранг* — Куз рамзи, у пайтда омборлар оқ гуруч билан тўлади; кузга табиий куч металл-Цзинь мос келади (кайралган болта тифининг ранги); бу Farb — ўчган, қуёш ботадиган томони ва ўлган одамларнинг кетадиган жойи (мотам кийимлари оқ рангли қилинарди); Ой ва Зухра — Венеранинг (“Тайбо” — “буюк оқ” — металл юлдузи) нурлари;

*қора ранг* — Киш ранги, энг коронғи даврни, зимистон салтанат — Шимол ранги, ёркин эмас, Меркурий ранги, табиий куч Сув-Шуйни ранги.

*сарик ранг* — Ёз фаслининг охирги ранги, дон экинларнинг етилиши, ҳосил туғдирадиган тупроқ ранги, табиий куч Ер-Тунинг рамзи, бу марказ рамзи, яъни Ерни; Сатурн сайёрасининг рамзи (дехкончилик худоси).

## 5. Ўсимиликлар ва тирик жонларнинг рамзлари.

Хитойда Осмон ва Ернинг антропоморфик тасвирилари йўқ. Одамларни Осмон ва Ер унчалик кизиқтирмасдан, балки уларнинг кўшилиши — никоҳи кизиктиради. Шундан хитойликларнинг тасаввурни келиб чиқкан: аждаҳо — ёмғир хукмдори, эркак мохияти эди. Аждахонинг булатлар орасида парвоз қилиб юргани ёки тулқинлар аро сувгани ва шу вактда елкасидан ва бўксасидан аланга чиқиб тургани тасвир этиларди. Сув — унинг ташки, Олов — ички мухитининг рамзи деб хисобланарди. Шундай қилиб, аждаҳо икки қарама-карши кучларни: Ер-Осмон ва Олов-Сувнинг бирлигини кўрсатарди.

Алангали дур — шарсимон чакмоқни эслатадиган момақалдирок сиймоси бўлган.

Аждаҳо — куёв рамзи бўлган; бақа ва қуён — абадий элексир билан боғлиқ; кўршапалак — баҳт, соғлик, саҳоват; хўroz — қуёшга сифиниш билан боғлиқ; буғу — мартабани ошириш рамзи; зоғорабалиқ — муваффақият тилаш рамзи; анор — кўп бола тилаш рамзи; шафтбли — кўп йил яшаш истакларининг рамзи ва бошқалар.

Қадимий Хитой костюмининг оддий шаклининг пайдо бўлишига одамларнинг хўжалик ишлари, хом ашё имкониятлари ва иклим шароитлари сабаб бўлганди. Тантанали ва расмий кийимларнинг шакллари оддий кийимлардан узлаштирилганди. Улар, бичими бир хил бўлгани холда, матоси, безаклари ва арзимас конструктив фарклари билан ажралиб турарди.

Хитойликлар кийимлари ички ва устки, елка ва бел кийимларидан иборат эди.

*Елка кийими.* Одатда хитойликлар елка кийимларининг олди очик бўлган. Ички ва устки кийимларнинг бичим асоси бир хил бўлган. Конструктив хусусиятлари бўйича барча кийимлари икки турга бўлинади:

— биринчи тури — *Шарқий-Осие* тури — туникасимон бичилган, олд ва орка бўлакларининг узунлиги тенг,



乙  
三



五  
五

113-расм. Ҳар хил тарихий даврларда императорлар костюми.

елкасида иккига буқланган икки эн матодан тикилган кийим эди; матонинг энига қараб енги хам бичиларди, етмаган узунлигига күшимча мато бўлаги тикиларди; Рим туникасидан ва япон кимоносидан бу бичим станни қўлтиғи юмалоқланганлиги билан, Ўрта Осиё кийимла-

ридан орқасида ўрта чоки борлиги билан фарқланарди (113, 114-расмлар);

— одатдаги хитой кийимининг иккинчи тури ҳам олди очик ва орка ўрта чокли бўлган, лекин уларда қияланган елка чоки килинарди; шу сабабдан уларнинг олд ва орка бўлаклари алоҳида бичиларди (114-расм).

Ушбу икки тур кийимларнинг симметрик ва асимметрик бичимлари бўларди. Симметрик бичимда олд бўлаклари учма-уч, бўлган, асимметрик бичимда эса, чап олд қисмига қўшимча бўлак уланарди, ўнг булаги кўринмаслиги учун калтароқ килинарди.

Шарқий-Осиё бичим туридаги симметрик кийимларга эркак ва аёлларнинг ички ва устки кўйлаклари киради, асимметрик кийимларига эса эркак ва аёллар халатлари ва ички икки бортли кофталар киради.

Елка чокли кийимларга нимчанинг барча турлари, ёни тикилмаган симметрик бичимили эрқаклар ички кийими ва аёллар кўкрагини сикиб турадиган ички кўйлаги киради.

Биринчи тур кийим бичилганда, ёнининг пасти сал кенгайтирилади, тор матолардан тикилган халат ва кофталарнинг ёнига қўшимча қийиклар тикиларди. Стан билан яхлит бичилган енгнинг асосий бўлакларига қўшимча бўлаклар тикилади. Енгнинг пастки томони (чок буладиган жойи) тўғри енгларда горизонтал ва учига қараб тораядиганлари кия бичиларди.

Елка кийимнинг барча турларида ёка ўмизи айлана кирқилган; олди кирқилган икки қаватли тик ёқаси бўлган. Этаги эса думалокланганди.

Барча турли хитой кийимларда фарқловчи хусусиятларидан бири — маълум узунликда этагининг ёнларида, олдида ва орқасида ёки ҳамма томонларида кесимлари булиши шарт эди. Кесимлар булимларнинг пастки томонларининг тикилмаганлигидан ҳосил бўларди.

Хитой елка кийимининг яна бир кизиқарли хусусияти — ўзига хос тугмалаш усули. Одатда, асосий газмол-



114-а расм. Конун бўйича белгиланган Мин давридаги костюмлар.  
XIV—XVII аз.

дан эшиб шнур килинарди ва ундан шарсимон тугмача тўқиларди. Баъзан, шарсимон металл ёки шиша тугмалар ҳам қўлланарди. Шнурдан килинган измалар ўнг томонига тикиларди. Асимметрик кийимларда тугмалар



1



2



10



11



3



4



12



13



5



6



14



15



7



8



9



16



17



18

114-б расм. Цин давридаги кийимлар. XVIII аср.

ёкасидан ён кесимгача қилинарди. Одатда, эркаклар кийимида түгмалар сони ток, аёлларники — жуфт бўларди.

Башанг кийимларнинг бичими кундаликлардан фаркланмасди, лекин уларга кўлланган матоларнинг сифати анча юкори эди. Аёллар кийими, айниқса ёшларники,

ранглар ёрқинлиги, нақш, ранг-барап кашталари ва бе-заклари билан ажралиб турарди. Бой аёллар кофталари-нинг ёка ва чап олд булаги айлана ~~кашталанган~~ ҳошия билан, камбағалларники — бир хил рангли тасма билан безатиларди.

Ҳар хил елка кийимлар, бёл кийими — иштон аёллар ва эркаклар кийимининг асоси бўлган. Шунга эътибор бериш керакки, елка кийими ҳеч қачон иштонга тикиб кийилмас эди.

Энг кенг тарқалган эркаклар ички кийими — Шарқий-Осиё бичимидағи симметрик “дуй цзинь” ёки асимметрик “се цзинь” куйлак-“ханъ шанъ цза” бўлган. Иссик об-ҳавода куйлакнинг узи устки кийим булиши мумкин эди. Бошқа вактда унинг устидан тук рангли, астарли, пахтада қавилган яна битта ёки бир нечта кийим кийишарди.

Кенг тарқалган эркакларнинг устки кийими Шарқий-Осиё бичимидағи узун халат “chan paо” эди (113-расм). Ҳашаматли безатилган халатлар аслзодалар ва амалдорлар учун расмий костюмнинг мажбурий элементи эди.

Кучада ва хизматга оид жойларда халат устидан олд булакларнинг узунлиги тенг калта ёки узун кофта кийишарди.

Урта табакали ахоли шунга ўхшаган, лекин безатилмаган халат ва устидан кофта ёки нимча кийишарди. Кўпчилик олдида халатсиз юриш беадаблик ва камбағаллик ҳисобланарди. Камбағал шаҳарликлар ва дехқонлар халатсиз юришарди.

Аёллар ички кийимининг эркакларниңига нисбатан фарқи бор эди. Қадимий Хитой одатлари бўйича аёллар гўзаллигининг асосий белгиси — ясси кўкрак ҳисобланарди. Унга эришиш учун қизлар ва аёллар кўкрагини узун ип газламали тасма “бао сюн тяо” билан таранг сикиб боғлаб қўишишарди. Шу мақсадда ҳам танани сикиб турадиган ички нимча “канъ цзянъ, канъ цзяр”ни кийишарди. Факат ҳомиладор ва бола эмизадиган аёллар кўкракларни боғламас эдилар.

Қадимий Хитойда аёллар устки кийими Шаркий-Осиё усулида турли асимметрик бичилган кофта “*лао*” бўлган. Уни узун иштон ва юбка — плахта устидан кийишарди. Кофта устидан нимча “*бей синъ*” ва тантанали маросимларда этаги шокила билан безатилган узунроқ нимча “*ся пей*” кийишарди. Бой аёллар кофталарининг ёқаси ва чап олд булагининг этагини кашта ва ҳошия билан безатишарди. Камбағал аёллар кофтаси безаксиз эди ёки бир рангли тасма билан безатиларди. Кофтани иштон устидан кийишарди.

Аёллар халати “*ци пао*” Шаркий-Осиёли, асимметрик бичимли эди. Халатнинг шакли тұғри ёки сал танага ёпишиб гавда шаклині курсатар эди. Модага асосланиб, уларни енги тұғри, кенг ёки тор, кияланган, узун ёки калта бўларди. Ёзлик халатлар енгсиз булиши мумкин эди. Халатларнинг узунлиги тиззадан ёки тұпиккача бўлиб, ён кесимли ёки кесимсиз бўларди. Чап олд булагининг борти қияланган, думалоқланган ва бошқа шакларда булиши мумкин эди. Халатнинг икки қаватли тик ёқасининг эни урфга оид ўзгаради (115-расм).

Халат “*ци пао*”ни кофтадан асосий фарки — уни узун иштонсиз кийишарди.

Эркаклар елка кийимининг ранглари кўк, кора, ок, кул ранг ва жигар ранг, аёллар кийимларининг ранглари ёркинроқ бўлган.

Эркаклар ва аёллар бел кийимлари иштон “куцза”, юбка-плахта “*цюньза*” ва пешбанд бўлган (113-расм).

Устки ва ички иштонларнинг бичими фарқланмасди. Иштонлар икки ёки бир нечта мато бўлакларидан бичиларди. Икки пойча бўлакларига кенг оғ ва тепасига ок тұғри тұртбурчак шаклли мато тикиларди. Тепаси жуда кенг иштонлар бўксада тўқ рангли ип матодан қилинган тасма ёрдамида маҳкамланарди. Ортиқча кенглигидан олдида тахлам қилинарди. Аёллар иштони оғида ўрта чок қилинмас эди (ёвуз рух кирмасин деб), эркакларникида эса ўрта чок қилинарди. Иштонлар чунтаксиз бўларди.

@tarixchi\_kutubxonasiga



а



б



в



г



д



е

115-расм. Юкори табака аёлларининг кийимлари: а — Суй сулоласи. VI—VII аср; б — Тан сулоласи. VIII аср боши; в — Тан сулоласи. VIII аср. г — Цин сулоласи, XVIII а; д — Цин сулоласи. Манчжур аёл костюми; е — Цин сулоласи. XIX а.

Совук пайтда, баъзан байрам ва тантана муносабати билан иштон почаси пайпок устидан чиқарилиб, маҳсус кора тасма билан боғлаб қўйиларди.

Уч фаслга мос иштонлар бўлган: ёзлик — астарсиз, оқ, кора, кўк, кул ранг матодан; баҳор-кузлик — астарли, тўқ рангли матодан; қишлиқ — пахтали, қавилган килинар эди.

Иштон-пайпоқ "токай" Хитойда пайдо бўлган. Бу алоҳида, оғи биринчирилмаган, пайпоксимон пойчалар эди. Улар боғич ёрдамида белбоқка маҳкамланарди. Ҳозирги даврда "токай"ни иштон устидан кийишади.

Одатда, иштонни каноп тола "бу, мабу" ёки шойи ва ип матодан тикишарди.

Совук фаслда иштон устидан пахта билан қавилган иштон токай ҳам кийилади.

Кўпинча хитойликлар иштон пойчасини тизза пастидан боғлар эдилар. Баъзан уни гамаш "би" билан тортиб қўйишарди ёки устидан этиксимон пайпоқ "ва"га киргизишарди.

Юбка-плахта "шан"ни урта ва юкори табақанинг эркак ва аёллари кийишарди. Унинг бичими бир хил бўлган: икки тўғри тўртбурчакли матога белбоғ тикилар эди (пешбандга ухшаш) ва улар ёрдамида белга маҳкамланарди. Шанни ён томони плиссировка, ўртаси орқа ва олд булакларида кашта қилинарди (114-а, б расмлар).

Аёллар ёnlари тикилган, ёнининг тепасида учбурчак кесиклари қилинган юбка кийишарди. Кесиклар орасидан ичига киргизилган кофта кўринарди.

Кўпинча кофта ва плахта кийишганда олд белбоқка *пешбандни* кистириб қўйишарди. Уни курбонлик маросимларда кийиш шарт эди. Пешбанд одатда қизил рангли бўлиб, шахснинг ижтимоий шароитига мос қилиб бекланарди.

Костюмнинг энг муҳим бўлимларидан бири белбоғ "дай" хисобланарди (114-а, расм). Аслзодалар ва амалдорларнинг бойлик белгиси бўлиб, улар хилма-хил бўларди. Уларнинг икки тури учарарди:

1) матодан килинган иккита изма ва узун осилиниб турган учи билан белбоғ;

2) чармдан килинган ва нефрит, металл ёки шох пластиналар билан безатилган белбоғ-камар.

Нефрит халкалар ва бошқа безаклар билан түкилган рангли шнурлар — “шоу” шахснинг ижтимоий ҳолини кўрсатарди. Шоуни белига боғлашарди, учлари эса ёнида ёки орқасида осилиниб турарди. Унга баъзан керакли фойдали буюмларни (пичок, чақмоқтош, узук ва б.) босиб кўйишарди (114-а расм).

Нефритдан ясалган осилчоқлар “пэйюй” ҳам кийимнинг безаги булган, улар ҳам одамнинг ижтимоий ахволини курсатарди.

*Бош кийим ва прическилар.* Қадим замонларда хитойликлар соchlарини кирқмаганлар. Улар соchlарини туғунга йиғиб, шпилька ёрдамида мустаҳкамлаб қуяр эдилар. Бош кийимларнинг шакллари ҳар хил булган. Уларнинг кийиш одатлари овруполикларнига қарама-қарши булган. Агар овруполиклар хурмат билан бош кийимни ечса, хитойликлар эса қайтага уни кияр эдилар.

Очиқ ҳавода ёки бинода ўтказиладиган маросимларда (учрашувлар, аудиенциялар, банкетлар ва б.) бош кийимни кийиш шарт эди.

Қадимий Хитойда бош кийимни ечиш лавозимдан озод килишни ёки айбига иқрор булиб келишини билдиради.

1644 йилда манжурлар босиб олгандан сунг, хитойликларнинг ташки куриниши узгарди, чунки манжурлар эркакларнинг пешона сочини қиркишга, орқасида колган сочини эса узун қилиб ўришга мажбур килдилар.

Бош кийим вояга етганда кийиларди.

Бош кийимда маҳаллий ва ижтимоий белгилар буларди. Нефритдан осилчоқлар килинган бош кийим факат тантанали маросимда кийиларди.

Хитой аёллари одатда бош кийимни деярли кийиш масди, факат тантанали маросимда, айниқса, тўйда мұраккаб бош кийим кийиларди.

Бош кийимлар наматдан, мўйнадан ва тўкилган похолдан килинарди.

Бош кийимларнинг шакли 6 киррали, 3 киррали, думалоқ, соябонли ёки соябонсиз, конуссимон ва б. бўлганди.

Оёқ кийимлар. Матодан, каноп толасидан ёки похолдан тўкилган енгил туфли "Цзуй", кейинроқ "ли" деб аталган оёқ кийим кенг тарқалган эди (116-расм). Матодан тўкилган туфлиниг бошлиги "семянь" кўпинча нақшли килинарди. Қалғин таглиги бир неча қават елимланган ва тикилган қороздан ишланарди. Чармдан қилинган туфлилар хам учраб турарди.

Тантанали туфли "си" икки қават хошия билан бе-затиларди. Товонининг ён томонлари янчилган чираноқ тошдан қилинган бўёқ билан безатиларди. Учи эса, кўшимча елкансимон кўшимча билан безатиларди.

Ёнингарчиликда ёғочдан қилинган скамейкасимон, тепаси йўқ шиллак "цзи" кийишарди. Матодан қилинган тасма ёрдамида цзи оёқка борланиб кўйиларди.

Кучманчилар таъсирида Хитойга чарм этик "сюэ" кириб келди, шулар каторида матодан қилинган этик хам бўлган.

Цин даврида саройда учи сал кутарилган ипак ёки чарм этик кийишган. Фуқаро амалдорлар квадрат тумшукли этик кийишарди. Бу Осмон ва Ернинг жисмоний ва интеллектуал кучларининг қарама-қаршилигини курсарди.

Этик қўнжи — "сюэтун"дан кўпинча чўнтак сифатида фойдаланар эдилар.



116-расм. Хитой оёқ кийимлари: а-похол шиллаклар, б-қавилган матодан туфлилар.

## ЯПОНИЯ КОСТЮМИ

Япония — жуда қадим замонларда ёқ цивилизация пайдо бўлган Шаркий Осиёдаги мамлакатлардан бири.

VI асрдан бошлаб Нара шахрида император ҳокимияти ва Хитойга оид ривож бошланган эди. VI—IX асрлар феодал Япониянинг энг юкори ютукка эришган даври эди. XIX асргача (1868 й.) Япония ташки дунёдан ажраблиб турган феодал мамлакат бўлган. Аммо Хитой, Хиндистон, Корея ва Индонезия маданиятлари билан Япония алоқа боғлаган эди.

Япония динлари *синтоизм* ("син"-худо, "тао"-йул) ва VI асрда Корея орқали Хитайдан келган *буддизм* эди.

"Япония маданиятининг муҳим, узига хос хусусияти шундан иборатки, бу маданият табииётга оид, яъни табиат намуналарига караб тузилган ва шу хусусияти билан бошкада Осиё мамлакатларидан, айниқса, Хитайдан фарқланарди" (Сюнкити Акимото. Изучая японский образ жизни. М., 1961.). Табиат билан иноқликда туриш японларга одат бўлган. Табиат билан уйғунликка интилиш — япон санъатининг муҳим хусусияти эди.

Япон санъатининг кучи — бу унинг ҳаддан ташкари оддийлиги ва самимиликда бўлиб, материалнинг моҳиятини тушуниш учун майда-чуйдага эътибор берилмаганлигидadir.

Япон санъатининг асосий негизи шуки — барча атрофдаги нарсалар бадиий таъсир остига олинган. Бу санъат — бутун жон-тани билан чамбарчас боғланган турмуш санъати.

Японларда гўзалликни англаш учун 4 тушунча мавжуд: З тушунча (*саби*, *ваби*, *субуй*) томири билан кадимий дин — синтоизм билан асосланади, 4-си эса (*югэн*) буддизм фалсафаси билан боғлик.

"Саби" — японлар учун гўзаллик ва табиийлик бирбирига айнан үхашаш тушунчадир. Файритабиий нарса-

лар гузал була олмайды. Фақат махсус сифатларни күшиб табиийлик яратыш мүмкін. Саби ~~—~~ бу табиий занг, архайк мұкаммал әмаслик, эскиликтің гузаллігі, вакт тамғаси. У табиат ва санъат орасидаги алоқанды амалга оширадынан воситадыр.

“*Ваби*” — санъат ва кундалик ҳаёт орасидаги күприк. Ваби тушунчасини, японлар таъкидлаши бүйіча, сүз билан тушунтириб беріш кийин. Уни сезиш керак. Ваби — бу биронта бежамдорликни, яққолликни, жүрттатға қилинганликни, яғни японлар тушунчасида беодобликнинг йүқлигі. Ваби — бу доимий гузаллік, доно изчиллік, табиат гузаллігі, буюмларнинг гузаллігі — мана шуларнинг ҳаммаси “ваби” тушунчаси билан боғлык.

“*Сибүй*” (*саби+ваби*) тушунчаси японларнинг буюм билан ишлашига боғлык. Япон устаси буюмга хукмдор күлгө земас, балки севган аёлига, ундан үзиге үхшаган бола булишини хоҳлаган эркакка үхшаб ёндошади. Япон рассоми материални зурламасдан унинг мохиятини, гузаллігини курсата олади. Япон санъатининг мақсади — тошни, ёғочни, қофозни ва бошқа материалларни шундай холатта етказиши керакки, улар энг түлік үз табиий гузаллігини очиши лозим бўлсин.

Санъат сири шундаки, этилмаганин эшлиши, күринмайдиганни томоша қилишдир. Бу түртінчи гузаллік тушунчаси “юғэн”нинг асосидир. Бу шаъмани, тагмаънон усталык билан амалга ошириш, охиригача айтмасдан, шаъма билан якунлаш ҳам үзига хос гузаллікдир. Японлар үткинчи гузаллік манбанин хис қилишган ва уни томоша қилишган (сакуранинг гуллашини, вулқон Фудзияманинг тутунини, сувнинг оқишини ва б.). Ифодали қилиб курсатиш үрнига шаъма қилиш — японлар принципи булган. Ҳаётни абадий ривожлантириш ва баркамоллик бири бирига түғри келмайды деб ҳисоблашарди. Айни шу сабабдан улар симметрияни инкор этадилар. “Үроғлик хатда бүш жойлар мүйқалам билан чизилган жойларига нисбатан күпроқ маънога эгадир” (Лао Цзы).

Факат битта сўздан ёэилган шеър — “хайку”, битта поэтик сиймодан иборат *театр* — “ноо” югэнни ифодалайди. Тош ва кумдаи ясалган поэма боен югэн тушун-часининг энг мухим ютуғи деб хисобласа бўлади.

Японлар шу сабабдан буюмларни узокка чидамайдиган қилиб ясашади.

Япония меъморчилиги узок вакт Хитойнинг таъсирида бўлганди (ибодатхоналар, пагодалар ва б.). Меъморчилик ва пейзажнинг бир-бирига уйғунлик билан кушилиши — япон қурилишининг мухим, ўзига хос хусусияти эди.

Керамика ва чинни санъати юкори эстетик ютукка эришганди.

Хайкаллар ёғоч ва бронзадан килинарди. Майда пластика “нецке” XVII асрда кенг тарқалди. Бу ёғоч ёки суяқдан ясалган хунармандлар, актёрлар, афсонавий каҳрамонлар ёки хайвонларнинг хайкалчалари эди. Нецке тамаки халтани, қинни ёки камарни тасмасига тақиларди. Бу чұнтаксиз миллий япон кийимининг бир булими эди.

Локланган буюмларни, чинни буюмларни, металло-пластикани тайёрлаш ва ипак матода кашта тикишда амаллий санъат юкори ютукка эришганди.

Ўзига хос конун-коидани, турмуш тарзини фалсафий мулоҳаза этиш, табиатни лирик тасаввур қилиш япон рассомчилигининг асоси бўлган. Тасвирий санъат асан чизикли бўлган.

Газмоллар Японияда энг қадим замондан маълум эди. Улар зигир, пахта ва каноп үсимликларни экар эдилар. VI асрда чет элдан келган қимматбаҳо ипак матолардан аслзодалар учун буюмлар килинарди.

Япон санъатини ажратадиган хусусиятларидан бири бу газмолдаги накшни рапортли эмас, балки, расмдай ёки рапорти яширилган килинарди.

Японлар Осиёдаги матони бўяш техникаларига таклид қилиб, бир неча газмол бўяш усулларини қўллашганди:

- газмолга эркин расм солиш;
- уйма андаза (трафарет) ишлатиш;
- мумда тасвир қилиш;
- батик;
- босма усулда гул босиш;
- тугун, кискич ва тасма билан боғлаб матони буяш;
- газмолга кашта тикиш.

Накшда асосан табиий манбалар тасвириланаарди.

Одамни ташки дунёнинг бир бўлаги, деб хис этиш костюм санъатида ўз нозик аксини топганди.


**Эркаклар кийими.** Эркаклар кийими ички ва устки, елка ва бел кийимлардан иборат. Улар шахснинг ижтиёмоний ахволини яққол курсатади.

Ички кийим "ситаги" бел ва елка кийимларидан иборат.


Бел кийими "фундоси" ва "косимаки" бўлган. Фундоси — бу ип газламадан қилинган, сонга борланадиган боғич. Фундосининг биринчи турининг узунлиги тахминан 2,25 м оқ матодан қилинаарди. Унинг бир учи белдан айлантириб бўғимга боғланараарди, иккинчиси эса оёқ орасидан утказилиб, орқасида белда маҳкамланараарди. Фундосининг иккинчи тури "эттию фундоси" биринчисига нисбатан калтарок бўлиб, белга маҳсус боғич ёрдамида маҳкамланараарди. Уни феодал Японияда самурайлар ва амалдорлар, кейинрок ~~XIX~~ асрда, ахолининг барча табакалари кийишарди.

**Косимакининг узунлиги тиззагача бўлган.** Матони бўксага айлантириб ўраб, тасма билан маҳкамлашарди.

Елка ич кийими "дзюбан" ва "нагадзюбан" деб аталаарди. Дзюбан (117-расм) ип газламадан қилинаарди, енги эса оқ ёки рангли ипакли матодан булиши мумкин эди. Унинг бичими туникасимон бўлган. Дзюбан икки булак матодан қилиниб, орқасида ўрта чок тикиларди, ён чоки енг ўмизига ва ён кесимига жой колдириб тикиларди; ёка ўмизи хам киркиларди; олд этаги тахминан 3-4 см



@tarixchi\_kutubxononasiga



117-расм. Эркак ва аёллар дзюбанинг бичими.

торайтириларди. Эни тахминан 12 см мато ёқа ўмизига ва олдига тикиларди ва ёқа "эри" ва қайтарма олд "окуми" ҳосил қилинарди. Олиб қўйиладиган ёқа "ханъэри" ҳам тикиларди. Енг бичими тўғритўртбурчак шаклида эди. У икки букланиб, енг ўмизига тикиларди. Енгнинг эни енг ўмизи узунлиги билан баравар қилинарди. Дзюбанинг орқасига ичидан кокетка (астар) тикиларди.

Ички елка кийимининг яна бир тури нагадзюбан эди. Дзюбанга нисбатан унинг узунлиги болдиргача булиб, енгининг эни енг ўмизидан кенгрок қилинарди ва ортиклича эни енг ўмизига тикилмас эди.



118-расм. Эркак кимоносининг ташки куриниши ва бичими.

Эркаклар устки кийими елка ва бел кийимларидан иборат эди. Елка кийимига "кимоно" (118, 119-расмлар) ва "хаори" кирарди, бел кийими — "хакама".

"Кимоно" (киру моно — устидан кийиладиган) XVII—XIX асрларда устки кийим сифатида кенг тарқалганди. Кимоно — халатсимон, узунлиги тұпикқача тушадиган, этаги чапдан үнгга үралған кийим. Уни кийганда ички кийим ёқалари "ханъэри" куриниши керак эди. Кимонога эни 35см, узунлиги тахминан 9м мато кетарди. Ортиқча узунлиги ёки эни қирқілмасидан чокка тикиларди ёки қайтариларди. Кимононинг асосий бичими ички кийим бичимиға үшаш эди. У икki бұлак, икki енг, икki олд кийик, икki ёқа "окуми"дан иборат эди. Асосий бұлактар шакли тұғрттуртбурчак, кийик тепа томони кия киркілған тұғрттуртбурчакдан иборат эди. Енг үмизининг узунлиги енг энидан торрок килинарди. Елка чизигидан пастрок кийик узун томони билан олдига тикиларди. Ёқа үмизига ва қийикнинг кия томонига ёқа тикиларди. Кимононинг бичими енг ва енг үмизининг узунлиги, ханъэрининг бор ёки йүклигі билан фаркланаарди.

Фаслга мосланиб кимоно ҳар хил қилинарди:  
— "хитоэ" — ёзлик, астарсиз;

@tarixchi\_kutubxononasiga

東洋書籍出版社  
www.tarixchi.com



119-расм. Эркаклар кимоноси.



120-расм. Жангчининг костюми.

— “авасэ” — салқин мавсумга мосланиб, астарли килинарди;

— “косодэ” — қишлиқ, астар ва авра орасига хом ашё ипак толаси солинган, аммо қавилмаган;

— “вата ирэ” — қишки, астар ва авра орасига пахта солиниб қавилган.

Совук пайтда японлар устма-уст бир неча пахтали кимоно кийишган.

Кимоно сидирға ёки йўл-йул түк рангли ипак матодан тикиларди.

Эркаклар кимоноси кашта қилинган бешта оқ *герб* "мон" билан безатилиши мумкин эди. Улардан учтаси оркасида ва иккитаси олдида буларди.

Кимононинг устидан белбое "оби" боғланарди. Уларнинг икки тури бўлган: "хэко оби" — кундалик кийимда ва "каку оби" — кишилик ва тантанали кийимда. Хэко оби юмшок эшилган матодан қилинган, икки кайта бўксадан айлантириб, учларини пастга қаратиб боғланарди. *Каку-оби* тўк кук, жигар ранг ёки кул ранг йўл-йўл қалин ипак ёки ип газламадан қилинарди. У уч кайта бўксадан айлантирилиб, учларини тепага қаратиб ўнг томонида тугунга боғланарди.

Улардан ташқари эркаклар кийимида яна бир неча турли белбоғлар буларди:

— ишқий муносабатларга кийиладиган майда гулли юпқа матодан эни тор (5-бсм) оби;

— сипо рангли, аёлларникига ўхшаш матодан қилинган, эни 10см, тахланган холда ўнг бўксасида галстуксимон боғланган оби;

— тўк рангли "чайналган" матодан қилинган, эни 10см қалинликда эшилган, шарфсимон, орқада бантга боғланган оби.

Болаларнинг белбоғлари эса учинчи турга ўхшаш, лекин унинг ранги ёркинрок бўлиб, йирик расмли эди.

Устки кийим "хаори" факат кимононинг устидан ёки хакама билан кийиларди. Бу олди очик халатсимон, узунлиги кимонодан кисқароқ кийим. Унинг олд булаклари учма-уч бўлиб, илгакларга илинган иккита боғич ёрдамида биринтириларди.

Одатда хаори астарли қилинарди, аммо қишликлари паҳтали ва ёзликлари астарсиз бўлиши ҳам мумкин эди.

Байрам ва расмий тантанага оид хаори кора ипакдан қилиниб, оқ мон билан кашталанар эди; кундаликлари эса тўк рангли йўл-йўл бўлиши шарт эди.

Хаорининг бичими ҳам туникасимон бўлиб, қуйидаги бўлимлардан иборат эди: стан, ён кийиклар (ён кийик-

лари булмаслиги ҳам мумкин эди), енг ва ёқа булган. Хаорининг енг үмизининг узунлиги енгини энига тенг. Унинг силуэти пастга қараб кенгайған ёки торайган булиши мумкин.

Эркаклар устки бел кийими "хакама"нинг ташки кўриниши юбка-иштонга ухшайди. У узун ва кенг кийим булган. Хакама беш асосий булимлардан иборат оғри билан яхлит бичилган тепасининг марказ булаги, иккита пойчаси ва иккита белбор. Олд булакларида пастга қараб кенгайған, дазмолланган, қарама-қарши учтадан тахламалар қилинган; орка булакларида эса устма-уст қилинган учта қарама-қарши, чуқур, диагонал йўналишда дазмолланган тахламалар қилинган. Расмий хакама жуда узун ва плиссировкаланган қилинади. Олд ва орка булакларига алоҳида узун боғич-белбоғлар тикиларди, ён чокларининг тепа томонида чуқур кесимлар қолдириларди.

Хакама ип ёки ипак газмолдан тикиларди ва астарли ёки астарсиз булиши мумкин эди.

Хакаманинг ижтимоий фарки факат матода эди, бичими эса бир хил булган.

Японларнинг костюми нимага мўлжалланганига қараб "паст услугуб" — "фундаги" ва "юқори услугуб" — "рефуку" га ажralарди.

Кийимнинг кийилиши қўйидагича булганди:

- "сагефуку" — иш кийим;
- "фундаги" — кундалик кийим;
- "харэги" — кишилик кийим;
- "рефуку" — расмий-тантанали кийим.

Мисол учун, рефуку уч булимдан: кимоно, унинг устидан хаори ва йирик плиссировкали хакамадан иборат эди. Кимоно ва хаорининг олди, оркаси ва енгларида оила герби — мон булиши шарт эди. Моннинг тасвиirlари катъяян белгиланган булиб, хар бирининг номи бор эди. Рефукунинг ранги тўк ёки кора булиши шарт эди, мон ва бант эса оқ буларди. Иш кийими — "сагефуку" —

қүйидаги бұлымлардан иборат эди: елка кийим **хантен**, иштон **момохики**, белбөг **оби** ва  **boldирга** кийиладиган буюм. **Хантен** туникасімон бичилиб бир булак матодан килинарди, орқасыда эса қалбаки чок-килинарди. Олд булакларига тұртбурчакли қийиклар ва ёқа тикиларди. Енглари тұғритуртбурчак ёки трапециясімон килинарди. **Хантеннинг** яна бошқа бичимлари хам учарды.


Иштон “**момохики**” тұққиз булакдан иборат болған: тұрт күшалок булем — қийиклар ва узун тор белбөг. Хар битта тұрт қийиклар үзаро тикилиб алохida пойчани хосил килади, белбөг эса тепа қисмининг тахминан ярмисига тикилади. Иштон белда әмас, бұксада маҳкамаланади.

**Аёллар кийими.** Аёллар кийимининг мөхияти — аёл гап қайтармайдыган, қарам, босик ва нафис, хушфеъл, мулойим булиши лозим эди. Бу хусусиятлар аёлнинг ташки күринишида аксини топған эди.

Аёллар кийими ички ва устки, елка ва бел кийимлардан иборат. Ички кийим “**футано**” ва “**хададзюбан**” ёки косимаки ва дзюбан эди. **Футано** — оқ ип матодан килинган, узунлиги тиіззагача тикилмаган юбка эди. **Косимаки** — муслин ёки қарилар учун оқ ва ёшлар учун рангли крепдан, узунлиги тұпиккача қилинган, тикилмаган юбка. Бу бел кийимлар кимононинг олди очилғанда күриннарди.

**Дзюбан, хададзюбан** ва **нагадзюбан** бир хил булаклардан иборат эди. Аммо әркакларнинг кийимида енг үмизи ва станнинг ён чоклари тұлық тикилса, аёлларниңда эса ён чокининг құлтық томони маълум даражада тикилмасдан очик колдириларди.

Ички елка кийимлар үзаро эни ва узунлиги билан фарқланади. **Дзюбан** калта, **нагадзюбан** эса узун килинади. **Хададзюбаннинг** устидан бичими кимонога үхаш нагадзюбан кийилади ва белбөг “**датэмаки**” билан бояланарди. **Хададзюбан** совук пайтда косимакининг үрни-



121-расм. Аёллар кимоносининг бичими.

га кийилади. Ички кийим ип ёки ипак газламадан тикилади.

Устки кийим кимоно ва, баъзан, унинг устидан кийиладиган кийим хаори эди.

Аёллар кимоносининг бичими (121-расм) эркакларни кидан фарқланмас эди. Фарқи факт кимононинг тикилишида бўлган: енгнинг ич томони ва енг ўмизининг кўлтиқ томонидан тикилмасдан очик қолдириларди.

Кимоно жуда қулай кийим булиб, куйидаги хусусиятларга эга:

- белбоғ оби билан биргаликда иссиқни яхши саклади;

- енгининг тикилмаганлиги ва ёқасини ёпишиб турмаганлиги ҳаво алмашинишига имконият беради;

- бичими эркакларникига нисбатан камрок ўзгаради.

Аёллар кимооси нимага мулжалланганлиги матодан билинарди. Башанг кийимларда ёшлар кўк, кул ранг, бинафша, пушти матоларни кўллаган. Накшлари эса (тўкилган, кашталанган ёки тасвиrlenган) енгларida ва этагида жойлашганди. Кундалик кимонога эса сипо рангли, кўпинча йўл-йўл матолар кўлланарди. Тантанали пайтда аёллар устма-уст бир неча (учтагача) кимоно кийишар-



122-расм. Аёллар кимоноси.

ди. Бу ҳолда ички кимоноларининг ханъериси оқ булиши ва устки кимонодан куриниши шарт эди.

Кимоно устидан белбог "оби" боғланади. У аёллар кийимининг энг мухим безаги эди. Кимматбаҳо обини маҳоратли тўкувчилар қўлда тўкишади ва ҳашаматли тасвирлар билан безатишади.



123-расм. Аёллар кимоноси.

Оби белдан баландрок борланиб, енг ўмизи құлтиқ тағигача бориб, уни беркитади. Белбөр обининг боғлаш усуллари жуда мураккаб. Кимоно кийилгандан сұнг, ортиқча узунлиги кутарилиб күкракдан пастрокда маҳсус тасма билан боғланади. Кимононинг осилиб турған қисми иккинчи тасма билан мустаҳкамланади. Кейин устки

белбокка нисбатан торрок ички белбог “сита оби” кийилади ва у тасма билан мустаҳкамланади. Факат шундан сунг, иккига тахланган асосий устки оби билан гавда бир неча маротаба уралади. Унинг тела қиррасининг орасига маҳсус ёстиқча “облагэ-но-син” қуилади. Облаге-но-син орқада борланадиган ёстиқсимон бантнинг асоси бўлган. Обининг олд томони каттиқ бўлиши учун маҳсус картон пластинкаси (“маз-син” ёки “оби-ита”) ни қўйишади. Шундан сунг, оби икки қават шнур “обзидамэ” билан мустаҳкамланади. Одатда обзидамэ оркага борланади, олдида эса декоратив “денгиз” тугун боғланади ёки йирик мунчоқ қадалади.

Обининг тахламларида япон аёллари майдага буюмларини солиб юришади, сифмаганларини эса — енгнинг учи — “садэ”га солишади, чунки улар сумка олиб юришмасди.

Устки кийим — хаорининг узунлиги модага боғлик эди. Унинг бичими эркакларнига ухаш, туникасимон бўлган, этак томонини эса сал торайтиришарди. Фарки эса факат кўлтиқ томонининг очиклигига эди.

Япон миллий кийим кийиш тартиби қўйидагича бўлган: олдин бўксаси оқ мато билан ўралган; кейин оч рангли ёпишиб турган дзюбан кийилган; устидан халат “сита-ги”ни ва сўнгра кимоно ва оби, баъзан, хаори кийиларди.

XV асрга қадар улар соchlарини ташлаб юришган, кейин причёска килишадиган бўлишди. Причёскалар хилмажил бўлган ва кўпинча жуда мураккаб эди (124-расм). Причёскалар ёғоч, бамбук, металл, маржон ва тошбака косасидан ясалган декоратив тароқлар ва шпилькалар билан безатиларди.


Японларнинг бош кийими бўлмаган. Унинг ўрнига ис-сикда ва ёянгарчиликда соябон тутишарди. Сайрда ва ишлаган пайтда улар текис кенг соябонли похол шляпалар, қишида эса — рўмоллар ёки капюшонсимон ёпинчоқлар кийишган.



124-расм. Аёллар соч турмаги.

Оёкка калта пайпок кийишарди. Улар пахта ёки шойидан қилиниб, таглиги эса қалин жун газмолдан эди. Уни ибодатхона, театр ва уйда ҳам кийишарди.

Оёк кийими "гета" ва "дзори" бўлган (125-расм). Скамейкасимон ёғоч тагликли оёқ кийим гета японларнинг миллий пойабзали ҳисобланади. Дзори — оёкка чарм



125-расм. Япон сёк кийимлари: а-гета, б-дзори.

тасма ёрдамида мустаҳкамланган, юмшоқ тагликли пойабзал бўлган.

Япон миллий костюмидан иссиқ пайтда елпифичлар кўлланган. Уларнинг бир неча тури бўлган. I асрда хитойликларга таклид этилган қофоз елпифич "утива" кенг тарқалган эди. VII асрда Японияда ихтиро қилинган тахлама елпифич "оги" аскарлар костюмига кирди. Улар уни белбоғига қистириб юришарди. X асрда оги аристократлар орасида тарқалди. Японларда ўзинга хос пантомима — "елпифич тили" — тузилганди. Елпифичлар олтин ёки кумуш иероглифлар билан, шеърлар ва нозик расмлар билан безатиларди. Гуллар, кушлар, пейзажли расмлар, ҳар хил сахна жанрлари: одам шакллари ва каллиграфия ажабланарли уйрунли яхлитлик касб этиб, елпифичнинг нақш тасвирларига табиий равишда уйғунлашарди.

Эркаклар белборининг мажбурий кисми "инро" бўлган. Бу дори, хушхидлар ва пасталарни солиб юрадиган кутича эди. Улар ҳайкалча нэцке ёрдамида белбокқа қистирилиб қўйиларди. Одатда, инро ёғочдан қилиниб, олтин ёки рангли лок билан сирланарди ва рангли расмлар билан безатиларди. Йирик буюмларини квадрат шаклли ип ёки ипак газмолдан қилинган "фуросики"да олиб юришарди.

Миллодан аввалги 2-минг йилликнинг охири — 1-минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда йирик кулдорлик давлатлари Бактрия, Сурд ва Хоразм пайдо булганди.

Ўрта Осиёнинг катта қисмини милоддан аввалги VI асрда Эрон ахмонийлари, улардан сунг милоддан аввалги 329—327 йилларда Искандар Зулқарнайн күшинлари босиб олиши ҳам бу ерда кулдорликнинг янада ривожлашишига таъсир этган. Милоддан аввалги III аср ўрталарида Ўрта Осиёнинг гарбида йирик кулдорлик давлати — Парфия вужудга келган. Кўпгина ёзма манбаларга кура у ҳатто Рим империясининг ҳам хавфли рақибига айланган.

Археологик қазилмалар натижасида топилган қабартма суратлар, олтин ва кумуш идишларга ишланган бўртма манзаралар, турли хил тангалар фикримизга ёркин далил бўла олади.

Ўрта Осиёда кулдорлик маданияти милоддан кейинги I—III асрларда, яъни Кушон подшолиги даврида ўзининг энг юксак даврини бошдан кечирганди. Бу юксалиш, албатта, ўз-узидан юз бермай, унинг бир қатор омиллари ҳам бордир. Бу ҳоллар, даставвал синфий эндиятларнинг кескинлашуви, жамоанинг емирилиши, эркин жамоа аъзоларининг ҳаддан ташқари қашшоқланиши билан борлик бўлганди.

Парфия подшоҳлиги инқирозга учрагандан кейин (III асрнинг биринчи ярми) Ўрта Осиёнинг гарбий вилоятлари, асосан, Эрон сосонийлари қулига ўтди. IV—V асрларда Бактрия ва Сурдиёнада эса Эфталитлар давлати пайдо бўлди.

Уруғ-аймоклар уюшиб яшашига кўниккан Ўрта Осиё ҳалклари айниқса дехкончилик ва чорвачиликка зўр бердилар. Улар чорва молларини асраш мақсадида кенг майдонларни камраган қалъалар курдилар.

Буюк юонон муаррихлари Геродот, Квинт, Курций Руф, Плутарх, Ариан, Диадор, Старбон, Помпей Торг, Юстин, Аристотель, Ксенофонтлар Ўрта Осиё халклари ҳакида ажойиб тарих битганлар. Мисол учун, ёзма манбаларга кура, Ўрта Осиё халклари күпинча скифлар деб аталган. Юонон муаррихи Помпей Трог Ўрта Осиё халклари ҳакида гапириб, “Қадимийликда улар мисрликлар билан баҳслашардилар”, деб ёзган.

Ўрта Осиёда орамий, юонон, форсий ёзувлари кенгтаркалан. Улар моддий ва маънавий маданиятнинг кейиниги равнақига бекиёс таъсир курсади.

Шу даврга тааллукли расмларда ва ҳайкалларда ер ва унумдорлик худоси Анахита, отликлар, ҳайвонлар, хаёлий маҳлуклар шакл-шамойилларини кўрамиз. Афросиёб топилмалари орасида чакмон, узун қунжли этик, учли бош кийим кийган, бўйнига қимматбаҳо маъданлардан безаклар осиб олган ҳайкалчалар дикқатимизни тортади.

Қадимда зарб этилган тангалар, идиш-товоклар, куроласлахаларга туширилган расмларда табнат манзараларини, одам ва ҳайвонлар тасвирини кўрамиз.

Айритомдан топилган ёдгорликларга кура Ўрта Осиёда мусика санъати тараккий топган.

Ўрта Осиё халклари қадимда ажойиб меъморчилик обидаларини бунёд этдилар. Қадимдан қолган катта ёдгорликлар — Кўйкирилган қалъа, Тупрок қалъа, Айритом, Ёнбош қалъа, Далварзинтепа, Варахша ва бошка тарихий жойлардан топилган ажойиб саройлар, қадимий санъат намуналари: меъморчилик, тасвирий санъат, накошлиқ, ҳайкалтарошлиқ асарлари ўтмиш аждодларимизнинг юксак ақл-заковатидан далолат беради.

Ўрта Осиё ва Эрон халкларининг қадимги маданий меросининг асл дурдоналаридан бири бу муқаддас “Авесто” китобидир. “Авесто” зардӯштийлик динининг муқаддас китоби булиб, бу дин куртаклари ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлган. Зардӯштийлик кулдорлик ва илк феодализм даврида Ўрта Осиёда асосий диний эъти-

код сифатида кенг таркалган. Зардүштийлик бу үлкаларда исломдини жорий этилган илк даврларда ҳам бир неча йиллар сакланиб қолган. "Авесто" нафакат диний китоб, балки күп мамлакатларнинг узок асрлардаги тарихи, ижтимоий-иктисодий ҳаёти, тили, ёзуви, бадиий маданиятини ўрганишда ҳам буюк манбадир.

Зардүштийлик мохияти — эзгулик ва ёвуздлик (яхшилик ва ёмонлик) уртасидаги қарама-каршилика асосланган.

Кушонлар империяси даврида Ўрта Осиёга Ҳиндистондан буддизм дини кириб келган. Империянинг маданий марказларида барпо этилган будда ибодатхоналари ўша замон санъати билан безалганлиги билан ажралиб турди. Буддизм Кушонлар давлати томонидан мафкурага айланган бўлсада, аслида бу дин унчалик эътибор топмади.

Кушон подшолиги даврида мустахкам истехком-шахар курилиши кенг ривожланганди. Шахарлар калин деворлар билан уралган, уларнинг ичидаги аркалар булиб, хар хил бинолар қад кутарган. Сопол идишлар ниҳоятда нафис, нозик ва хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Амалий санъат кенг тарақкий этган. Зеб-зийнат буюмлари, меҳнат ва жанг куроллари ва мато тўкиш ривожланганди.

Қадимий Ўрта Осиё санъат ёдгорликлари антик даври кийимларининг турлари билан танишишга бой имконият беради.



126-расм. Терракотадан ишланган хайкалча. Бош-Тепа. Бухоро вилояти. Янги милод боши.



127-расм. Терракотадан ишланган аёл ҳайкали. Самарканд. Янги милоднинг боши.

Бу кўйлак белида ёки кўкрагини тагидан белбор билан боғланарди.

Устки кийимлари скифсимон кафтанлар ва ёпинчоқлар (128-расм) бўлган. Кафтан бичими туникасимон бўлган, шакли тўғри ёки гавдага ёпишиб турган. Тор енги узун эди, баъзан, кўндаланг тахламалилари ҳам учрар-

Юнон муаррихи Геродотнинг маълумоти буйича, ҳамма қабиладаги одамлар, ҳаттоқи эркаклар ҳам, кийимсиз юришни уятли деб хисоблашарди.

**Аёллар костюми.** Аёллар костюми юнонсимон, скифсимон ва хиндсимон бўлганди. Улар ички ва устки: елка, бел, бош ва оёқ кийимлардан иборат эди.

Аёллар кўйлагининг иккি тури учрарди. **Биринчи** — туникасимон бичимили кўкраги тагида ва белида белбор билан боғланган түғри кўйлак эди (126-расм). Унинг ёқа үмизи думалоқ бўлган, олди эса томчисимон кесимли эди. Кўйлакнинг иккинчи тури юнон хитонига ухаш (127-расм) эди: буй баравар мато парчасини елкада тўғноғич билан бириктиришарди, этагининг ён бурчакларини тугунга боғлаб кўйишаради (анттик юнон хитонларда эса этаги эркин тушиб, драпировкаланарди). Бу кўйлак белида ёки кўкрагини тагидан белбор билан боғланарди.

ди. Кафтанлар тик ёки диагонал йұналишида қавиларды. Іңа умизи ва олди түқілған тасма билан безатылғанды.

Күйлак ёки кафтан устидан ёпинчок кийишарды. Улар бүй баравар түгри туртбурчак матодан қилиниб, елкага ташланарды, олд учлари эса тұғногич билан бириктіриларды.

Бел кийими — узун, этикка киргизилған иштонлар зди. Улар күйлакнинг тагидан күрениши мумкин зди.

Бош кийимлари конуссимон на-  
матдан қилингандар қалпоклар, юмшок  
ясси шапкалар, салласимон, тожси-  
мон бош кийимлар ва ёпинчоклар  
бұлған.

Прическалари мураккаб ва хил-  
ма-хил бұлған. Ўрилған сочлар тур-  
ли усулда турмаланғанды (129-расм).

Безак тақинчоклар: тожлар, зи-  
раклар, тиллақошлар, гривна ва бош-  
қалар бұлған.

Оек кийимлари юмшок этик зди, гохида, күнжининг  
тепа кисми қайтарилиши мумкин зди.

*Буддизм түридеги кийимлар куйидагилардан иборат*  
зди:

— гавдага ёпишиб турадиган ёки сер драпировкаланған күйлак; устидан тұгма ва нақшли тасма билан безатылған узун күндаланғ тахламли енгли күйлак ёки кафтан ва яна устидан кийилған енгсиз күйлак. Устки кийими ёпинчок. Бош кийими — юмшок, бир учи елкага ташланадиган рұмол. Безаклари: бүйніда гривналар, билакуэзуклар, пешона осилчоклар, тиллақошлар, оғир зираклар ва маржонлар бұлған;



128-расм. Терракотадан ишланған зөл хайкали. Самарканд.  
III—IV аа.



129-расм. Аёллар бош кийимлари ва соч турмаклари. I—III аз.

— туникасимон, тор, узун, кўндаланг тахламли енгли кўйлак, устидан бели боғланган хитонлар ёпинчоқка уралган эдилар; драпировкаланган иштонлар буксада кенг юмшоқ белбор ёрдамида маҳкамланганди;

— прическилари хар хил ва мураккаб бўлган: юзи-нинг айланасига жойлашган ўрилган соchlар ёки жингалаклар.

**Эркаклар костюми.** Уларнинг кийими хам елка ва бел, устки ва ички кийимлардан иборат.

Елка кийими ички кўйлак ва устидан кийиладиган кафтандан иборат. Уларнинг бичими туникасимон, шак-

ли түғри эди. Кийим гавдага сал ёпишиб турарди. Узунлиги бұксасидан пастрок ёки тиззагача эди. Узун енги тор ёки күндаланг тахламали бұлган. Белга белбоғ борлашарди. Бел кийими тор ёки күндаланг тахламали иштонлардан иборат эди. Бөш кийимлари ясси ёки конуссимон қалпоклар бұлган. Оёк кийимлари эса юмшок, тепаси қайтарылған этиклар эди.

Шундай қилиб, Үрта Осиё антик костюмiga скифлар, эллинлар ва ҳиндларнинг таъсири бұлган. Аммо Үрта Осиёликларнинг кийимларининг шаклида, кийиниш одатларыда, кийим турларыда махаллий одатларига оид хусусиятлари мавжуд бұлган ва у жуда кенг, бой тарихга зәди.

## ИЛК ҮРТА АСР ҮРТА ОСИЁ КОСТЮМИ

*У*збекистон худудида кулдорлик муносабатларининг ilk феодал муносабатларига үсіб үтиши учун зарур шарт-шароитларнинг етилиши III—V асрларга түрк келади. VI—IX асрлар давомида ilk феодал жамияты бу худудда узил-кесил қарор топди.

V асрда Үрта Осиё ва Қозғистон худудини ишғол этиб, үз давлатини вужудға келтирған хүнн қабилалардан иборат эфталитлар хукмронлиги даврида феодал муносабатлари анча ривож топади. Эфталитлар билан Эрон сосонийлари узок вакт уруш олиб бордилар. Эфталитлар зарб этган тангалар савдо-сотик мұомаласида мухим роль үйнайды. Улар маҳаллий ахоли билан тобора аралашып, утрок хаёт кечира бошлайдылар. Бу даврда бир катар шаҳарлар бунёд бўлиб, савдо-сотик кенгаяди. Шаҳарларда иирик карвонсаройлар, шинам үй-жойлар ва ибодатхоналар кад кутаради.

VI асрда ҳозирги Олтой үлкаси худудида күчманчи турк қабилаларининг бирлашуви натижасида турк хоқон-

лиги ташкил топди. Турк хоконлиги хукмронлик таъсирининг усиб бориши Ўрта Осиё ~~халқларининг~~ кейинги тарихий тақдиррида алоҳида урин тути. Унинг кучли зарбалари таъсирида Ўрта Осиёдаги эфталитлар давлати барбод бўлди. Бу даврда феодал муносабатлари усиб, мустаҳкамланиб борди. Турк хоконлиги савдо-сотик ишларни жонлантириди, Фарбий Осиё, Эрон ва Ўрта Осиёдан бошка давлатларга, Хитойга борадиган савдо карвонларни, "Ипак йули"ни осойишта булишини таъминлашга ҳам катта эътибор берди. Бунинг ёркин ифодаси шуки, бу даврда бунёд этилган ва обод бўлган шахарлар ва аҳоли яшаш жойлари асосан карвон йуллари буйига курилган.


VІ асрнинг 80-йилларига келиб Турк хоконлиги шарқий ва ғарбий қисмларга ажралиб кетди. Бундай вазиятдан араб истилочилари фойдаланиб қолдилар.

VII аср бошларида Арабистон ижтимоий-сиёсий кучлари янги дин — ислом ғояси байроби остида қисқа муддат ичида ўз мавқеларини мустаҳкамладилар. Бутун Арабистон, Олд Осиё, Эрон ҳудудлари араблар томонидан босиб олиниб, у ерлардаги халклар мажбуран ислом динига бўйсундирилди.

VIII аср бошларидан эътиборан араб босқинчилари-нинг асосий дикқати Ўрта Осиё ерларига қаратилди ва бу ерларни ишғол килдилар.

Ўрта Осиёга ислом динининг ёйилиши ҳамда у билан боғлиқ бўлган диний расм-руслар, шариат ва тарикат конун-коидалари, ақидаларининг таркиб топиб бориши, маҳаллий халқ намояндалари учун муайян ижобий роль ўйнади. Одамлар ҳар хил худолар, чилтонлар, мукаддас саналган нарсаларга сифинишдан халос бўлиб, яккаю ягона Оллоҳ таолога, унинг расули Мухаммад алайҳисса-лом курсатмаларига эътиқод ила амал киладиган бўлдилар.

Ўрта Осиёга бостириб келган араблар бу ерда ўзла-рига қараганда анча юқори даражада бўлган моддий ва маънавий маданиятга, юқори турмуш даражасига дуч кел-



130-расм. Эркаклар устки кийими: 1, 2-олди очик халатсизмон кийими ва унинг бичими; 3, 4-олди берк кийимлари ва уларнинг бичими.

дилар. Шу боисдан улар пировардида бу ердаги халқларнинг илгор маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини қабул этиб, сингишиб кетдилар.

Тарихий ва археологик маълумотлар Сурдиёна, Бақт-риянинг юксак даражадаги үзига хос маданияти, санъати хақида гувохлик беради. Афросиёб, Варахша, Панжи-



131-расм. Эркаклар устки кийими. Сүрд. Панжикент. VII-VIII аа.  
4-мутикачи; сүфдилклар змас; 5, 6-аслзодалар вакиллари;  
Варахша: 8-Бухоролик

кентдаги қазилмалардан топилган санъат буюмлари Ўрта Осиё халқлари кадимги ва илк ўрта аср маданиятининг нақадар бойлигидан дарак беради. Сарой ва ибодатхона, тураг жой бинолари, деворлардаги нақшу нигоралар,



сұттылар: 1-аслазодалар вакиلى, 2-савдогар, 3-кохин.  
Афросиёб: 7-Самарқанд шохига яқын шахслар — түркілар;  
аслазодалар вакиلى.

шохона базми жамшиidlар, ракслар, пиёда ва отлик жанг-чиларнинг савашлари манзараларидан айрим сахналари, одамларнинг хайкалчалари, одам ва ҳайвонлар сурати туширилган ёюч үймакорлиги буюмлари, Мур топи ва

Афросиёбда топилган сүғд ёзувлари Ўрта Осиё костюм тарихини ўрганишга янги йўл очди.

Илк урта аср рассомчилик услуби нозик, композицияси динамик кучларга тўла, катнашувчиларнинг ҳаракатлари ва холатлари пластикли, одамларнинг сиймолари имкон борича типиклаштирилган бўлган. Деворий тасвир ва коропластика санъати Ўрта Осиё матолари ва костюми тўғрисида бой маълумот беради. Уларнинг таҳлили бу даврда тўқимачилик санъати юкори даражага эришганлигини кўрсатади. Тоғли жойларда жун, водийларда — ипак ва ип матолар қўлланарди. Улар асосан органик бўёкларга бўяларди. Бир ёки кўп рангли ипаклар, сидирға ёки нақшли ип газмоллар, зар кушиб тўқилган матолар кийимларда қўлланарди. Нақшлари тўқима, босма ёки тугунча усулида қилинарди. Накшда асосан геометрик, ўсимлик, хайвоний, фантастик ва қарта мавзулари учради. Нақш композицияси икки-уч ёки турт рангли бўлган. Ранг гаммаси қизил, сарик, яшил, оқ, кора эди.

Ўрта Осиё газмол марказларида “занданачи” каби кўк рангли ипак ва бошқа матоларнинг ишлаб чиқарилиши ёпиштирма яssi, филоф кийимларнинг пайдо бўлишинга олиб келди. Кийимнинг композицион маркази мато бўлганди.

Илк урта аср костюмida ўз манбалари бор эди. Кушон, эфталит, сосоний, турк, хинд, эрон таъсирлари билан маҳаллий мерос маълум даражада умумий услугуб яратганди. Бу даврда эстетик идеаллари бадиий услугуга мос бўлганди.

V аср эркаклари кучли, бакалок, юмалок юзли, бодомсимон кўзли, калта қиркилган сочли, соқолсиз тасвирланган. Уларнинг кийими отга миниб юришга мос бўлиб, қуйидагилардан иборат эди: калта кафтан ва кўйлаклар, кенг иштонлар ва баланд кўнжли этиклар (130-132-расмлар). Елка кийимида трапеция шаклли туника-



132-расм. Олди берк эркаклар устки кийими. Панжикент. VII—VIII аср боши. 1-шох; 2-шохга яқын шахс; 3-хизматкор. Елкани безатиш турлари: 4-Сүрд (Панжикент), 5-Сүрд (Варахша); 6-Тоҳаристон (Чаганиан-Афросиёб).

симон бичим ён кийиклар ёрдамида (кийиклар күлтиғидан ёки белидан тикилиши мумкин эди) хосил қилинарди. Иштон бичими уч бўлакдан, яъни иккита пойча ва битта ордан иборат эди.

Этник дифференциацияси хам белгиланарди: эфталитлар костюмига олди очик бир томонлама қайтармали,



133-расм. Олди очик эркаклар устки кийимлари. Тохаристон.  
Балалық-тепа. VI а.: 1-аслзодалар вакили ва хизматкор  
бир томони кайтармали кийимда; 2-икки томонлама  
кайтармали кийимда аслзодалар вакили; 3-Бамнан, VII а.  
икки томони кайтармали кийим; 4-Фундукистон, VII а.,  
икки томони кайтармали кийим.

туникасимон бичилган, билагида торайтирилган узун енгли ва этагида ён кесиклари килингандай кафтан киради. Уларнинг ёкаси, ён кесиклари, олди, этаги, енгининг учи бошқа мато билан безатиларди. Иштонларни пойчаси ва

болдиригача ён чоки бошқа рангли мато хошияси билан безатиларди.


Бу даврда идеал аёл гавдасини мағорур тутарди. У тудан келган, кенг юзли, назокатли, қошлари ёйсимон, туғри фарқ килиб очилган силлик узун сочли, туғри бурунли, кичкина оғизли ва нозик құллы бұлғанди. Аёлларнинг кийими эркаклар кийими комплексига үхашаш эди, күйлаклар, кафтанлар, бир томонлама қайтармали ёпинчоклар ва иштонлар эди (133—135-расмлар).

Улардан ташкари шлейфли узун күйлак, кофта, юбка ва пүстинлар ҳам кийишарди. Устки кийимларининг (кафтан, ёпинчок ва пүстин) узунлиги тиззагача бұлғанди. Елка кийимнинг ёқаси, этаги, олди, енгнинг учи бошқа рангли матодан килинган хошия билан безатиларди.

VI—VII асрларда эркакларнинг эстетик идеали үзгарғанди. Күпоп кучнинг үрнига ақл ва нозиклик келғанди. Қад-қомати келишгән ва аёлларға хушмуомалали бұлған киши шу даврда мәрд, деб хисобланарди. Идеал эркакнинг бели ингичка узунрок, қули ингичка билагузук ва узук билан безатылған булиши керак эди. Костюмда чорвадор ва шахар ахолиси кийимларининг ассимиляция бұлғанлиги, үтрок халқларнинг маданиятига қызғын қүшилиши үз ифодасини топғанди.

Эркаклар костюміда аввалғы даврнинг кийимлари категорида иккі томонлама қайтармали турк кафтанлари кенг тарқалғанди. Кафтан гавдага ёпишиб турарди, узунлиги эса бұксагача булиб, ён кесими бұлмаганди. Декоратив мато билан факт өңеси ва енг учи безатиларди. Устки кийим — ёпинчок ҳам иккі томонлама қайтармали бұлған. Бу даврда этиклари ҳам нозик бұлған.

VI—VII асрларда аёлларнинг эстетик тимсоли ҳам үзгарғанди. Энди у бели ингичка, юзи нозик аёл эди. Кийимнинг янги чегаралари янги пластик сиймосини яратғанди. Косметика бунга анча ёрдам берди. Аёлларнинг кийими эркаклар кийим комплексига үхашаш эди. Улар-



134-расм. Эркак ва аёллар кийимининг бир хил шакллари.  
ёпинчоқлари; Сурд: 5,6-аёл ва эркак кўйлаклари;

дан ташкари, аёллар кийим ансамблида нимчалар, кофталар, тўғри шаклли юбкалар ва узун кўйлаклар учраганди.

VII асрнинг охирида — VIII асрнинг бошларида Ўрта Осиё халклари костюмининг бичими мураккаблашганди. Танага ёпишиб туришига курайлик берадиган ўтказма енгли кийим пайдо бўлди. Кафтан ва ёпинчоқларнинг безагида кушонлар туникасимон кўйлагининг безакла-



Тоҳаристон: 1, 2-аёл ва эркак чопонлари; 3, 4-аёл ва эркак  
7, 8-аёл ва эркак ёпинчоклари.

рининг таъсири сезиларди. Ёпинчокларда ранг-баранг матодан қилинган ҳошияли қийиклар пайдо бўлган; улар нинг этаклари ва ёкаларининг безаги ҳам ўзгарганди.

Кийимларнинг узунлиги энди тиззадан пастда жойлашган. Туникасимон бичим ҳам ўзгарган: енглари елкандан сал пастрок тикиларди ва елка чоклари декоратив мато билан безатилганди.



135-расм. Аёллар устки кийими — ёпинчоқлар: 1-Болалық тепа.  
2-Панжикент; 3-Варахша; 4-Шаркй Туркистон.

Эркаклар ва аёллар костюмидә тақиңчоқлар мухим роль үйнаган. Улар шахснинг ижтимоий холини курсатарди. Аёл ва эркаклар зирак, кўл ва оёқ билагузукларни, маржонларни, кўкрак осилчоқларни ва камарларни тақишаради. Тоҳаристонда факат эркак ва аёл хизматчи-лар белбог кийишарди, аслзода аёллар эса белини боғла-масди.

Араблар истилосидан кейин Ўрта Осиёда (IX—XII асрлар) феодал муносабатлар янада мустаҳкам негизда қарор топа борди.

Х асрда Шаркий Туркистон ва Еттисувда Қорахонийлар сулоласи номи билан аталган қудратли феодал давлати вужудга келди. Унинг таъсир доираси Ўрта Осиёнинг Сомонийларга аввал тобе бўлган катта худудларга ёйилди. Қорахонийлар давлатида утроқ ва ярим утроқ ҳолда яшай бошлаган турк ва турклаша бошлаган ахоли Хоразм ва Тошкент воҳаларида, Фарғона ва Суғдиёна ерларида асосий кўпчиликни ташкил этарди.

Х асрнинг иккинчи ярмига келиб феодал хўжалиги ўсиши ва чўлли қипчоклар, Волгабўйи халклари ва Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотикнинг йўлга қўйилиши натижасида Хоразмнинг мустақиллиги кучая бошлади, чунки Шимолий ва Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотик ишлари Хоразм орқали амалга ошириларди.

IX—XII асрларда Ўрта Осиёда фан ва маданият бобида шу кадар ажойиб фан кашфиётлари ва тадқиқотлари яратилдики, бу ўтмиш аждодларимизнинг жаҳон маданияти хазинасига кўшган бебаҳо хиссасигина бўлиб қолмасдан, уларнинг даҳоси ва акл-заковатининг ниҳоятда юксаклигидан ҳам далолат беради.

Ўрта Осиё халкларининг ушбу даврдаги маданияти, санъати ва маънавияти даражасининг нечоғли ўсганлиги, тараққий этганлиги далилини Бухоро, Пойкент, Афросиёб, Варахша, Ахсикент шаҳарлари харобаларидан, хозиргача сақланиб қолган ажойиб минора, мадрасалар ва мақбаралардан (Бухородаги Исмоил Сомоний мақбраси, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбраси ва х.к.) ҳам билишимиз мумкин.

XIII аср бошларига келиб Ўрта Осиёда феодал муносабатлар янада кучайди ва кескинлашди. Бу сўзиз марказий хокимиятни заифлаштириди.

XIII асрда мұғул күшинлари Ўрта Осиёни ишғол этдилар. Босиб олинган шаҳар ва кишлоқлар шафқат-сизлик билан таланиб, хонавайрон килинди. Тұрмуш ва маданияти ғоятда паст бұлған күчманды мұғуллар маҳаллий маданият обидалари ва ёдгорликларни ҳароб қилдилар..

XIV асрнинг 50—60-йилларида Мовароуннахр анча мураккаб даврни кечирди ва мұғул истилочиликтерниң бу ерларни истило қилишига олиб келди. XIV асрнинг иккінчи ярми — XV асрнинг бошларыда Амир Темур үзининг буюк империясига асос солди. Бу даврда Мовароуннахр мисли күрилмаган даражада тараккүй этиши билан нишонланди. Темурнинг авлодлари давлатнинг юксалишини давом эттириди. Темурийлар даврида Мовароуннахрда ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт үз мағомида давом этди.

Бу даврда хунармандчilik бирмунча ривожланғанда савдо-сотик ишлари анча кенг ривож топғанды. Ўрта Осиё күп мамлакатлар билан савдо-сотик ва дипломатик алоқада бұлған. Үз навбатида күшни Хиндистон, Эрон, Балх, Россия ва бошка мамлакатлардан катта-катта савдо карвонылары бу диөрга келиб турған. Ўрта Осиёдан чет мамлакатларга асосан тұқымачилек маҳсулотлари, бұз, ҳар хил рангдаги матолар, гиламлар, мис идишлар чикариларди ва улар Шарқ бозорларыда асосий үринлардан бирини әгалларди.

Ўрта Осиё кеч үрта аср даврининг миниатюрачы расомлари санъатда бой мерос қолдирған эдилар. Камолиддин Бехзод, Мухаммад Чагри, Муассин Абдулло, Мұхаммад Мурод Самарқандий каби расомлар шу даврдағи ақолининг барча табакаларини, тұрмуш тарзини, ташки күриниши, кийишгап либосларини юксак маҳорат билан тасвирлашған. Аммо костюм билан миниатюра оркали танишганды тасвирларнинг шартлилігінде ахамият беріш керак. Матоларнинг ранги аслида ва расмда ҳар хил бўли-

ши мумкин, чунки расм ва матони бүяш учун бўёклар хар хил бўлган.

Миниатюраларга кўра, Ўрта Осиё кийимида асосан сидирға ок, зангори, бинафша, кул ва жигар ранглар учраганди. Накшли матолар жуда кам қулланганди, йўл йўл матолар асосан хинд ва эронликларники эди. Ўрта Осиёда факат XVIII аср охирида улар кийимда қулланганди.

**Эркаклар костюми.** Эркаклар либоси устки ва ички, елка ва бел кийимлардан иборат эди.

Устки елка кийимлари турли чопон ва чакмонлардан иборат бўлган. Энг кенг таркалган кийим — олди очик чопон эди. Уларнинг бичими бир хил — туникасимон — бўлиб, деталлари, безаги, матоси ва кийиш усули билан фарқланарди. Олди очик кийимлар калта ва узун енгли ёки енгиз бўларди. Улар туникасимон бичимли бўлган холда, орка булагининг ўртасида ёқа ўмизидан белигача виточка қилинарди ва шунинг ёрдамида кийим гавдага ёпишиб турарди. Одам харакатига кулай булиши учун ён чокларнинг пастида кесик колдириларди. Чопонлар кайтарма ва тик ёқали ёки ёқасиз бўларди. Ёқалар ва кайтармалар бошқа рангли матодан қилинарди. Аслзодаларнинг кийимида мўйна ёқалар хам учрасиди. Ёқаларнинг шакли асосан трапециясимон бўлган. Одатда ёқалар қора рангли қилинарди, Бухорода эса XVI асрда зарбоф кашта тикиларди.

Чопонлар астарли эди. Астарининг матоси ва унинг ранги бошқа бўларди. Мўйна астарли, мўйна шол ёқали, бўйи ва енги жуда узун чопон “фараджи” (136-расм) деб аталарди. Унинг енгига қулинни чиқазиш учун кесик қилинарди.

Купинча чопонлар изма ва тугмалар ёки боғичлар ёрдамида тугмаланаарди. Тугмалар асосан бойларнинг кийимида учраган. Тугмалар бу кийим турида XIX асрда йўколганди.



136-расм. Эркаклар устки кийими: 1—19-узун енгли олди очик чолонлар, уларнинг деталлари ва безаклари; 20—24-елка каштасининг ривожланиши.

Аслзодаларнинг олди очик кийимининг антиқа безаги нақшли кашта бўлган. У асосан елкасида, олд ва орқа томонида қилинган. Бу безакни хитой кийимидан мурул-



137-расм. Эркаклар устки кийими. Калта енгли олди очик чопонлар, уларнинг деталларни ва безаклари.

лар Ўрта Осиёга олиб келган деб ҳисоблашади. Шу давр бойларининг кийимида кашта булиши шарт эди, чунки кийимлар сидирға матодан қилинарди.

Узун енгли чопоннинг эни ва узунлиги, кийиш усули шахснинг ижтимоий табақаси ва мутахассислиги билан борлик эди. Мансабдор аслзодалар чопони деярли узун эмас эди; аклий меҳнат билан шуғулланганлар эса чопонни елкасига ташлаб юришарди. Дехқонлар, хунармандлар ва аскарлар узунлиги тиззагача ёки ундан пастрок булган, тор, узунлиги билагигача енгли чопон кийганди. Ишлаган пайтда улар олди очик кийимларининг барча турларини олд этагини белбокка қистиришарди, енглари эса шимарилар эди ёки бир ёки икки елкасидан тушириб кийиларди. Айникса, узун енгли чопонлар эркин ва ҳар хил ҳолатда кийилган: ҳамма тугмаларга ёки бир-иккисигина тугмаланаарди; олдини очиб тугмаламасдан ёки елкага ташлаб юришган. Дам олган пайтда битта қулига кийиб, елкага ташлаб юришган.

Узун енгли чопонлар, күпинча, белбоғсиз кийиларди. Ишлаган пайтда ва дағн маросимида белбоғни албатта кийишарди.

*Калта енгли чопон "коба"*нинг (137-расм) бир неча тури учраган. Енг узунлиги билагининг ўртасигача бўлса, чопоннинг этаги кенгайтирилиб, зийига қавилган магиз килишарди. XV асрда шу турдаги чопонда белидан пастгача икки ён кесим бўлган ва, баъзан, оркасида ҳам кесим учрагарди. Кейинрок орка кесим кийимларда қилинмайдиган бўлди.

Коба узун енгли жома ёки фараджига нисбатан калтарок эди. Унинг узунлиги тиззагача ёки болдириларнинг ўртасигача бўлган, баъзан, кариялар, аслзодалар ва сарой хизматкорларида узунроклари ҳам учраганди.

Чопонлар трапециясимон кайтарма ёқали ва олди кайтармали эди. Улар бошқа рангли матодан килинарди.

Бу даврда мўруллар олиб келган енгсиз, кенг елкали чопонлар ҳам бўлган. Ўзига хос олди очик кийимнинг тури — асимметрик тугмаланадиган чопон "жубба" (138-расм) бўлган. Бу кийим аслзодаларда, аскарларда, кўчманчиларда ва баъзан шаҳарликларда учрагарди. Ушбу



138-расм. Эркаклар устки кийими: 1—10-кия тақилмали кийимлар; 11—20-олди берк кийимлари.

кийим тури күчманчилар, мұғул ва турк одатлари билан боғлик. Шунга эътибор бериш керакки, туркларнинг кийими ўнгдан чапга, мұрулларники эса — чапдан ўнгга үралади.

Жуббанинг узунлиги ҳар хил булиб, шахснинг ижтимоий холини ифодаларди. Енглари тор булиб, узунлиги

кафти ёки билагининг уртасигача эди. Камдан-кам түғри тұртбурчак ёки трапециясимон ёқалар булади. Олд кисмининг уртасида чоки бор эди, чунки матонинг эни тор булган. Ең кесимлари кам учраган. Жубба асосан сидир-ға матодан тикиларди. Узун енгли жуббалар каторида кенг калта енгиллари ҳам булган. Енгнинг зийида қавилган мәғиз қилинарди. Қия чап олд бұлаги ўнг томонида құлтиғидан белигача боғичлар ёрдамида бириктірілар, устидан эса белбөр боғланарди. Баъзан, жуббани чопон билан кийишарди.

Олди очик устки кийим қаторида миниатюраларда олди берк устки кийимлар ҳам тасвирланған. Үрта Осиёда XV—XVIII асрларда олди берк кийимлар олди очик кийимларга нисбатан камроқ учради. XV—XVI асрларда улар одатда узун булган, XVII—XVIII асрларда узуни ва калтаси (тиззагача) учрайди. Енглари тор, узун ёки калта булганди, енгсизлари ҳам учрайди. Күйлакнинг бичими туникасимон эди. Учбурчак шаклли ёқа үмизи күкрагигача ёки белигача булиши мумкин эди. Ёқалари ҳам чопонларнинг туридан булган, XVIII аср охирида эса ёқасиз қилинарди. Чукур үйилған ёқа үмизи тұгма ва измага тұгмаланаарди. Олд ва орқа бұлакларнинг уртасида ва ёnlарида кесимлари булган. Олди берк кийимлари ҳам астарлы қилинарди. Уларнинг ранги бошка эди. Ушбу кийимни ахолининг барча табақалари ғайрирасмий шароитларда, күпинча дам олганды кийишарди. Аслзодалар сайр-томоша килаёттан пайтда ва хизматкорлар ишлаганда белларини боғлашар эди.

Устки кийимнинг остидан хар хил күйлаклар кийишган (140-расм). Күпинча баравар устма-уст иккитасини кийишарди. Ички күйлак "пероқан" юпқа оқ матодан, усткиси "пешвоз" эса — зангори, күк, яшил ва жигар рангли матолардан қилинарди. Күйлакнинг енги кенг ва узун булган. Ёқа үмизи тор, чукур, овалсимон ёки берк, корнигача вертикал кесими булиши мумкин эди. Ёқа үмизининг зийига қавилган ҳошия қилиштан, баъзан уни тұгмалашарди.



139-расм. Турли ижтимоий табақаларнинг костюмлари:  
1—2-курувчилар. 4-даражат кесувачи ишчи, 5—6-чўпонлар.  
7—9-аклий меҳнат ходимлари ва руҳонийлар.

Устки кўйлакнинг узунлиги тиззагача бўлган, ички кўйлак эса узунрок, болдирилган уртасигача ёки тўпиккача эди, хизматкорларники — тиззагача бўлган. Кўйлакларни эркаклар факат уйда кийишарди.

Миниатюраларда тасвирланган иштонларнинг бичими икки алохидан пойчадан ва оғдан иборат бўлган. Иш-


тон шаклининг тепа томони кенг булиб, пастга торайганди (140-расм). Иштон белда попукли тасма ёрдамида мустахкамланарди. Күпинча иштонлар сидирға оқ, күк ва жигар рангли бўлган, йўл-йўл матолари ҳам учради. Турк кийими таъсирида иштонлар шалварсизон кенг бўлган ва кизил, тўқ сарик ҳамда тўқ кизил рангга бўялган. Иштонни елка кийимнинг остидан кийишарди. Бойлар ов қилган пайтда пойчаси кенг иштонларига устки кийимни киргизишарди.

XV—XVI асрлардаги миниатюраларда эркакларда бўлган сонбогич “фұта” (140-расм) тасвиirlанган. У буквага айлана уралиб, ингичка белбоғ ёрдамида махкамланарди. Сонбогич кенг, тұғри тұртбурчак чўзинчоқ мато бўлагидан қилинган. Унинг ранглари зангори, күк, яшил эди; ёнларида эса битта кенг ёки бир неча ингичка кора йўллари бўлган. Сонбогични курувчилар, курашчилар, жиловдорлар ва ахолининг барча табақалари ҳамомда кийишган.

XV аср охирида бел кийимининг яна бир тури “белдемчи”га үхшаш бўлганди. У олди очиқ юкага үхшаган ва қалин рангли матодан қилинарди. Уни аслзодалар овда кийишган.

Эркаклар кийимида бир неча кўшимча деталлари бўлган. Олимлар, илохиёт мутахассислари ва сүфиларда елка шарфи “тайласон” бўлган. Тайлason, мусулмон Шарқда эскидан колган, ушбу табақаларнинг анъанавий костюм белгиси бўлган. У елкага ташланар ёки учлари кўкракда тугунга боғланарди; сўфилар ва имомлар эса — бош кийимнинг устига ташлашарди. XV—XVI асрларда тайласон футага үхшаган қилинарди. XVI асрнинг уртасидан бошлаб у тор ёки кенг, кора ва жигар ранг, уни кўпинча оқ ҳошлили қилинар эди.

Олдин айтилгандай, эркаклар устки кийимни белбоғ (140-расм) билан боғлашарди. Бойлар ва аслзодаларнинг белбоғи кенг, камбағалларники — ингичка бўлган ва баъзан оддий тасмадан бўлган. Белбоғлар ҳар хил рангли



140-расм. Эркаклар күйлаклари (1—4), иштонлари (5—10), фүтаси (11—21), белбөг ва камарлари (22—24).

матолардан иборат эди. Баъзан, фүтани белбөг сифатида ишлатишарди. XVI асрдан бошлаб бўйлама йўл-йўл матодан қилинган белбоглар кенг тарқалди. Улар кенгрок бўлган. Кўпинча бовликка эшиларди ва олдида тугунга боғлашар ёки учларини ёнида қистириб кўйишишарди. Асл-

зодалар ва аскарлар белбоғнинг ўрнига энсиз, уч-тўрт юмалок тўқа билан безалган, олдида тугмаланадиган, кора чармдан ишланган камар тақишарди. Бойлар камарининг тўкаси қимматбаҳо тошлар билан безатиларди.


XV—XVII асрларда Ўрта Осиёда эркакларнинг зарурӣ аксессуари (костюмнинг қўшимчаси) — ўнг ёки чап томонида белбокка кистирилган энсиз даструмол эди.

Бош кийимларининг турлари ҳар хил бўлган (141-расм). XV—XVIII асрларнинг миниатюраларига биноан ҳар хил шаклли матодан тикилган телпаклар эди. Уни ахолининг барча табақалари уйда ва кўчада кийишган.

Ҳар хил бичимлар бош кийимларнинг баландлигини ва шаклини ўзгартиради. Одатда, астарли килиниб, улар қавиларди. Телпакнинг гардиши қайтарма ва кесимли килинарди. Бу холда телпак рангли матодан, астари эса бошқа, кўпинча, кора матодан килинарди. Уларни аслзодалар ва, баъзан, аскар ва кўчманчилар кийишган. Ҳиндлардан фаркли равишда, Ўрта Осиёда уларни салла ёки боғичсиз кийишган, гардиш қайтармалари аслзодалар юзининг марказида жойлашарди, кўйи табақалар бу бош кийимини эркинрок кийишарди.

Наматдан килинган қалпоклар ҳам кенг тарқалган. XV — XIX асрларда уларни асосан хунармандлар, овчилар, хизматкорлар ва тоғли ахоли кийган. Улар анъанавий, думалоқ шаклли бўлиб, турк қалпори таъсирида шакли конуссимон бўлганди. Қалпоклар оқ ёки рангли наматдан килинган. Қалпокни чеккаси сал қайтарилиб, кесим килинарди. Муғуллар Марказий Осиёни босиб олганидан кейин кўчманчи аслзодалар ва уларнинг хизматкорлари орасида қалпок кенг тарқалганди. Шаҳарликлар орасида бу бош кийим кам учраган. Бойлар бош кийимининг гардишлари кашта билан безатилган эди (141-расм).

Ўрта Осиёда мўйна билан безатилган ёки бутунлай мўйнадан килинган бош кийимлар ҳам бўлган. Баъзан, матодан килинган бош кийимлар мўйна билан сирланарди.



141-расм. Эркаклар бош кийимлари.



@tarixchi\_kutubxononasiga

142-расм. Мовароуннахр аёллар костюми (Самарқанд, Бухоро, Шоҳрухия, XVI асрнинг 40-йиллари.)

**Салла** — Ўрта Осиёда асосий бош кийим хисобланарди. Уни ақлий меҳнат билан шуғулланган аҳолининг барча табакалари кийишиганд. Салла — расмий ва тантана бош кийим деб хисобланарди. Ўрта Осиё салласининг



143-расм. Бухоро аёллар либослари. XVI а.

катталиги ўртача бўлган. Ўраш усуллари бир неча хил бўлиб, деярли мураккаб эмас эди. Диний ва аклий меҳнат арбоблари салланинг бир учини иягини остидан ўтказишарди. Бойлар саллани эгрет билан безатишарди. Асл-



144-расм. Бухоро аёллар костюми. XVI асрнинг ўртаси ва иккинчи ярми.

зодаларнинг салласи — ок рангли; олимлар, шонирлар, дин арбоблари ва сўфиларники — ок, зангори, яшил ва кул рангли; жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар-



145-расм. Аёллар либоси. XVII аср.

ники — ёркин рангли бўлган. Одатда, салла сидирға ва йўл-йўл матодан килинар эди.

Эркаклар оёқ кийимлари этиклар ва кавушлар бўлган.



146-расм. Аёллар либоси. XVII аср.

**Аёллар костюми.** Миниатюрадаги тасвирларга кўра аёллар костюмининг номлари, турлари, шакли, бичими, безаги эркакларникига ўхшаш бўлган.



147-расм. Аёллар либоси. Бухоро. XVII асрнинг иккинчи ярми.

Ички кийим туникасимон бичимли, узун енгли оқ кўйлак "курта" эди. Унинг ёқа үмизи горизонтал ёки чукур вертикал бўлган. Бу кўйлакнинг орка ва ён чокла-



148-расм. Аёллар күчалик кийимлари. XVI—XVII ға.

ри бўлган. Ички кўйлак устидан бошқа рангли, туника-симон бичимли кўйлак "пироҳан"ни кийишган. Пироҳан узун ёки калта енгли бўлиб, ички кўйлагидан калтарок (тиззагача) эди ва белига ёпишиб турарди.

Ички бел кийими иштон "эзор" бўлган. Унинг узунлиги тўпигигача булиб, баъзан, этик ёки маҳсининг ичига киргизиларди.

Аёлларнинг устки кийими жома, коба, фараджи, мурсак, ёпинчоқ ва калтачадан иборат эди (142—148-расмлар). Кўйлаклар устидан олди очик кийим кобани кийишган. Унинг енги узун (кўлидан узунрок) ёки калта (тирсагигача) бўларди.

Чопон жома об-хаводан сакларди. Ипак ёки кимхобдан килинган, узунлиги ергача, жуда узун енгли (этагича) башанг чопон фараджини тантанали маросимларга кийишганди. Уни елкасига ташлаб юришарди ёки битта кўлга кийиб, елкага ташлашарди.

Улардан ташқари миниатюраларда устки кийим сифатида калта, олди очик, узун ёки калта енгли кийим "калтача" тасвиirlанган.

Коба, жома, фараджи ва калтачанинг астари бошка рангли матодан килинарди. Аслзодалар устки кийими нинг астари ипакдан, фараджиде эса — олмахон, тулки ва сувсар мўйнасидан килинарди.

Эркакларнига нисбатан аёллар кийими танага ёпишиб тургани билан (ён ва ўрта чоклари ёрдамида), кийим турлари, бош кийимлари ва заргарлик буюмлари билан фарқланар эди.

Ижтимоий фарклар баравар кийилган кийимлар сони билан ва қулланган матолар билан белгиланарди.

Эркакларда йўқ, аёлларнинг узига хос устки чопони — "мурсак" (мунисак) эди. Унинг олд ёка ўмизи чукур килинарди; кўлтигининг остида ёnlари сер бурмаланарди, енглари кенг эди, бичими туникасимон бўлган. Шундай чопонни Ўрта Осиёда XIX асрдагача кийишган, XX асрда эса у дафн маросимига кийиладиган кийимга айланди. Миниатюраларда мурсак кобани устидан кийилган.

Аёлларнинг узига хос кийимларининг иккинчи тури ёпинчоқлар ва паранжилар бўлган.

Кўча кийими сифатида аёллар ёпинчоқ кийишган. У кенг, тўғри туртбурчак шаклли матодан килиниб, гавда-

ни беркитарди. Ёпинчокни бошга ёки елкага ташлаб юришган, учларини эса құл билан ушлаб туришган. Юзи очик колар, аммо керакли пайтда юзни күзгача беркитишар эди. Шундай ёпинчоклар нокулай булғанлиги учун аёллар күчага чиққанда бошга чопонни ташлаб юрадиган булишди. XVI асрнинг охирида — XVII асрнинг бошида миниатюрада шундай ёпинчоклар тасвирланған. Чопонни шу усулда кийганды, енглари эркин осилиб турар ёки бир күлга кийиларди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида миниатюра тасвирлариде *паранжи* тасвирланған. У юқорида таърифланған чопон фараджи эди, аммо паранжидә узунлиги күкракгача тушадиган от килидан ясалған түр “чашибанд” булиб, у билан аёлнинг юзи беркитилганди.

Үрта Осиё аёллари кийимининг бели борғанмасди.

Бу даврда аёлларнинг кийимінде хинд, мұғул, зрон, хитой кийимларининг таъсири либослар түрида, күлланған матоларда ва безакларда сезиларди.

Махаллий урф-одатлар аёллар костюмінде хам сезиларди. Бухоро кийимлари бойрок ва башангрок эди, уларда чет эл таъсирлари күпроқ булған. Бухоро либослариде зардұзи каштани олд ва орка бұлакларнинг елкасида килинарди. Бу даврда бошқа газмол билан кийимни бетатиши хам учтарди. Кийимга күлланған матолар қиммат-бахо ва ранг-бараптап болған. XVI аср бошидан Бухорода, Ҳиротда мода булған кийимларни кийишишкан. Барча кийимларнинг узунлиги ергача булиб, оёқни беркитарди. Коба ва чопонлар сидирға матодан қилиниб, зардұзи кашта билан безатилганди. Асрнинг 20-йилларидан бошлаб, бу моданинг үрнига сипо, каштасиз, сидирға газмолдан қилинған кийимлар келди. Уларнинг ранги күк, зангори, жигар ранг ва бошқа ранглар булған. Коба кичкина кора ёқали булған. Ички күйлагининг ёқа үмизи күндаланғ булиб, тұгмаланаради. Жоманинг олд чегарасида кора хошияси ва икки томонида тұгмалари булғанди. 30-йилларда кийимлар анча қискариб (тұпигигача), оёклар күри-

нарди. Асрнинг ўрталариға бориб, аёллар костюми яна бойрок ва турлича бўлди. Яна зар кашта (оркасида, кўкрагида ва елкаларида) пайдо бўлди. Кийимларнинг ранги сарик, бинафша, кўк, зангори булиб, сидирға коба ва чопонларнинг бир-бирига мос булишига олиб келарди.

XVI аср охири — XVII аср бошида Мовароуннахр Эрон билан яна алоқа боғлаганлиги Бухоро костюмидаги сезилганди. Ички коба ва кўйлаклари сефевидлар модаси буйинча — чукур олд ёқа умизи юкорисида битта катта тугмага тугмаланаар эди. Кўйлаклар болдиргача қисқаргани учун пойчаси торайган йул-йўл иштонлари куринарди. Майдада ёки йирик гул нақшли матолар кўлланганди.

XVII аср биринчи чорагида кийимлар яна узая бошлади, калтacha эса тиззагача узайди. Мурсак кенг тарқалди.

Асрнинг 40-йилларида Бухоро модасига ҳинд костюмларининг таъсири сезиларди — кийимлар ёпишиб туриб, аёл гавдасини курсатарди (ҳинд костюмининг асосий хусусиятлари). Улар маҳаллий ва ҳинд матоларидан тикилганди. Ҳарир матолар кўлланадиган бўлди. Устки кийимлар, айниқса, коба ва калтacha калта енгли эди (тирасигигача), енгини уни ва этаги кенг зар тасма билан бе-затиларди. Устки кўйлагини ёқа умизи кўндаланг булиб, йирик тугмага тугмаланаарди. Шундай мода Бухоро костюмидаги XVII асрнинг охиригача бўлган.

Самарқанд модалари оддийрок бўлган. Уларнинг сидирға матодан тикилган чопонларида кашта қилинмасди. Чет эл модаси таъсири жуда кам бўлган ва Ўрта Осиё хусусиятлари XVI—XVII асрлар давомида сакланганди.

XVI асрнинг бошида Самарқандда Ҳирот чопонлари га ўхшаш кийимларни кийишганди (бутун темурийлар империясига тарқалган мўйна билан сирланган фараджи). XVI аср 40-йилларида гавдага ёпишиб турган, узунлиги тупиккача тушадиган, баҳмалдан тикилган кичкина қайтарма ёқали коба ва чопонларни кийишган.

XVII асрда Самарқандда Бухоро чопон ва кобасига ўхшаган кийимларни кийишган, аммо, улар сидирға ма-

тодан тикилиб, безаги бўлмасди. Кўйлакларнинг олд ёка ўмизи чукур уч бурчакли эди ва бели сал бурмаланаарди. Ички кўйлаги йирик тугмаларга тугмаланаарди.

Қари аёлларнинг кийими ёшларницидан нисбатан энг аввал баравар кийилган кийимларнинг сони билан фаркланаарди. Улар кўпинча жуда кенг калта (билигигача) енгли, учбурчак ёка ўмизли кўйлакни кийишган. Иштонлари эса кенг, узунлиги тупикқача бўлган. Уларнинг яна бир фаркланадиган белгиси — устки кийимнинг бели боғланараарди.

Мотам кийими кора ва тўқ кўк рангли, олди йиртилган чопонлар бўлган. Яна бир нарсага эътибор бериш керак — мотам кийимида белбоғ бўлмаган, у XVIII ёки XIX асрда кийилган, чунки XVII асрдаги миниатюраларда белбоғ тасвиirlанмаган.

Бош кийимлари рўмол, мўйна билан чеккаси безалган дупписимон қалпоклар, пешонабандлар ва бошқалар бўлган. Пешонабанд эшилган рўмолдан ёки юпқа оқ тасмадан килинган. Бухорода у накшли кашта ёки қимматбахо тошлар билан безатиларди. Пешонабанднинг устидан рўмол урашарди.

Сочлари ҳаракат қилганда олдига тушмаслиги учун рўмол остидан бошга сочлопук "кулюта" ёки "чочқап" кийишарди. Ҳозирги замонда улар кирғиз ва қозокларда сакланиб колган.

Қари аёллар қозокларницига ўхшаш бош кийим "кимшишк" кийишган.

Маликалар, хонларнинг хотинлари, хон авлодлари тож кийишарди. Эркак ва аёл тожлари ўзаро фаркланаарди.

XVI асрда Бухоро аёллари зар ипли дока рўмолнинг устидан тиллақош тақишиган.

Аёллар сочини беркитиб юришарди, кизлар эса сочини иккитага ўриб, учига пилик ёки соч попуклар урашарди. Самарқандда кизлар сочини майда ўришарди.

Миниатюраларда заргарлик буюмлари кам тасвирланган, чунки улар кийимнинг остида булган. Ёзув маълумотлари бўйича ва тасвирларга қараганда заргарлик буюмлари куйидагилар булган: зебигардон, ҳайкал, туморлар, зираклар, узуклар, билагузуклар, булоғлар. Шу нарсага эътибор бериш керак, улар мотам маросимларида тақинчокларини ечмасдилар.

Аёллар костюмини оёқ кийим якунлайди. Миниатюраларда ёш аёллар ва кизлар этик "маҳси", ним этик "ним-чакме", баланд кунжли пошнали этик "чакме" ва чарм туфли "кавуш"да тасвирланган. Бухорода этикнинг кунжи кашталанарди. Пойафзал асосан қора ва баъзан оқ ва сарик рангли булган. Қари аёллар қора, уни учли кавушларни яланг оёққа кийишган, ёшлар эса этикни устидан кийишарди.

## XIX—XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ЎЗБЕК КОСТЮМИ

---

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Ўзбекистон тўқимачилик санъати ва декоратив амалий санъати ҳам кенг ривожланган эди. Анъанавий ўзбек шойилари (*каунас, шойи, хонатлас*), нимшойилар (*беқасам, банорас, парпаша, адрас*) Бухоро, Самарқанд, Наманган ва бошқа шаҳарларда ишлаб чиқариларди. Ўрта Осиё аслзодалари шу газмоллардан кийим кийишарди. Камбағал аҳолининг кийими асосан ип матолардан (*бўз, олача, суси, жанда*) буларди.

Ўрта Осиёни чор Россияси босиб олгандан кейин фабрикаларда ишлаб чиқарилган матолар (*чит, сатин ва бошқалар*) кенг тарқалганди. Аслзодалар кийимида Франция ва Россияда ишлаб чиқарилган нақшли шойи газмоллар — *бахмаллар, кимхоблар, кундалар, фарангилар* ва *атласлар* қўлланарди. Улардан ташқари, жун



149-расм. Олди берк кийимларнинг бичими: 1-эркаклар кўйлаги;  
2-аёллар кўйлаги; 3-эркаклар кўйлаги; 4-туркман аёллар кўйлаги;  
5-фарғона эркаклар ёкали кўйлаги; 6-енг бичими  
ӯзгарган кўйлак;

матоси мовут хам эркаклар устки кийимида кўп ишлатилган.

**Аёллар кийими.** Қадимдан аёлларнинг анъанавий ички кийими туникасимон кўйлак ва лозимдан иборат эди (149—150-расмлар). Кўйлакнинг шакли тўғри, баъзан этаги кенгайган бўлиб, узунлиги тўпигигача эди. Кизлар кўйлагида ёка ўмизи кундаланг килиниб, четлари бошқа рангдаги мато ёки тасма билан тикиб чиқиларди ва ўша матодан тайёрланган тасма билан боғланарди



149-расм. 7-ён кийикли аёллар кўйлаги; 8-кайтарма ёқали қозоклар кўйлаги; 9-тик ёқали қозоклар кўйлаги; 10-тунисасимон бели қирқилган қозоклар кўйлаги; 11- тик ёқали аёллар кўйлаги; 12-эркаклар устки кийими.

ёки битта тугма билан қадаб кўйиларди. Турмушга чиқкан аёллар эса вертикал кесимли кўйлакларни кийишарди. Кесим кўкрагини ўртасидан узунлиги тахминан 25 см килиниб, тасмалар билан боғланар, битта тугма ёки тўрнагич билан қадаларди. Бухоро ва Самарканд вилоятларида аёллар кийимида ёқа ўмизининг четлари зарбоб тасма "пешқурта" ва кашта билан безатилган. Ёқа ўмизи бу ерларда жуда узун (этагига сал етмас эди) килинарди. Кўйлаклар жуда кенг бўлган, унинг енглари эса роят



150-расм. Тошкент аёлларнинг кўйлаклари: 1-қадимий кўйлаклар, 2-XIX—XX асрнинг бошидаги кўйлаклар.

кенг ва узун булиб, кафтни беркитиб турган. Енглари, баъзан, бошка қимматбаҳо матодан килинарди ёки кашта билан безатиларди. Аёллар қулини кўксига кўйиб юришарди ва шу боис енгининг гўзаллиги тўлик куринарди.

Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин тик ёқалар пайдо була бошлиди. Уларни кейинчалик плиссировкалик "пар-пара" билан безатишадиган бўлди. Туркистон ўлкасида (аввал шахарларда, сўнгра

кишлоқларда) одатда вертикал киркимли копкок билан беркитилган ёқа ўмизи, баланд тик ёқа кириб кела бошлади. Бу ёқани “ит ёқа”, “нүеой ёқа”, зарафшон водийсида “қозоқи ёқа” деб аташарди.

Ёш аёллар биринчи фарзанд турилганича учлари юкорига қараган күпгина учбурчак күриннишда “тишчалар” ёки плиссировка пар-пара билан безалган тик ёқали күйлакларни кийишган. Шундай тик ёқа ўзбек ва тожик аёлларнинг күйлаклари учун хос эди.

XIX асрнинг охирларида киркилган кокеткали күйлак — кўкракбурма кўйлак пайдо бўлди. Бу кўйлак аср давомида туникасимон бичимнинг ривожланиши натижасида келиб чиқди. Кўйлак сер бурмаланган гавда қисми, елкаси қия бичилган кокетка, утқазма енг ва ёқа кисмлардан иборат эди. Ушбу кўйлак кейинчалик аёллар гардеробида баркарор ўрнашиб, аёллар миллий костюмининг асоси бўлиб қолди.

Шулар каторида, туникасимон бичимли, тик ёқали ва енглари манжетли кўйлаклар ҳам кенг таркалганди. Катта ёшдаги аёллар вертикал кесимли ёки плиссировкасиз тик ёқали кўйлакларни кийишда давом этишган.

Шу даврда узун, уни тор енгли кўйлакларни кийишган, уларга тирсак ва билак орасида ингичка, кашталанган тасмалар тикишган. Илгарилари бу тасма уртасида кесим киркилиб, ундан ишлаган пайтларида қулларини чиқариб куяр эдилар, енг учини эса шимариб кўйишарди. Бундай кўйлаклар асосан Хоразмда қайд этилган. Ҳозирги пайтда кашталанган тасма тикилиб, кесим қилинмайди, у декоратив безаги булиб қолган.

Үй ичида битта ва совук кунларда иккита кўйлак кийиларди. Байрам кунлари аҳолининг таникли, бой табақаларидан бўлган аёллар устма-уст учта кўйлакни кийишарди. Бунда учала кўйлакнинг енглари бир хил кенгликда, лекин ҳар хил узунликда булиб, биринма кетин бири күринниб турарди, енг учлари эса кашта билан тикиб чиқилганди. Агарда яна ҳам бойликларини курсат-

моқчи бўлсалар, ўзлари билан бир неча кўйлакни олиб, меҳмонга келгандан сўнг, вакти-вакти билан алмаштиришар эдилар. Бухоро ва Самарқандда бадавлат одамлар орасида кўйлакларнинг сони еттитагача етарди. Кийимнинг сероблиги билан либоснинг эгаси бойлигини курсатишни хоҳларди. Буни факат ёш келинлар туйларидан кейинги кунларда кийишар эдилар.

Баъзан, устки кўйлак остидан ички кўйлак кийишган. Улар оқ ип матодан қилинарди.

Кўйлакларнинг узунлиги турлича бўлган. Кекса аёллар узунлиги ергача етадиган, ёшлар — калтарок кўйлакларни кийишарди.

Хоразмда кизлар ва ёш аёллар ола чипор матодан тикилган кўйлакларни тикишарди.

Ўтган асрнинг охирида аёллар кўйлаклари ола чипор читлардан, ўзига тўқ оиласарда эса қизил шойидан тикиларди. Кирк ёшлардаги аёллар одмироқ, яъни кўк, зангори, яшил, бинафша рангдаги кўйлакларни маъқул куришарди. Кекса аёллар маҳаллий ишлаб чиқарилган оқ ип газлама — буз ёки яшил қора майдо холли ва гулли читдан тикилган кўйлакларни кийишарди. Бой оиласарда келиннинг никоҳ кўйлаги маҳаллий ишлаб чиқилган ёки Қўкон, Бухородан ёки Урта Осиёнинг бошқа шойи тўкув марказларидан келтирилган шойилардан тикиларди. Баъзан, маблаги етишмаган оиласарда эса чопон остидан куринмайдиган кўйлак бўлаклари бошқа, арzonроқ мато, масалан, читдан қилинарди.

Аёллар костюмининг иккинчи асосий қисми — лозим. Лозим белдан юқори қисмида ўтқазилган иштоибор ёрдамида ушлаб турилади. Одатда лозимларни икки хил матодан: пастки қисмини, яъни кўйлакдан куринадиган қисмини, анча қиммат ва чиройли матолардан, юқори қисмини эса (таксинан бўкса ўртасидан белигача қисмини) арzonроқ ва оддийроқ матодан тикиларди. Иштонни уни тўкилган ва кашта қилинган тор тасма “жияқ” билан безалган, унинг учлари попукни хосил киларди.

Лозимнинг узунлиги ва кенглиги турлича бўлган. Шаҳарларда, шаҳар атрофларида ва кишлакларда асосан узун лозим кийишарди.

Ўрта Осиё халкларига онд аёлларнинг иштон бичими одатдагича булиб, эркаклар иштон бичимига ухшаш эди. Иштонлар узун, асосан, тўпниғигача бўлган. Тепа қисми кенг, пасти эса торайган иштон пойларининг орасига оғтикиларди. Катта ромб, квадрат ва учбурчак шаклидаги оғқадам ташлаганда иштонни кенгайтиради ва юришга ҳамда отга миниб юришга халақит бермасди.

Қизлар ва ёш аёллар маҳаллий ишлаб чиқилган оқ йўл-йўл ёки гулли матодан, кекса аёллар — асосан оқ матодан иштон кийишарди. Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган матолар Ўрта Осиёга олиб келингандан кейин улар кенг кўлланадиган бўлди, чунки улар маҳаллий матолардан арzonроқ бўлган.

Аёллар устки кийимиға қавилган пахтали чопонлар киради (151—153-расмлар). Улар эркаклар чопонидан бирмунча фаркланиб, туникасимон бичимли эди. Аёллар чопонларининг ёқа ўмизлари очик ва кенг бўлган, улар баҳяланмаган, адипи бир бирнига кирмаганди. Эркаклар чопонига қараганда енглари бирмунча калтароқ ва кенгроқ бўлган. Хоразмликларнинг пахта чопонлари ўзига яраша жуда қизикарли эди. Қўлда қавиш ўрнига, улар хийлагина машинада қавишган. Билак қисмida эса қўл учун кесим қилиниб, иш килаётган пайтда ифлос бўлмаслиги ва халақит бермаслиги учун кадалиб кўйиларди.

Пахтали чопонлардан ташкари ёзда кишлок, асосан Зарабшон водийси аёллари, астарсиз чопон "делегай"-ни кийишган. Бухоро ва Самарқанд вилоятларида устки кийим сифатида енгли, белига сал ёпишиб туриб, пастига караб кенгайган, астарли чопон "румча"ни кияр эдилар. Румчанинг ўтказма тор енгларининг узунлиги билагигача эди.

Аёлларнинг маҳсус устки кийими бўлган чопон "мурсак" Ўзбекистонда кенг тарқалганди (153-расм). У Тошкентда — мурсак, Самарқандда — мунисак, калтacha,

@tarixchi\_kutubxononasiga



**151-расм.** Аёлларнинг бош ёпинчоқлари: 1-торли тожиклар рўмоллари, 2-бошига рўмол ёпинган ўзбек аёли; 3-белудж ёпинчори, 4-Самарканд тожик келинларининг турли ёпинчотлари; 5-оддий чопонни ёпинчоқ сифатида кийиш; 6-ёпинчоқ пешво ёки жегде;

Фарғонада — мунисак, мунсак, Бухоро ва Шахрисабзда — калтача деб аталади.

Мурсак ёнига тикиладиган кийиклар ёрдамида кенга ярди, ёнларида эса енг остидан сер майда бурмалар, этагининг ёнларида кесимлар килинарди. Мурсаклар астарли қилиниб, кавиларди, қишки мурсакка эса юпқа қатлам пахта қўйиларди.


XIX аср иккинчи ярмигача Тошкентда оддий чопонга нисбатан мурсак енглари бирмунча калта булган. Кей-



151-расм. 7-чырпы-туркман бош ёпинчори; 8-паранжи;  
9-курта-бош ёпинчори (ўзбек-карлуклар); 10, 11-паранжидан  
кейин Самарканда тожикларининг бош ёпинчори.

инчалик мурсакнинг енглари тирсаккача қилинган, у "тирсак енг" деб аталиб, унинг остидан куйлакнинг узун енглари чиқиб туради.

Самарқандда мурсакнинг тор енглари қулнинг кафтигача етарди; Бухоро ва Қашқадарёда эса енглари кенг булиб, тирсакдан тушиб турган, унинг остидан эса куйлак енглари чиқиб туради. Хоразмда оддий чопондан мурсак факат енгининг шакли билан фарқланарди (енги учига қараб торайганди).



152-расм. Аёлларнинг олди очик кийими: 1-ёкасиз чопон. XVIII аср. Самарканд; 2-ёкали чопон. Бухоро; 3-ёкали чопон; 4-елкасининг олдиди кесиги бор аёллар чопони; 5-ёкали, ён кийикли, кавилган эркак чопони; 6-ёкали ён кийикли чопон; 7-Памир аёлларининг жуний чопони; 8-аёллар чопони мурсак; 9-туркманларнинг калта. олди очик чопони.

XIX аср мобайнида мурсак одатдаги башанг кийим бўлган; XX аср бошларида уни белбор билан боғлаб, факат дафн маросимларида кийишадиган бўлди. Аммо Самарканда катта ёшли аёллар мурсакни белбоғсиз меҳмонга ёки тўйга борганда кийишган. XX аср бошида Тошкентда мурсак кийилмаганди, бирок, у ҳар бир оиласда булиши шарт эди, чунки у билан аёл үлганда тобути устини ёпишарди.

Россиядан Ўрта Осиёга кийимнинг янги тури — “камзол” (камзур, камзул, пешмет) кириб кела бошлади. Бу белига сал ёпишиб турган, калта ва тор утказма енгли, кайтарма ёкали, ёнларида ва кўкрагида чўнтақ килин-



153-расм. Янги бичимли кийимлар: 1-румча, енг ўмизи кирқилган чопон; 2, 3-козоклар камзули; 4, 5-кия елкали ва енг ўмизли камзул; 6-козок аёллар нимчаси; 7-эркаклар нимчаси; 8-Памир аёллари кўйлаги; 9, 10-аёлларнинг кокеткали кўкрак бурмали кўйлаги.

ган устки кийим бўлган. Кўпинча камзолларни товланиб турувчи йўл-йўл бекасамдан ёки рангли духоба, баҳмал ва бошқа матолардан тикиларди.

Шу даврда калта енгиз кийим "нимча" (Тошкентда) ва "камзур" (Фарғона водийда) пайдо бўлганди. Уни камзул остидан ёки кўйлак устидан кийишарди. Нимчани тўқ баҳмал ёки духобадан тикишарди, кизларники эса — қора сатиндан қилиниб, этагида кашта тикиларди. Нимча миллий костюмнинг зарур қисмларидан бири бўлди.

Шаҳарлик ва бой қишлоқ аёллари паранжини кийишарди. У катта ва кенг чопон бўлган, узун ва тор сохта енглари "сочвоқ" орқага ташланиб, учлари бир-бири билан бириктирилганди. Паранжи аёлни жуссасини боши-

дан товонигача беркитиб турарди, юзини тұғри түртбұрақли от қилидан тұқилган “чачвон” (“чимбат”) билан беркитишарди. Чачвоннинг чегаралари қора мато билан тикиларди, баъзан у занжир кашта билан ёки машинада тикилган накш билан безатиларди. Чачвонга эса куз тег маслик максадида рангли кузмунчокларни тикиб қўйишарди.

Паранжи тарихи узун ва мураккабдир. Паранжи сўзи “фараджин” сўзидан келиб чиқкан. Форс тилидан таржи-ма қилганда “фараджин” сўзи куйлак маъносини билдиради. Фараджи Мисрда пайдо булиб, Шарқ мамлакатларига тарқалган. Ўрта Осиёда Шайбонийлар даврида (XVI аср) фараджинни олимлар кийишган. Хиндистонда ва Ўрта Осиёда Темурий ва Бобур даврларида фараджинни олимлар, аслзодалар, давлат амалдорлари ва рухонийлар кийишган. Фараджи сўзи ҳам эркак, ҳам аёллар кийимини англатарди. Ўрта Осиё паранжисининг қадимги тимсоли бор. Феодал даврида вужудга келган бу бой кийим янги шакллар асосида ўзгариб турарди, аммо ўзининг қадимги негизини саклаб қолганди. Шундай килиб, Ўрта Осиё аёллар паранжиси қадимги фараджидан келиб чикиб, ёпинчок сифатида кийиларди. XVI асрға келиб узун ва ноқулай енглари декоратив детал булиб қолди, XVIII асрда эса улар асосий вазифасини йукотиб, ҳакиқий енгларга ухшаб бичилиб ва тикилиб, орқасида бириктирилиб узун декоратив тасмага айланди (151-расм).

Феодализм сұнгти даврларида паранжининг күлланиши узгарди: у аёлни бегона қуздан беркитиши шарт эди.

Чачвон, чимбат (чашм банд — куз учун борич)нинг пайдо булиши дастлаб паранжи билан борлик булмаган. Юзни беркитиш Шаркда XV асрда белгиланган. Аммо бу одат азалдан мавжуд булган ва у қадими мұғул одатларидан келиб чиқкан.

XIX—XX асрнинг бошларида чачвонларни тайёрлаш билан күчманчи лулилар шуғулланар эди. Карлук узбек аёллари Сурхондарё вилояти узбекларининг желагига

ўхшаш калта чопон “курта”ни бошга ташлаб юришган. Хоразм ўзбеклари ва корақалпокларнинг “жегеде”си ни ва туркманларнинг “чирпи” ва “ёлғө”ни кийишган. Ёқалари кашта билан безатилиб, калта енгларининг учлари жияк билан тикилиб чиқиларди. Куртани қизил ва пушти рангдаги ип газмолдан килишарди.


Ўзбек аёллари кийимини ташкил этувчи кийимлардан бири бош кийимдир. Энг анъанавий бош кийим — квадрат ёки түғри тұртбурчак рұмол эди, уни турли усулларда үраш мүмкін эди. Бухорода катта учбурчак рұмол — “ридо”, Фарғонада — “қалагай”, Хоразмда — шойи “рұмол” үрашган.

Рұмоллар асосан четдан олиб келинган (Хиндистон, Афғонистон ва Россия). Бой аёллар тантана пайтда кумуш ёки олтин зар иплар билан тұқылған рұмолларни үрашарди. Кундаликда аёллар бошига ок дока, баъзан кашталған рұмолни үрашган.

Ешлар дүппи кийишарди. Қадимда аёллар дүппилар үрніга қалпоклар кийиб, уларнинг устидан рұмолларни ёки саллани үраб юришган. Аёллар қалпоғи — “култа”, “кайичиг”ни бошга ёпишиб турадиган баланд, юмшоқ гардиши билан тикиларди. Қалпокларнинг энг чүқкисида думалоқ тешик колдириларди ва ундан үрилған соchlарини чиқарып қуяр эдилар. Ҳон сарой аёллари ва бой оиласында асосан зардұзи “калта пұшак” кийишган.

XX аср бошларыда кашта қилинган дүппилар таркала бошлади.

Қадимий салла асосий бош кийим бұлған. XIX асрнинг үrtасидан бошлаб Самарқандда, XIX аср охирги чорагидан бошлаб Тошкент ва Андижон вилоятларыда аёллар саллани киймайдыган бұлди. Аксарият, аёллар саллани маҳсус бош кийим “лачак”ни устидан кийишган. Лачак юзга ёпишиб туриб, күкракни беркитарди. Лачак қозоқ ва қоракалпоқ аёлларининг бош кийими “кимешек”ка үхшайды. Асосан, лачак ип газлама “карбас”дан тикиларди. Жанубий Хоразмда лачакни кийишмасди,



154-расм. Аёллар тақинчоқлари.

саллани ўраганда бир ўрамини кўкрагига тушириб, энгагини ва юзини ўрашарди.

Бухоро атрофидаги ва Амударё қуйи қарлук аёллари "коподон", "касава" ва "шох-боши" бош кийимларни кийишган.

Ўрта Осиё аёллари тақинчоқларининг турлари хилма-хил бўлган. Тошкент, Бухоро ва Фарғона водийсида пешонага кийиладиган "тиллақошлар", Хоразмда — "осмадўзи", Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда — "тилла баргак" бўлган (154-расмлар). Бошка аёллар тақинчоқлари ҳам хилма-хил эди: узуклар, билагузуклар, сирғаллар, булоқилар ва холбиндилар; кўкрак безаклари — зебигардон, нозигардон, бўйин тумор, қўлтик тумор, синсила, тавқ, хапабанд, топиш ва бошқалар; бўйин безаклари — туф, сочпопук ва бошқалар кенг тарқалган. Безаклар турлича материаллардан ҳар хил усулда ясаларди.

Аёллар оёқ кийимлари турли бўлган. Шахар ва қишлокларда, одатдагича, маҳси кийиларди. Маҳсининг кўнжи узун бўлиб, унга иштон киргизиларди. Маҳсилар жуда юмшок, енгил ва Ўрта Осиё шароитига қулай бўлган.

Махсини устидан кавуш кийиларди. Улар чармдан қилинарди. Бойлар, одатда, ироки усулида кашталанган махси ва кавушни кийишарди. Қишида Узбекистонда ёғочдан ясалган бошмок "хаккар кавуш" ва ёғоч кавуш кийишган.

**Эркаклар костюми.** Барча ёшдаги эркаклар кийими туникасимон булган. Бу эркаклар кийимининг қадимийлигини ифодалайди. Эркаклар кийими ички ва устки, бел ва елка кийимлардан иборат (155-расм).

Қадимдан эркакларнинг ички кўйлагининг узунлиги тиззагача булган, кейинрок уни бўксасигача кискартиришди. Кўйлакнинг ёқаси икки хил булган. Фарғона водийсида ёқани тўғри тўртбурчак шаклда матонинг диагонали бўйича кирқиб, кенг томонларини бириттириб вертикал ёқа ўмизига тикишган. Кўйлакнинг иккинчи турида эса, ёқа ўмизи горизонтал қилинарди. Фарғона водийсида ва Тошкентда уни "муллавачча" деб аташарди. Ёқа ўмизининг чеккаси жияк билан тикиб чиқиларди. Кўндаланг ёқали кўйлакни Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразмда ҳам кийишган.

Фарғона ва Тошкент вилоятларида ички кўйлак "яхтак" кенг тарқалганди. Уни ип матолардан (чит, буз) тикишарди. Яхтакни ёшлар ва кексалар кийишган. Бу енгил ва кулай кўйлакнинг олди очик булиб, узунлиги тиззагача ёки узунрок эди. Ёқаси зич чоклар билан қавиларди, кўкрагида битта тугма ва измага тумаланаарди.

Ички бел кийими "иштон" кенг булган. Узунлиги тупиғигача булиб, иштонбог билан маҳкамланарди. Иштонни ип газламадан тикишган. Совук пайтда жун ёки қалин ип газмолдан тикилган астарли ёки астарсиз "шимни" кийишарди; чавандозлар наматдан қилинган, овчилар — мўйна ёки жундан қилинган астарсиз "шалвар" кийишарди. Бу шалварлар Урта Осиё эркакларининг қадимий кийими булган.

Эркакларнинг устки кийими турли чопонлар эди. Уни кўйлак устидан кийишган. Чопонларнинг туникасимон бичими икки турли булган.



155-расм. Хоразм эркаклари халк кийими: 1-кўйлак; 2-кўйлак жубба; 3-иштон ва иштонборлар; 4-яктак; 5-чопон; 6-тўн; 7-турли белбоqlар; 8-чакмон.

Чопоннинг биринчи тури яхлит мато парчасидан бичиларди; тўғри ёки сал торайган енглари гавда қисмига, қўлтиғига ҳиштак (ластовица), ёнларига кийик томони билан улоклар тикиларди. Чопоннинг иккинчи турида гавда қисми икки бўлак матодан қилинарди.

Чопонларнинг икки ёнидан кесимлар қилинганди. Ёкаси, этаги ва енгиннинг учига тасма ёки жияк, кўкрагида иккита боғич тикиларди.

Чопонлар астарсиз, астарли ва рахтали қилинарди.

Фарғона водийсида, Тошкент ва Хоразмда қавилган чопонлар гавдага ёпишиб турарди. Уларни каторида Фарғона водийсида астарсиз чопон "авратүй"ни қавилган чопон устидан кийишарди.

Зарчопонларни асосан амирлар кийишган.

Кишида бадавлат эркаклар қавилган чопон устидан "чакмон", "кебанак", мўйнали "пустин"ни кийишарди. Чакмоннинг бичими чопонга нисбатан кенгрок ва эркинрок булган, ёқаси эса оркада тик булиб, олдида торайяр эди. Чакмон кўй ёки тия жунидан кўлда тўкилган матодан қилинарди. Чорвачилик билан шуғулланган ўзбеклар жун матодан қилинган чопон "кебанак" кийишган. Ўрта ва катта ёшли эркаклар қишида кўй терисидан қилинган пустин кийишган. Чопонлар ва пустинлар икки бортли булиб, чапдан ўнгга ўраларди ва белбоғсиз кийиларди. Уларни чегараларига мўйна тикиларди.

Белбоғлар (белқарс, чорси, қийиқча) маҳаллий методан квадрат шаклида қилиниб, кашталанарди. Бадавлат одамлар ва мансабдорлар духобадан қилинган зар уқали ёки ироқи усулда кашталангандек кенг камарни тақишиган. Камарларга сирланган, қора кумуш билан ишлов берилган ёки тагнишон (қадама нақш) қилинган катта тўкага қадаларди.

Кишида кийимни ип ёки ипакдан қилинган (узунлиги 11м гача) "ўрама белбоғ" билан боғлашарди.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Россиядан келган "камзол"ни шаҳарликлар кийишган. Бу олди берк тутмалангандек, тик ёқали, оркасида кесими йўқ, сюртуксимон кийим булган. Уни кўйлак устидан кийишар эди. Кишида эса унинг устидан чопон кийишарди.

XIX асрда энг кенг таркалган бош кийим дўппи (қалпоқ, каллагаш ва бошқалар) булган. У газмолдан тикилиб, одатда, ипак ёки кумуш ва зар иплар билан кашталанарди. Олдин, дўппининг шакли салла ўрашга кулай булиши учун, чўккили қилинарди, гардиши эса кенг булган.

XX асрда квадрат ёки юмалоқ тепали дүппилар пайдо бўлди. Фарғона водийсида ва Тошкентда "бодом" ва "қалампир" нақшли (чуст дүпписига ухшаш), Қашқадарёда туташ ироки кашта қилинган "гиламдуппи", Сурхондарёда "пилтадузи" дүппиларни кийишган.

Кашта қилинган дүппилар қаторида Тошкентда тўк духобадан тикилган каштасиз дүппилар кенг таркалганди.

Дүппининг яна бир тури — "шобпуш" — ип газмолдан қилиниб, машина ёки қўлда қавиларди. Уни қишида бош кийим остидан ёки кечаси ётганда кийишарди.

Руҳонийлар ва айрим аслзодалар, кексалар уч ёки тўрт киррали мато парчаларидан тикилган баланд юмалоқ бош кийим "қулоқ"ни кийишган.

Фарғона водийси қишлоқ ахолиси наматдан қилинган қирриз қалпогини, қишида эса қозокларникига ухшаш мўйнадан "тумоқ" кийишган.

Хоразмда узун мўйнали кўй терисидан қилинган катта юмалоқ ясси бош кийим "чугурма"ни кийишган.

Қишида дүппининг устидан мўйнадан қилинган, астарли юмалоқ бош кийим — "теллак" кийишган. Бухоро воҳасида мўйнадан конуссимон шаклли бош кийим кийишган. Унинг тепаси коракўлдан, чеккаси — қундуз мўйнасидан ва ичи — кўй мўйнасидан қилинарди. Фарғона водийсида ва Тошкентда қалпоклар духобадан тикилиб, чеккаси тулки, сувсар ёки барра мўйнасидан қилинарди.

Саллани ип, нимжун ёки докадан қилишарди. Ахолининг хар бир ижтимоий табақаси учун саллани ўраш усули бўлган, Бухорода эса, саллани ўрайдиган маҳсус мутахассислар бўлган.

Ишлаган пайтда ва уйда бошни салла ўрнига чорси ёки мато парчаси билан борглашарди.

XX асрга қадар саллани ўспириналар ҳам кийишганди. Қарилар салласи — оқ, ўрта ёшларники — кул ранг, ёшларники — ранг-баранг бўлган.

Эркакларнинг асосий оёқ кийими маҳси, кавуш бўлган. "Амрикон" (Америкадан келган) чармдан қилинган оёқ




156-расм. Хоразм эркакларни оёқ кийими: 1-макси; 2, 3-кавуш;  
4-орик, 5-оқ этик; 6-тейди, наматдан пайпок;  
7-9-пайпок кашталарининг намуналари.

кийимлари қимматбаҳо эди. Макси ва кавушлар қалин чармдан килинарди. Ёзда кавушнинг ўзини кийишарди.

Улардан ташқари, эркаклар баланд қунжли ва пошнали этик кийишган (156-расм).


Кишлоқда оёқ кийимлар оддийроқ бўлган: этик, “чориқ” (қунжсиз оёқ кийим), калта этик “мукки” (пошнасиз, юмшоқ ва каттиқ теридан тикилган) ёки “тавулдирриқ” (ёючдан қилинган уч оёкли), далада ишлаганда “хом кавуш” (мол ёки от хом терисидан ишланган) кийишган.




I. Дарик хитон. Антик услуб.



II. Ионик хитон. Антик услуб.



III. Котта ва камиза. Роман услуб.




@tarixchi\_kutubxononasiga

IV. Аёллар кўйлаги. Готик услуб.




V. Италиян аёллар кўйлаги. Ренессанс услуби.



VI. Италиян аёллар кўйлаги. Ренессанс услуби.



VII. Испан аёллар кўйлаги. Уйғониш услуби.



VIII. Инглиз аёллар кўйлаги. Уйғониш услуби.




IX. Француз аёллар кўйлаги. Уйғониш услуби.




X. Француз аёллар кўйлаги. Барокко услуби.




XI. Аёллар либоси. Барокко услуби.



XII. Аёллар либоси. Рококо услуби.




XIII. Аёллар либоси. Рококо услуби.



XIV. Аёллар либоси. Рококо услуби.



XV. Аёллар либоси. Рококо услуби.



XVI. Аёллар кўйлаги. Классицизм услуби.



XVII. Аёллар либоси. Ампир услуби.




ХІХ. Аїллар либоси. 20-йиллари


XVIII. Аїллар либоси. XIX асрнинг 20-йиллари



XIX. Аїллар либоси. XIX асрнинг 30-йиллари.



XX. Аёллар либоси. XIX асрнинг 50-йиллари.



XXI. Аёллар либоси. XX аср. Модерн услуби.

@tarixchi\_kutubxononasiga



XXII. Ўзбек миллий либоси.

@tarixchi\_kutubxononasiga



XXIII. Ўзбек миллий либоси.

XXIV. Ўзбек миллий либоси.



ЧАКУНДА

@tarixchi\_kutubxononasiga

## А д а б и ё т л а р

1. Мерцалова М.Н. История костюма. — М.: Искусство, 1972 г.
2. Кивалова Л., Гребенова О., Ламарова М. — Прага: Артия, 1986 г.
3. Киреева Е.В. История костюма. — М.: Просвещение, 1970 г.
4. Одежда народов Зарубежной Азии. Сборник МАЭИ т. XXXII. — Л.: Наука, 1977 г.
5. Сычев Л.П., Сычев В.Л. Китайский костюм. — М.: Восточная литература, 1975 г.
6. Костюм народов Средней Азии (под редакцией Сухаревой О.А.) — М.: Наука, 1975 г.
7. Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. — М.: Наука, 1989 г.
8. Абдуллаев Т.А., Хасанова С.А. Одежда узбеков. — Т.: Фан, 1978 г.
9. Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма. Самарканд ( 2 половина XIX—начала XX века). — М.: Наука, 1982 г.
10. Ундерова Л.В. Узбекская народная одежда конца XIX—XX вв. — Т.: Фан, 1994 г.
11. Народное искусство Узбекистана. -Т.: Издательство литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1972 г.
12. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки Искусства Средней Азии. — М.: Искусство, 1982 г.

## МУНДАРИЖА

Мукаддима .....	3
<b>Кадимий Миср костюми .....</b>	<b>5</b>
Кадимий Подшохлик костюми (милоддан олдинги 2000—2400 й.) .....	8
Ўрта Подшохлик костюми (милоддан олдинги 2400—1700 й.) .....	13
Янги Подшохлик костюми (милоддан аввалги 1580—1090 й.) .....	14
<b>Кадимий Юнон костюми .....</b>	<b>16</b>
<b>Кадимий Рим костюми .....</b>	<b>26</b>
Ўрта аср Оврупо костюми .....	33
Роман услуби костюми (IX—XIII асрлар) .....	35
Готик услуби костюми (XIII—XV аср) .....	41
Оврупо Уйлониш даврининг костюми .....	51
Италия костюми .....	52
Испания костюми .....	60
Франция костюми .....	66
Англия костюми .....	70
Олмония костюми .....	74
<b>XVII аср Оврупо костюми .....</b>	<b>80</b>
Эркаклар костюми .....	82
Биринчи давр (1600—1629 й.) .....	82
Иккинчи давр (1620—1635 й.) .....	84
Учинчи давр (1635—1643 й.) .....	85
Тўртинчи давр (1643—1660 й.) .....	86
Бешинчи давр (1660—1685 й.) .....	87
Олтинчи давр (1680—1700 й.) .....	88
Аёллар костюми .....	90
Биринчи давр (1600—1620 й.) .....	90
Иккинчи давр (1620—1635 й.) .....	92
Учинчи давр (1635—1645 й.) .....	94
Тўртинчи давр (1650—1660 й.) .....	96
Бешинчи давр (1670—1680 й.) .....	96
Олтинчи давр (1680—1690 й.) .....	97
Испания костюми .....	99
<b>XVIII аср Оврупо костюми .....</b>	<b>102</b>
XVIII аср биринчи ярми костюми .....	103
XVIII аср иккинчи ярми костюми .....	107
Буюк француз буржуа инклиби даври костюми .....	112
<b>XIX аср костюми .....</b>	<b>119</b>
Биринчи давр (1800—1815 й.) .....	120
Иккинчи давр (1815—1830 й.) .....	129
Учинчи давр (1830—1848 й.) .....	132
Тўртинчи давр (1850—1870 й.) .....	141
Бешинчи давр (1870—1880 й.) .....	146

Олтинчи давр (XIX асрнинг 90-йиллари).....	153
XX аср костюми .....	155
Биринчи давр (1900—1908 й.) .....	156
Иккинчи давр (1909—1914 й.) .....	159
Учинчи давр (1915—1918 й.) .....	165
Туртинчи давр (1919—1928 й.) .....	166
Бешинчи давр (1929—1939 й.) .....	170
Олтинчи давр (1940—1949 й.) .....	173
Еттинчи давр (1950—1960 й.) .....	176
Саккизинчи давр (1963—1980 й.) .....	178
<b>Бобил—Оссурия костюми .....</b>	<b>183</b>
<b>Форс костюми .....</b>	<b>191</b>
<b>Хинд костюми .....</b>	<b>198</b>
<b>Хитой костюми .....</b>	<b>210</b>
<b>Япония костюми .....</b>	<b>226</b>
<b>Ўрта Осиё антик костюми .....</b>	<b>243</b>
Илк ўрта аср Ўрта Осиё костюми .....	249
Кеч ўрта аср Ўрта Осиё костюми .....	261
<b>XIX—XX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек костюми .....</b>	<b>285</b>
<b>ИЛОВА .....</b>	<b>304</b>
<b>Адабиётлар .....</b>	<b>318</b>

**Ҳасанбоева Г.К, Чурсина В.А.**

## КОСТЮМ ТАРИХИ

“Ўзбекистон” нашриёти, 2002.

Рассом В. А. Чурсина

Бадний мухаррир Т. Каноатов

Техник мухаррирлар У. Ким, Т. Харитонова

Мусаххих Г. Азизова

Компьютерда тайёрловчи Е. Гильмутдинова

Теришга берилди 3.09.2001. Босишга рухсат этилди 17.04.2002.

Бичими 84x108'/<sub>2</sub>. "Antiqua" гарнитурада оффсет босма усулида

босилди. Шартли бос. т. 16.8. Нашр т. 16.72. 2000 нусхада

чоп этилди. Буюртма № 86. Бахоси шартнома асосида

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-үй.

Нашр № 169-2001.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси I-босмахонасида  
босилди. 700002, Тошкент, Сабон кӯчаси, 1-берк куч, 2 уй.

@tarixchi\_kutubxononasiga



“ЎЗБЕКИСТОН”